

# Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни миллий судларда кўриб чиқиш

Амалий қўлланма



Таркиби турли мамлакатларнинг 60 нафар етакчи судья ва юристларидан ташкил топган Халқаро юристлар комиссияси (ХЮК) миллий ва халқаро одил судлов тизимларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида ўзининг ноёб юридик тажрибасидан фойдаланиб, қонун устунлиги тамойилларига амал қилиш орқали инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоялашга хизмат қилади. ХЮК 1952 йилда яратилган. Ташкилот дунёнинг бешта қитъасида фаолият юритиб, инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳасида халқаро ҳуқуқни тобора ривожлантириш ва самарали имплементация қилиш; фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш ҳамда руд ҳокимияти ва юридик касбнинг мустақиллигини кафолатлашга интилади.

® Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни миллий судларда кўриб чиқиш — Амалий қўлланма.

© Муаллифлик ҳуқуқлари Халқаро юристлар комиссиясига тегишли, 2014 й.

© Ўзбек тилига таржима, Халқаро юристлар комиссияси, 2019

Халқаро юристлар комиссияси (ХЮК) ўз нашрларининг парчаларини унинг манбаи кўрсатиб ўтилиши ва ушбу нашрнинг иккинчи нусхаси ва унга тегишли парча манзили қуйида кўрсатилган ХЮКнинг марказий бўлимига юборилиши шарти билан босиб чиқаришга ружсат беради:

International Commission of Jurists  
P.O. Box 1270  
Rue des Buis 3 1211 Geneva 1 Switzerland/  
Швейцария

**Иқтисодий, ижтимоий ва маданий  
ҳуқуқларни миллий судларда  
кўриб чиқиш  
№ 8 Амалий қўлланма**

Ушбу қўлланма Тахмина Каримова ва Изабель Даумнинг кўмагида Сандра Ратьен томонидан ўтказилган тадқиқотлар якунларига мувофиқ тайёрланди. Юридик таҳлилни Ян Сайдерман амалга оширди.

Қўлланма матнини Алекс Конте, Брайани Поттс, Тимур Шакиров, Массимо Фриго, Даррен У Юнг, Дивья Прасат, Изабелла Ройс ва Мария Слайс таҳрир қилдилар ва унинг суд ишларини кўриб чиқиш қисмига қўшимча киритдилар.

Мазкур Қўлланма кўп жиҳатдан Кристиан Куртис томонидан тайёрланган ХЮКнинг «Судлар ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни мажбурий таъминлаш— суд тартибида кўриб чиқиш имкониятининг солиштирма тажрибаси» тадқиқотига таянади ва ушбу манбадан қатор элементларни ўзлаштириб олган.

Шунингдек ХЮК ноҳукумат ташкилотлар ходимларига ва турли мамлакатлар юристларига миннатдорчилик билдиради, чунки улар ўртоқлашган тажрибалари ва фикр-мулоҳазалари Қўлланмани тайёрлашга жиддий ёрдам берди. ХЮК Агнес Читтадини, Фил Шайнер, Михаэль Фордхам, Эдер Масьяла, Томас Масук, Азхар Качалия ва Вероника Диас де Корнехога алоҳида ташаккур билдиради. Қўлланма юқорида айтиб ўтилган инсонларнинг фикр ва тавсияларини инобатга олган ҳолда тайёрланган бўлса ҳам, улар ушбу нашрнинг мазмунига рози эканликларини билдирмайди. ХЮК қўлланманинг мазмуни учун маъсулдир.

Инглиз тилидан фарқ қиладиган бошқа тилларда келтирилган суд қарорлари мазмунининг қисқача баёни ХЮК томонидан тайёрланган норасмий таржима асосида амалга оширилган.

Ўзбек тилига таржима Тўлқин Нармирзаев ва таҳрир Дилфуза Куролова томонларидан амалга оширилган.

Ушбу нашр Европа Иттифоқининг молиявий кўмаги билан амалга оширилди. Ушбу нашрнинг таркиби фақат Халқаро юристлар комиссиясининг масъулиятидадир ва Европа Иттифоқининг қарашларини акс эттиради, деб ҳисобланиши мумкин эмас.



## МУНДАРИЖА

<b>ҚИСҚАРТМА ВА АББРЕВИАТУРАЛАР</b>	<b>2</b>
<b>1-БОБ: КИРИШ</b>	<b>5</b>
ИИМ ҳуқуқлари суд тартибида кўриб чиқилиши учун тегишли замин яратиш	6
Қўлланманинг мазмуни	8
Баён қилиш усули	9
<b>2-БОБ: ИИМ ҲУҚУҚЛАР ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ВА СУД ВА КВАЗИСУД ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ</b>	<b>11</b>
I. ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имкониятларини глобал даражада эътироф этиш нуқтаи назаридан эришилаётган тараққиёт	11
1. ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти	11
2. ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш	17
3. ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқишнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги тахлит тасаввурларни фош қилиш	18
II. Судда кўриб чиқиш имкониятидан одил судловдан баҳраманд бўлишгача	24
1. Халқаро ҳуқуқ бўйича ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг самарали воситасига эга бўлиш ва ушбу ҳуқуқлар бузилганлиги учун юзага келган зарар қопланишига бўлган ҳуқуқ	24
2. ИИМ ҳуқуқларнинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ўрни	28
3. ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда суд органларининг роли	31
III. Давлатлар ИИМ ҳуқуқларга оид халқаро мажбуриятларини бузганларини аниқлаш	32

1. Давлатларнинг халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган мажбуриятлари	32
a) Умумий мажбуриятлар	33
i) Кечиктириб бўлмайдиган мажбуриятлар; регрессни тақиқлаш	35
ii) Аста-секин амалга ошириш мажбуриятлари	37
iii) Асосий мазмун мажбуриятлари	38
iv) Камситишни тақиқлаш ва тенглик кафолатлари	43
b) Муайян мажбуриятлар	49
i) Риоя қилиш мажбурияти	53
ii) Ҳимоя қилиш мажбурияти	54
iii) Амалга ошириш мажбурияти	56
iv) Давлатларнинг ИИМ ҳуқуқлар соҳасидаги экстраҳудудий мажбуриятлари	59
2. Халқаро ҳуқуқ бўйича ИИМ ҳуқуқлар бузилиши	63
Давлат ҳаракатсизлиги натижасида ИИМ ҳуқуқлар ва ҳуқуқ бузилишларни қонуний ва регулятив ифодалаш	63
a) Давлат ҳаракатлари натижасида ҳуқуқлар бузилиши	66
i) Мажбурий кўчириб юбориш ва тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи	66
ii) Маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи:	68
iii) Таълим олиш ҳуқуқи:	69
iv) Овқатланиш ҳуқуқи:	69
v) Соғлом бўлиш ҳуқуқи:	69

vi) Илмий, адабий ёки бадиий асарлар туфайли пайдо бўладиган моддий ва номоддий ҳуқуқларни ҳимоя қилишдан фойдаланиш ҳуқуқи:	70
vii) Ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи:	70
viii) Сувдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи:	71
ix) Меҳнат қилиш ҳуқуқи:	71
b) Ҳуқуқлар бузилишига оид бошқа аломатлар	72
<b>3-БОБ: СУДДА ИШ КЎРИШНИ ҚЎЗҒАТИШ: ЎЗ НУҚТАИ НАЗАРНИ ҲИМОЯЛАШ</b>	<b>74</b>
I. Суддаги ҳимояга оид стратегик мулоҳазалар	74
1. Жабрланганларга/ваколат берувчиларга ҳуқуқлар ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш	74
2. Қандай танлаш, қаерга мурожаат қилиш	78
II. Процессуал аспектлар	79
1. Процессуал ҳуқуқдорлик	79
а) Тарафлар роли	84
2. Бошқа процессуал мушкулликлар	85
а) Суд ва квазисуд органларидан моддий жиҳатдан фойдалана олиш	87
б) Суд жараёнида ва жабрланганлар одил судловдан баҳраманд бўла олишини таъминлашда институционал субъектларнинг роли	91
i) Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар	91
ii) Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиялар	92
3. Исботларни тақдим этиш қоидалари билан боғлиқ масалалар	93

а) ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш ва исботлаш юки	96
б) Давлат ресурслари чекланган ҳолатда ҳуқуқлар бузилганлигини аниқлаш	98
с) Исботларни тақдим этишда фойдали воситалар ва ёрдамчилар	101
<b>4-БОБ: ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВОСИТАЛАРИ ДОИРАСИДАН ТАШҚАРИДА: ТУРЛИ ЮРИСДИКЦИЯЛАРНИ ЎРГАНИШ</b>	<b>103</b>
I. Кириш	103
II. Конституциявий иш юритиш	104
III. Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва ИИМ ҳуқуқлар нуқтаи назаридан хусусий ҳуқуққа тегишлилик	109
1. Оилавий ҳуқуқ	111
2. Меҳнат ҳуқуқи	113
3. Ғайриқонуний ҳаракат (деликт) ҳуқуқи (умумий ҳуқуқ ва тартибот ҳуқуқи)	125
IV. Жиноий ишлар бўйича судлар	128
V. Маъмурий ишлар бўйича судлар	130
VI. Болалар ва вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар	131
VII. Экологик ҳуқуқ	134
VIII. Ҳуқуқий ҳимоянинг халқаро воситалари	140
<b>5-БОБ: ИИМ ҲУҚУҚЛАРНИ МИЛЛИЙ СУДЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИШДА СУД НАЗОРАТИНИНГ СТАНДАРТЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ</b>	<b>147</b>
I. Умумий конституциявий тамойилларга амал қилиниши юзасидан назорат	148
1. Қонуний умидлар	148

2. Қонуннинг қарама-қарши таъсирини тақиқлаш	151
II. Камситишни тақиқлаш ва тенглик	152
1. Ногирон шахсларни камситиш тўғрисидаги ишлар	153
2. Гендер жиҳатдан камситиш тўғрисидаги ишлар	158
3. Чинакам тенглик ҳақидаги иш	159
4. Шаҳвоний йўналганлик ва гендер ўхшашлик белгиси бўйича камситиш тўғрисидаги ишлар	161
5. Фуқаро бўлмаганлар/мигрантларни камситиш тўғрисидаги ишлар	164
III. Мақсадга мувофиқлик	167
1. ИИМ ҳуқуқлар бўйича суд жараёни доирасида мақсадга мувофиқлик	167
2. Оқилона заруратни баҳолаш мезонларидан фойдаланиш: турли юрисдикцияларда амалиёт хусусиятлари	169
IV. Мутаносиблик	174
V. Процессуал адолат ва қонуний жараёнлар	176
VI. Инсон қадр-қиммати	179
VII. Ҳаёт кечирининг энг паст даражаси (Existenzminimum)	180
VIII. Ихтиёрга бериш чегаралари	182
<b>6-БОБ: ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ</b>	<b>186</b>
I. Ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг ҳар хил турлари	186
1. Тузатиб бўлмайдиган зарар етказмаслик	187
2. Ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг турлари	188

II. Қарорларни ижро этиш/мониторинг	194
1. Суд қарорлари ижро этилмаган ҳолатларда ҳимоя қилиш воситалари	194
2. Суд буйруқлари ижросини мониторинг қилиш	197
<b>1 ИЛОВА: ИШЛАР РЎЙХАТИ</b>	<b>201</b>
I. Миллий судлар	201
Америка Қўшма Штатлари	201
Аргентина	202
Бенин	202
Болгария	202
Ботсвана	202
Бразилия	202
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги	203
Гватемала	203
Германия	203
Гонконг	203
Дания	203
ЖАР	203
Исроил	204
Италия	204
Канада	205
Кения	205
Колумбия	205
Латвия	205
Марокаш	206
Мексика	206

Миср	206
Озарбайжон	206
Россия Федерацияси	206
Сальвадор	206
Свазиленд	207
Уганда	207
Фижи	207
Франция	207
Ҳиндистон	207
II. Халқаро судлар ва шартномали органлар	208
БМТ механизмлари	208
Минтақавий механизмлар	208
<b>2 ИЛОВА: ВОСИТАЛАР</b>	<b>211</b>
I. БМТ ҳужжатлари ва механизмларига ҳаволалар	211
Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномали органлар	211
Махсус таомиллар	211
БМТ ИҲОКБ	212
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (FAO)	212
II. Халқаро назарий нашрлар ва эксперт ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар	212
III. Маълумотлар базаларига ҳаволалар	213
Халқаро/универсал	213
Минтақавий	213
IV. Суд жараёнида ёрдам бериш учун фойдали ресурслар ва алоқалар	214
Стратегик суд ҳимояси бўйича ресурслар	214

БМТ шартномали органлари тўғрисидаги маълумот	214
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий тизим тўғрисидаги маълумот	214
Суд жараёнини тайёрлаш ва кузатиб боришда ёрдам таклиф қилаётган университетлар қошидаги юридик клиникалар	215
V. НҲТларнинг ИИМ ҳуқуқлар соҳасидаги фаолиятига ҳаволалар	216
ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти	216
Одил судловдан баҳраманд бўлиш	216
ИИМҲХПга Факультатив протокол	216
ИИМ ҳуқуқлар ва адвокатлар роли	217
Ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ва зарарни қоплаш ҳуқуқи	217
Миграция	217
Жинсий ориентация ва гендер ўхшашлик белгиси бўйича камситиш (SOGI)	217
Мониторинг	218
Ҳуқуқларни бузиш ҳолатларини рўйхатга олиш	218
Суд жараёнларини олиб борадиган НҲТлар учун техник восита	218
Экстраҳудудий мажбуриятлар	218
VI. ИИМ ҳуқуқлар масалалари бўйича илмий нашрларга ҳаволалар	218
Асосий (фундаментал) ресурс: ҳуқуқлар доираси	218
ИИМҲХП бўйича мажбуриятлар	218

ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти ва уларни судда ҳимоя қилиш	218
Мақсадга мувофиқлик ва ресурсларни сарфлаш даражаси	221
ИИМ ҳуқуқлар нуқтаи назаридан жиноий ҳуқуқнинг тегишлилиги	221
Давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятлари	221
<b>3-ИЛОВА: УЧ МААСТРИХТ ЭКСПЕРТ ҲУЖЖАТЛАРИ</b>	<b>223</b>
I. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактни амалга ошириш бўйича Лимбург тамойиллари	223
Кириш	223
I ҚИСМ. ИШТИРОКЧИ-ДАВЛАТЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ ТУСИ ВА МИҚЁСИ	224
A. Умумий мулоҳазалар	224
B. Пактнинг айнан II қисмига тааллуқли талқин тамойиллари	226
2-модданинг 1-банди: «Барча тегишли усуллар ёрдамида... чораларни... кўриш, шу жумладан, қонунчилик чораларини қабул қилиш».	226
«Ҳуқуқларнинг аста-секин тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш»	226
«Мавжуд ресурсларнинг максимал чегараларида»	227
«Якка тартибда ҳамда халқаро ёрдам ва ҳамкорлик тартибида, хусусан, иқтисодий ва техник соҳаларда»	227
2-модданинг 2-банди: Камситмаслик	228

2-модданинг 2-банди: Ривожланаётган мамлакатларда фуқаро бўлмаган шахслар	229
3-модда: Эркактлар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар	229
4-модда: Чекловлар	230
«Қонун билан белгиланадиган»	230
«Умумий фаровонликка кўмаклашмоқ»	230
«Демократик жамиятда»	230
«Кўрсатилган ҳуқуқлар моҳиятига мос»	231
5-модда	231
C. Пактнинг III қисмига бевосита тааллуқли бўлган талқин тамойиллари	231
8-модда:	231
«Қонунда кўзда тутилган»	231
«Демократик жамият учун зарур бўлган»	232
«Миллий хавфсизлик»	232
«Жамоат тартиби»	232
«Бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинларини»	233
D. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг бузилиши	233
II ҚИСМ. ИШТИРОКЧИ-ДАВЛАТЛАР МАЪРУЗАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ПАКТНИНГ IV ҚИСМИГА МУВОФИҚ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК	234
A. Иштирокчи-давлатлар томонидан маърузаларни тайёрлаш ва тақдим этиш	234
B. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитанинг роли	236

С. Қўмитанинг ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа халқаро органлар билан ўзаро муносабатлари	237
II. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига оид Маастрихт раҳбарлик тамойиллари	240
I. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар аҳамияти	240
II. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузулишининг мазмуни	242
Ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбурияти	242
Феъл-атвор мажбурияти ва натижа мажбурияти	242
Ҳаракатлар эркинлиги даражаси	243
Асосий минимал мажбуриятлар	243
Ресурслар мавжудлиги	244
Давлат сиёсати	244
Гендер жиҳатдан камситиш	244
Мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаслик	244
Ҳаракатлар сабабли ҳуқуқларни бузиш	245
Ҳаракатсизлик сабабли ҳуқуқларни бузиш	246
III. Ҳуқуқлар бузилиши учун жавобгарлик	247
Давлат жавобгарлиги	247
Хорижий ҳукмронлик ёки истило қилиш	247
Нодавлат субъектлар ҳаракатлари	247
Халқаро ташкилотлар ҳаракатлари	247

IV. Ҳуқуқлар бузилиши қурбонлари	248
Алоҳида шахслар ва гуруҳлар	248
Жиноий санкциялар	248
V. Ҳуқуқий ҳимоя воситалари ва ҳуқуқлар бузилишига муносабат билдиришнинг бошқа шакллари	249
Ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан баҳраманд бўлиш	249
Зарарни мос даражада қоплаш	249
Ҳуқуқларни бузишга расмий рухсат берилишини тақиқлаш	249
Миллий муассасалар	249
Халқаро шартномалардан миллий даражада фойдаланиш	249
Жазоланмаслик	250
Юристлар роли	250
Махсус маърузачилар	250
Янги стандартлар	250
Факультатив протоколлар	250
Ҳуқуқ бузилиши ҳолатларини рўйхатга олиш ва мониторинг қилиш	251
III. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятларига тегишли Маастрихт амойиллари	252
Преамбула (кириш)	252
I. Умумий тамойиллар	253
II. Давлатлар экстраҳудудий мажбуриятларининг таъсир доираси	254
III. Риоя қилиш мажбурияти	257

IV. Ҳимоя қилиш мажбуриятлари	258
V. Амалга ошириш мажбуриятлари	260
VI. Ҳисобдорлик ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари	262
VII. Яқуний қоидалар	264

## ҚИСҚАРТМА ВА АББРЕВИАТУРАЛАР

<b>АКБХК (МКЛДЖ)</b>	<i>Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Халқаро конвенция</i>
<b>АКТХК-ФП (ФП-МКЛДЖ)</b>	<i>Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияга Факультатив протокол</i>
<b>АҚШ (США)</b>	<i>Америка Қўшма Штатлари</i>
<b>БМТ (ООН)</b>	<i>Бирлашган Миллатлар Ташкилоти</i>
<b>БМТ АКБҚ (КЛДЖ ООН)</b>	<i>БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича Қўмитаси</i>
<b>БМТ БХҚ (КПР ООН)</b>	<i>БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси</i>
<b>БМТ ИИМХҚ (КЭСКП ООН)</b>	<i>БМТнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитаси</i>
<b>БМТ ИКБҚ (КЛРД ООН)</b>	<i>БМТнинг ирқий камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича Қўмитаси</i>
<b>БМТ ИХҚ (КПЧ ООН)</b>	<i>БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси</i>
<b>БМТ ҚҚҚ (КПП ООН)</b>	<i>БМТнинг қийноқларга қарши Қўмитаси</i>
<b>БМТ НХҚ (КПИ ООН)</b>	<i>БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси</i>
<b>БХХК (МКПР)</b>	<i>Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенция</i>
<b>БХХК-ФП (ФП-МКПР)</b>	<i>Мурожаатлар таомилига тегишли бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенцияга Факультатив протокол</i>
<b>ЗЙХК (МКНИ)</b>	<i>Барча шахсларни зўравонлик билан йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция</i>
<b>ИИМ ҳуқуқлар (ЭСК права)</b>	<i>Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар</i>

<b>ИИМҲХП (МПЭСКП)</b>	<i>Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт</i>
<b>ИИМҲХП-ФП (ФП-МПЭСКП)</b>	<i>Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга Факультатив протокол</i>
<b>ИКБХК (МКЛРД)</b>	<i>Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Халқаро конвенция</i>
<b>ИХҲАХ (АХПЧН)</b>	<i>Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси</i>
<b>ИҲАК (АКПЧ)</b>	<i>Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси</i>
<b>ИҲЕК (ЕКПЧ)</b>	<i>Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси</i>
<b>ИҲЕС (ЕСПЧ)</b>	<i>Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди</i>
<b>ИҲУД (ВДПЧ)</b>	<i>Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси</i>
<b>ҚҚХК (МКПП)</b>	<i>Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазолашларга қарши Халқаро конвенция</i>
<b>ММҲХК (МКПТМ)</b>	<i>Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция</i>
<b>НҲХК (МКПИ)</b>	<i>Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенция</i>
<b>НҲХК-ФП (ФП-МКПИ)</b>	<i>Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенцияга Факультатив протокол</i>
<b>УТМ (ЗОП)</b>	<i>Умумий тартибдаги мулоҳазалар</i>
<b>ФСҲХП (МПГПП)</b>	<i>Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт</i>
<b>ФСҲХП-ФП (ФП-МПГПП)</b>	<i>Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга Биринчи Факультатив протокол</i>
<b>ХМТ (МОТ)</b>	<i>Халқаро меҳнат ташкилоти</i>
<b>ХССТ (МОЗ)</b>	<i>Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти</i>
<b>ХЮК (МКЮ)</b>	<i>Халқаро юристлар комиссияси</i>



## 1-БОБ: КИРИШ

Ушбу Қўлланма иккита мақсадни кўзлайди. Биринчидан, мазкур нашр иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар<sup>1</sup> тўлиқ ҳажмда суд ва квазисуд органларининг ҳимояси томонидан қўлланилишини эслатиш ҳамда одамлар турли юрисдикцияларда бундай ҳимояга қандай эришганларини намойиш қилиш учун мўлжалланган. Шу мақсадда Қўлланмада ХЮКнинг *Судлар ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни мажбурий таъминлаш—суд тартибида кўриб чиқиш имкониятининг солиштирма тажрибаси* (шу жойда ва кейинги матнда—«ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти») деб номланган нашрининг янги таҳрири тақдим этилган<sup>2</sup>. Шундай қилиб, Қўлланма кўп жиҳатдан ХЮКнинг аввалги тадқиқотига таянади, лекин бу соҳадаги энг янги суд амалиётини ҳам қамраб олади<sup>3</sup>. Иккинчидан, Қўлланмада нафақат бу борадаги ишларнинг жорий аҳволи манзараси келтирилган, балки тегишли маълумотлар амалиётчи юристлар улардан, айниқса, миллий даражада фойдаланишлари мумкин бўлган шаклда тақдим этилган. Шу мақсадда Қўлланма ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш ҳамда матннинг турли компонентлари ва парчаларидан фойдаланиш жараёнини осонлаштирадиган мослашувчан электрон шаклда тақдим этилади, бу эса, айниқса, ўқув мақсадларида қўллашда долзарб ҳисобланади. Унда муҳим ташқи манбаларга, шу жумладан суд қарорларининг маълумотлар базасига ҳаволалар келтирилган. Шундай мослашувчанлик билан бир қаторда, бу Қўлланмани мантиқан яқун топган мустақил нашр шаклида босиб чиқаришга имкон яратади.

<sup>1</sup> ХЮКнинг «Судлар ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни мажбурий таъминлаш—суд тартибида кўриб чиқиш имкониятининг солиштирма тажрибаси» (шу жойда ва кейинги матнда—«ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти») нашрида кўрсатилганига мувофиқ «иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар» («ИИМ ҳуқуқлар») атамаси ушбу Қўлланмада ишлатилишининг сабаби шундаки, у *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда* (ИИМҲҲП) ва инсон ҳуқуқлари соҳасига оид бошқа универсал ҳужжатлар матнида қўлланилган, чунки бу атама инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқда умумий қабул қилинган ҳисобланади. Қатор конституцион анъаналарда кўпинча «ижтимоий ҳуқуқлар», «ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар», «асосий ижтимоий ҳуқуқлар», «ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқ» ёки «ижтимоий таъминот элементлари» каби бошқа атамалар қўлланилади. Умумий ҳуқуқ тизимида тааллуқли бўлган қатор юрисдикцияларда ИИМ ҳуқуқларни «асосий» ёки «конституцион» сифатида эътироф этишни истамаслик кузатилишига қарамастан, бу мавжуд ҳолатни ўзгартира олмайди: бундай ҳуқуқларнинг бир қатори аллақачон қонунчилик даражасида, баъзан эса—миллий конституцияларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

<sup>2</sup> Маъруза 2008 йилда «Инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлиги» туркумида босиб чиқарилган, 2-жилд, куйидаги ҳаволада кўринг: <https://www.icj.org/courts-and-the-legal-enforcement-of-economic-social-and-cultural-rights/>.

<sup>3</sup> Инглиз тилидан фарқ қиладиган бошқа тилларда келтирилган суд қарорлари мазмунининг қисқача баёни ХЮК томонидан тайёрланган норасмий таржима асосида амалга оширилган.

Ушбу Қўлланма ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти билан бир қаторда, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протоколга оид ХЮК шарҳига<sup>4</sup> ва тенг равишда унинг турли мамлакатлардаги иш тажрибасига ҳам таянади. Хусусан, Қўлланма одил судловни ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлишни таҳлил қилиш ҳамда ИИМ ҳуқуқлари бузилиши натижасида жабрланган шахслар учун ҳуқуқий ҳимоя воситалари мавжудлиги ва самарадорлигига қаратилган иккита жа-раёнга (Марокашда ва Сальвадорда) асосланади<sup>5</sup>. Шу билан бирга мазкур Қўлланма муаллифлари ХЮКнинг бизнес ва инсон ҳуқуқлари масалалари ҳамда аёлларга оид инсон ҳуқуқлари борасидаги Дастурлари ушбу нашрни тайёрлашга муҳим ҳисса қўшганлигини таъкидлайдилар<sup>6</sup>.

Мазкур нашрни тайёрлашда турли мамлакатлар ва ҳуқуқий анъаналарни ифодалайдиган амалиётчи юристларнинг билим ва тажрибаларидан фойдаланиб, улар билан қатор маслаҳатлар ўтказилганлиги муҳим аҳамият касб этди.

## **ИИМ ҳуқуқлари суд тартибида кўриб чиқилиши учун тегишли замин яратиш**

Ўз вақтида ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протоколни (ИИМҲХП-ФП) тайёрлаш ва қабул қилиш зарурати тўғрисидаги мунозарага сезиларли ҳисса қўшди<sup>7</sup>. Ўшанда ИИМ ҳуқуқлари ва уларнинг суд тартибида кўриб чиқилиши мумкин бўлган юридик ҳуқуқлар сифатидаги табиати оид маълум тахлитли тасаввурлар ва нотўғри тушунчаларни йўқ қилиш ҳамда у билан боғлиқ масалаларни суд тартибида кўриб чиқиш нафақат мақсадга мувофиқ ва мумкин, балки бу аллақачон барча

<sup>4</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протоколга оид ХЮК шарҳи, ХЮК ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро институтининг қўшма нашри сифатида инглиз, испан ва француз тилларида 2010 йилда чоп этилган: <http://www.icj.org/comentario-del-protocolo-facultativo-del-pacto-internacional-de-derechos-economicos-sociales-y-culturales-commentary-to-the-optional-protocol-on-economic-social-and-cultural-rights/>.

<sup>5</sup> Мамлакатларга оид иккита тадқиқотдан француз/араб ва испан тилларида баҳраманд бўлиш мумкин: <http://www.icj.org/new-icj-study-on-access-to-justice-for-economic-social-and-cultural-rights-in-morocco/>, ва <http://www.icj.org/new-icj-study-analyses-obstacles-preventing-salvadorians-to-access-justice-effectively/>.

<sup>6</sup> ХЮКнинг турли дастурлари доирасида одил судловга эришиш масаласи юзасидан мамлакатларга оид тадқиқотларни қўйидаги ҳаволада кўринг: <http://www.icj.org/category/publications/access-to-justice-human-rights-abuses-involving-corporations/>.

<sup>7</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол (2008 йил 10 декабрда қабул қилинган, 2013 йил 5 майда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/63/117 (шу жойда ва кейинги матнда — ИИМҲХП-ФП).

мамлакатларнинг суд ва квазисуд органлари томонидан амалга оширилаётганлигини кўрсатиш муҳим бўлган. ИИМҲХП-ФП бўйича ҳукуматлараро музокаралар давомида индивидуал ва давлатлараро мурожаат таомилларини яратиш тўғрисидаги масаласини ҳал қилишда бир қатор давлатлар ИИМ ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган масалаларни суд тартибида кўриб чиқиш мумкинлигини эътироф этишдан бош тортишни давом эттирганлари сабабли мазкур лойиҳа янада аҳамиятли бўлди.

2008 йил 10 декабрда БМТ Бош ассамблеяси ИИМҲХП-ФПни бир овоздан (овоз беришсиз) қабул қилди<sup>8</sup> ва бу ИИМ ҳуқуқлар суд тартибида кўриб чиқилиши мумкинлигини эътироф этиш ва тасдиқлаш жараёнида муҳим бурилиш ясади. Ушбу Протокол 2013 йил 5 майда кучга кирди ва ҳозирги вақтда унинг иштирокчилари ҳисобланган давлатлар учун мажбурий кучга эга<sup>9</sup>.

Бугунги кунда ИИМ ҳуқуқларга дахл қилувчи катта сонли ишлар аллақачон суд тартибида кўриб чиқилганлигини ва бундай тенденция тобора кучайиб бораётганлигини эътироф этиш лозим. Бундай ишлар ҳар хил ҳуқуқий тизимларни ифодаловчи турли мамлакатлар ва минтақалар юрисдикцияларида кўриб чиқилади. Шунингдек, ИИМ ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган суд амалиётининг катта қисми узоқ вақт меҳнат ҳуқуқларига йўналган бўлса ҳам, барча ИИМ ҳуқуқлар ҳам ижобий, ҳам салбий мажбуриятлар нуқтаи назаридан судда кўриб чиқиш предметиға айланиб бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Шубҳасизки, ИИМ ҳуқуқлари бузилган жабрланган шахслар учун суд ва квазисуд органларида шикоятлари кўриб чиқилиши кўпинча адолатга ва зарар қопланишиға эришишнинг давомли, қимматга тушадиган ва мураккаб усули ҳисобланади. ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш учун иштирок, шаффофлик ва ҳисобдорлик каби инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилдиган ва ижро этиладиган стратегик сиёсатни яратиш бўйича давлат иродаси зарур. Шундай бўлса-да, юридик мезонларни тушунтириш йўли билан тегишли стратегик қарорларни шакллантириш ва тайёрлаш жараёнида суд ва квазисуд органлари муҳим рол ўйнашлари мумкин ва ўйнайдилар ҳам, чунки бундай стратегик қарорлар айнан юридик мезонларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши даркор. Бундан ташқари, суд ва квазисуд органлари бутун дунёда жабрланганлар ҳуқуқларини амалга ошириш учун ўта зарур бўлган прецедент (ўхшаш) ҳолатларни яратдилар.

<sup>8</sup> Шу ернинг ўзида.

<sup>9</sup> 2014 йил 30 июль ҳолатиға кўра 15 мамлакат ИИМҲХП-ФПға қўшилган ва 45 мамлакат ҳужжатни имзолаган. Ушбу ҳужжатни ратификация қилган ва унга қўшилган давлатлар тўғрисидаги долзарб маълумотларни куйидаги ҳавола бўйича кўринг: [https://treaties.un.org/pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg\\_no=IV-3-a&chapter=4&lang=en&clang=\\_en](https://treaties.un.org/pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=IV-3-a&chapter=4&lang=en&clang=_en).

## Қўлланманинг мазмуни

---

Кўрсатиб ўтилган мақсадларга эришиш учун ўхшаш шароитларда Қўлланма таркиби кўп жиҳатдан судга шикот узатиш жараёнининг асосий босқичлари изчиллигини акс эттиради. Таянч нуқтаси сифатида ИИМ ҳуқуқларига тегишли бўлган халқаро-ҳуқуқий стандартлар қўлланади. Қўлланма муаллифлари миллий юрисдикцияларга мурожаат қилаётганда, турли мамлакатларнинг суд ва квазисуд органлари мазкур стандартларни қандай қилиб бевосита ёки билвосита ижро қилишларини тадқиқ қиладилар. Шу билан бирга Қўлланма суд ёки квазисуд органлари томонидан амалга ошириладиган конституциявий ёки конвенциявий обзорнинг анъанавий доираларидан чиқиб кетди ва ИИМ ҳуқуқларнинг меъёрий мазмунларининг турли элементларини ўзгартириш йўли билан йўл қўйилган бузилишлар тузатилишини таъминлаш учун уларнинг судлови остига тушадиган доираларда судлар ёки шунга ўхшаш органлар ўйнаши мумкин бўлган ролни тадқиқ этади. Муаллифлар шунга ишонадиларки, ҳатто умумий ҳуқуқ тизимига мансуб бўлмаган ва суд амалиёти назорат воситаси бўлмаслиги мумкин бўлган мамлакатларда ҳам амалиётчи юристлар бевосита ёки ўхшаш ҳолатда, қайси юрисдикцияда ишлаётганларидан қатъи назар, Қўлланмада ифодаланган концепция ва прецедент (ўхшаш) ҳолатлардан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Қўлланма ИИМ ҳуқуқларга дахл қиладиган суд ишларини ифодалайдиган юристлар учун ҳам, бундай ишларни кўриб чиқадиган судьялар учун ҳам мўлжалланган бўлишига қарамасдан, унинг айрим бўлимлари, муайян бўлим қандай масалага бағишланганлигига қараб, аниқ бир мақсадли гуруҳ учун бирмунча фойдалироқ бўлади. Шунга қарамай, муаллифлар умид қиладиларки, Қўлланма, умуман олганда, ўз миллий тизимида ва унинг ташқарисида ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва ижро этиш учун судда иш кўриш ва суд таомилларидан фойдаланишни кенгайтиришга ёрдам бериш истагида бўлган барча инсонларни қизиқтириб қолади.

Умумий манзарани ифодалаш учун «Халқаро ҳуқуқ бўйича ИИМ ҳуқуқлари ва судлар роли» деб номланган 2-Бобда халқаро ҳуқуқ бўйича ИИМ ҳуқуқлар, уларни суд тартибида кўриб чиқиш имкониятлари ҳамда айтиб ўтилган контекстда самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаси тўғрисидаги асосий маълумотлар обзори келтирилган.

«Ишни судда кўриб чиқишни қўзғатиш — шикоят тайёрлаш» деб номланган 3-Бобда амалиётчи юристлар ва адвокатлар ўзлари ифодалайдиган ёки ҳимоя қиладиган қонуний ҳуқуққа эга бўлган шахслар манфаатларида ишни судда кўриб чиқишни қўзғатишдан олдин ёки шу жараёнда ҳисобга олишлари лозим бўлган масалалар ўрганиб чиқилади.

«Ҳуқуқий ҳимоянинг конституциявий воситалари доирасидан ташқарида: турли юрисдикцияларни тадқиқ қилиб» деб номланган 4-Бобда келгусида амалиётчи юристлар томонидан ўрганилиши мумкин бўлган турли юрисдикциялар қонунчилигининг солиштирма обзори тақдим этилган. Унда ҳуқуқнинг турли, шу жумладан фуқаролик ва жиноий тармоқларининг ИИМ ҳуқуқларга муносабати ҳамда ҳуқуқнинг ушбу тармоқларида кўзда тутилган ҳуқуқий ҳимоя воситалари қандай қилиб жабрланганларга бирор йўл билан вазиятни тўғрилаш ва ИИМ ҳуқуқлар бузилган ҳолда зарар қопланишига эришишга ёрдам бериши мумкинлиги масаласи ўрганилади.

«ИИМ ҳуқуқларни миллий судларда кўриб чиқишда суд назоратининг стандартлари ва услублари» деб номланган 5-Бобда суд амалиётининг мисоллари келтирилади. Улар ИИМ ҳуқуқлар бузилиши масаласи юзасидан қарор чиқариш зарурати билан тўқнашган судьялар томонидан турли стандартлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

«Ҳуқуқий ҳимоя воситалари ва қарорлар ижроси» деб номланган 6-Бобда ҳуқуқий ҳимоя воситалари ва суд қарорларини ижро этиш муаммоси ўрганилади.

## **Баён қилиш усули**

---

Қўлланманинг ҳар бир боби ва бўлимида ИИМ ҳуқуқларни, назарий қоидалардан бошлаб амалий ҳуқуқий масалаларгача суд тартибида кўриб чиқишнинг асосий яқунлари сарҳисоб қилинган. Зарур бўлса, миллий даражада амалиёт билан шуғулланаётган ва ИИМ ҳуқуқлари тахминий бузилишлари юзасидан суд ва квазисуд органларига ариза узатишдан манфаатдор бўлган юристлар учун фойдали манбалар ва воситаларга ҳаволалар келтирилган.

Қўлланмада келтирилган суд амалиётини<sup>10</sup> ва турли мамлакатларнинг солиштирма тажрибасини илҳомланиш мисоли ва манбаи сифатида кўриш лозим. Улар бутунлай мукамал ҳисобланмайди ва ушбу Қўлланманинг охирида келтирилган суд қарорлари базаларининг марказлашувини қувватлайдиган ва таъминлайдиган бошқа органларнинг бебаҳо ҳиссаларини бекор қилмайди<sup>11</sup>. Аниғи, улар ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида ҳимоя қиладиган ёки кўриб чиқадиган юрист ва судьялар дуч келадиган асосий мушкулликларни акс эттиради. Бундан ташқари, ушбу мисоллар турли юрисдикцияларда фаолият юритувчи юристлар қандай қилиб у ёки бу ҳуқуқий масалалар нуқтаи назаридан ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулини топганларини кўрсатади.

<sup>10</sup> Ушбу Қўлланмада ишлатилган «суд амалиёти» атамаси ҳам суд қарорларини, ҳам квазисуд органларининг шарҳларини ифодалайди.

<sup>11</sup> 2-сонли Иловани кўринг, Воситалар.

Қўлланма мослашувчан шаклда тақдим этилишини инобатга олган ҳолда, айрим ҳавола ва ишлар нашрнинг турли бўлимларида келтирилган. Бунинг мақсади ҳуқуқий ҳимояни воситаларини кўриб чиқиш ёки тақдим этишнинг аниқ стандартлари каби турли масалаларни тасвирлашдан иборат. Қўлланманинг бундай шакли ва таркиби ундан фойдаланадиган инсонлар учун келтирилган маълумотлар билан танишишни янада осон ва қулай бўлишини кўзлайди.

## **2-БОБ: ИИМ ҲУҚУҚЛАР ҲАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ВА СУД ВА КВАЗИСУД ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ**

Ушбу бобда ИИМ ҳуқуқлар тўғрисидаги асосий маълумотлар ҳамда ИИМ ҳуқуқлар бузилганлиги ҳақидаги ишлар бўйича самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига бўлган ҳуқуқнинг мазмуни ва ҳуқуқий оқибатларининг қисқача обзори келтирилган. Бундан ташқари, унда давлатлар мажбуриятлари ва халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятлар бузилиши нимадан иборат бўлиши мумкинлиги масаласи яна бир бор кўриб чиқилган.

Шунингдек, ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имкониятини эътироф этиш нуқтаи назаридан маълум ривожланиш мавжудлигига қарамасдан, умумжаҳон, минтақавий ва миллий даражаларда ушбу ҳуқуқларни таъминлаш ва ҳимоялаш жараёнида суд ва квазисуд органларининг ролига нисбатан тахлит тасаввурлар ва шубҳалар ҳануз сақланиб келяпти. Мазкур бобда жабрланганларда мавжуд бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситалари йўқлиги ёки бесамаралиги билан боғлиқ бўлган ИИМ ҳуқуқлар бузилганлигини аниқлаш ва судга шикоят узатиш учун зарур бўлган далилларни амалиётчи юристларга тақдим этиш мақсадида умумий манзара тасвирланган.

### **I. ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имкониятларини глобал даражада эътироф этиш нуқтаи назаридан эришилаётган тараққиёт**

#### **1. ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти**

«Суд тартибида кўриб чиқиш имконияти» атамаси ўзларини ушбу ҳуқуқлар бузилишидан жабрланган деб ҳисоблайдиган одамлар уларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлиги эътироф этилганда мустақил ва холис органга шикоят узатишлари, ҳуқуқий ҳимоянинг тегишли воситаларига эришиш учун ҳаракат қилишлари ҳамда ҳуқуқий ҳимоянинг у ёки бу воситасини амалга оширишлари мумкинлигини ифодалайди»<sup>12</sup>.

ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш масаласи бир қатор илмий, институционал ва маърифий нашрларда аллақачон ёритилган.

ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги умумий маълумот билан батафсилроқ танишиш истагида бўлган амалиётчи юристлар қуйидаги нашрлардан (кўплаб бошқа манбалар билан бир қаторда) фойдаланишлари мумкин:

<sup>12</sup> ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти, 1-б.

### Инглиз тилида

A. Nolan, B. Porter and M. Langford, *The Justiciability of Social and Economic Rights: An Updated Appraisal* [Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти: долзарб таҳлил]. New York University center for human rights and global justice, Working Paper No. 15, 2007. Қуйидаги ҳавола бўйича: <http://www.chrgj.org/publications/docs/wp/NolanPorterLangford.pdf>.

Bruce Porter, *Justiciability of ESC Rights and The Right to Effective Remedies: Historic Challenges and New Opportunities* [ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти ва самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эга бўлиш ҳуқуқи: тарихий мушкулликлар ва янги имкониятлар], Economic, Social and Cultural Rights and the Optional Protocol to the ICESCR тўпламида [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ва ИИМҲҲПа Факультатив протокол]. Chinese Academy of Social Sciences, Beijing, 2008.

Bruce Porter and Martha Jackman, *Justiciability of Social and Economic Rights in Canada* [Канадада ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти], Malcolm Langford таҳрири остидаги тўплам, *Social Rights Jurisprudence: Emerging Trends in Comparative International Law* [Ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти: солиштирма халқаро ҳуқуқнинг долзарб тенденциялари], Cambridge University Press, Cambridge, 2008. Қуйидаги ҳавола бўйича: <http://www.socialrights.ca/domestic-political/documents/cambridge.pdf>.

Халқаро юристлар комиссияси, *Courts and the Legal Enforcement of Economic, Social and Cultural Rights. Comparative Experiences of Justiciability* [Судлар ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш. Суд тартибида кўриб чиқишнинг солиштирма тажрибаси], «Инсон ҳуқуқлари ва қонун устунлиги» туркуми. № 2. Женев, 2008. Қуйидаги ҳавола бўйича (инглиз, француз ва испан тилларида): <http://www.icj.org/courts-and-the-legal-enforcement-of-economic-social-and-cultural-rights/>.

Malcolm Langford, *Social Rights Jurisprudence: Emerging Trends in Comparative and International Law* [Ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти: солиштирма халқаро ҳуқуқнинг долзарб тенденциялари], Cambridge University Press, Cambridge, 2008.

Malcolm Langford и Aoife Nolan, *Litigating Economic, Social and Cultural Rights: Legal Practitioners Dossier* [Иқтисодий, ижти-

мой ва маданий ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш: амалиётчи юристларга доир ҳужжатлар], Center on Housing Rights and Evictions, 2006.

Malcolm Langford ва Bret Thiele таҳрири остида, *Litigation of Economic, Social and Cultural Rights: The State of Play* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш: ишлар ҳолати], The University of New South Wales Press, Sydney, 2005.

M. Langford, C. Rodriguez and J. Rossi таҳрири остида, *Making it Stick: Compliance with Social Rights Judgments in Comparative Perspective* [Қоидаларга амал қилиш: солиштирма ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларига риоя этиш], Pretoria University Law Press, Capetown, 2014.

M. Langford, B. Thiele, and J. Squires таҳрири остида, *Road to a Remedy: Current Issues in Litigation of Economic, Social and Cultural Rights* [Ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш йўли: иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни судда ҳимоя ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари], UNSW Press, Sydney, 2005. Қуйидаги ҳавола бўйича: <http://209.240.139.114/wp-content/uploads/2012/02/The-Road-to-a-Remedy.pdf>.

Sandra Liebenberg, *The protection of economic and social rights in domestic legal systems* [Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни миллий ҳуқуқий тизимларда ҳимоя қилиш], қуйидаги тўпламда: *Economic, Social and Cultural Rights: A Textbook* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар: ўқув қўлланмаси], Martinus Nijhoff Publishers, The Hague, 2001.

Sandy Liebenberg и Karrisha Pillay, *Socio-economic Rights in South Africa: A Resource Book* [Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ЖАРда: маълумотнома қўлланмаси], Community Law Centre (University of Cape Town), 2000.

### **Француз тилида**

Diane Roman, *Justiciabilité des droits sociaux: vecteurs et resistances* [Ижтимоий ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти: ривожланиш йўналишлари ва қарши туриш омиллари], Editions A. Pedone, Paris, 2012.

### **Испан тилида**

Magdalena Sepúlveda, *La justiciabilidad de los derechos económicos, sociales y culturales frente a la supuesta dicotomía entre las obligaciones impuestas por los pactos de Naciones Unidas*

[Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни БМТ пактларида кўзда тутилган мажбуриятлар ўртасидаги тахминий дихотомия нуқтаи назаридан суд тартибида кўриб чиқиш имконияти], Cantón, O. у Corcuera, S. таҳрири остидаги тўпلامда, *Derechos económicos, sociales y culturales. Ensayos y materiales* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар. Синовлар ва материаллар]. México: Universidad Iberoamericana, Porrúa, 2004, pp. 109–148.

Malcolm Langford таҳрири остида, *Teoría y jurisprudencia de los derechos sociales: Tendencias incipientes en el derecho internacional y comparado* [Ижтимоий ҳуқуқлар назарияси ва суд амалиёти: Халқаро ҳуқуқ ва солиштирма ҳуқуқшуносликнинг долзарб тенденциялари], Universidad de los Andes and Siglo del Hombre Editores, Bogotá, 2012.

Martín Abregú и Christian Courtis таҳрири остида, *La aplicación de los tratados sobre derechos humanos por los tribunales locales* [Инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий судларда қўллаш], Editores del Puerto, 2004.

Victor Abramovich ва Christian Courtis, *Derechos sociales: instrucciones de uso* [Ижтимоий ҳуқуқлар: қўллаш бўйича йўриқнома], Fontamara, 2003.

Victor Abramovich ва Christian Courtis, *El umbral de la ciudadanía: el significado de los derechos sociales en el Estado social constitucional* [Фуқароликнинг тескари томони: ижтимоий ҳуқуқларнинг ижтимоий конституциявий давлатдаги аҳамияти], Editores del Puerto, 2006.

V. Abramovich, C. Courtis ва L. Ferrajoli, *Los derechos sociales como derechos exigibles* [Ижтимоий ҳуқуқлар суд тартибида кўриб чиқилиши мумкин бўлган ҳуқуқлар сифатида], Vol. 2, Trotta, Madrid, 2002.

Юқорида айтиб ўтилган нашрларда келтирилган таҳлилларни тасвирлаб ўтирмаймиз, лекин ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида мажбурий таъминлашга қарши бўлган тахлитли тасаввурлар ва асосий эътирозларнинг асоссиз эканлигини намойиш қилиш мақсадида уларни таъкидлаб ўтиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Бундай эътирозлар ҳам миллий, ҳам халқаро даражаларда маълум оқибатларга олиб келган. Салбий таъсир бир вақтда иккала даражада кузатилганда, бу вазиятни янада мураккаблаштириб, кўпгина суд ва квазисуд органларига ИИМ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва барча инсон ҳуқуқлари бузилганлигидан жабрланганлар учун самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан кафолатли баҳраманд бўлишни таъминлаш борасида иккиланган ролини тегишли даражада бажаришга имкон бермаган.

*ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти* нашрида айтиб ўтилганидек, тегишли мунозара ИИМ ҳуқуқлари бузилиши юзасидан миллий даражада судларга шикоят узатиш учун суд таомилларидан фойдаланишни жиддий чеклаб қўйди; шу аснода ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш вазифаси суд органларига эмас, деярли бутунлай сиёсий органларга ишониб топширилди<sup>13</sup>.

Халқаро даражада тахлитли тасаввурлар ва турли тўсиқлар кўп йиллар давомида БМТнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитасига (ИИМҲҚ) *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол* (ИИМҲХП-ФП) шаклида мурожаат қилиш таомилини яратишга тўсқинлик қилди<sup>14</sup>.

1966 йилда инсон ҳуқуқлари соҳасида *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг* (ИХУД) кўпгина қоидаларини мустаҳкамлайдиган ва тўлдирадиган иккита умумий халқаро-ҳуқуқий шартнома қабул қилинди — *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт* (ФСХХП) ва *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт* (ИИМҲХП). ФСХХП билан бир вақтда индивидуал мурожаат (шикоят) қилиш механизми қабул қилиниб, бугунги кунда 115 давлат унинг иштирокчиси ҳисобланади<sup>15</sup>. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги яна бир қатор муҳим шартномаларга қўшимча факультатив қоидалар ёки алоҳида факультатив протоколлар кўринишидаги мурожаат қилиш таомиллари қабул қилинди<sup>16</sup>.

<sup>13</sup> *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти*. 2-б.

<sup>14</sup> *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол* (2008 йил 10 декабрда қабул қилинган, 2013 йил 5 майда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/63/117 (шу жойда ва кейинги матнда — ИИМҲХП-ФП).

<sup>15</sup> *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Биринчи Факультатив протокол* (1966 йил 16 декабрда қабул қилинган, 1976 йил 23 мартда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/6316 (шу жойда ва кейинги матнда — ФСХХП-ФП).

<sup>16</sup> *Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга Факультатив протокол* (1999 йил 10 декабрда қабул қилинган, 2000 йил 20 декабрда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/54/49 (I жилд) (шу жойда ва кейинги матнда — АКТХК-ФП); *Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияга Факультатив протокол* (2006 йил 13 декабрда қабул қилинган, 2008 йил 3 майда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/61/106 (шу жойда ва кейинги матнда — НҲХК-ФП); *Барча шахсларни зўравонлик билан йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция* (2006 йил 20 декабрда қабул қилинган, 2010 йил 23 декабрда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/61/177 (шу жойда ва кейинги матнда — ЗЙК), 31-модда; *Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазолашларга қарши халқаро конвенция* (1984 йил 10 декабрда қабул қилинган, 1987 йил 26 июнда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/39/51 (шу жойда ва кейинги матнда — ҚҲХК), 22-модда; *Ирқий камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция* (1966 йил 7 мартда қабул қилинган, 1969 йил 4 январда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/6014 (шу жойда ва кейинги матнда — ИКБХК), 14-модда; *Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция* (индивидуал мурожаатлар механизми ҳали кучга кирмаган) (1990 йил 18 декабрда қабул қилинган, 2003 йил 1 июлда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/45/158 (шу жойда ва кейинги матнда — ММХК), 77-модда.

Лекин ИИМХХП-ФПга нисбатан ўхшаш ҳимоя қилиш механизми 2008 йил 10 декабрдагина қабул қилинди. Ва 2013 йил 5 майдагина, Факультатив протокол ратификация қилинганлиги тўғрисидаги 10-чи ёрлик депозитга қўйилганидан сўнг уч ойдан кейин янги ФП кучга кирди. Ниҳоят, ушбу ҳужжат иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бузилганлиги оқибатида жабрланган кишилар учун ҳуқуқий ҳимоянинг халқаро-ҳуқуқий воситаларни назарда тутадиган бўлди. У жабрланганлар миллий даражада одил судловга эриша олмаётмаган ҳолатларда ИИМХХП-ФПда иштирок этувчи давлатларда ушбу ҳуқуқлар тахминий бузилганлиги тўғрисидаги ишлар юзасидан ИИМХХПга шикоятларни кўриб чиқиш ва текширувларни ўтказишга имкон берадиган механизми ўрнатади.

Бундан ташқари, 2011 йил 19 декабрда мурожаат таомилларига тегишли бўлган *Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияга Учинчи Факультатив протокол* (БХХК-ФП) қабул қилиниб, 2014 йил 14 апрелда кучга кирди<sup>17</sup>. *Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактнинг* (БХХП)<sup>18</sup> кўпгина қоидалари ИИМ ҳуқуқларга дахл қилади, ва ушбу механизм, ҳеч шубҳасиз, ҳуқуқий ҳимоя воситасига бўлган ҳуқуқни таъминлаш ва ҳали 18 ёшга тўлмаганларида ИИМ ҳуқуқлари бузилган шахсларга нисбатан халқаро суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

ИИМХХП-ФП кўринишида ҳаётга татбиқ этилган одил судловни таъминлашнинг янги воситаси, шубҳасиз, давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан баҳраманд бўлишга ва уларнинг самарадорлигига ҳамда миллий, минтақавий ва глобал даражаларда суд амалиётини ва ИИМ ҳуқуқлар стандартларини шакллантиришга ўз таъсирини кўрсатади.

ИИМХХП-ФП тўғрисида, шу жумладан янги ҳужжатда кўзда тутилган таомиллар ва шикоят узатиш тартиби ҳақида қўшимча маълумотга эга бўлишни хоҳлайдиган амалиётчи юристлар қуйида кўрсатилган ҳаволалар ва интернет-сайтларидан фойдаланишлари мумкин:

- <http://op-ICESCR.escr-net.org/>.
- <http://www.icj.org/comentario-del-protocolo-facultativo-del-pacto-internacional-de-derechos-economicos-sociales-y-culturales-commentary-to-the-optional-protocol-on-economic-social-and-cultural-rights/>.

<sup>17</sup> *Мурожаатлар таомилига тегишли бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенцияга Факультатив протокол* (2011 йил 19 декабрда қабул қилинган, 2014 йил 14 апрелда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/66/138 (шу жойда ва кейинги матнда — БХХК-ФП).

<sup>18</sup> *Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция* (1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган, 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/44/25 (шу жойда ва кейинги матнда — БХХК).

- <http://www.geneva-academy.ch/docs/publications/Briefings and In breifs/The optional protocol In brief 2.pdf>.
- <http://www2.ohchr.org/english/bodies/cescr/docs/E.C.12.49.3.pdf>.
- <http://ratifyop3crc.org/>.
- <https://www.childrightsconnect.org/connect-with-%20the-un-2/>.
- Шунингдек, қуйидаги ташкилот томонидан тайёрланган маълумотнома қўлланмани кўринг: ESCR-Net, Claiming ESCR at the United Nations [БМТ тизимида ИИМ ҳуқуқларни Ҳимоя қилиш] (2014) (инглиз тилида), қуйидаги ҳавола бўйича: <http://www.escr-net.org/node/365482>.

## 2. ИИМ ҳуқуқларни судда Ҳимоя қилиш

Ҳар қандай инсон ҳуқуқлари билан бўлгани каби, суд Ҳимояси давлатлар ўзларининг ИИМ ҳуқуқларига оид мажбуриятларига амал қилишларини таъминлайдиган ягона восита сифатида кўрилиши мумкин эмас ва бундай қилмаслик лозим – аниқроқ айтганда, бу энг сўнгги чора ҳисобланади. Судлар ва бошқа суд органлари ўз-ўзидан соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари, озиқ-овқат таъминоти, уй-жой таъминоти ёки таълим каби соҳаларда қонунчилик ва давлат сиёсати яратилиши ва ижро этилиши устидан назорат юрита олмайдилар. Бундай сиёсат шакллантирилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши ижтимоий мунозарага ҳамда ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи тармоқлари иштирокига муҳтож бўлади. Бу фикр ўхшаш тарзда қонунчилик ва сиёсат қабул қилинишини ҳамда тегишли хизматлар ва инфратузилма мавжуд бўлишини талаб қиладиган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга нисбатан ҳам тўғри бўлади. Суд фаолияти ҳуқуқларни амалга ошириш ва бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг ягона воситаси бўлмаслигига қарамасдан, ИИМ ҳуқуқларни Ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан судлар ўта муҳим рол ўйнайди. Қўлланманинг бошқа бўлимларида таъкидланганидек, ҳуқуқлар судда Ҳимоя қилиниши ИИМ ҳуқуқларга риоя қилиниши таъминловчи восита бўлибгина қолмасдан, самарали ҳуқуқий Ҳимоя воситасига бўлган ҳуқуқни амалга оширишни кафолатлайди.

### ХҲЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқотидан парчалар

*Суд Ҳимояси, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар билан бўлгани каби, ИИМ ҳуқуқларни таъминлаш ва амалга оширишнинг воситаларидан бири ҳисобланади. ИИМ ҳуқуқлар суд ёки квазисуд Ҳимоясининг у ёки бу туридан фойдаланиши мумкин эмас, ва ҳокимиятнинг сиёсий тармоқлари ихтиёрига қолдирилиши лозим, деган фикр мавжуд ҳуқуқий иерархия доирасида ХҲЮК*

ҳуқуқлар қадрсизланиб қолганлигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Судлар ва суд ҳимояси ИИМ ҳуқуқларни амалга оширишнинг ягона воситаси сифатида ҳисобланиши мумкин бўлмаслигига қарамаздан, ушбу ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имкониятини эътироф этишнинг самарали усулининг йўқлиги:

- ҳуқуқлари бузилган жабрланган шахслар ҳуқуқлари тикланиши ва товон олиниши учун фойдаланишлари мумкин бўлган механизмларни танлаб олишни чеклаб қўяди;
- давлатларнинг ҳисобдорлигини сусайтиради;
- юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқлар бузилиши ҳолатидан сақлаб қолиш имкониятини йўққа чиқаради; ҳамда
- ҳуқуқни бузган шахслар жазоланмай қолишига ёрдам беради<sup>19</sup>.

Бундан ташқари, судлар ва трибуналларни ИИМ ҳуқуқлар бузилиши тўғрисидаги масалани ўрганишдан бутунлай четлатиш «муस्ताқил суд органлари ва адвокатура, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда мавжуд бўлган қўлланилувчи стандартларга мувофиқ, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ва каситмасдан амалга ошириш учун ғоятда муҳим аҳамиятга эга» деган тасаввурга тўғри келмайди<sup>20</sup>.

### **3. ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқишнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги тахлит тасаввурларни фош қилиш**

ИИМ ҳуқуқлари бузилган ҳолда суд ва квазисуд органларга уларни ҳимоя қилишда фаол қатнашишга кўп вақт давомида имкон бермаган тахлитли тасаввурлар ва нотўғри фикрлар ушбу ҳуқуқларнинг табиати (ва давлатнинг тегишли мажбуриятлари) билан ҳам, суд ва

<sup>19</sup> Бангалор декларацияси ва Ҳаракатлар режаси, 14-банд: «Муस्ताқил суд органлари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни самарали амалга оширишнинг мажбурий шартини ҳисобланади. Суд органлари ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг ягона воситаси бўлмаса-да, муस्ताқил суд органларининг мавжудлиги ушбу ҳуқуқларни мажбурий равишда таъминлаш жараёнида юристлар самарали иштирок этишларининг мажбурий шартини ҳисобланади, чунки кўпинча бундай органлар нозик ва қарама-қарши масалаларни кўтаради ва ўз табиатига кўра рақобатлашаётган ва тўқнашувчи манфаатлар ва қадриятларни мувозанатлаштиришни талаб қилади».

Бангалор декларацияси ва Ҳаракатлар режаси Бангалорда (Ҳиндистон) 1995 йил 23–25 октябрда Халқаро юристлар комиссияси томонидан ўтказилган ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга бағишланган конференциянинг яқунлари бўйича қабул қилинган.

<sup>20</sup> Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури (1993 йил 25 июнда Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида қабул қилинган), БМТ ҳужжати № А/CONF.157/23, 27-банд.

квазисуд органлари томонидан уларни кўриб чиқиш имконияти ва ҳаққонийлиги билан ҳам боғлиқ<sup>21</sup>. Ушбу бобнинг навбатдаги қисмида ИИМ ҳуқуқлар табиати билан боғлиқ асосий масалалар кўриб чиқилади. Қўлланманинг кейинги бобларида суд ва квазисуд органларининг ИИМ ҳуқуқларни кўриб чиқиш қобилияти ҳамда бундай кўриб чиқишнинг ҳақиқий ёки идрок этиладиган қонунийлиги билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилиб, суд ва квазисуд органлари ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқишга тахминан қаршилик қилган тўсиқларни қандай қилиб енгиб ўтганларини намоиш қиладиган суд қарорлари ва далиллари келтирилган.

*ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имонияти тўғрисидаги тадқиқотида* ушбу ҳуқуқлар табиати ва давлатларнинг тегишли мажбуриятлари тўғрисидаги тахминларга асосланган ИИМ ҳуқуқларни кўриб чиқишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги кенг тарқалган тасаввурлар тадқиқ этилади. Қуйида ушбу Тадқиқотдан келтирилган парчаларда ИИМ ҳуқуқлар давлатларга нисбатан фақат ижобий мажбуриятларни белгилаши ва, демакки, қимматга тушиши тўғрисидаги тахмин рад этилган, шунингдек ИИМ ҳуқуқлар судда қайта кўриб чиқиш учун жуда ноаниқ эканлиги юзасидан далил ифодаланган.

### **ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги Тадқиқотидан парчалар**

*ИИМ ҳуқуқлар суд тартибида кўриб чиқилиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиганлар, одатда, ушбу ҳуқуқларнинг мазмуни ва улардан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳар қандай ҳолатларда бир хил бўлади, деб эътироф этадилар. Шунга қарамай, ИИМ ҳуқуқларнинг ҳар қандай умумий қабул қилинган рўйхатининг таҳлили ИИМ ҳуқуқлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар турли натижаларга олиб келиши мумкин, деган қарама-қарши хулоса чиқаришга мажбур қилади. Бундай натижаларга қуйидагилари:*

- *маълум эркинликлар кафолати*
- *учинчи шахсларга нисбатан давлат мажбуриятларини белгилаш*

<sup>21</sup> ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имкониятига қарши охириги эътироз сабабли, асосан, сиёсий ва процессуал хусусиятли далиллар келтирилади. Хусусан, маълум ижтимоий сиёсат ва қонунчилик қайта кўриб чиқиладиганда ва давлат ресурслари нуқтаи назаридан оқибатларга олиб келадиган қарор қабул қилинганда суд органлари ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетиши ва демократик тузумда ҳокимиятнинг ижро этувчи ва қарор чиқарувчи тармоқларига тегишли бўлган қарорларни қабул қилиш борасидаги ваколатларига тажовуз қилиши; ёхуд суд ва квазисуд органлари ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалаларига доир жамоавий ва (ёки) комплекс муурожаатларни кўриб чиқиш учун керакли процессуал ва техник имкониятларга эга эмаслиги тўғрисидаги тахминлар ҳам шулар қаторига киради.

- *муайян натижага эришишга қаратилган чораларни кўриш юзасидан давлат мажбуриятларини белгилаш, ва ҳ. к.*<sup>22</sup>

*Демак, ушбу ҳуқуқлар кўп жиҳатдан минтақавий ва халқаро ҳужжатларда кўзда тутилган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар каби кўрилиши лозим. Шу ҳуқуқлар хусусий шахсларга маълум эркинликларни кафолатлаб, давлатларга маълум ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаб ва учинчи шахсларга нисбатан уларнинг мажбуриятларини ўрнатиб ҳамда қонун чиқарувчи ёки бошқа чораларни кўриш ёхуд хизматлар ёки институтлардан фойдаланиш имконини тақдим этиш вазифаларини ўрнатиб, турли мажбуриятларни белгилайди.*

*Ушбу мулоҳаза ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш мумкин эмаслиги ҳақидаги яна бир далилга ойдинлик киритади: ИИМ ҳуқуқлар кўп ҳолларда хизматлар, пул маблағлари ва моддий манфаатларни тақдим этишга тенглаштирилади. Шундай бўлса-да, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар хизматлар ёки тўловлардан баҳраманд бўлиш каби ўхшаш аспектларни назарда*

<sup>22</sup> Масалан, *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда* (1966 йил 16 декабрда қабул қилинган, 1976 йил 3 январда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/6316 (шу жойда ва кейинги матнда — ИИМХХП) мустақамлаб қўйилган ҳуқуқлар рўйхати, ёхуд *Европа ижтимоий хартияси (қайта кўриб чиқилган варианты)* (1996 йил 3 майда қабул қилинган, 1999 йил 1 июлда кучга кирган), СДСЕ ҳужжати № 163 (шу жойда ва кейинги матнда — «Европа ижтимоий хартияси (тарж.)») каби минтақавий ҳужжатларда акс эттирилган; ёки *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясига Қўшимча протокол* (1988 йил 17 ноябрда қабул қилинган, 1999 йил 16 ноябрда кучга кирган), СДОАГ № 69 (шу жойда ва кейинги матнда — «Сан-Сальвадор протоколи»). Ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу рўйхати тўлиқ ҳисобланмайди ва ИИМ ҳуқуқлар фақат ана шу манбаларда кўзда тутилган, деб эътироф этилмайди. ИИМ ҳуқуқлар куйида келтирилган инсон ҳуқуқлари соҳасига оид қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади: ИИМ ҳуқуқлар соҳасидаги бошқа ихтисослаштирилган ҳужжатлар (Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) конвенциялари каби); асосан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни эътироф этишга қаратилган ҳужжатлар (*Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт* (1966 йил 16 декабрда қабул қилинган, 1976 йил 23 мартда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/6316 (шу жойда ва кейинги матнда — ФСХХП) каби); *Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси* (1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган, 1953 йил 3 сентябрда кучга кирган), СДСЕ № 005 (шу жойда ва кейинги матнда — ИХЕК); *Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси* (1969 йил 21 ноябрда қабул қилинган, 1978 йил 18 июлда кучга кирган), СДОАГ № 36 (шу жойда ва кейинги матнда — ИХАК); ҳамда ИИМ ҳуқуқлар ва фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ўртасида аниқ чегара ўрнатмайдиган бошқа ҳужжатлар (масалан, *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси* (1948 йилда қабул қилинган), БМТ ҳужжати № А/810 (шу жойда ва кейинги матнда — ИХУД). 71-77-б.; *Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича Америка декларацияси* (1948 йил апрелда қабул қилинган), О.А.С. Res. XXX, OEA/Ser. L V/II.82 Doc. 6 Rev. 1; *Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси* (1981 йил 27 июнда қабул қилинган, 1986 йил 21 октябрда кучга кирган), ОАЕ ҳужжати № САВ/LEG/67/3 rev. 5 (шу жойда ва кейинги матнда — ИХАХ); ИКБХК; *Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция* (1979 йил 18 декабрда қабул қилинган, 1981 йил 3 сентябрда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/34/46 (шу жойда ва кейинги матнда — АКБХК); ММХХК; ҳамда *Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция* (2006 йил 13 декабрда қабул қилинган, 2008 йил 3 майда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/61/106 (шу жойда ва кейинги матнда — НХХК).

тутиши мумкин, лекин шунга қарамасдан бу фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни, умуман олганда, суд тартибида кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги далил сифатида қўлланилмайди. Юқорида айтиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, хизматлар, пул маблағлари ёки бошқа моддий манфаатларни тақдим этиш мажбурияти судда кўриб чиқиш предмети бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги тасаввур ҳам нотўғридир. Ҳатто ИИМ ҳуқуқларнинг алоҳида элементларини судда кўриб чиқиш осон бўлмаган тақдирда ҳам, бу ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида умуман кўриб чиқиб бўлмаслиги тўғрисида гапиришга асос бўла олмайди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита ушбу фикрлардан айримларини ўзининг 9-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларида қуйидагича умумлаштирди: «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида гап кетганда, бундай ҳуқуқлар бузилган ҳолатда суд ҳимояси воситалари мавжуд бўлиши зарурати, одатда, ўз-ўзидан маълум нарса сифатида қабул қилинади. Афсуски, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга келганда, кўпинча, тескари ёндашув кузатилади. Бундай фарқланишни ҳуқуқлар хусусияти билан ҳам, Пактнинг тегишли қоидалари билан ҳам оқлаб бўлмайди. Қўмита ушбу Пактнинг кўпгина қоидаларини тўғридан-тўғри қўллаш мумкин, деб ҳисоблашини аниқ билдириб бўлди... Ҳар бир ҳуқуқий тизимга хос бўлган умумий ёндашувни инobatга олиш зарур бўлса-да, аксарият тизимларда ҳеч бўлмаганда уни суд тартибида ҳимоя қилиш имкониятини таъминловчи айрим жиддий аспектларга эга ҳуқуқ сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган биронта ҳуқуқ мавжуд эмас. Баъзан ресурсларни таъминлаш билан боғлиқ масалалар судлар томонидан эмас, ҳокимиятнинг сиёсий органлари томонидан кўриб чиқилиши лозим, деган фикр билдирилади. Турли ҳокимият тармоқлари ўртасида ваколатлар тақсимланишига ҳурмат билан ёндашиш лозим бўлса ҳам, судлар, одатда, ресурсларни тақсимлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлган кенг доирадаги масалаларни ҳал қилишда аллақачон қатнашаётганларини эътироф этиш даркор. Шундай қилиб, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни қатъий табақалаштириш қўлланилиши (бу уларни ифодаланиши асосида судлар идораси доираларидан чиқариб ташлаган бўларди) мантқиқсиз ва инсон ҳуқуқларининг ушбу иккита гуруҳи бўлинмас ва ўзаро боғлиқ эканлиги тўғрисидаги тамойилга мос келмайдиган қиларди. Шунингдек бу судларнинг энг заиф ва муҳтож аҳоли қатламлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги имкониятларини кескин пасайтирарди»<sup>23</sup>.

<sup>23</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 9-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, БМТ ҳужжати № Е/С.12/1998/24 (1998), 10-банд.

ИИМ ҳуқуқлар суд тартибида кўриб чиқилишига қарши бўлганларнинг яна бир гуруҳи ушбу ҳуқуқлар ўз табиатига кўра шу қадар мужмал ва ноаниқки, уларнинг мазмунини лозим даражада ифодалаб бўлмайди, деб таъкидлайдилар. Демак, уларнинг фикрича, бундай ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиб бўлмайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар уларни амалга ошириш учун нима кераклигини аниқ белгилаган бир пайтда, ИИМ ҳуқуқлар фақат истиқболли ва сиёсий мақсадларни белгилайди, холос. Улар ИИМ ҳуқуқлар мазмунини ўзгарувчан ва судда кўриб чиқилиши учун ноаниқ, деб ҳисоблайдилар. Масалан, кўпинча «соғлом бўлиш ҳуқуқи» ва «уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи» аниқ мазмунга эга эмас ва бу масалада тегишли стандартни белгиламайди, деб таъкидланади (ушбу стандарт асосида бу масалада ҳаракат қилиш ёки ҳаракатсизлик кўрилаётган ҳуқуққа мувофиқ ёки унга мос эмаслигини, яъни бу ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ушбу ҳуқуқни амалга ошириш ёки уни бузишга олиб келиши ёки йўқлигини аниқлаш мумкин бўларди).

ИИМ ҳуқуқларининг мазмуни нуқтаи назаридан аниқлик, ва демакки, улардан келиб чиқадиган ҳуқуқий мажбуриятлар йўқлиги, шубҳасиз, уларни мажбурий таъминлаш йўлида жиддий тўсиқ бўляпти. Ҳуқуқ мазмуни ва ҳажмига нисбатан аниқ талаблар мавжуд бўлмаганда ҳамда бундай ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлганлар доираси ҳақида кўрсатмалар берилмаган ҳолатда ушбу ҳуқуқларни суд тартибида таъминлаш мураккаб бўлиб қолади. Маълум мажбуриятларга амал қилиш ёки қилмаслик тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун қўлланилиши мумкин бўлган нисбатан аниқ «мулоҳаза мезони» мавжуд бўлмаган вазиятда суд қарорларини чиқаришнинг иложи йўқ. Бундай «мулоҳаза мезони» йўқлигида суд қарорини чиқариш ва қонунчиликни қабул қилиш ўртасида чегара белгилаб бўлмайди, деб ҳисобланади.

Шунга қарамай, ҳуқуқ мазмуни ва ҳажми ҳақидаги масала фақат ИИМ ҳуқуқларгагина дахл қилмайди. Ҳар қандай ҳуқуқ мазмунини аниқлашда, у «фуқаролик», «сиёсий», «ижтимоий» «иқтисодий» ёки «маданий» бўлишидан қатъи назар, уни етарлича аниқ эмас, деб ҳисоблашлари мумкинлиги эҳтимоли доимо мавжуд. Бунинг сабаби шундаки, ҳуқуқнинг кўпгина нормативлари абстракт атамаларни қўллаб, ва, деярли доимо, умумий иборалар орқали баён қилинади<sup>24</sup>. Шундай қилиб, мол-мулкка эга бўлиш, ўз фикрини эркин ифодалаш, тенглик ва процессу-

<sup>24</sup> Кўринг: Hebert L. A. Hart, *The Concept of Law* [Қонунчилик концепцияси], Clarendon Press, Oxford, 1961; 2-чи нашла, қуйидагилар таҳрири остида: Joseph Raz ва Penelope Bulloch, Oxford University Press, Oxford, 1994, VII боб; Genaro Carrió, *Notas sobre derecho y lenguaje* [Ҳуқуқ ват ил ҳақидаги фикрлар], Abeledo-Perrot, Buenos Aires, 1964, pp. 45–60; Isabel Trujillo Pérez, *La questione dei diritti sociali* [Ижтимоий ҳуқуқлар муаммоси], Ragion Pratica 14 тўпламида, 2000, p. 50.

ал кафолатларга эга бўлиш каби «классик» ҳуқуқлар ИИМ ҳуқуқларидан кам бўлмаган даражада ушбу тўсикқа дуч келадилар. Лекин шундай бўлса-да, ҳеч ким бундан ана шу «классик» ҳуқуқлар ҳуқуқ деб ҳисобланмайди ёки суд тартибида мажбурий таъминланиши лозим эмас, деган хулосани чиқармайди. Аксинча, масаланинг бундай ҳолати мазкур ҳуқуқларнинг мазмуни ва чегараларини уларнинг аҳамиятини (қонун ижодкорлиги, маъмурий тартибга солиш, прецедентлар ва суд амалиёти каби) ойдинлаштиришга қаратилган қатор механизмлар ёрдамида тинимсиз аниқлаштиришга ҳаракат қилишга олиб келади<sup>25</sup>.

Бангалор декларацияси ва ХЮКнинг ҳаракатлар Режаси ИИМ ҳуқуқларнинг ҳажми ва мазмунини аниқлашга оид тамойилларини белгилайди:

«Кўпроқ мажбурий таъминланишга мойил бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг у ёки бу аспектларини аниқлаштириш учун ҳуқуқий кўникмалар ва маълум улушдаги тасаввур бўлиши лозим. Ҳуқуқий мажбуриятларни аниқ белгилаш, ҳуқуқ бузилиши деб нима ҳисобланишини аниқлаш, судга шикоят узатиш предметиға айланиши мумкин бўлган шарт-шароитларни ойдинлаштириш, суиистеъмолликларга йўл қўймаслик ва камчиликларни бартараф қилиш ҳамда (тегишли ҳолатларда) қўйилган мақсадларга эришишни таъминлашга имкон берадиган ҳуқуқий механизмларни яратиш лозим»<sup>26</sup>.

Мантиққа зид томони шундаки, кўпгина мамлакатларнинг суд органлари томонидан ИИМ ҳуқуқларни шарҳлаш тамойилларини аниқлаш учун ҳеч қандай саъй-ҳаракатлар қилинмаганлиги ИИМ ҳуқуқлар мажбурий таъминланиши мумкин эмас, деган тасаввур ўрнашиб қолишига сабаб бўлди. Бундай ҳуқуқларга фақат риторик аҳамият берилганлиги ҳамда суд органлари ва ҳуқуқшунос-олимлар бу ҳуқуқларни изоҳлаш, уларнинг таълим олиш, соғлом бўлиш, уй-жойга, озик-овқатларга эга бўлиш каби ҳуқуқларни тушунишга ёрдам берадиган назариясига ҳеч қандай эътибор бермаганлари сабабли, уларнинг сони жуда кичик. Лекин айтиб ўтилган ҳуқуқларнинг кўпчилигини очиш борасида амалий саъй-ҳаракатлар қилинмаслиги аллақандай моҳиятли ёки яширин

<sup>25</sup> ИИМ ҳуқуқлар мазмунини концептуал шакллантириш имкониятига оид кўринг, масалан: меҳнат қилиш ҳуқуқи нуқтаи назаридан, Rafael Sastre Ibarreche, *El derecho al trabajo*, Trotta, Madrid, 1996. Соғлиқни сақлаш ҳуқуқига оид кўринг: Barbara Pezzini, *Principi costituzionali e politica della sanità: il contributo della giurisprudenza costituzionale alla definizione del diritto sociale alla salute* [Соғлиқни сақлаш соҳасида конституциявий тамойиллар ва сиёсат], ҳамда Massimo Andreis, *La tutela giurisdizionale del diritto alla salute* [Соғлом бўлиш ҳуқуқини судда ҳимоя қилиш], куйидагилар таҳрири остидаги тўпламда: Carlo Emanuele Gallo va Barbara Pezzini *Profili attuali del diritto alla salute*, Giuffrè, Milano, 1998.

<sup>26</sup> Бангалор декларацияси ва Ҳаракатлар режаси, 18(2)-банд, юқоридаги 19-ҳаволани кўринг.

*аспект сабабли ИИМ ҳуқуқлар, алоҳида олинган ҳуқуқлар гуруҳи сифатида, тегишлича ифодаланишга лойиқ эмаслигига сабаб бўла олмайди. ИИМ ҳуқуқлар мазмуни ифодаланишга лойиқ эмас, деган фикрни танқидчилар билдирмоқда, шу боис уларнинг мазмунини аниқлаштиришга етарли ҳаракат қилинмаган. Шундай қилиб, ушбу ҳуқуқларни очиш учун амалий ҳаракатлар қилинмаётганлиги ИИМ ҳуқуқлар суд тартибида кўриб чиқиши мумкин эмас, деган фикрнинг фойдасига қўлланилмайпти.*

Қўлланмада, аниқроғи — унинг 4- ва 5-бобларида баён қилинганидек, ўтмишда ушбу масалада суд амалиёти мавжуд бўлмаганлиги ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқишни қийинлаштирган. Шундай бўлса ҳам, ҳозирги вақтда миллий судлар ИИМ ҳуқуқларга оид ишлар бўйича тобора кўпроқ суд қарорларини чиқармоқда, ва шу туфайли ИИМ ҳуқуқлар мазмунини аниқлашга имкон берувчи мезонларни белгилаш осонлашмоқда.

## **II. Судда кўриб чиқиш имкониятидан одил судловдан баҳраманд бўлишгача**

Миллий ва минтақавий суд ва квазисуд органлари ИИМ ҳуқуқлар бўйича тобора кўпроқ суд қарорларини чиқара бошлаганлари сари ҳамда ИИМҲХПга Факультатив протокол қабул қилиниб, кучга кирганидан кейин, ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти масаласидаги назарий мунозара батамом тугади. Шунга қарамай, ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқадиган ва ҳимоя қиладиган судьялар ва адвокатлар учун ҳануз мушкул ҳисобланган муҳим процессуал ва амалий масалалар мавжуд.

### **1. Халқаро ҳуқуқ бўйича ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг самарали воситасига эга бўлиш ва ушбу ҳуқуқлар бузилганлиги учун юзага келган зарар қопланишига бўлган ҳуқуқ**

ИИМ ҳуқуқлар суд тартибида кўриб чиқиши мумкинлиги тобора кўпроқ эътироф этилиши пировардида ўз ҳуқуқларини ёқлаш ва улар ҳимоя қилинишига эришишни хоҳлаб қоладиган ҳуқуқ эгалари учун одил судлов ва давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эришиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан жиддий тараққиёт кўринишида ўз аксини топади. Шу маънода ИИМ ҳуқуқлар бузилганлиги юзасидан узатилган шикоятларни суд ва квазисуд органлари қай аснода кўриб чиқишлари ҳамда улар ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жараёнида юзага келадиган бир қатор ҳуқуқий, процессуал ва амалий мушкулликларни ҳал қилишга (ёки бунинг акси) қандай эришганларини чуқур таҳлил қилиш амалиётчи юристлар учун жуда фойдали бўлиши мумкин.

Умумий ҳуқуқий тамойилга мувофиқ, ҳар бир ҳуқуқ, у бузилган тақдирда, ҳуқуқий Ҳимоянинг қўллаш мумкин бўлган ва самарали воситаси билан таъминланган бўлиши лозим.

Ҳуқуқий Ҳимоя воситаси самарали бўлиши учун жабрланган шахсларга ҳуқуқ бузилиши ҳолати чиндан юз берган-бермаганлигини аниқлаш ва уни тиклаш ҳамда етказилган зарарни қоплаш юзасидан қарор қабул қилиш ваколати берилган мустақил органга зудлик билан мурожаат қилиш имкони тақдим этилиши шарт<sup>27</sup>.

Халқаро ҳуқуқда самарали ҳуқуқий Ҳимоя воситасига эга бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бир қатор ҳужжатлар улар кафолатлайдиган ҳуқуқ ва эркинликлар бузилган ҳолда ҳуқуқий Ҳимоя воситасига бўлган ҳуқуқ аниқ кўзда тутилган<sup>28</sup>.

Жумладан, ИХУДда баён қилинишича: «Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун билан тақдим этилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолда ваколатли миллий судлар томонидан ушбу ҳуқуқлари самарали тикланиши ҳуқуқига эга»<sup>29</sup>. Бундан ташқари, жиноятлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари Декларацияси одил судловдан баҳраманд бўлиш ва «ҳамдард бўлиш ва кадр-қимматларини ҳурмат қилиш» лозим бўлган қурбонлар билан адолатли муомалада бўлиш тамойилларини белгилайди. Улар, миллий қонунчиликка мувофиқ, одил судлов механизмларидан фойдаланиш ва уларга етказилган зарар учун тезда товонга эга бўлиш ҳуқуқига эга»<sup>30</sup>.

<sup>27</sup> Халқаро ҳуқуқ бўйича ҳуқуқий Ҳимоя воситасига бўлган ҳуқуқнинг батафсил таҳлили ХЮКнинг 2-сонли Амалий қўлланмасининг «Ҳуқуқий Ҳимоя воситасига бўлган ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари қўпол бузилганлиги учун етказилган зарарни қоплаш» деб номланган III бобини кўринг, (2006 й.), қуйидаги ҳаволада мавжуд: <http://www.icj.org/the-right-to-a-remedy-and-to-reparation-for-gross-human-rights-violations/>.

<sup>28</sup> Масалан, ФСХҲП, 2(3) модда; ҚҚХК, 13-модда; ИКБХК, 6-модда; ЗЙХ, 12-, 20- ва 24-моддалар; ИХУД, 8-модда; Ноқонуний, ўзбошимча ва жамланган қатлларнинг самарали олдини олиш ва текшириш тамойиллари, БМТ ҳужжати № А/RES/44/159 (1989), 4- ва 16-тамойиллар; Жиноятлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари Декларацияси, БМТ ҳужжати № А/RES/40/34 (1985), 4–7-тамойиллари; Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури, 27-банд; Ирқчилик, камситиш, ксе-нофобия ва у билан боғлиқ мурасасизликка қарши курашиш бўйича умумжаҳон конференциянинг Ҳаракатлар дастури, БМТ ҳужжати № А/CONF.189/5 (2001), 13, 160–162 ва 165-моддалар; Ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларни Ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация, БМТ ҳужжати № А/RES/53/144 (1999), 9-модда; ИХЕК, 13-модда; Европа Иттифоқининг асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги хартияси (босиб чиқарилган сана: 2012 йил 26 октябрь), 2012/С 326/02, 47-модда; ИҲАК, 25-модда; Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Америка декларацияси, XVIII моддаси; Шахслар мажбурий йўқолиши тўғрисидаги Америкалараро конвенция (1994 йил 9 июнда қабул қилинган, 1996 йил 28 мартда кучга кирган), СДОАГ № 68, III(1) модда; Қийноқларнинг олдини олиш ва улар учун жазолаш бўйича Америкалараро конвенция (1985 йил 9 декабрда қабул қилинган, 1987 йил 28 февралда кучга кирган), СД ОАГ № 67, 8(1) модда; ИХҲАХ, 7(1)(а) модда; ва Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси (2004 йил 22 майда қабул қилинган, 2008 йил 15 мартда кучга кирган), инглиз тилига таржимаси 12 Int'l Hum. Rts. Rep. 893 (2005) нашрида келтирилган, 9-модда.

<sup>29</sup> ИХУД, 8-модда.

<sup>30</sup> БМТ, Жиноятлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари декларацияси, 4-модда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормативлар қўпол бузилиши ва Бош Ассамблея томонидан 2005 йилда қабул қилинган халқаро гуманитар ҳуқуқ<sup>31</sup> жиддий бузилиши қурбонлари учун ҳуқуқий ҳимоя воситаси ва етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқига доир БМТнинг асосий тамойиллари ва раҳбарлик қоидалари қуйидагиларни назарда тутуди: «Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилгани каби, инсон ҳуқуқлари ва халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, улар ҳурмат қилинишини таъминлаш ва амалга ошириш мажбурияти қуйидагиларни ўзига киритади, хусусан: (а) ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш учун тегишли қонун чиқарувчи ва маъмурий ҳамда бошқа тегишли чораларни кўриш; (б) ҳуқуқ бузилиши ҳолатлари бўйича самарали, шошилиш, пухта ва ҳаққоний текширувларни ўтказиш ва, мақсадга мувофиқ ҳолатларда, айбдорликда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ чораларни кўриш; (с) инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ бузилишлари қурбони бўлганлигини таъкидлаётганлар учун одил судловдан тенг ҳуқуқли асосда ва самарали фойдалана олиш имконини таъминлаш (қуйида айтиб ўтилгани каби), бу ҳуқуқлар бузилганлиги учун охир-оқибат ким масъул бўлиши мумкинлигидан қатъи назар; ҳамда (d) жабрланганларга самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари тақдим этиш, шу жумладан, қуйида таърифлангани каби, етказилган зарарни қоплаш»<sup>32</sup>.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита (ИИМҲҚ) ИИМ ҳуқуқлари бузилган жабрланган шахслар учун одил судловдан фойдаланиш имконини бериш масаласига мурожаат қилиб, ИИМҲҚПда иштирок этувчи давлатлар ҳуқуқ эгаларига ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этишлари лозимлигини бир неча бор таъкидлаган<sup>33</sup>. Хусусан, Қўмита халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойилини таъкидлади. Унга кўра «ҳар қандай жабрланган шахс ёки шахслар гуруҳи бузилган ҳуқуқларини тиклаш ёки ҳимоя қилиш воситалари

<sup>31</sup> *Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормативлар қўпол бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқ жиддий бузилиши қурбонлари учун ҳуқуқий ҳимоя воситасига ва етказилган зарар қоплашига бўлган ҳуқуққа доир БМТнинг асосий тамойиллари ва раҳбарлик қоидалари*, БМТ ҳужжати № A/RES/60/147 (2005).

<sup>32</sup> *Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормативлар қўпол бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқ жиддий бузилиши қурбонлари учун ҳуқуқий ҳимоя воситасига ва етказилган зарар қоплашига бўлган ҳуқуққа доир БМТнинг асосий тамойиллари ва раҳбарлик қоидалари*, 3-тамойил. Ушбу тамойил нафақат халқаро нормативлар қўпол бузилиши, балки барча қолган инсон ҳуқуқлари бузилиши, ва демакки, ИИМ ҳуқуқлари бузилишига нисбатан ҳам қўлланилади.

<sup>33</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита, 9-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар, юқоридаги 22-ҳавола, 2- ва 3-бандлар. Шунингдек Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита, 12-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар, БМТ ҳужжати № E/C.12/1999/5 (1999), 32–35-бандлар; 14-сонли, БМТ ҳужжати № E/C.12/2000/4 (2000), 59–62-бандлар; 15-сонли, БМТ ҳужжати № E/C.12/2002/11 (2002), 55–59-бандлар; 18-сонли, E/C.12/GC/18 (2006), 48–51-бандлар; ва 19-сонли, БМТ ҳужжати № E/C.12/GC/19 (2008), 77–81-бандлар.

билан таъминланиши ҳамда ҳукумат ҳисобдорлигини таъминлаш учун тегишли чоралар кўрилиши лозим».<sup>34</sup> Шунингдек Қўмита ИИМ ҳуқуқлар бузилишига қарши давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг тақдим этилишини ФСҲХПнинг 1- ва 2-моддалари бўйича давлатларнинг ажралмас мажбурияти эканлигини ҳамда Пактда кафолатланган ҳуқуқларни амалга ошириш учун давлатнинг барча «тегишли усуллардан» фойдаланиш мажбурияти кўзда тутилганлигини таъкидлади, ва агар «бошқа қўлланиладиган «усуллар» суд ҳимояси воситалари билан кучайтирилмаса ва тўлдирилмаса, бесамара бўлиши мумкинлигини юзасидан қўшимча қилди»<sup>35</sup>.

Ушбу Қўлланмада ҳуқуқий ҳимоянинг бир қатор воситалари, шу жумладан суд ва маъмурий воситалари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Юқорида айтиб ўтилганидек, давлат ўзининг мажбуриятларини, шу жумладан ИИМҲХПнинг 2-моддасида белгиланган мажбуриятларини бажариши учун оддий эмас, «самарали» ҳуқуқий ҳимоя воситасини тақдим этиши даркор. Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ҳуқуқининг асосий белгиларидан бири унинг ҳуқуқ бузилишини тўхтатиш ва «етказилган зарарни бутунлай ва самарали қоплаш» қобилияти ҳисобланиб, ўзига қуйидаги шаклларни киритади: реституция яъни ҳуқуқни тиклаш, зарарни қоплаш, реабилитация, сатисфакция қилиш яъни оқлаш, ва бундай салбий ҳолат такрорланмаслигини кафолатлаш»<sup>36</sup>.

<sup>34</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита, 9-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар, юқоридаги 22-ҳавола, 2-банд.

<sup>35</sup> Ўша жойда, 2- ва 3-бандлар. Шунингдек кўринг: *Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормативлар кўпол бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқ жиддий бузилиши қурбонлари учун ҳуқуқий ҳимоя воситасига ва етказилган зарар қопланишига бўлган ҳуқуққа доир БМТнинг асосий тамойиллари ва раҳбарлик қоидалари, 2-тамойил.*

<sup>36</sup> Кўринг: *Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормативлар кўпол бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқ жиддий бузилиши қурбонлари учун ҳуқуқий ҳимоя воситасига ва етказилган зарар қопланишига бўлган ҳуқуққа доир БМТнинг асосий тамойиллари ва раҳбарлик қоидалари, IX қисм, «Етказилган зарарни қоплаш».* Шунингдек, БМТнинг шартномавий органлари етказилган зарарни қоплашнинг ушбу шакл ва элементлари улар белгиладиган мажбуриятларнинг ажралмас қисми эканлигини таъкидладилар. Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита ҳам 31-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларда шуни эътироф этди, БМТ ҳужжати №CPR/C/21/Rev. 1/Add. 13 (2004), 16-18 банд. Кўрсатиб ўтилган бандларда ИХҚ қуйидагиларни баён қилган: «Тегишли вазиятларда зарар қопланиши реституция, реабилитация кўринишида, оммавий узр сўраш, баён қилиш каби сатисфакция шаклида, бундай ҳолат такрорланмаслигини кафолатлаш, тегишли қонунлар ва амалиётга ўзгартишлар киритиш ҳамда инсон ҳуқуқлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни суд жавобгарлигига тортиш каби кўринишларда амалга оширилиши мумкин. ...Шу сабабли Факультатив протоколга мувофиқ кўриб чиқиладиган ишлар бўйича ўз мулоҳазаларида Қўмита кўпинча муайян жабрланган шахсга унга етказилган зарарни қоплашни таъминлашгагина эмас, балки юз берган ҳуқуқ бузилиши ҳолати такрорланмаслиги заруратига ҳам урғу беради. Бундай чоралар иштирокчи-давлатнинг қонунлари ва амалиётга тегишли ўзгартиш киритишларни талаб қилиши мумкин». Қийноқларга қарши Қўмита 3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларда зарарни қоплашнинг шунга ўхшаш ифодасини қўллаган, БМТ ҳужжати № CAT/C/GC/3 (2012), хусусан, 6-бандда қуйидагича баён қилган: «...Зарарни қоплаш қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин: реституция, қоплаш, реабилитация, сатисфакция ва юз берган ҳолат такрорланмаслиқни кафолатлаш».

Бундан ташқари, давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситалари самарали бўлмаган ҳолатларда ҳуқуқларга эга бўлган шахс (кейинги матнда — ҳуқуқ эгаси/эгалари) ИИМ ҳуқуқлар бузилганлиги юзасидан индивидуал шикоят узатишдан аввал, яъни ИИМХХП-ФП асосида ИИМХҚга мурожаат қилишдан олдин ушбу ҳуқуқларини батамом тугатишга мажбур эмас.

## **2. ИИМ ҳуқуқларнинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ўрни**

Биринчи навбатда, ҳуқуқ эгалари миллий даражада одил судловга эришишга ҳаракат қиладилар. Бу қуйидаги амалий мулоҳазалар билан боғлиқ: ҳуқуқ бузилиши юзасидан суд ва квазисуд органларига мурожаат қилиш, одатда, каттагина инсон ва моддий ресурслар жалб этилинишини талаб қилади ҳамда жабрланган шахс халқаро механизмлардан фойдаланишни бошлашдан олдин давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситалари тугаган бўлиши лозим, деган умумий қоидага амал қилиш шартини қўяди<sup>37</sup>.

Ҳуқуқлари бузилган жабрланган шахс қандай ҳуқуқий тизимда одил судловга эришишга ҳаракат қилаётганлигига қараб, давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситалари турлича бўлиши мумкин. Уларнинг турлилиги ИИМ ҳуқуқлар ҳолатида айниқса яққол ифодаланган, чунки кўпинча конституциялар ва миллий қонунчилик бундай ҳуқуқларни тўғридан-тўғри ёки тўлиқ ҳажмда бўлишига кафолат бермайди.

ИИМХХПни миллий ҳуқуқий тизимга инкорпорациялаш, яъни киритиш тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, *9-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларда* ИИМХҚ тегишли мажбуриятнинг ҳажмини белгилади. ИИМХХПда иштирокчи-давлатлар Пактда кўзда тутилган давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимояни таъминлаши, ва у, энг камида, ИИМХХП қоидалари бевосита ва тўлиқ ҳажмда қўлланилганда бўлгани каби тўлиқ бўлиши шарт. ИИМХХПнинг айрим қоидаларини тўғридан-тўғри қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда ҳам, тегишли қоидаларни миллий ҳуқуқий тизимга киритиш учун давлатлар керакли миллий қонунчиликни қабул қилишлари лозим. Миллий судлар, энг камида, миллий қонунчиликни давлатнинг ИИМХХП бўйича мажбуриятларига мувофиқ шарҳлашлари даркор.

ИИМХХП қоидалари ИИМ ҳуқуқлар соҳасида мажбуриятларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Уларни ИИМ ҳуқуқларни изоҳлашнинг энг

<sup>37</sup> Ҳуқуқий ҳимоя воситалари йўқлигида ёки унинг тамойили давомли бўлганлиги ёхуд бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки зарар қоплашга қодир бўлмаганлиги учун бесамара бўлганида, халқаро ҳимоя механизмлари, одатда, давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситалари тугаганлиги ҳақидаги қоидадан истиснони назарда тутати. Масалан, қуйидагиларни кўринг: ИИМХХП-ФП, 3(1) модда; ФСХХП-ФП, 5(2) модда; АКТХК-ФП, 4(1) модда; НҲХК-ФП, 2(d) модда; ёки БҲХК-ФП, 7(e) модда.

муҳим манбаи бўлган ИИМҲҚ шарҳларига асосланган ҳолда мутолаа қилиниши керак. Шунга қарамай, ИИМҲҚП ИИМ ҳуқуқларнинг ягона шартномавий манбаи бўлмайди. ИИМ ҳуқуқлар фақат 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкинлигига қарамасдан, БҲХКда ИИМ ҳуқуқларни кўзда тутувчи бир қатор ўта пухта қоидалар мавжуд. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўпгина бошқа халқаро шартномалар қатор ИИМ ҳуқуқлари элементларини қамраб олган, *Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияда* (АКБХК) ва *Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияда* (НҲХК) эса ИИМ ҳуқуқларни назарда тутадиган бир қатор махсус қоидалар мавжуд. Ниҳоят, бир неча минтақавий шартномалар, шу жумладан *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясига Қўшимча протокол* («Сан-Сальвадор протоколи»), *Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси* (ИХҲАХ), *Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Африка хартияси*<sup>38</sup>, *Африкада аёллар ҳуқуқларига тегишли инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартиясига Протокол* («Мапуту протоколи»)<sup>39</sup> ҳамда *Европа ижтимоий хартияси* (тарж.) ИИМ ҳуқуқлар соҳасида мажбуриятларни белгиладилар. Ҳимоядан фойдаланаётган ИИМ ҳуқуқларнинг тўлиқ мазмуни ва ҳажмини аниқлаш мақсадида амалиётчи юристлар учун давлат иштирокчиси бўлган барча тегишли халқаро шартномалар қоидаларини ҳамда уларнинг ижросини назорат қиладиган органлар қарорларини тадқиқ этиш ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ушбу бир-бирини қувватлайдиган ва мустақамлайдиган халқаро ҳуқуқ қоидадарининг нуқтаи назаридан ҳамда уларга ҳар томонлама ва аниқ амал қилиш мақсадида қатор давлатлар конституциявий ислохотларни ўтказиб, унинг давомида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни, шу жумладан ИИМ ҳуқуқларга боғлиқ бўлганларни, ўз конституциялари ва қонунчиликка киритдилар ҳамда улар бузилган тақдирда фойдаланиш мумкин бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситалари ва мажбурий таъминлаш механизмларининг доираларини белгиладилар<sup>40</sup>.

Халқаро-ҳуқуқий шартномаларда кўзда тутилган ИИМ ҳуқуқларни конституциялар ёки, ҳеч бўлмаганда, қонун ҳужжатлари даражасида эътироф этиш, одатда, нафақат ИИМ ҳуқуқлар ҳар томонлама ҳимояланишини таъминлайди, балки ҳуқуқий аниқлик ва олдиндан била

<sup>38</sup> *Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Африка хартияси* (1990 йил 11 июлда қабул қилинган, 1999 йил 29 ноябрда кучга кирган), ОАЕ ҳужжати № САВ/ЛЕГ/24.9/49.

<sup>39</sup> *Африкада аёллар ҳуқуқларига тегишли Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартиясига Протокол* («Мапуту протоколи») (2000 йил 11 сентябрда қабул қилинган, 2005 йил 25 ноябрда кучга кирган), ОАЕ ҳужжати № САВ/ЛЕГ/66.6.

<sup>40</sup> Шунингдек, ИИМ ҳуқуқларни конституциявий эътироф этиш масаласи бўйича ушбу Қўлланманинг 4-боби, II бўлими, 185-ҳаволадини ҳам кўринг.

олишни таъминлашнинг энг мақбул усули ҳисобланади. Шу туфайли суд тизими субъектлари ва ҳуқуқ эгалари ҳуқуқлари бузилган шахслар учун одил судловдан баҳраманд бўлишнинг асосий шарти ҳисобланган аниқликка эга бўладилар.

Конституциявий кафолатлар билан бир қаторда, ИИМ ҳуқуқларни маъмурий ҳуқуқ ва қонуности ҳужжатлар даражасида эътироф этиш ва улар қўлланилишини таъминлаш жуда муҳим рол ўйнайди, чунки бирмунча умумий хусусиятларга эга бўлган кўпгина конституциялар ва қонун ҳужжатлари ҳимоя қилишнинг фақат умумий тамойиллари ва кафолатларини белгилашлари мумкин. Конституциявий ва(ёки) конвенциявий ҳуқуқларни амалга ошириш тартибини йўлга солиш янада муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳуқуқ эгалари учун ҳуқуқий ҳимоянинг конституциявий воситаларидан фойдаланиш имконияти кўпгина мамлакатлар ва ҳуқуқий тизимларда ўта чеклангандир.

Шу маънода, бир хил ҳуқуқий тизимдан фойдаланувчи Италия, Франция каби роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб қатор давлатларда ва француз тилида сўзлашувчи Африка мамлакатларида конституцияга амал қилиниши устидан назорат, аслида, дастлаб қайта кўриб чиқиш билан чекланади ва(ёки) ҳуқуқ эгаларида улардан бевосита фойдаланиш учун имкон мавжуд эмас. Янги қонунчиликнинг конституциявий қоидаларга мувофиқлиги устидан назорат (тегишли давлатлар нормативларининг ички иерархиясида халқаро шартномалар ҳолатига ҳам боғлиқ) бундай қонунчилик қабул қилинишидан олдин амалга оширилади. Кучга кириб бўлган қонунчиликка мувофиқ унинг қоидалари конституциявийлиги ёки халқаро шартномаларга (айниқса, ИИМ ҳуқуқларга тегишли халқаро-ҳуқуқий нормативларга) мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш индивидуал ҳуқуқ эгалари учун чекланган ва фойдаланиш учун мушкул бўлади. Ушбу мамлакатларнинг кўпчилигида конституциявийликни дастлаб назорат қилиш таомили хусусий шахслар томонидан эмас, фақат давлат раҳбари, парламент палаталари раислари ёки парламент аъзоларининг гуруҳи томонидан ўтказилиши мумкин. Яқинда айтиб ўтилган давлатларда ислохотлар ўтказилиб, бу қонунчиликнинг мавжуд қоидалари устидан кейинги (ёки диффузион) назоратни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтди<sup>41</sup>. Агар суд ёки квазисуд органларида кўрилатган иш бўйича тарафлардан бири қонунчилик қоидаси асосий ҳуқуқ ва эркинликларга зид эканлиги тўғрисида баён қилса, «конституциявийлик (эмаслиги) юзасидан истиснодан» фойдаланиш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Шундай аснода масала ваколатли конституциявий орган кўриб чиқишига уза тилади. Агар ушбу орган айtilган қоида конституциявий эмаслигини тан олса, бундай қоида бекор қилиниши шарт.

<sup>41</sup> Франция Конституциясининг 2008 йилдаги конституциявий тузатишлар доирасида қабул қилинган 61-1 моддаси; ҳамда Марокаш Конституцияси, 2011 йил, 133-модда.

### 3. ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда суд органларининг роли

Мустақил ва кучли суд органлари ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида ўз ваколатларини аниқ амалга ошириш имконига эга бўлишлари қанчалик муҳим бўлишига қарамасдан, уларнинг фаолияти ўз-ўзидан ИИМҲҲПда кўзда тутилган барча ҳуқуқлар меъёрий жиҳатдан изчиллиги, олдиндан тахмин қилиш мумкинлиги ва маълумлигига кафолат бера олмайди. Суд шарҳига бўлган ёндашув ҳам ўзгариб туриши ва айтилиши вақтда мавжуд муайян суд идораси кадрларига боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган суд амалиёти шакллантирилиши ИИМ ҳуқуқлар ҳажми ва мазмунини аниқлашга катта ҳисса қўшиши мумкин ҳамда халқаро шартномалар ва конституциявий ва қонунчилик қоидалари тегишли масалани сукут сақлаб айланиб ўтганда ёки бир маъноли бўлмаган ҳолатларда, ИИМ ҳуқуқларни шарҳлашда юзага келадиган масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Умумий ҳуқуқ тизими юритиладиган мамлакатларда қонун яратиш масаласида, ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, судьялар ғоятда муҳим рол ўйнайдилар. Бу фикр роман-герман ҳуқуқий оиласига мансуб мамлакатларга ҳам тааллуқли. Бу мамлакатларда, асосан, қонуннинг текстуал (айнан матн) шарҳини бирмунча қатъийроқ қўллашга интилиш мавжуд бўлса ҳам, қатор ҳолатларда судьялар ИИМ ҳуқуқларни изоҳлаш жараёнида улар амалга оширилишини таъминлашга эришмоқдалар.

Бу турли мамлакатлар ва ҳар хил ҳуқуқий анъаналар ва тизимларнинг олий бўғин судлари қарорларида ўз аксини топган.

Колумбия ва Ҳиндистон каби мамлакатларнинг олий бўғин судларининг маълум қарорлари билан бир қаторда, Сальвадорнинг Олий суди ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда суд тизими фаол иштирок этишининг яхши мисоли ҳисобланади. № 53-2005/55-2005 қарор (февраль 2013 йил) Сальвадорнинг юқори мартабали судьялари тегишли халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларга мувофиқ барча ИИМ ҳуқуқларни кенг ҳимоя қилишни таъминлашга шайликларини акс эттиради<sup>42</sup>. ИИМ ҳуқуқларни ҳимоялаш масаласида Олий суд қуйидагича қарор чиқарди: а) ҳозирги вақтда маълум ҳуқуқлар конституция ва қонунчилик қоидалари асосида бевосита ҳимоя қилинмаётган бўлса-да, лекин конституция ва қонунчиликда мустақамланган мавжуд қоида ва ҳуқуқлар ўқирилиши ёки шарҳланиши натижасида Конституциявий палатанинг ҳимоясига эга бўлиши мумкин; б) ҳокимиятлар ИИМ ҳуқуқларга нисбатан ҳам салбий, ҳам ижобий мажбуриятларга эга; в) шароитларга қараб, ҳуқуқларни амалга ошириш учун ҳокимиятлар маълум ҳаракатларни қилиши ёки уларни бажаришдан ўзларини тийишлари талаб этилиши мумкин.

<sup>42</sup> Сальвадор Олий суди, Конституциявий палатаси, № 53-2005/55-2005 қарор, февраль 2013 йил.

### III. Давлатлар ИИМ ҳуқуқларга оид халқаро мажбуриятларини бузганларини аниқлаш

Халқаро ҳуқуққа қўра, давлатлар бирор ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари сабабли ИИМ ҳуқуқлар камситилмасдан амалга оширилишини ҳамда ушбу ҳуқуқлар ҳимоя қилиниши ва бажарилишини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бузганларида ИИМ ҳуқуқларни бузиш ҳолати юзага келади. Қўйида келтирилган бўлимларда, амалиётчи юристлар ИИМ ҳуқуқларни ўзларининг миллий даражадаги ишларида янада кенг қўллашлари мумкин бўлиши мақсадида, ушбу ҳуқуқларга тааллуқли бир қатор энг муҳим қўллана олинадиган халқаро-ҳуқуқий стандартлар ўрганилади. Халқаро-ҳуқуқий стандартларни, шу жумладан давлатларга амал қилиш учун юклатилаётган шартномалар ва суд амалиёти қоидаларини билиш юристларга улар ўзларининг кундалик фаолияти жараёнида дуч келадиган вазиятлар ва ишларда инсон ҳуқуқларини ажратишга ёрдам беради. ИИМ ҳуқуқлар бўйича мажбуриятлар ва улар бузилишининг ифодасига эга бўлган халқаро стандартларга қилинган ҳаволалар ҳам кўпгина мамлакатларнинг миллий қонунчилигида мавжуд бўлган бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади ҳамда ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид мавжуд нормалар мазмуни ва аҳамиятини долзарблаштиришга ёрдам беради.

#### 1. Давлатларнинг халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган мажбуриятлари

Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги экспертларнинг тинимсиз меҳнатлари туфайли бу борада давлатлар мажбуриятларининг хусусиятлари ва ҳажмини тушуниш тобора ортиб борапти. Ўз навбатида, уларнинг фаолияти ИИМҲҚни ушбу масалани шарҳлаш соҳасида ўз ваколатларини амалга оширишга илҳомлантирди. Бу айниқса, амалиётчи юристлар учун ҳанузгача жуда муҳим манба ҳисобланган *ИИМҲҚни амалга ошириш бўйича Лимбург тамойиллари*<sup>43</sup> нисбатан ҳам жуда тўғридир.

*Лимбург тамойиллари* халқаро ҳуқуқий экспертлар томонидан ИИМ ҳуқуқлар соҳасида тайёрланган учта ҳужжатдан биринчиси бўлди. *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни амалга ошириш бўйича Лимбург тамойиллари* 1986 йилда қабул қилинган бўлиб, давлатларнинг ИИМҲҚ бўйича мажбуриятлари ҳажми ва хусусиятларини белгилайди.

<sup>43</sup> *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни амалга ошириш бўйича Лимбург тамойиллари*, БМТ ҳужжати № E/CN.4/1987/17 (1986).

Ўн йилдан кейин, 1997 йил бошларида, ИИМ ҳуқуқлар бузилишига айнан қандай ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик сабаб бўлишини белгиловчи *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига тааллуқли Маастрихт раҳбарлик тамойиллари* қабул қилинди.

Иккала ҳужжат ушбу Қўлланмага 3-сонли Иловада ҳамда ХЮК асосий ҳужжатлари Тўпламида келтирилган, ва қуйидаги ҳаволада мавжуд (инглиз тилида): <http://www.icj.org/economic-social-and-cultural-rights-a-compilation-of-essential-documents/> (pp. 63–92).

Ва энг охири даврада халқаро ҳуқуқий экспертлар учинчи ҳужжатни қабул қилдилар: давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги экстраҳудудий мажбуриятларига доир Маастрихт тамойиллари 2011 йилда қабул қилинган бўлиб, давлатнинг ўз сарҳадлари ташқарида ИИМ ҳуқуқларга риоя қилиш, ҳимоялаш ва амалга ошириш бўйича мажбуриятларининг ҳажми ва хусусиятларини белгилайди. Ушбу ҳужжат мазкур Қўлланмага 3-сонли Иловада келтирилган ҳамда қуйидаги ҳаволада мавжуд (инглиз тилида): <http://icj.wpengine.netdna-cdn.com/wp-content/uploads/2012/12/Maastricht-ETO-Principles-ENG-booklet.pdf>.

### а) Умумий мажбуриятлар

ИИМҲҚ томонидан қабул қилинган *3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза* Пактда иштирокчи-давлатлар мажбуриятларининг умумий хусусиятларини белгилайди. ИИМҲҚП қоидаларини виждонан амалга оширишни ният қилаётган иштирокчи-давлатлар, қуйидагиларга амал қилишлари шарт:

- ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўриш (шу жумладан, қонун чиқарувчи чораларни, чекловларсиз);
- ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича стратегик чораларни тартибга солувчи қонунчилик даражасида ҳуқуқий ҳимоя воситаларини назарда тутиш<sup>44</sup>;
- Давлат ресурслари чекланган тақдирда ҳам, энг заиф аҳоли гуруҳларини ҳимоя қилишга қаратилган мақсадли, самарали ва камчиқим дастурларни ишлаб чиқиш.

<sup>44</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *9-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаУза*, 23-ҳавола, 3-банд: «Қўмитанинг фикрича, агар қўлланилаётган бошқа „усуллар“ суд ҳимояси воситалари билан мустаҳкамланмаса ёки тўлдирилмаса, улар кўп ҳолларда бесамара бўлиши эҳтимоли бор».

Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракатлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш бутун дунёда оптимал усул деб ҳисобланишини таъкидлаш лозим; бундай режалар барча инсон ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган изчил ва самарали саъй-ҳаракатларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида фойдали восита бўлиши мумкин. ИИМ ҳуқуқлар соҳасида ИИМХҚ турли ҳолатларда рамкали қонунчиликни ишга солиш ҳамда ҳуқуқларни ҳар томонлама амалга ошириш бўйича миллий режалар ва стратегияларни қабул қилишни тавсия этди<sup>45</sup>. Бундай стратегиялар ИИМХҚПда кўзда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишга оид мажбуриятларга амал қилишнинг марказий элементи ҳисобланади. Ушбу мажбуриятлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база (шу жумладан иштирок этиш, ҳисобдорлик, қонун устунлиги ва шаффофлик каби тамойиллар) доирасига мос тушибгина қолмасдан, айтилган ҳуқуқларни ҳар томонлама амалга ошириш масаласида давлатнинг саъй-ҳаракатлари қанчалик самарали эканлиги тўғрисида хулоса чиқариши мумкин бўлиши учун, аниқ нишон ва йўналишларни белгилаши ҳам лозим. Шу билан бирга, режаларда ва рамкали қонунчиликда ҳуқуқ эгаларига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқлари бузилган тақдирда суд идорасига мурожаат қилиш учун тақдим этилган муайян ҳуқуқий ҳимоя воситалари назарда тутилиши ва бу борадаги кўрсатмага эга бўлиши лозим.

Юқорида тилга олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, БМТнинг шартномавий органлари, айниқса ИИМХҚ ҳамда минтақавий ва миллий судлари ва бошқа ҳокимият органлари қоидалари тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақиқатан амалга оширилишини таъминлаш ва шарҳлашда муҳим рол ўйнайди. Хусусан, давлатларнинг ИИМ ҳуқуқларга нисбатан мажбуриятлари ҳажмини аниқлаш нуқтаи назаридан жиддий ривожланиш кузатилмоқда. Тахлитли тасаввурларга бағишланган бўлимда айтилганидек, ИИМХҚ иши, бошқа органлар билан бир қаторда, маълум даражада ИИМ ҳуқуқлар масаласида «фирибни» тўхтатиш ва ушбу ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти давлатга нисбатан турли асоссиз талаблар пайдо бўлишига олиб келади. Хусусан, соғлом бўлиш ҳуқуқи ҳар бир одамга соғлом бўлиш ҳуқуқини бермайди, шунингдек меҳнат қилиш ва уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи ҳам ҳар бир одам давлатдан иш ёки уй-жой билан таъминлашни талаб қилиш ҳуқуқини тақдим этмайди, деган фикр умумий эътироф этилган. Аслида, давлатлар бу соҳаларда ҳимоянинг энг кичик даражасини таъминлашлари ва имкон қадар кўпроқ қўллаш мумкин бўлган ресурслардан фойдаланиб, зарур бўлса — ҳамкорлик қилиш ёки ёрдам беришни сўраб, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиш

<sup>45</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *12-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар*, юқоридаги 33-ҳавола, 29- ва 30-бандлар; *13-сонли*, БМТ ҳужжати № Е/С.12/1999/10 (1999), 52-банд; *14-сонли*, 33-ҳавола, 53–56-бандлар; *15-сонли*, 33-ҳавола, 50-банд; ёки *19-сонли*, 33-ҳавола, 67–69-бандлар.

орқали, бундай ҳимояни ҳар томонлама амалга оширишни таъминлаш учун бор кучларини ишга солишлари лозим<sup>46</sup>. Шунингдек давлатлар ИИМ ҳуқуқлар амалга оширилишига аралашмаслик ва бундай аралашув учинчи шахслар томонидан қилинишига йўл қўймаслик учун ҳимоя чораларини кўриш борасида салбий мажбуриятга ҳам эга.

*1) Кечиктириб бўлмайдиган мажбуриятлар; регрессни тақиқлаш*

ИИМҲҲПда Пактда санаб ўтилган ҳуқуқлар амалга оширилишига аста-секин эришиш юзасидан умумий мажбуриятлар белгиланган бўлишига қарамасдан<sup>47</sup>, ИИМҲҲ ва бошқа органлар томонидан алоҳида олинган ҳуқуқнинг ҳар бир аспекти ҳам аста-секин амалга оширилиши мумкин эмаслиги таъкидланади. Ҳуқуқни рўёбга чиқаришда давлат умумий ва муайян мажбуриятларга эга. Демак, муайян ИИМ ҳуқуқ қатор мажбуриятларни келтириб чиқариши мумкин: уларнинг айримлари кечиктириб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлса, бошқалари аста-секин бажарилиши лозим.

*Умумий тартибдаги мулоҳазаларда* ИИМҲҲ «кўпгина миллий ҳуқуқий тизимларнинг суд ва бошқа органлари томонидан бевосита қўлланилиши мумкин бўлган» норматив-ҳуқуқий қоидаларнинг маълум элементларини белгилаб берди<sup>48</sup>. Унга ИИМҲҲПнинг қуйидаги қоидалари киради: камситишни тақиқлаш тўғрисидаги 2(2) моддаси; эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенглик тўғрисидаги 3-модда; адолатли маош тўлаш ва тенг миқдорда мукофотлаш тўғрисидаги 7(а)(i) моддаси; касаб ва уюшмаларини яратиш ва иш ташлашга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги 8 модда; вояга етмаганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги 10(3) модда; мажбурий ва бепул бошланғич таълим тўғрисидаги 13(2)(а) модда;

<sup>46</sup> Кўринг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, БМТ ҳужжати № Е/1991/23 (1990). Шунингдек кўринг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *Пактга Факультатив протокол билан кўзда тутилган «мавжуд ресурсларни максимал доирада жалб қилган ҳолда» чораларни кўришга доир мажбуриятни баҳолаш тўғрисидаги баёнот*, БМТ ҳужжати № Е/С.12/2007/1 (2007), 4-банд: «„Ресурслар мавжудлиги“ чораларни кўриш борасидаги мажбуриятнинг муҳим мезони бўлса-да, ушбу мажбуриятнинг кечиктириб бўлмас жиҳатига таъсир кўрсатмайди, ресурслар чекланганлиги эса ўз-ўзидан ҳаракатсизликни оқлай олмайди. Агар мавжуд ресурслар етишмаслиги аниқ бўлса, иштирокчи-давлат, вазиятни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни имкон қадар каттароқ ҳажмда таъминлаш борасидаги мажбуриятини сақлаб қолади. Қўмита таъкидлашича, ресурслар ўта етишмайдиган даврларда ҳам иштирокчи-давлатлар, нисбатан камчиқим дастурларни амалга ошириш йўли билан, жамиятнинг энг ҳимоясиз ва муҳтож аъзоларини ҳимоя қилишлари лозим».

<sup>47</sup> Кўринг: ИИМҲҲПнинг 2-моддаси 1-банди: «Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат индивидуал тартибда ҳамда, хусусан, иқтисодий ва техник соҳаларда, халқаро ёрдам ва ҳамкорлик тартибида мавжуд ресурсларнинг барчасини тўлиқ жалб қилган ҳолда, ушбу Пактда эътироф этилаётган ҳуқуқлар ҳамма тегишли усуллар ёрдамида аста-секин тўлалигича амалга оширишни, хусусан, қонунчилик чораларини кўришни ўз зиммасига олади».

<sup>48</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, 46-қавола, 5-банд.

таълим масалаларида ота-оналар танловининг эркинлиги тўғрисидаги 13(3) модда; хусусий таълим тўғрисидаги 13(4) модда; ва илмий тадқиқотлар эркинлиги тўғрисидаги 15(3) модда. Ушбу мажбуриятлар доимо ва узлуксиз қўлланилади, ҳатто иқтисодий инқироз даврида ҳам<sup>49</sup>.

Нафақат юқорида айтиб ўтилган қоидалар, балки аниқ мақсадга қаратилган чораларни қабул қилиш ва барча ресурслардан фойдаланишни кўзда тутадиган «чораларни кўриш» мажбурияти ҳам кечиктирмай қўлланилиши лозим<sup>50</sup>. Бундай ҳаракатларга қонунчилик чоралари, масалан, ИИМХҲПни миллий қонунчилик тизимига киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳимоянинг суд ёки маъмурий воситаларини тақдим этиш каби билар киради. Шунингдек маъмурий, молиявий, таълимий ва ижтимоий чоралар каби «бошқа тегишли усуллар» ҳам шулар қаторига киритилади<sup>51</sup>. Масалан, таълим, соғлиқни сақлаш, сув ва санитария соҳаларида миллий стратегия ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш «чораларни кўриш»га доир кечиктириб бўлмайдиган мажбуриятни бажариш билан боғлиқ бўлиши мумкин»<sup>52</sup>.

Шу билан бирга, кечиктирмай қўллаш мажбурияти ҳар бир ИИМ ҳуқуқнинг минимал асосий мазмуни концепциясида ўз ифодасини топган. Ушбу мажбурият хусусий шахслар томонидан инсон ҳуқуқларини амалга оширишга ўзбошимчалик билан аралашинишга йўл қўймасликка доир давлатнинг салбий мажбурияти тегишли бўлган асосий энг кичик даражадаги мажбуриятни назарда тутди. ИИМ ҳуқуқларнинг асосий мазмуни кейинги бўлимда батафсил кўриб чиқилади.

Шундай қилиб, кечиктирмай ҳаракат қилиш мажбуриятлари қуйидаги элементларни ўзига киритади:

- Ҳар бир ҳуқуққа нисбатан ҳамда энг заиф ҳисобланган шахслар ёки гуруҳларга нисбатан минимал асосий даражага эришишни ўзининг устувор мақсадига айлантириш мажбурияти;
- Ҳуқуқларни амалга оширишда турли аҳоли гуруҳлари камситилишига йўл қўймаслик мажбурияти;
- Ҳуқуқларни ҳар томонлама амалга оширишга қаратилган чораларни кўриш мажбурияти (шу жумладан махсус стратегиялар ва дастурларни яратиш йўли билан).

<sup>49</sup> Ўша жойда, 12-банд: «Ҳудди шундай Қўмита таъкидлайдики, бу қайта қуриш, иқтисодий инқироз ёки бошқа омиллар таъсирида юзага келган ресурслар ўта етишмайдиган даврларда ҳам энг заиф жамият аъзолари нисбатан арзон мақсадли дастурларни қабул қилиш йўли билан ҳимоя қилиниши мумкин ва лозимдир».

<sup>50</sup> Ўша жойда, 2-банд: «Давлатнинг ривожланганлик даражаси ёки унинг қуролли можарода қатнашганлигидан қатъи назар, Пакт ҳар томонлама қўлланилишини таъминлаш учун давлатлар оқилона муддатларда кечиктирмай „чора кўриш“ бўйича умумий мажбуриятга эга».

<sup>51</sup> Ўша жойда, 3- ва 5–7-бандлар.

<sup>52</sup> Кўринг, масалан: ИИМХҲП, 14-модда.

*ii) Аста-секин амалга ошириш мажбуриятлари*

«Аста-секин амалга ошириш» концепцияси ИИМ ҳуқуқларни тўлиқ амалга оширишга «одатда қисқа вақт ичида эришиб бўлмайди, деган тушунчадан пайдо бўлган... ва бу замонавий дунё воқеликларини ва ИИМ ҳуқуқларни рўёбга чиқаришни таъминлашда ҳар бир мамлакат дуч келадиган қийинчиликларни [акс эттиради]»<sup>53</sup>. Бундай изоҳ кўпинча давлатлар ҳаракатсизлигини оқлаш мақсадида ишлатилади. Шундай бўлса ҳам, ҳуқуқларни аста-секин амалга ошириш «ушбу мажбуриятни муайян маънодан маҳрум қилади, деб нотўғри шарҳлаш керак эмас», деб тушунтирди Қўмита<sup>54</sup>. Мазкур иборани «Пактнинг умумий мақсади ва асл моҳияти» нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, Қўмита 2-модданинг 1-банди Пактда кўзда тутилган «барча ҳуқуқлар тўлиқ амалга оширилиши томон имкон қадар тез ва самарали ҳаракатланишга доир мажбурият белгилашини тушунтирди»<sup>55</sup>. Давлатлар пасив бўлиб қолавериши мумкин эмас ва ИИМ ҳуқуқларни ҳар томонлама амалга оширишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни бирмунча кеч муддатга қолдиришлари керак эмас. Бундай чоралар англанилган, муайян, ва Пактда кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришга имкон қадар аниқ қаратилган бўлиши лозим<sup>56</sup>.

Пакт мақсадлари сари «имкон қадар тез ва самарали ҳаракатланиш» мажбуриятларини белгилаган ҳолда, ИИМҲХП, аслида, ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш даражаси нуқтаи назаридан орқага ҳаракатланишни ифодалайдиган ҳар қандай чораларни тақиқлайди<sup>57</sup>. Ушбу контекстда Қўмита қўллаган «регрессив чоралар» тушунчаси давлатнинг ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳажмини камайтириш борасидаги маълум ҳаракатларини англатади<sup>58</sup>. «Етарли уй-жойга бўлган ҳуқуқ» бўйича 4-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазада уй-жой билан таъминлаш масаласидаги регрессив чоралар мисоли келтирилган:

*«Иштирокчи-давлатларнинг сиёсий ва қонун чиқарувчи қарорлари билан бевосита боғлиқ ҳаёт ва яшаш шароитларининг*

<sup>53</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 46-ҳавола, 9-банд.

<sup>54</sup> Ўша жойда.

<sup>55</sup> Ўша жойда.

<sup>56</sup> Ўша жойда, 2-банд.

<sup>57</sup> Ўша жойда.

<sup>58</sup> Илк бор бу ибора 3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза қўлланилиб, унда шу каби ҳар қандай чоралар «ўта пухталиқ билан кўриб чиқишни талаб этиши ва Пактда кўзда тутилган барча ҳуқуқларни ҳисобга олиб, мавжуд ресурслардан имкон қадар тўлароқ фойдаланган ҳолда, мукамал асослаб беришга муҳтож бўлиши таъкидланган». Кўринг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 46-ҳавола, 9-банд; 13-сонли, 45-ҳавола, 45-банд; 14-сонли, 33-ҳавола, 32-банд; 15-сонли, 33-ҳавола, 19-банд; 19-сонли, 33-ҳавола, 42-банд.

*умумий ёмонлашуви, бирон қопловчи чоралар мавжуд бўлмаган шароитларда, Пактда назарда тутилган мажбуриятларга қарама-қарши бўлар эди».*<sup>59</sup>

Одатда, бу давлатнинг бевосита ҳаракатлари натижасида ёки нодавлат тузилмалари ўз мажбуриятларини талаб даражасида бажармасликларидан ҳимоя қилиш ёки тартибга солиш бўйича ҳаракатлар қилинмаслиги сабабли олдинданок ИИМ ҳуқуқларга салбий таъсир кўрсатадиган регрессив чора кўрилиши ИИМХҲПга доир мажбуриятлар бузилишига олиб келса керак<sup>60</sup>. Шу маънода моддий ҳуқуққа нисбатан «бирор регрессив чораларни кўриш мумкин эмаслиги бўйича аниқ тахмин (презюмпция) мавжуд<sup>61</sup>. Демак, регрессив чоралар аввалданок Пактга мувофиқ эмас. Шунинг учун давлатлар, ИИМХҲПнинг 4-моддасида мавжуд ҳуқуқларни чеклаш ҳақидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, бундай чораларнинг қонунийлигини асослаб беришлари шарт<sup>62</sup>. Демак, бундай чораларни қўллайдиган давлат бу муҳим мақсадга эришиш учун қилинаётганлигини; ушбу чоралар жуда зарурлиги ва муқобил ёки бирмунча камроқ чеклайдиган чоралар йўқлигини исботлаши лозим бўлади<sup>63</sup>.

### *iii) Асосий мазмун мажбуриятлари*

ИИМ ҳуқуқлар контекстида барча ИИМ ҳуқуқларнинг минимал асосий мазмуни концепцияси яна бир муҳим жиҳат ҳисобланади. Ушбу минимал асосий мазмун (шунингдек «ҳаёт учун зарур минимум», «минимал асосий мажбуриятлар» ёки «асосий мазмун» сифатида ҳам маълум) давлатларга нисбатан ҳеч бўлмаганда мутлоқ минимум даражасида инсон ҳуқуқларига амал қилиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ҳаракат бўйича мажбуриятларни белгилайди.

Дастлаб ушбу концепция ИИМ ҳуқуқларга доир мажбуриятларни шарҳлаш ва қўллашда давлатларни ўз ихтиёрича ҳаракат қилишда

<sup>59</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *4-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, БМТ ҳужжати № Е/1991/23 (1991), 11-банд.

<sup>60</sup> Кўринг: III бўлим. 1. b) ii) ҳимоя қилиш мажбуриятига бағишланган. Шунингдек кўринг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига доир Маастрихт раҳбарлик таъминлари (1997), ХЮК асосий ҳужжатлари тўпламида (инглиз тилида), қуйидаги ҳаволада кўринг: <http://www.icj.org/economic-social-and-cultural-rights-a-compilation-of-essential-documents/>.

<sup>61</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *13-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар*, 45-ҳавола, 45-банд; *14-сонли*, 33-ҳавола, 32-банд; *15-сонли*, 33-ҳавола, 19-банд; ва *19-сонли*, 33-ҳавола, 42-банд.

<sup>62</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, 46-ҳавола, 9-банд: «Ҳар бир атайин кўрилган регрессив чоралар... ўта пухта кўриб чиқишни талаб қиларди ва тўлиқ асослашга муҳтож бўларди (Пактда кўзда тутилган барча ҳуқуқларни ҳисобга олган ва мавжуд ресурсларнинг барчасидан тўлиқ фойдаланган ҳолда)».

<sup>63</sup> Ўша жойда, 9-банд.

ортиқча эркинликдан маҳрум этиш мақсадида жорий қилинган<sup>64</sup>. Пировардида давлатлар барча ҳуқуқларни тўлиқ ҳажмда амалга оширишлари лозимлигига қарамасдан, маълум элементлар янада муҳим ёки асосли ҳисобланади, уларни амалга оширишнинг минимал даражасига эришиш борасидаги мажбуриятлар эса кечиктириб бўлмайдиган хусусиятга эга. Ҳуқуқларнинг ана шундай асосий мазмуни барча шахсларга ҳар қандай вазиятларда кафолатланиши керак бўлган шартли белги ҳисобланиши мумкин, ва унга таяниб иштирокчи-давлатлар келгусида ҳуқуқларни аста-секин амалга оширишни режалаштиришлари мумкин<sup>65</sup>.

Ушбу асосий мазмуннинг минимал даражаси таъминланмаётганда, давлат тегишли ҳуқуқни таъминлаш борасидаги ўз мажбуриятини бузди, деган тахмин (презумпция) амал қилади. Ҳуқуқларни аста-секин амалга ошириш асосий мазмуннинг минимал даражасини таъминлашга қўшимча бўлиши керак.

ИИМҲҚ ушбу мажбуриятнинг моҳиятини қўйидагича ифодалайди:

*«...Қўмита ҳар бир иштирокчи-давлатда ҳар бир ҳуқуқни камида минимал даражада амалга оширишни таъмилашга доир минимал асосий мажбурият мавжуд, деб ҳисоблайди»<sup>66</sup>.*

Айрим ҳуқуқларнинг асосий мазмунини, бошқа ҳуқуқлар билан бўлганига нисбатан, аниқлаш осонроқ бўлади. Жумладан, ИИМҲҚПнинг 14-моддасида бошланғич таълим барча учун бепул ва мажбурий бўлиши лозимлиги бевосита белгиланган. Шунингдек ИИМҲҚ «Таълим олиш ҳуқуқи» бўйича 13-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазада ва «Сувга эга бўлиш ҳуқуқи» бўйича 15-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазада бир қатор ҳуқуқларнинг асосий мазмунларини ифодалаб берди<sup>67</sup>. Инсон ҳуқуқларининг асосий мазмуни жонсиз концепция бўлмасдан, жамиятларнинг ўзи ўзгариши сари илмий-технологик ютуқлар нуктаи назаридан ривожланишни давом эттиради.

<sup>64</sup> Кўринг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 46-ҳавола; ҳамда Magdalena Sepúlveda, *The Nature of the Obligations Under the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт бўйича мажбуриятлар табиати], *Intersentia*, 2003. 25–75-б.

<sup>65</sup> Минимал даражани белгилашнинг асосий мақсади ҳуқуқнинг энг муҳим ҳисобланган ва давлатнинг иқтисодий ривожланганлиги, сиёсий вазияти ёки институционал тузилишидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолатда таъминланиши лозим бўлган элементлари ёки кафолатларини аниқлашдан иборат. Юқорида айтиб ўтилганидек, «аста-секин» амалга ошириш тушунчаси маълум чораларни кечиктирмай кўриш заруратини бекор қилмайди. Кўринг: *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига доир Маастрихт раҳбарлик тамойиллари* (1997), 60-ҳавола, 8-банд.

<sup>66</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 46-ҳавола, 10-банд.

<sup>67</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 13-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 45 ҳавола, 57-банд; 15-сонли, 33-ҳавола, 37-банд.

ИИМХҚда баён этилишича, ҳуқуқнинг асосий мазмуни амалга ошири- лаётганда, халқаро ҳамкорлик ва ёрдам доирасида ресурслар бошқа мамлакатлар томонидан тақдим этилиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқнинг асосий мазмунини амалга оширишда алоҳида олин- ган давлат ресурслари чекланганлиги эътиборга олинаши мумкин.

Шунга қарамай, ИИМХҚ таъкидлашича, ресурслар мавжудлигидан қатъи назар, давлатлар ҳар бир ҳуқуқнинг минимал асосий мазмунини амалга оширишни ўз фаолиятининг устувор йўналишига айлантириш учун улар фойдаланишлари мумкин бўлган барча ресурсларни жалб қилишлари лозим.

*«Ресурслар ўта етишмайдиган даврларда ҳам... энг заиф жамият аъзолари нисбатан арзон мақсадли дастурларни қабул қилиш йўли билан ҳимоя қилиниши мумкин ва лозимдир»<sup>68</sup>.*

Шунингдек асосий мазмун тамойили турли миллий тизимларда эъ- тироф этилди. Хусусан, Германиядаги судлар ижтимоий давлат (ёки фаровон ҳаёт давлати)нинг конституциявий тамойиллари ва инсон кадр-қиммати тушунчаси давлатнинг «кун кечириш учун зарур бўл- ган нарсаларнинг энг кичик миқдори»ни тақдим этиш (озиқ-овқат, уй-жойга эга бўлиш ва муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни ўзи- га киритади) борасидаги ижобий мажбуриятларини назарда тутиши мумкин, деган хулосага келди<sup>69</sup>.

<b>ИИМХҚП ҳуқуқи ва моддаси</b>	<b>БМТ ИИМХҚнинг асосий мазмуни ва Умумий тартибдаги мулоҳазаси</b>
Меҳнат қилиш ҳуқуқи, 6-модда	18-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилиш;</li> <li>• Ҳар бир шахсни, айниқса ҳимояланма- ган ва муҳтож шахслар ва гуруҳларни ишга жойлаштиришни кафолатлаш ва ноқонуний ишдан бўшатишдан ҳимоя қилиш улар учун муносиб ҳаётни таъ- минлашга имкон беради.</li> </ul>
Ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи, 9-модда	19-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза <ul style="list-style-type: none"> <li>• Асосий ижтимоий хатарлар ва фавқу- лодда вазиятлар юзага келганда тегиш- ли ҳимоядан тенг даражада фойдала- ниш;</li> </ul>

<sup>68</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 46-ҳавола, 8-банд.

<sup>69</sup> ХЮКнинг суд тартибда кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти. 25-б. Шунинг- дек ушбу Қўлланманинг 5-Бобини кўринг.

<b>ИИМҲХП ҳуқуқи ва моддаси</b>	<b>БМТ ИИМҲҚнинг асосий мазмуни ва Умумий тартибдаги мулоҳазаси</b>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Барча шахслар ва оилаларга ижтимоий манфаатларнинг энг кичик асосий миқдорини тақдим этадиган ижтимоий таъминот дастурларига эга бўлиш улар учун ҳеч бўлмаганда асосий тиббий хизматлардан фойдаланиш, энг оддий уй-жой ва бошпана, сув таъминоти ва санитария шароитлари, озиқ-овқатлар ва бошланғич маълумотга эга бўлишга имкон яратиш.</li> </ul>
Тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи, 11-модда	<p>4- ва 7-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Барчани мажбурий кўчириб юбориш ва уй-жойсизликдан ҳимоя қилиш кафолатлари;</li> <li>• Ҳар бир шахс учун оддий коммунал хизматларга эга бўлиш имконини бериш.</li> </ul>
Тегишли озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқи, 11-модда	<p>12-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳар бир шахсни очарчиликдан холи бўлишнинг энг кичик даражасини қондириш;</li> <li>• Ўз миқдори ва сифати бўйича одамларнинг озиқланиш борасидаги эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган, зарарли моддаларга эга бўлмаган ва барча маданиятлар учун маъқул келадиган озиқ-овқатлар мавжуд бўлиши;</li> </ul>
Сувга эга бўлиш ҳуқуқи, 11-модда	<p>15-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳар бир шахс энг кичик асосий миқдордаги сувга эга бўла олиши лозим ва бу миқдордаги сув шахсий ва маиший мақсадларда ҳамда касалликларнинг олдини олиш учун етарли бўлиши.</li> </ul>
Соғлом бўлиш ҳуқуқи, 12-модда	<p>14-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳар бир шахс асосий бирламчи тиббий-санитария ёрдамига эга бўла олиши, шу жумладан оддий хизматлари, товарлари ва инфратузилмасидан баҳраманд бўла олиши;</li> </ul>

<b>ИИМҲХП ҳуқуқи ва моддаси</b>	<b>БМТ ИИМҲҚнинг асосий мазмуни ва Умумий тартибдаги мулоҳазаси</b>
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Асосий дори-дармонлардан баҳраманд бўла олиш;</li> <li>• Энг кичик миқдордаги асосий озиқ-овқатлар, оддий бошпана, уй-жой ва санитария шароитларига эга бўлиш.</li> </ul>
Таълим олиш ҳуқуқи, 13-модда	<p>13-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Маълумотнинг асосий шаклларида фойдаланиш имконига эга бўлиш ва барча учун мажбурий ва бепул бўлган бошланғич таълимни таъдим этиш.</li> </ul>
Муаллифнинг илмий, адабий ёки бадиий маҳсулоти туфайли пайдо бўладиган моддий ва номоддий манфаатларни ҳимоялашдан фойдаланиш ҳуқуқи, 15-модда	<p>17-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳар бир муаллифни ўзининг илмий, адабий ёки бадиий маҳсулотининг яратувчиси сифатидаги моддий ва номоддий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш.</li> </ul>
Маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи, 15-модда	<p>21-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза</p> <p>Одам хусусий тартибда бошқалар билан биргаликда ёки жамоа ёхуд гуруҳ доирасида ўз танловига кўра маданий ҳаётда иштирок эта оладиган муҳитни яратиш ва сақлаб туриш;</p> <p>Ҳар бир инсоннинг ўзини бир ёки бир неча жамоалар билан тенглаштириш ҳуқуқи ёки ўз танловини ўзгартириш ҳуқуқи;</p> <p>Ҳар бир шахс ўзининг маданий амалиётини амалга ошириш ҳуқуқи.</p>

**Колумбия Конституциявий судининг № С-376/10 қарори**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 1 ноябрь 2009 йил)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Колумбия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Асосий мазмуни; таълим олиш ҳуқуқи; болалар

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Даъвогарлар давлат мактабида бошланғич таълим учун тўлов ундирилиши тўғрисидаги қарор юзасидан судга шикоят қилдилар.

**Қарор:** Суд давлат мактабида бошланғич таълим учун тўлов ундирилишини Конституцияни бузиш, деб эътироф этди ва мамлакат ҳудудидаги барча давлат мактаблари бошланғич таълим учун тўлов ундиришни тўхтатишлари шарт, деб қарор чиқарди. [VII б.].

Шунингдек, Суд Конституциянинг тегишли қонунлари Миллий конституциявий ассамблеяда муҳокама қилиш юзасидан кўрсатма берди ва Колумбия Конституцияси муаллифлари мамлакатда бошланғич таълим бепул бўлиши лозим, деб ҳисоблаганлари юзасидан қарор чиқарди [8.1. VI б.]. Суд бундай ёндашувни Қолумбия Конституциясининг асоси бўлган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий шартномалар бўйича ушбу мамлакат мажбуриятларига мувофиқ, деб белгилади.

Бундан ташқари, Суд бошланғич таълим учун тўлов ундирилиши таълим тизимидан баҳраманд бўлиш ва таълимга эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш учун тўлиқ бўлиши мумкинлиги юзасидан ташвишда эканлигини билдирди [6. VI б.].

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ қилиб, Суд шундай ҳулосага келдики, давлат бошланғич таълим бепул бўлишини таъминлаш бўйича аниқ кечиктирилмайдиган мажбуриятга эга, ўрта ва олий таълим бўйича эса бундай ёндашув аста-секин амалга оширилиши лозим, деган ҳулосага келди [3. VI б.].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Бу ишда давлат таълимга эга бўлиш ҳуқуқига доир мажбуриятга амал қилиши тўғрисидаги масала кўтарилди.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://www.corteconstitucional.gov.co/RELATORIA/2010/C-376-10.htm>.

#### *iv) Камситишни тақиқлаш ва тенглик кафолатлари*

Камситишни тақиқлаш ва тенглик тамойиллари барча инсон ҳуқуқларига, шу жумладан ИИМ ҳуқуқларга нисбатан ҳам қўлланилади. ИИМХҲПда ва алоҳида гуруҳ ва шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган бошқа ҳужжатларда белгиланган камситишни тақиқлаш билан

бир қаторда, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқ борасидаги қонун томонидан тенг даражада ҳимояланиш кафолатини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга<sup>70</sup>.

Миллий даражада амалиёт билан шуғулланувчи юристлар ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда камситишни тақиқловчи ва тенгликни кафолатлайдиган қонунчилик ва қонуности ҳужжатлардан фаол фойдаландилар. Бу айниқса, Конституция ёки қонунчилик даражасида ҳеч бир ИИМ ҳуқуқлар (ёки фақат айримлари) кафолатланмайдиган, лекин камситиш тақиқланадиган ва қонун олдидаги тенглик энг асосий тамойил ҳисобланган кўп сонли ҳолатлар учун долзарбдир. 5-Бобда суд амалиётидан келтирилган мисолларда ушбу қоидалар турли юрисдикцияларда ва тақиқланган асослар бўйича камситишга дуч келган шахслар ва бир гуруҳ шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги муайян ишлар бўйича қандай қўлланилганлиги кўрсатилган.

### **Муҳим тамойиллар ва суд қарорлари:**

*ХЮКнинг «Инсон ҳуқуқлари соҳасида миграция ва халқаро ҳуқуқ» бўйича 6-сонли Амалий қўлланмасининг 5- ва 6-Боблари:* <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2016/10/Universal-PG-6-Migration-Publications-Practitioners-Guides-Series-2016-RUS.pdf>.

Шаҳвоний йўналганлик ва гендер ўхшашлик соҳасида ХЮК дастурининг онлайн-ресурслари (SOGI).

ХЮКнинг SOGI дастури, БМТ ҳужжатлари базаси: <http://www.icj.org/sogi-un-database/>.

ХЮКнинг SOGI дастури, прецедентлар (ўхшаш ҳолатлар) тўплами: <http://www.icj.org/sogicasebook/>.

ХЮКнинг қонун ҳужжатлари базаси: <http://www.icj.org/sogi-legislative-database/>.

ESCR-Net раҳбарияти: АКТХК-ФП ва ИИМҲХП-ФПдан фойдаланиб, аёлларга нисбатан ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш: <http://www.escr-net.org/node/365157>.

Халқаро ҳуқуқ бўйича камситишни тақиқлаш ва тенгликни кафолатлаш нафақат расман қўлланилиши нуқтаи назаридан ИИМ ҳуқуқларни судда кўриб чиқиш давомида камситишни тақиқлаш ва тенгликни

<sup>70</sup> ФСҲХПнинг 26-моддасида ҳар бир шахс ҳеч қандай камситилишсиз қонун томонидан, шу жумладан ИИМ ҳуқуқларини тартибга соладиган қонун билан тенг равишда ҳимояланиш ҳуқуқи белгиланган.

кафолатлаш аҳамияти янада долзарблашади. «Ирқи, терининг ранги, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллати ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, туғилиши ёки бошқа мақомга» асосланиб камситиш бўйича тақиқлов, Конвенцияда кўзда тутилган барча ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган энг муҳим тамойил сифатида, ИИМҲХПнинг 2-моддаси 2-бандида<sup>71</sup> мужассамлашган.

Бундан ташқари ИИМҲХПнинг 3-моддасида Пактда назарда тутилган барча ҳуқуқларни амалга ошириш нуқтаи назаридан эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенглик ҳуқуқини рўёбга чиқариш борасида иштирокчи-давлатларнинг мажбуриятлари белгиланган. Шунингдек ИИМҲХП муайян ҳуқуқларга нисбатан камситишни тақиқлаш ва тенгликни кафолатлашга доир мажбуриятнинг аҳамияти ва қўлланилишини ҳам аниқлаштиради.<sup>72</sup>

ИИМҲҚнинг 20-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазасида<sup>73</sup> 2-модда 2-бандининг амал қилиш доираси белгиланган ва ушбу банд асосида давлатнинг юзага келадиган муайян мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек унда бевосита ёки билвосита камситишга нисбатан тақиқланган асослар рўйхати келтирилган ва, хусусан, буни ИИМҲҚнинг 2-моддаси 2-бандида «бошқа мақом» тоифасига кирадиган, камситилиш учун асос сифатида тушуниш мумкинлиги кўрсатилган. Шундай қилиб, ИИМҲҚ нуқтаи назарига мувофиқ, ИИМҲХПда бевосита кўзда тутилган камситишнинг тақиқланган асослари билан бир қаторда, 2-модданинг 2-бандидаги очиқ рўйхат ногиронлиги, ёши, миллий мансублиги, оилавий ҳолати, шахвоний йўналганлиги ва гендер ўхшашлиги, соғлиғининг аҳволи, яшаш жойи ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолати каби асосларни ўзига киритади<sup>74</sup>. Ва ниҳоят, ИИМҲҚда тенгликни айнан расмий ёки юридик жиҳатдан тушуниш керак эмаслиги ва унда тенглик моҳиятан кўзда тутилганлиги таъкидлаб ўтилган. Бу тарихий ёки тизимли камситишнинг маълум шакллари бартараф қилиш учун, вазиятга қараб, муваққат ёки доимий ижобий чораларни кўриш заруратини назарда тутлади. ИИМҲҚда «...камситиш сақланиб туришига хизмат қилаётган шароитларни юмшатиш ёки йўқ қилиш учун иштирокчи-давлатлар махсус чораларни кўришлари лозим бўлиши мумкин, айрим ҳолатларда эса — аллақачон бундай чораларни

<sup>71</sup> ИИМҲХПнинг 2-моддаси 2-бандида белгиланганки: «Пактда иштирокчи-давлатлар ушбу ҳужжатда эълон қилинган ҳуқуқлар инсоннинг ирқи, терининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, туғилиши ёки бошқа мақомидан қатъи назар, ҳеч қандай камситишсиз амалга оширилишини кафолатлашни ўз зиммаларига оладилар».

<sup>72</sup> Жумладан, ИИМҲХПнинг 7-моддасида меҳнат учун тенг мукофотлаш соҳасида камситишни тақиқлаш қандай қўлланилиши тушунтирилган; ушбу ҳужжатнинг 13-моддасида мажбурий ва бепул бошланғич таълимга эга бўлишда тенг ҳуқуқ кўзда тутилган.

<sup>73</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 20-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, БМТ ҳужжати № E/C.12/GC/20 (2009).

<sup>74</sup> Ўша жойда, 27–35-бандлар.

кўришлари шарт. Бундай чоралар чинакам камситишни бартараф этишининг оқилона, холисона ва мувофиқ бўлган даражада қонуний ҳисобланади...»<sup>75</sup>

Шу маънода, жинсий белги бўйича тенглик ва камситишни тақиқлаш тамойиллари асосида аёллар учун барча инсон ҳуқуқлари, шу жумладан ИИМ ҳуқуқлар, қўлланилиши ва амалга оширилиши АКБХКда ҳам кўзда тутилганлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Ушбу Конвенция аёлларга нисбатан камситишни тугатиш ва олдини олиш борасида давлатларга бир қатор мақсадли чораларни кўриш мажбуриятини юклайди<sup>76</sup>. Хусусан, мазкур ҳужжат соғлиқни сақлаш<sup>77</sup>, ишга жойлашиш<sup>78</sup>, таълим<sup>79</sup> ҳамда оилавий ва эр-хотин муносабатлари<sup>80</sup> соҳаларида аёлларнинг тенг ҳуқуқларига амал қилиш ва таъминлаш учун зарур бўлган чоралар нуқтаи назаридан муайян талабларни белгилайди. Шундай қилиб, *20-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазада* ўз аксини топган ИИМХҚнинг нуқтаи назари АКБХК қоидаларига, ва унинг айнан ҳақиқий тенгликни ўрнатиш учун муваққат махсус чоралар кўрилишини назарда тутадиган 4-моддасига мувофиқдир<sup>81</sup>.

### **Р.К.В. Туркияга қарши (№ 28/2010 хабар)**

**Йил:** 2012 (қарор чиқарилган сана: 24 февраль 2012 йил)

**Орган, мамлакат:** АКБК, Туркия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг маънода ҳимояланиш; муносиб ишга эга бўлиш ҳуқуқи; аёллар.

**Иш ҳақида қисқача маълумот:** Ушбу ишда аёл (хабар «муаллифи») гендер тахлитлари асосида асосиз ишдан бў-

<sup>75</sup> Ўша жойда, 9-банд.

<sup>76</sup> АКБХК, 2-модда. Шунингдек кўринг: Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш бўйича Қўмита, *28-сонли Умумий тавсия*, Аёлларга нисбатан камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 2-моддаси бўйича иштирокчи-давлатларнинг асосий мажбуриятлари, БМТ ҳужжати № CEDAW/C/GC/28 (2010).

<sup>77</sup> АКБХК, 12-модда. Шунингдек кўринг: Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш бўйича Қўмита, *24-сонли Умумий тавсия*, Аёллар ва саломатлик, БМТ ҳужжати № A/54/38/Rev. 1 (1999), I боб.

<sup>78</sup> АКБХК, 11-модда.

<sup>79</sup> АКБХК, 10-модда.

<sup>80</sup> АКБХК, 16-модда. Шунингдек кўринг: Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш бўйича Қўмита, *21-сонли Умумий тавсия*, Эр-хотин орасидаги ва оилавий муносабатлардаги тенглик, БМТ ҳужжати № A/47/38 (1994).

<sup>81</sup> АКБХК, 4(1) модда. Шунингдек кўринг: Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш бўйича Қўмита, *25-сонли Умумий тавсия*, Муваққат махсус чоралар, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномавий органлар томонидан қабул қилинган Умумий тартибдаги мулоҳазалар ва Умумий тавсиялар тўплами, БМТ ҳужжати № HRI/GEN/1/Rev. 7 (2004). 282–290-б.

шатирилганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилган. Хабар муаллифи эркак ҳамкасбларидан бири билан никоҳсиз алоқа қилиб юрганлиги ҳақидаги миш-мишлар тарқалганидан кейин уни ишдан бўшатишган, ammo ўша ҳамкасби эса ишдан озод этилмаган. Аёл эркаклар билан алоқа қилиб юрганлиги тўғрисидаги миш-мишлар янада кенг тарқалиб кетиши хавфи остида ишидан бўшаб кетишидан олдин уни меҳнат шартномаси бўйича барча ҳуқуқлардан фойдаланганлиги тўғрисидаги аризани имзолашга мажбурламоқчи бўлишган. Аёл бундай аризани имзолашдан бош торган. Миллий судлар унинг фойдасига қарор чиқаришган, лекин жинсий белгиси бўйича камситилганлиги ҳолатини тан олишмаган.

**Қарор:** Қўмита Туркия судлари [давлат тузилмалари] ишга жойлашиш соҳасида тенг муомалага бўлган ҳуқуқ бузилганлигининг яққол аломатларига тегишлича эътибор қаратмаганлар, деган қарор чиқарди [8.6 банд]. Ушбу иш кўрилиши давомида судлар юқорида тилга олинган эркак ҳамкасбнинг эмас, ариза узатган аёлнинг маънавий қиёфасини ўргандилар ва бу билан, Қўмитанинг 28-сонли Умумий тавсиясига (2010) зид равишда, гендер жиҳатдан тенглик тамойили бузилганлигини намойиш қилдилар [8.6–8.7 бандлар]. Қўмита таъкидлашича, ушбу Конвенциянинг ҳар томонлама амалга оширилиши нафақат иштирокчи-давлатларнинг бевосита ва билвосита камситилишни тугатиш ва аёлларнинг ҳақиқий ҳолатини яхшилашга қаратилган чораларни кўришни, балки гендер тахлитларини ўзгартириш ва бошқа шаклга киритиш ҳамда аёллар камситилишининг асосий сабаби ва оқибати бўлган гендер тахлитларини яратиш борасидаги ғайриқонуний амалиётга барҳам беришни ҳам назарда тутди. Қўмитанинг хулосасига кўра, гендер тахлитлари мавжуд бўлиб туришига бу масалада кўриладиган турли чоралар ва идоралар, шу жумладан қонунчилик ва ҳуқуқий тизимларнинг, шунингдек барча ҳокимият органлари ва турли инстанцияларнинг мансабдор шахслари хизмат қилади ва тенг маънода хусусий шахслар ҳам бунга хизмат қилишлари мумкин. Ушбу ишда судлар гендер тахлитларини яратишга «ёрдам берганлар» [8.8 банд].

Қўмита муаллифнинг (АКБХК томонидан кафолатланган) жинсий белгиси бўйича гендер тахлитлари таъсири ва камситилишга йўлиқмаслик ҳуқуқи бузилган, деган қарор чиқарди. Тегишли равишда, Қўмита бу аёлга етказилган зарар мувофиқ даражада қопланиши лозимлиги; давлат иш жойида гендер тенглиги бўлишини кафолатлайдиган қонунчиликни

амалиётга жорий қилиш чораларини кўриши кераклиги; ва тахлитли тасаввурлар ва қадриятлар қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатмаслигини таъминлаш учун давлат судьялар, адвокатлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини Конвенция ва аёллар ҳуқуқлари бўйича ўқи-тишлари лозимлиги юзасидан кўрсатма берди [8.10 банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Қарорда ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни қабул қилишнинг ўзи етарли эмаслиги таъкидланган. Ушбу қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш ҳуқуқлар самарали амалга оширилишининг асосий шартидир.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** [http://www2.ohchr.org/english/law/docs/CEDAW-C-51-D-28-2010\\_en.pdf](http://www2.ohchr.org/english/law/docs/CEDAW-C-51-D-28-2010_en.pdf).

Махсус чоралар тўғрисида гап кетганда, *Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция* (ИКБХК) ҳам иштирокчи-давлатларга ирқи, терининг ранги, келиб чиқиши, миллати ёки этник келиб чиқиши каби асослар бўйича ҳимояланмаган бир гуруҳ шахсларга нисбатан барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ИИМ ҳуқуқлардан<sup>82</sup>, тенг фойдаланишни кафолатлаш учун зарур бўлганда иштирокчи-давлатларга шундай муваққат чораларни<sup>83</sup> кўриш юзасидан кўрсатма беришини айтиб ўтиш аҳамиятлидир.

ИИМҲҲП, АКБХК ва ИКБХКда кўзда тутилган стандартлар билан бир қаторда, БҲХК ва НҲХКда ҳам камситилишга йўл қўймаслик ва тенг ҳимояни таъминлаш борасида давлатларга нисбатан маълум стандартлар ва мажбуриятлар белгиланган. Бола ҳуқуқлари нуқтаи назаридан БҲХКда қуйидагилар талаб этилади: «болаларга нисбатан барча ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланадиган давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, биринчи навбатда боланинг манфаатларини энг яхши таъминлашга эътибор қаратилиши лозим»<sup>84</sup>.

НҲХКда иштирокчи-давлатлар ногиронларга нисбатан камситишга йўл қўйилмаслиги ва мазмунан тенглик таъминланишини кафолатлашлари ва оқилона мослашишни таъминлаш йўлидаги қадамларни

<sup>82</sup> ИКБХК, 5-модда.

<sup>83</sup> ИКБХК, 1(4) модда. Шунингдек кўринг: *Ирқий камситишга барҳам бериш бўйича Қўми-та, 32-сонли Умумий тавсия*, БМТ ҳужжати № CERD/C/GC/32 (2009), 11-банд.

<sup>84</sup> БҲХК 3(1) модда. Болаларнинг ва уларнинг оила аъзоларининг ИИМ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун боланинг энг яхши манфаатлари тамойилидан фойдаланишнинг аниқ ми-соли сифатида «Чикимула болалари»га оид Гватемала ишини келтириш мумкин. Унинг таърифи ушбу Қўлланманинг 4-Бобидаги VI бўлимда мавжуд.

қўйишлари шарт<sup>85</sup>. НҲХКнинг 2-моддасида «оқилона мослашиш» ибораси «муайян вазиятда ногиронлар барча бошқа инсонлар билан тенг равишда барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга оширишлари ёки қўллашларини таъминлаш учун зарур бўлганда номутаносиб ёки ноўрин юкка айланмайдиган зарур ва мувофиқ шакллар ва тузатишлар» сифатида ифодалайди»<sup>86</sup>.

## б) Муайян мажбуриятлар

Аввалги бўлимда кўриб чиқилган умумий ва турдош мажбуриятлар ва тамойиллар билан бир қаторда, ИИМҲҚда ИИМҲХП бўйича моддий ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган мажбуриятларнинг уч тури ёки даражаси ажратиб берилган: 1) Риоя қилиш мажбурияти, унга кўра давлат ҳуқуқлардан фойдаланишни қийинлаштирадиган ёки тўсқинлик қиладиган чоралар ёки ҳаракатлардан ўзини сақлаши лозим; 2) Ҳимоя қилиш мажбурияти, унга мувофиқ давлатлар бундай ҳуқуқларни амалга оширишда тижорат ташкилотлари ёки қуролланган гуруҳлар каби учинчи шахслар аралаштиришлари йўл қўймайдиган ҳаракатларни қўллашлари лозим; ва 3) ҳуқуқларни қўллашга қаратилган ижобий чораларни кўриш ҳисобига ҳуқуқларни амалга ошириш мажбурияти<sup>87</sup>.

Ҳуқуқларни ҳар томонлама амалга оширишнинг барча усуллари ва давлатнинг барча ҳаракатлари ҳам кўрсатиб ўтилган тоифаларнинг бирига аниқ мос тушмаслигига (чунки уларнинг аксарияти бир вақтда бир неча тоифаларга мос келади) қарамасдан, бундай ёндашув ҳимоя қилишнинг минтақавий ва халқаро механизмлари шаклланиши ва ривожланишида катта рол ўйнади. Шундай қилиб, қуйида келтирилган суд қарорлари мисоллари суд ва квазисуд органлари давлатнинг турли мажбуриятларига риоя этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ушбу концепциядан, аниқроғи — риоя этиш, ҳимоя қилиш ва

<sup>85</sup> НҲХКнинг 5-моддасида қуйидагилар белгиланган: «1. Иштирокчи-давлатлар барча шахслар қонун олдида ва қонун бўйича тенг, ва қонун томонидан тенг равишда ҳимояланиш ва ундан ҳеч қандай камситишларсиз тенг равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этадилар. 2. Иштирокчи-давлатлар ногиронлик белгиси бўйича ҳар қандай камситилишни тақиқлайдилар ва ногиронларга ҳар қандай асосларда камситилишдан тенг ва самарали ҳуқуқий ҳимояни кафолатлайдилар. 3. Тенгликни рағбатлантириш ва камситишга барҳам бериш учун иштирокчи-давлатлар оқилона мослашишни таъминлаш учун барча тегишли ҳаракатларни қўллайдилар. 4. Ногиронларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш ёки буни тезлаштириш учун кўриладиган муайян чоралар ушбу Конвенциянинг маъноси бўйича камситиш ҳисобланмайди».

<sup>86</sup> НҲХК, 2-модда.

<sup>87</sup> Муайян мажбуриятларнинг уч турини ажратиш тўғрисидаги масала бўйича кўринг, хусусан: *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига тегишли Маастрихт раҳбарлик тамойиллари* (1997), 60-ҳавола, 6 Раҳбарлик тамойили; ҳамда Olivier De Schutter, *International human rights law: cases, materials, commentary* [Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ: ишлар, материаллар, шарҳлар], Cambridge University Press, Буюк Британия, 2010. Шунингдек кўринг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *12-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар*, 33-ҳавола, 15-банд; *14-сонли*, 33-ҳавола, 34–37-бандлар; *19-сонли*, 33-ҳавола, 43-банд.

амалга ошириш бўйича муайян мажбуриятлар учлигидан қандай қилиб фойдаланганларини кўрсатади.

**Минтақа:** Рома-лўлилар ҳуқуқлари бўйича Европа маркази Португалияга қарши

**Йил:** 2011 (қарор чиқарилган сана: 13 июнь 2011 йил)

**Орган, мамлакат:** Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси, Португалия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг маънода ҳимояланиш; тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи; этник майда миллатлар.

**Иш ҳақида қисқача маълумот:** Рома-лўлилар ҳуқуқлари бўйича Европа маркази (РЛҲ-ЕМ) томонидан тақдим этилган шикоятда Португалиядаги Рома-лўлилар жамоасига нисбатан уй-жой берилиши нуқтаи назаридан бир қатор қонунга хилоф ҳаракатлар қилинганлиги тўғрисида баён этилган. Бундай ҳаракатлар Европа ижтимоий хартиyasi (тарж.) бўйича Рома-лўлилар ҳуқуқлари, шу жумладан оиланинг ижтимоий, юридик ва иқтисодий ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи (16-модда), камбағалликдан ва ижтимоий чиқариб ташлашдан ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи (30-модда), уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи (31-модда), яқка ўзи ёки гуруҳ бўлиб камситилишга учрамаслик ҳуқуқи (Е моддаси) кабилар бузилганлигидан дарак беради.

**Қарор:** Бу ишни кўриб чиқиш давомида Қўмита учта аспектни инобатга олди: Рома-лўлилар жамоаси аъзоларининг аксарияти ишончсиз ва оғир уй-жой шароитларига эга; Рома-лўлиларнинг катта сони алоҳида ҳудудларда яшайди; ҳамда Рома-лўлилар жамоасини янги уйларга кўчириш бўйича дастурлар етишмайди [15-банд]

Қўмита ўз қарорида Рома-лўлиларни камситишсиз уй-жой билан таъминлаш масаласида кенг қамровли сиёсатни ишга солиш заруратини таъкидлаб, Хартиyanинг асосий мақсадларидан бири ҳамфикрликни кучайтириш ва ижтимоий қўшилганлик даражасини оширишдан иборатлигини эътироф этди [18-банд]. Қўмита камситишнинг иккала шаклини — бевосита ва билвосита камситишни (шу жумладан мавжуд фарқланишни эътиборга олмаслик ва фойдаланиб бўладиган ҳуқуқлар билан таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилмаслигини) қатъий тақиқлаб қўйди [19-банд].

Кейин эса Қўмита Рома-лўлиларнинг катта қисми номуносиб шароитларда яшаётганлигини таъкидлади, бу эса ҳоқимият олдига ушбу вазиятни эътиборга олиш ва унга тегишли муносабат билдириш борасидаги ўзининг ижобий мажбуриятини бажариш лозимлиги масаласини қўйди [30-банд]. Қўмита ИҲЕСнинг нуқтаи назарини далил қилиб, Рома-лўлилар, ҳимояланмаган кичик халқ сифатида, алоҳида ҳимоя чораларига муҳтож эканлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, Рома-лўлиларнинг ўрнатилган стандартга мувофиқ бўлмаган яшаш шароитлари [32–35, 38-бандлар], Қўмитага тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи тоза сувдан баҳраманд бўлиш [36-банд]; уй-жой тегишли майдонни эгаллаши, оғир об-ҳаво шароитларидан ва саломатлик учун хавф туғдирадиган бошқа хатарлардан ҳимоя қилиниш ҳамда ўз конструкцияси нуқтаи назаридан хавфсиз уй-жойга эга бўлиш [37-банд]; коммунал хизматлар тақдим этиладиган ва ижтимоий инфратузилмадан баҳраманд бўлиш мумкин бўлган жойда яшаш [41-банд]; ҳамда жамоанинг маданий тасавурларига мувофиқ бўлган бино ва қурилмаларда ҳаёт кечириш [49-банд] кабиларни ўзига киритади, деган хулоса чиқариш учун тўртки берди. Қўмита яшаш жойи тўғрисидаги масалани кенг сегрегация контекстида кўриб чиқди ва давлатлар уй-жой сиёсатини ҳаётга татиб этаётганда этник кичик миллатлар ва иммигрантлар ҳудудий ва ижтимоий сегрегацияга дуч келишларининг олдини олиш учун ҳушёрликка амал қилишлари лозимлигини қайд қилди [41-банд].

Айтиб ўтилган хулосаларга асосланиб, Қўмита бу ишда Хартиянинг 16-, 30- ва 31-моддалари ва камситилмаслик ҳуқуқининг бузилишига йўл қўйилганлиги юзасидан қарор чиқарди.

**Қўшимча мулоҳазалар:** Бу ишда давлатнинг уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқига риоя этиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбуриятлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

[https://www.esqr-net.org/sites/default/files/ERRC%20v.%20Portugal%20\(decision\).pdf](https://www.esqr-net.org/sites/default/files/ERRC%20v.%20Portugal%20(decision).pdf).

**№ Т-760/2008 қарор**

**Йил:** 2008 (қарор чиқарилган сана: 31 июль 2008 йил)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Колумбия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Асосий мазмун; соғлом бўлиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу қарор Колумбияда соғлом бўлиш ҳуқуқига риоя қилинмаслик билан боғлиқ бўлган ҳолатда ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича суд жараёнининг энг муҳим натижаси бўлди.

**Қарор:** Суд Колумбиянинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, соғлом бўлиш ҳуқуқи энг муҳим ҳуқуқларга тегишли эканлигини эслатиб ўтди [II.3.2 банд]. Суд Колумбиядаги давлат соғлиқни сақлаш тизимининг таркибий камчиликларини тузатишга қаратилган туб ислохотлар ўтказилиши зарурлигини кўрсатиб ўтди [III.16 банд].

Суд минимал асосий мазмун концепциясига содиқлигини намойиш этиб, маълум фуқаролар тоифаларига (бундай тоифалар қарорда батафсил санаб ўтилган) нисбатан соғлом бўлиш ҳуқуқи (ҳатто улар тиббий хизматлардан баҳраманд бўлишни ўзларига эп кўрмаган тақдирда ҳам) кечиктирмай таъминланиши зарурлигини аниқ белгилади [II.3 банд]. Шунингдек Суд бу тоифадаги фуқаролар учун кенг қамровли товарлар ва хизматларни тақдим этиш, шу жумладан ОИВ/ОИТС вирусини юқтирганлик тестларини ўтказиш ҳамда антиретровирус препаратлар, саратондан даволовчи қимматбаҳо дорилар билан таъминлаш ва Колумбияда зарурий даволанишдан ўтиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатларда, мижозлар чет элда даволанишларини молиялаштириш (ҳатто айтиб ўтилган чоралар катта маблағ сарфлашни талаб қилганда ҳам) лозимлигини таъкидлади.

Суд POS/POSS (мажбурий соғлиқни сақлаш/пул билан таъминланган мажбурий соғлиқни сақлаш) режаларига асосланиб, кечиктирмай таъминланиши шарт бўлган ҳуқуқнинг асосий минимал мазмуни доирасини [II.3.2.3 банд] ҳамда чекланган ресурсларни ҳисобга олган ҳолда аста-секин амалга оширилиши лозим бўлган бошқа элементларни ҳам белгилаб берди.

Суд қарорида ИИМҲҚнинг соғлом бўлиш ҳуқуқини шарҳлашга бўлган ёндашуви яққол кузатилади [II.3.4 банд]. Ушбу ёндашувга асосланиб, Суд (i) давлатнинг соғлом бўлиш ҳуқуқидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг турли таркибий қисмларини ҳамда нима учун суд назорати соғлом бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ҳисобдорликнинг энг муҳим шартини ҳисобланишини изоҳлади; (ii) давлат соғлом бўлиш ҳуқуқини аста-секин амалга оширишга қаратилган онгли чоралар

кўрилиши учун жавоб бериши ва регрессияга (орқага қайтиш), умуман олганда, йўл қўйиб бўлмаслигини эслатди; ва (iii) соғлом бўлиш ҳуқуқи шаффофлик ва маълумотларга эга бўлишни, шунингдек илмий маълумотларга асосланган режалаштиришни ва турли гуруҳлар иштирокида ўтказилган таомиллар натижалари бўйича қарорлар қабул қилишни назарда тутиши юзасидан қарор чиқарди.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://www.alcaldiabogota.gov.co/sisjur/normas/Norma1.jsp?i=33490>.

*i) Риоя қилиш мажбурияти*

Риоя қилиш мажбурияти давлат ўзининг ҳақли ваколатларини амалга ошираётганда ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш жараёнига аралашидан ўзини тийиши кераклигини белгилайди.

*SERAC ва CESR Нигерияга қарши* ишида Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси риоя қилиш мажбуриятини ифодалаб берди ва ҳукумат соғлом бўлиш ва соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқига риоя қилмаган, чунки «Оғони ҳалки вакиллари яшаётган бир неча қишлоқлар ва уйларга ҳужум қилган, ёқиб юборган ва яксон қилиб ташлаган», деган қарор чиқарди»<sup>88</sup>.

Риоя қилиш бўйича мажбуриятлар аксарият ҳолларда аста-секин амалга оширилиши мумкин бўлмаган бир қатор салбий мажбуриятларни назарда тутди. Ушбу мажбуриятлар кечиктирмасдан тўлиқ ҳажмда қўлланилади ва ўз хусусиятлари бўйича фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан келиб чиқадиган мажбуриятлардан фарқ қилмайди. Қўшимча қилиш лозимки, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча мажбуриятлар билан бўлгани каби, бу ҳолат тегишли тергов ўтказиш ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш ва давлат вакиллари томонидан йўл қўйилган ҳар қандай ҳуқуқ бузишлар оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун тегишли муассасаларни ҳамда одил

<sup>88</sup> *SERAC ва CESR Нигерияга қарши*, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, № 155/96 хабар, 13–27 октябрь 2001 й., 54-банд. Риоя қилиш бўйича мажбурият бузилиши тўғрисидаги масала қуйидаги халқаро судлар ва шартномавий органлар томонидан ҳам кўриб чиқилган: Босния ва Герцеговина ишларига доир инсон ҳуқуқлари бўйича Палата *Islamic Community in Bosnia and Herzegovina ишида* [Босния ва Герцеговинадаги ислом ҳамжамияти], CH/96/29, 11 июнь 1999 й.; Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси *Quaker Council for European Affairs Грецияга қарши ишида* [Европа ишлари бўйича Квакер кенгаши], № 8/2000 шикоят, 27 апрель 2001 й. Миллий судлар худди шу масалани қуйидаги ишлар бўйича кўриб чиқдилар: *Jaftha Schoeman га қарши*; *Van Rooyen Stoltzra қарши*, ЖАР Конституциявий суди, 1 BCLR 78 (CC), 8 октябрь 2004 й.; BVerfGE 82, 60(85) ва BVerfGE 87,153(169), Германиянинг Федерал Конституциявий суди; *Comisión Municipal de la Vivienda Saavedrara қарши*, Felisa Alicia ва бошқалар/Desalojo s /Recurso de Inconstitucionalidad Concedido, Буэнос-Айрес Олий суди, 7 октябрь 2002 й.

судлов юрителининг самарали тизимини яратиш йўли билан тегишли ҳуқуқларга аралашувлар қилинишининг олдини олиш бўйича ижобий чоралар кўришни назарда тутди.

*SERAC* ва *CESR* Нигерияга қарши ишида Африка комиссияси қуйидаги қарор чиқарди:

«Бошпанага эга бўлиш ҳуқуқи, энг камида, Нигерия ҳукумати-нинг ўз фуқаролари уй-жойларини бузиб ташламаслик ва алоҳида фуқаролар ва ҳамжамиятларнинг ўз уйлари тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини назарда тутди. Давлатнинг уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқига амал қилиш борасидаги мажбурияти давлат (ҳамда унинг барча органлари ва мансабдор шахслари) шахснинг дахлсизлигини бузадиган ёки у ўзининг уй-жойга эга бўлиш эҳтиёжлари ҳамда ўз оиласи, хўжалиги ёки ҳамжамиятининг шу каби эҳтиёжларини қондириш учун энг қулай деб ҳисоблаган тарзда баҳраманд бўлиши мумкин бўлган моддий ёки бошқа ресурслардан фойдаланиш эркинлигига тажовуз қиладиган ҳар қандай амалиётларни ўтказиш, сиёсат юритиш ёки ҳуқуқий чоралар кўришни маъқуллаш, молиялаштириш ва йўл қўйишдан ўзини сақлаши лозимлигини назарда тутди. Ҳукумат Оғони аҳолисининг уйлари ва қишлоқларини бузиб ташлаган, сўнг эса, махсус хизматлар ходимларини жалб қилиб, бузилган уйлари тиклаш учун қайтиб келишга ҳаракат қилган бегуноҳ фуқароларини таъқиб қилган, қўрқитган, дўппослаган, айрим вазиятларда эса—ўқ отиб ўлдирган. Бундай ҳаракатлар, Африка хартиясининг 14, 16 ва 18(1) моддалари талабларига қарамасдан, уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини оммавий бўзишга олиб келди»<sup>89</sup>.

#### ii) Ҳимоя қилиш мажбурияти

Ҳимоя қилиш мажбурияти давлатдан ҳуқуқ амалга оширилишига учинчи шахслар томонидан аралашув қилинишига йўл қўймаслик чоралари кўрилишини талаб қилади. Шунингдек бу мажбурият учинчи шахслар учун оқибатли сифатида ҳам маълум (француз тилида — *les obligations d'effets horizontaux*, немис тилида — *Drittwirkung*).

Ҳимоя қилиш мажбурияти, тижорат компаниялар билан бўлгани каби, хусусий шахс ва учинчи шахслар ҳолати ўртасидаги мувозанат бузилганда кучли чоралар кўрилишини назарда тутиши мумкин<sup>90</sup>. Ушбу

<sup>89</sup> *SERAC* ва *CESR* Нигерияга қарши, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, № 155/96 хабар, 13–27 октябрь 2001 й., 61- ва 62-бандлар.

<sup>90</sup> Инсон ҳуқуқлари контекстидаги тадбиркорлик фаолиятининг раҳбарлик тамойиллари: БМТнинг «Ҳимоя қилиш, риоя этиш ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари» рамкали дастурини амалга ошириш, БМТ Бош котиби Махсус вакилининг инсон ҳуқуқлари ва трансмил-

мажбурият учинчи шахслар томонидан аралашувларнинг олдини олиш, тугатиш, тузатиш ёки бунинг учун жазолашни қўллаш учун зарур бўлган давлат ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратади. Бундай мажбурият, одатда, қуйидаги йўл билан бажарилиши мумкин:

- Давлат томонидан хусусий шахслар хатти-ҳаракатларини меъёрий тартибга солиш билан бир қаторда, тегишли нормаларга риоя этилишини назорат ва мониторинг қилиш; ва
- Иш берувчилар, ижарага берувчилар, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида хизматлар таъминотчилари, зарарли ишлаб чиқариш ёки хусусий сув ва озиқ-овқатлар таъминотчилари каби белгиланган нормаларга амал қилмайдиган учинчи шахсларга нисбатан маъмурий ва суд жазосини ижро қилиш<sup>91</sup>;
- Учинчи шахслар томонидан ҳуқуқлари бузилган жабрланган шахсларга бундай бузилишларни тузатиш ва зарарни қоплаш воситаларини тақдим этиш.

Ушбу мажбурият давлатнинг тартибга келтириш (регулятив) ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш каби бошқа фаолият турларини тўлдириш учун мўлжалланган.

Амалда ҳимоя қилиш мажбурияти бир қатор, шу жумладан қуйида кўрсатилган ҳаракатлардан ҳимояни тақдим этиши лозим:

- Хусусий шахслар томонидан мажбурий кўчириб юбориш;
- Хусусий меҳнат бозорларида хавфли меҳнат шароитлари;
- Хусусий секторда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги талабларга риоя қилмаслик;
- Соғлиқни сақлаш, сув таъминоти, уй-жой ва таълим соҳасида асосий хизматларни тақдим этиш бўйича шартномаларни тузишда камситилиш дуч келиш; ёки

---

лий корпорациялар ва бошқа тижорат корхоналар масаласи бўйича Маърузасига илова, БМТ ҳужжати № А/НRC/17/31 (2011), Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш томонидан қабул қилинган, Резолюция № А/НRC/RES/17/4 (2011). 1-тамойилда белгиланишича: «Давлатлар ўз худудлари ва(ёки) юрисдикциялари доирасида учинчи шахслар, шу жумладан корхоналар томонидан инсон ҳуқуқлари бузилишидан ҳимоя қилишлари лозим. Бу шундай ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш ва текшириш, бунинг учун жазолаш ва самарали сиёсат, қонунчилик, меъёрий тартибга солиш ва судда кўриб чиқиш орқали зарарни қоплашга қаратилган зарур чораларни кўришни талаб қилади». Давлатнинг тижорат корхоналари томонидан болаларга нисбатан суиистеъмолликлар қилинишига боғлиқ мажбуриятлари тўғрисидаги масаласига доир, кўринг: Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита, 16-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, БМТ ҳужжати № CRC/C/GC/16 (2013).

<sup>91</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига доир Маастрихт раҳбарлик тамойиллари (1997), 60-ҳавола, 15(d) Раҳбарлик тамойили.

- Тегишли шартномаларни ғайриқонуний равишда бекор қилиш ёки ўзгартириш<sup>92</sup>.

### *iii) Амалга ошириш мажбурияти*

Амалга ошириш мажбурияти давлатдан халқаро ёрдам ва ҳамкорлик доираларида ҳуқуқларни тўлиқ амалга оширишга қаратилган қонуний, маъмурий, бюджет ва бошқа чораларни кўришни талаб қилади.

Мажбуриятнинг аниқ ҳажми ва мазмуни доимо муайян контекстга боғлиқ бўлади, лекин аксарият ҳолларда давлат томонидан ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган институционал механизмлар яратилишини назарда тутати. Бундай механизмлар турли шаклда бўлиши мумкин. Аслида эса ушбу мажбурият ИИМҲҲПнинг 2-моддаси 1-бандида «барча тегишли усуллар» ибораси билан ифодага келтирилган талабларни акс эттиради. Одатда давлатлар камситилишсиз бир қатор ҳуқуқларни рўёбга чиқариш учун керакли ҳуқуқий, институционал, маъмурий ва процессуал шароитларни яратишлари ҳамда моддий ресурсларни тақдим этишлари лозим.

Бошқача қилиб айтганда, давлат томонидан ИИМ ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини ошириш ҳамда ҳар бир шахсни ҳуқуқлардан фойдаланишнинг, ҳеч бўлмаганда, энг кичик даражаси билан таъминлаш учун давлат маълум фаолликни намойиш қилиши кутилади.

Амалга ошириш ҳуқуқи ижобий ҳаракатларни назарда тутати, бу эса мазкур соҳадаги ҳуқуқ бузилишлари давлат ҳаракатсизлигини қамраб олишини англатади<sup>93</sup>. Бу турдаги ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш ва доираларини белгилаш осон бўлмаса-да, кўпгина юрисдикцияларда ҳокимиятларга соғлиқни сақлаш соҳасида маълум ҳаракатларни амалга оширишни буюрувчи қарорлар бир неча бор чиқарилган.

Ушбу мажбурият қуйидаги элементларга алоҳида урғу беради:

- Муаммоли вазиятларни аниқлаш;
- Ҳуқуқ бузилишларини тузатиш;

<sup>92</sup> Ҳимоя қилиш мажбурияти тўғрисидаги масала қуйидаги халқаро судлар ва шартномавий органларда кўриб чиқилган: Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси томонидан SERAC ва CESR Нигерияга қарши ишида, № 155/96 хабар, 13-27 октябрь 2001 й.; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суд томонидан Maripán Massacres Колумбияга қарши ишида, 15 сентябрь 2005 й. ва Ituango Massacres Колумбияга қарши, 1 июль 2006 й.; Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси томонидан Халқаро юристлар комиссияси Португалияга қарши ишида, № 1/1998 шикоят, 10 сентябрь 1999 й.; Қийноқларга қарши БМТ Қўмитаси томонидан Hajrizi Dzemajl ва бошқалар Югославияга қарши ишида, № 161/2000 хабар, 2 декабрь 2002 й. Худди шу масала қуйидаги миллий судлар томонидан кўриб чиқилди: Колумбия Конституциявий суди, № T-377/95 иш, 24 август 1995 й.; № T-065/93, 26 февраль 1993 й.; АҚШ Федерал апелляция суди, 9-чи округ (Жанубий Калифорния), 307 F.3d 1155, 2 Cal. Daily Op. Serv. 10, 310, 2002 Daily Journal D.A.R. 11, 901, 6 февраль 2003 й.; Аргентина Олий суди, Roberto E. Etcheverry Omint Sociedad Anónima у Servicios га қарши тўғрисидаги иш, 13 март 2001 й.

<sup>93</sup> Ушбу Бобнинг III.2 бўлимини кўринг.

- Ҳуқуқ эгаларига тегишли ҳуқуқларда кўзда тутилган ресурслардан шахсан фойдаланиш имкониятини бошқаришга имкон берадиган шароитларни яратиш;
- Ҳуқуқларни тўлиқ амалга ошириш йўлидаги тўсиқларни барта- раф этиш; ҳамда
- Камситувчи ижтимоий-маданий қолипларни ўзгартириш чора- ларни қўллаш, чунки уларнинг натижасида ўта заиф гуруҳлар ҳимояланмаган бўлиб қоляпти.

Амалга ошириш мажбурияти қуйидагилардан ҳимоя қилишни назарда тутиши мумкин:

- Хизматлар сифатига нисбатан моддий стандартларга амал қи- линмаслиги;
- Хизматларни режалаштириш, тақдим этиш ва мониторинг қилиш нуқтаи назаридан процессуал стандартларга риоя этилмаслиги;
- Етарлича ресурслар ажратилмаслиги;
- Қонун томонидан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаслиги; ёки
- Муайян хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс- ларга бундай хизматлар тақдим этилмаслиги<sup>94</sup>.

### **Инсон ҳуқуқларини юридик ҳимоялаш Халқаро маркази (INTERIGHTS) Грецияга қарши, № 49/2008 шикоят**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 11 декабрь 2009 й.)

**Орган, мамлакат:** Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўми- таси; Греция

<sup>94</sup> Амалга ошириш мажбурияти бузилганлиги тўғрисидаги масала қуйидаги халқаро судлар ва шартномавий органлар томонидан кўриб чиқилган: Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича Қўмита, *R. K. В. Туркияга қарши* иши, № 28/2010 хабар, 24 февраль 2012 й.; ва Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси, *International Association Autism-Europe Францияга қарши*, № 1/2002 шикоят, 7 ноябрь 2003 й. Худди шу масала қуйидаги миллий судлар томонидан кўриб чиқилди: ЖАР Конституциявий суди, *ЖАР Ҳу- кумати ва бошқалар Irene Grootboom ва бошқаларга қарши* иши, 2001 й. (1) SA 46 (CC), 4 октябрь 2000 й.; АҚШ Апелляцион суди, 3-чи округ, *Oberti v. Board of Education of the Borough of Clementon School District* иши, 99 F.2d 1204 (3<sup>rd</sup> Cir. 1993), 28 май 1993 й.; Исроил Олий суди, *Yated va бошқалар Таълим вазирлигига қарши* иши, НСЖ 2599/00, 14 август 2002 й.; Ҳиндистон Олий суди, *People's Union for Civil Liberties v. Union of India and others* иши, 2 май 2003 й.; Аргентина Олий суди, *Asociación Benghalensis y otros c. Misiterio de Salud y Accion Social* иши, Estado Nacional s/amparo ley 16.688, 1 июнь 2000 й.; ЖАР Конституциявий суди, *Soobramoney v. Minister of Health, KawZulu-Natal* иши, 1998 (1) SA 765 (CC), 27 ноябрь 1997 й.

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи; этник кичик миллатлар

**Иш ҳақида қисқача маълумот:** Шикоят Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Халқаро маркази (INTERIGHTS) томонидан Грецияда уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқлари ҳамда Рома-лўлилар ҳамжамиятига нисбатан уй-жойга эга бўлишга имкон бериш нуқтаи назаридан камситилишга учрамаслик ҳуқуқи бузилганлиги юзасидан узатилган. Шикоят қилганлар бундай ҳаракатлар оиланинг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи кўзда тутилган Европа ижтимоий хартияси (тарж.) 16-моддасини бузиш ҳисобланади, деб таъкидладилар.

**Қарор:** Қўмита қуйидаги қарор чиқарди: Қўмитанинг аввалги қарорида юзага келган вазиятни ўзгартириш юзасидан кўрсатма берилганлигига қарамасдан, Греция ҳукумати Рома-лўлилар ҳамжамиятига тегишли уй-жойга эга бўлиш имконини тақдим этмаган [35–37-бандлар].

Қўмита Греция ҳукумати Рома-лўлиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун ҳақиқатан ҳам маълум чораларни кўрганлигини, шу жумладан уларни камситишни тақиқлаш тўғрисидаги қонунчиликни тайёрлаганлигини эътироф этди [38-банд], бироқ ҳар бир шахсга бир хил ёндашув таъминланиши камситишнинг ҳар қандай шаклидан ҳимоя қилишнинг етарли воситаси ҳисобланмаслигини таъкидлади. Рома-лўлилар тушиб қолган вазият нақадар жиддийлигига муносабат билдириш учун давлатдан эҳтиёткорлик билан иш тутиш ва чинакам тенгликка эришиш мақсадида тегишли ижобий чораларни кўриш талаб этилган [40-банд].

Шундан сўнг Қўмита мажбурий кўчириб юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Ҳамжамиятлар ер майдонларини ноқонуний эгаллаб оладиган ҳолатларда ҳам уларни кўчириб юбориш жараёнида кўчириш тўғрисидаги қарор тегишлича асослаб берилиши, кўчиб кетишлари учун оқилона муддат берилиши тўғрисида тегишли билдириш хати тақдим этилиши, кўчириш вақтида кўчирилаётган шахсларнинг қадрқиммати ҳурмат қилинишини таъминлайдиган таомилларга амал қилиниши, шу жумладан кўчиришдан олдин кўчирилаётган шахслар билан суҳбат ўтказилиши, муқобил уй-жой ва ҳуқуқий ҳимоя воситасидан фойдаланиш имкони тақдим этилиши каби маълум процессуал кафолатларга риоя қилиш лозим. Юқоридагиларга асосланиб, Қўмита давлат томонидан Хартияда кўзда тутилган оиланинг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқи доирасида кафолатла-

надиган уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи бузилган, деган хулосага келди [55–70-бандлар].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Ушбу ишда давлатнинг уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқига амал қилиш, ҳимоялаш ва амалга ошириш мажбурияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.escr-net.org/node/365124>.

*iv) Давлатларнинг ИИМ ҳуқуқлар соҳасидаги экстрахудудий мажбуриятлари*

Умуман инсон ҳуқуқлари соҳасида, шу жумладан ИИМ ҳуқуқларига доир мажбуриятлар экстрахудудий таъсирга эга. Тобора ўсиб бораётган иқтисодий глобаллашув суръатлари ушбу мажбуриятлар ба-жарилишини инсон ҳуқуқларига риоя қилиш билан боғлиқ умумий манзаранинг янада муҳим элементига айлантиради. Бундай вазият ХЮК ва Маастрихт университетини *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида давлатларнинг экстрахудудий мажбуриятларига тегишли Маастрихт тамойилларини*<sup>95</sup> тайёрлаш бўйича эксперт тамойилини ишга солиш учун тўртки берди. Айтиб ўтилган ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тегишли аспектларини тартибга солиш мақсадида халқаро ҳуқуқ соҳасидаги экспертлар гуруҳи томонидан 2011 йилда қабул қилинди. Халқаро ҳуқуқ соҳасининг етакчи экспертлари, шу жумладан БМТнинг Махсус таомиллари мандатариялари ва БМТ шартномавий органлари аъзолари ушбу ҳужжатни имзолаган шахслар қаторига кирдилар.

Турли ҳодисалар ўртасида тобора кўпроқ ўзаро боғлиқлик кузатилаётган оламда ҳимояни кафолатлаш нуқтаи назаридан жиддий бўшлиқлар хатари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлар ҳақидаги анъанавий тасаввурлар билан боғлиқ, чунки шунга мувофиқ бундай мажбуриятлар, асосан, худудий давлатга юклатилади. Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳаракатига худудий давлат ҳисобланмайдиган субъектларнинг инсон ҳуқуқларини, шу жумладан ИИМ ҳуқуқларни, амалга оширишга (ёки амалга оширмасликка) қандай таъсир кўрсатиши яхши маълум. Бундай таъсир турли даражаларда амалиёт билан шуғулланаётган юристлар учун жиддий тўсиқ ҳисобланади.

*Маастрихт тамойиллари* ушбу бўшлиқни тўлдиради, чунки давлатлар мажбуриятларининг экстрахудудий ифодасини баён қилади ва ушбу мажбуриятларнинг бузилишига нималар олиб келиши мумкинлигини ва айнан қандай вазиятда давлат жавобгарлиги тўғрисида сўз юритиш мумкинлигини аниқлайди ҳамда шундай ҳуқуқ бузишлар ҳолатида

<sup>95</sup> *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида давлатларнинг экстрахудудий мажбуриятларига тегишли Маастрихт тамойиллари* (2011), <http://www.etoconsortium.org/en/library/maastricht-principles/>, ёки ушбу Қўлланмага 3-иловани кўринг.

ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг асосий элементларини кўрсатади. Мазкур расмий ҳужжат аввал қабул қилинган шунга ўхшаш иккита ҳужжат—*Лимбург тамойиллари* ва *Маастрихт раҳбарлик тамойилларига* асосланади, ва уларнинг тўғрисида ушбу Қўлланманинг бошқа қисмларида баён этилган<sup>96</sup>.

Маастрихт тамойиллари давлатнинг алоҳида ва барча инсон ҳуқуқларига амал қилиш, ҳимоялаш ва амалга ошириш борасидаги экстраҳудудий мажбуриятларини (шу жойда ва кейинги матнда—ЭҲМ) белгилайди, ва қуйидагиларни ўзига киритади:

- «а) бу давлат ўз ҳудудида ва унинг ташқарисида ҳаракат қилиши ва ҳаракатсизлигига доир мажбуриятлар бўлиб, ушбу давлат ҳудудининг ташқарисида инсон ҳуқуқларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир; ва
- б) бу инсон ҳуқуқлари соҳасига оид БМТ Уставида ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда баён қилинган универсал хусусиятли мажбуриятлар бўлиб, бутун дунёда инсон ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ҳаракатлар ҳам якка бўлиб, ҳам халқаро ҳамкорлик доирасида биргаликда бажарилади».

Маастрихт тамойиллари ЭҲМ бажарилишини ҳамда уларга амал қилиниши баҳоланишини таъминлашга имкон берадиган юрисдикция ва жавобгарлик учун асос солади. Хусусан, Маастрихт тамойиллари ЭҲМ қуйидаги вазиятларда қўлланилишини белгилайди:

- «а) давлат ўзининг ҳақли ваколатларини ёки ҳақиқий назоратини амалга оширадиган вазиятлар, бундай назорат халқаро ҳуқуққа мувофиқ ёки номувофиқ ўтказилишидан қатъи назар;
- б) иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан давлатнинг ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги олдиндан маълум бўладиган оқибатларга олиб келадиган вазиятлар (бу давлат ҳудудида ёки унинг ташқарисида бўлишидан қатъи назар);
- с) давлат якка ўзи ёки бошқа давлатлар билан биргаликда ўзининг ижроия, қонун чиқарувчи ёки суд органлари орқали ҳаракат қилиб, халқаро ҳуқуққа мувофиқ, экстраҳудудий асосда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши ёки чора кўриши мумкин бўлган вазиятлар»<sup>97</sup>.

Давлат ўз хатти-ҳаракатлари, яъни у жавоб берадиган нодавлат субъектларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги унинг инсон ҳуқуқ-

<sup>96</sup> Ушбу бобнинг III.1 бўлимидаги жадвални кўринг.

<sup>97</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятларига тегишли Маастрихт тамойиллари, 9-тамойил (биз томондан ажратиб кўрсатилган).

лари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бузганда, давлат жавоб берадиган ҳолат юзага келади<sup>98</sup>. Давлатларнинг ЭХМ ҳам салбий, ҳам ижобий бўлиши мумкин. Давлатлар бошқа давлатда яшайдиган одамларнинг ИИМ ҳуқуқларини чеклаши мумкин эмас; давлатлар ҳаракатларини тартибга соладиган, назорат қиладиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган учинчи шахслар томонидан ҳуқуқлар бузилишидан ҳимоя қилишлари лозим; ҳамда давлатлар бутун дунёда ИИМ ҳуқуқлари амалга оширилишига ёрдам беришлари лозим (мавжуд ресурслар бунга қанчалик имкон берса).

Маастрихт тамойилларининг якуний қисми ҳисобдорликка ва ЭХМ бузилишидан ҳуқуқий ҳимоя воситаларига бағишланган. Ҳеч шубҳасиз, ушбу масалалар амалиётчи юристлар олдида турган вазибалар нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга эга. Кўпинча инсон ҳуқуқлари бузилганлиги учун ҳисобдорликнинг миллий ва халқаро механизмлари хоржий субъектлар, шу жумладан бошқа давлатлар ва трансмилий компаниялар жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўтарадиган ишларни кўриб чиқиш учун мослашмаган, ва умуман бир неча давлатлар томонидан ҳуқуқлар бузилиши ҳақидаги ишларни кўриб чиқишга янада кам мослашган.

Шундай бўлса-да, бу борада маълум тараққиёт кузатилмоқда, ва БМТнинг қатор Махсус таомиллари ва Шартномавий органлари, уларнинг фикрича, бошқа давлатлар ва ўзга «экстраҳудудий» субъектларнинг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ борасидаги мажбуриятларини бузишга олиб келган вазиятларни мониторинг қилиш ва тузатишга киришиб бўлдилар<sup>99</sup>.

Шубҳасизки, Шартномавий органлар ва Махсус тамойиллар, носуд механизмлари сифатида, бошқа давлат ҳудудида юзага келган ва (ёки) хорижий субъектлар томонидан содир этилган ҳуқуқ бузилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқаётганда дуч келадиган миллий судлар ва ўзга суд органлари процессуал ва меъёрий чекловларга чалинмайди.

<sup>98</sup> *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятларига тегишли Маастрихт тамойиллари*, 11- ва 12-тамомиллари.

<sup>99</sup> Давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятларидан ҳамда Маастрихт тамойилларидан фойдаланиш мисолларини ЕТО Consortiumнинг қуйидаги сатида кўринг: <http://www.eticonsortium.org/>. Жумладан, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита яқинда Австрия, Бельгия ва Норвегияга давлатларнинг тегишли экстраҳудудий мажбуриятларига бағишланган қатор тавсияларни берди. Кўринг: *Австрия бўйича 2013 йилдаги якуний мулоҳазалари*, БМТ ҳужжати № Е/С.12/AUT/CO/4, 11- ва 12-бандлар; *Бельгия бўйича*, БМТ ҳужжати № Е/С.12/BEL/CO/4, 22-банд; *Норвегия бўйича*, БМТ ҳужжати № Е/С.12/NOR/CO/5, 6-банд. Шунингдек миллий даражада кўринг: Франция инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг инсон ҳуқуқлари контекстидаги тадбиркорлик фаолияти соҳасида Миллий режасининг келажаги бўйича ҳулосаси, бевосита *Маастрихт тамойилларига*, ва айнан Франция юрисдикцияси остида бўлган компаниялар ҳаракатлари натижасида инсон ҳуқуқлари бузилган хориждаги шахсларни инсон ҳуқуқлари бузилишидан ҳимоя қилиш борасидаги Франция мажбуриятларига ҳавола қилади: [http://www.cncdh.fr/sites/default/files/13.10.24\\_avis\\_entreprises\\_et\\_droits\\_de\\_lhomme\\_0.pdf](http://www.cncdh.fr/sites/default/files/13.10.24_avis_entreprises_et_droits_de_lhomme_0.pdf), 63-банд.

Бошқа томондан, улар нақадар муҳим бўлсада, қарорлари миллий ҳуқуқ кучи билан таъминланадиган суд ёки маъмурий механизмлар каби доим ҳам самарали бўлавермайди, чунки айрим давлатлар уларни фақат тавсия хусусиятига эга, деб ҳисоблайдилар.

Яқин йиллар ичида ИИМ ҳуқуқларни суд томонидан ҳимоя қилиш соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкинлигига ўхшайди. Шунга қарамай, ҳуқуқшунос-олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи шахслар ЭХМ билан боғлиқ ва миллий, халқаро судлар ва бошқа суд органлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлган ҳақиқий ва тахминий вазиятларни таҳлил қилишни бошладилар.

Суд тартибида ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ЭХМ, Маастрихт тамойиллари ва суд амалиёти таҳлили тўғрисида кўпроқ билиб олишни хоҳлайдиган амалиётчи юристлар қуйидаги ресурсларга мурожаат қилишлари мумкин:

- Бутун ЭХМ бўйича Консорциумнинг қуйидаги интернет-сайтини кўринг: <http://www.etoconsortium.org/>.
- Маастрихт тамойилларининг тўлиқ матнини 3-сонли Ило-вада кўринг.

Тамойилларнинг ўзига эмас, бирламчи манбалар ва суд қарорларига мурожаат этишни хоҳлайдиган амалиётчи юристлар, қуйидаги манбаларни кўришлари лозим:

- De Schutter, O. Eide, A. Khalfan, A. Orellana, M. Salomon, and I. Seiderman, *Commentary to the Maastricht Principles on Extraterritorial Obligations of States in the Area of Economic, Social and Cultural Rights* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятларига тегишли Маастрихт тамойилларига шарҳ], *Human Rights Quarterly*, 34(4), 2012, pp. 1084–1169. Қуйидаги ҳавола бўйича: <http://www.icj.org/wp-content/uploads/2012/12/HRQMaastricht-Maastricht-Principles-on-ETO.pdf>.
- Суд амалиётининг обзори: R. Künnemann, *Extraterritorial Application of the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактни Экстраҳудудий қўллаш], қуйидагилар таҳрир остидаги тўпламда: Coomans, Fons, and Menno T. Kamminga, *Extraterritorial Application of human rights treaties*, vol. 2. Intersentia, Antwerp, 2004; ҳамда Gibney, Mark, and Wouter Vandenhoele, *Litigating Transnational Human Rights Obligations: Alternative Judg-*

*ments* [Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги трансмиллий мажбуриятлар суд томонидан Ҳимояланиши], Routledge, 2013.

## 2. Халқаро ҳуқуқ бўйича ИИМ ҳуқуқлар бузилиши

Ҳуқуқлар бузилиши мисоллари ва турли мамлакатларнинг суд ва квазисуд органлари тегишли масалани қандай кўриб чиққанлари Қўлланманинг 4- ва 5-Бобларида батафсил ўрганиб чиқилган. Ушбу бўлимда ҳуқуқ бузишлар хусусиятлари бўйича умумий кўрсатмалар келтирилган. Бўлимга кириш қисмида баён қилинганидек, давлатлар ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур чораларни кўрмасалар ёки уларнинг хатти-ҳаракатлари (улар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилишларидан қатъи назар) хусусий шахслар ёки шахслар гуруҳлари ҳуқуқларидан фойдаланишларига аралашувни ташкил қилса, давлатлар жавоб беришлари мумкин.

*ИИМҲХПни амалга оширишнинг Лимбург тамойиллари* қабул қилинганидан сўнг, халқаро ҳуқуқ соҳасидаги экспертлар гуруҳи ИИМ ҳуқуқлар бузилиши деб айнан нималар ҳисобланиши ҳамда улар бузилишидан ҳуқуқий Ҳимоя воситаси сифатида нималар тушунилишининг ифодаси ва тушунчасини аниқлашга ёрдам берди. *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига тегишли Маастрихт раҳбарлик тамойиллари* 1997 йилда қабул қилинган. Амалиётчи юристлар ушбу ҳуқуқларни судда Ҳимоя қилаётганларида айтилган тамойиллар жуда муҳим мадад бўлади. Бу ҳужжат халқаро органларнинг шу жумладан ИИМҲҚ ва, кейинги бўлимларда таърифлангани каби, БМТнинг бошқа Шарномавий органларининг қўлланувчи стандартларни шарҳлашга бўлган ёндашувини шакллантиришга жиддий ёрдам берди.

### Давлат ҳаракатсизлиги натижасида ИИМ ҳуқуқлар ва ҳуқуқ бузилишларни қонуний ва регулятив ифодалаш

Қонун устунлиги ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларига мувофиқ муайян ҳуқуқ мазмуни ва ҳажмини аниқлаш, биринчи навбатда, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг вазифаси ҳисобланади, шундан сўнг улар маъмурий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида янада мукамал ишлаб чиқилади<sup>100</sup>.

Миллий ва халқаро судлар томонидан кўриб чиқиладиган ва ИИМ ҳуқуқларга боғлиқ бўлган кўпгина ишлар қонун томонидан белгиланган ва мавжуд қонунчилик ва қонуности ҳужжатлар қоидалари қонун ёки Конституция томонидан белгиланган мажбуриятларга мувофиқ эмаслиги ёки маълум хатти-ҳаракатга нисбатан ўрнатилган тақиқловни бузаётганлиги сабабли узатиладиган шикоятлар билан боғлиқ. Шундай қилиб, суд ва квазисуд органлари давлатнинг бутунлай

<sup>100</sup> ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти. 16–17-б.

ҳаракатсизлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқмасдан, кўпроқ конвенциялар, Конституция ёки қонун томонидан ўрнатилган мажбуриятлар ва тақиқловларни тегишлича амалга ошириш учун тахминан етарли бўлмаган қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қоидаларини қайта кўриб чиқадилар. Масалан, уй-жойга эга бўлиш (*Grootboom* иши) ёки соғлом бўлиш (*Treatment Action Campaign* иши)<sup>101</sup> ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган маълум жанубий-африка ишлари суд ва квазисуд органлари қандай қилиб давлатнинг қисман ҳаракатсизлиги натижасида ҳуқуқлар бузилишини эътироф этишга эришганларини кўрсатади. Келтирилган ҳолатларда ЖАРнинг Конституциявий суди у ёки бу ИИМ ҳуқуққа риоя қилишга қаратилган давлат сиёсати белгиланган ҳуқуқий стандартга мос бўлмаган, деган хулосага келди. Бошқача қилиб айтганда, давлат томонидан танланган воситалар унинг ҳуқуқий мажбуриятининг нуқтаи назаридан етарли бўлмаган, чунки маълум аҳоли қисмини чиқариб ташлаган. Бошқа ҳолатларда<sup>102</sup> давлат ҳаракатсизлиги муайян ҳуқуқ эгалари гуруҳларини эмас, ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқлар, хизматлар ва товарларнинг муҳим аспектларини чиқариб ташлаш ёки тегишли сиёсатни ҳаётга жорий қилиш учун керакли молиявий ва моддий ресурсларни тақдим этмаслик билан боғлиқ бўлган.

### **Франция Конституциявий Кенгаши — қонун чиқарувчининг иш вақтини қоплашга доир масалалар бўйича қисман ҳаракатсизлиги**

Франция Конституциявий Кенгаши 2008 йилда қабул қилинган қонуннинг иш вақтини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонуннинг конституциявийлиги тўғрисидаги масалани (француз тилида — *Loi portant rénovation de la démocratie sociale et réforme du temps de travail*) кўриб чиқди ва у қисман ноконституциявий эканлигини эътироф этди. Хусусан, Кенгаш меъёрга солинмаган иш кунини учун товон тўлаш жамоавий меҳнат шартномаларини ёки қўшимча қонуности ҳужжатларини тузиш тўғрисидаги музокаралар давомида янада тартибга солиниши лозим, деб белгилаган қонуннинг алоҳида қоидалари Конституциянинг 34-моддаси талабларига мос келмайди, деган қарор чиқарди. Ушбу модда қандай масалалар қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатига бевосита қўйилганлигини белгилайди. Шулар қаторига меҳнат муносабатлари, касаба уюшмалари ва ижтимоий таъминот билан боғлиқ масалалар киради. Баҳслашувга сабаб бўлган қонун қоидалари меҳнат

<sup>101</sup> ЖАР ҳукумати ва бошқалар *Irene Grootboom* ва бошқаларга қарши, ЖАР Конституциявий суди, № 2001 (1) SA 46 (CC) Қарор (2000); ЖАР Соғлиқни сақлаш вазири *Treatment Action Campaign* га қарши, ЖАР Конституциявий суди, № 2002 (5) SA 721 Қарор (2002).

<sup>102</sup> ХЮКнинг суд тартибиде кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти. 40–41-б.

қонунчилигининг асосий тамойиларини, ва айнан дам олиш ҳуқуқи ва меъёрга солилмаган иш куни учун товон тўлаш ҳуқуқини амалга ошириш тартибини белгиламаган<sup>103</sup>.

Бошқа ҳокимият тармоқларининг тўлиқ ҳаракатсизлиги натижасида ҳуқуқлар бузилишини суд органлари бирмунча кўпроқ қайд қиладилар. Кейинги ишда Сальвадорнинг Олий суди конституциявий ҳуқуқни амалга ошириш бўйича қонун чиқарувчи ташаббус йўқлиги сабабли ҳуқуқ бузилганлигини эътироф этди.

**Сальвадор: ишчиларга товон тўланишини тартибга соладиган қонунчиликни қабул қилиш бўйича қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг тўлиқ ҳаракатсизлиги**

Одил судловни амалга ошираётган ёки бунга интилаётган шахслар дуч келиши мумкин бўлган ҳуқуқий ноаниқлик ва мушкулликлар билан тўқнашмаслик учун Конституция қоидаларини имплементация қилиш учун зарур бўлган бирламчи қонунчилик ва маъмурий чоралар қабул қилиниши талаб этилади. Ушбу тамойил Сальвадор Олий суди томонидан 2013 йилнинг февраль ойида чиқарилган № 53-2005/55-2005 қарорида ўз аксини топди<sup>104</sup>. Олий суднинг Конституциявий палатаси Конституциянинг 252-моддаси талабларига мувофиқ ходимлар ишдан бўшатиладиган ҳолатда уларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган Конституциянинг 38-моддаси қоидалари амалга оширилишини таъминлайдиган ва тартибини белгилайдиган қонунни қабул қилиши лозим бўлган давлатнинг қонун доирасидаги тўлиқ ҳаракатсизлигига танқидий баҳо берди.

Ҳаракатсизлик натижасида юзага келадиган ҳуқуқ бузилиши ҳолатлари нафақат қонун чиқарувчи ташаббус йўқ бўлганда, балки давлат Конституция ёки конвенция томонидан кафолатланган ҳуқуқларни амалга ошириш таъминланиши учун зарур бўлган дастур ёки маъмурий режани тузмаганда ҳам содир бўлади. Шунингдек ҳаракатсизлик кўп ҳолларда тижорат компаниялар фаолиятини тартибга солиш ва улар томонидан ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш вазиятида рўй беради. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, давлат ўзининг ҳимоя қилиш мажбуриятига мувофиқ, учинчи шахслар, шу жумладан тижорат компаниялари томонидан ИИМ ҳуқуқлардан фойдаланишга аралашувлар бўлишининг олдини олишга қаратилган зарур қонунчилик ва қонун-ости ҳужжатлар бўлишини таъминлаши лозим.

<sup>103</sup> Қисман ноконституциявийлик тўғрисидаги Декларация, Франция Конституциявий Кенгаши, № 2008-568 DC қарор (2008).

<sup>104</sup> Ушбу Бобнинг II.2 бўлимини ва 42-ҳаволани кўринг.

ХЮК хусусий шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқ бузилиши қурбонлари учун одил судловдан фойдаланиш имконини бериш масаласида қатор тадқиқотларни ўтказди<sup>105</sup>. Ушбу тадқиқотлар асосий эътиборини алоҳида мамлакатларнинг норматив-ҳуқуқий базасига қаратишига қарамасдан, ҳуқуқ бузилиши қурбонлари хусусий шахсларни жавобгарликка тортишдаги уринишларида дуч келадиган имкониятлар ва мушкулликларнинг фойдали обзорида ҳамда давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг батафсил таҳлиliga, улар мавжудлиги ва самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларга эга. Амалиётчи юристлар таққослашлари учун ҳуқуқий аънаналари ўхшаш бўлган мамлакатлар ҳақидаги тегишли ҳужжатларга мурожаат этишлари фойдали бўлиши мумкин.

### **а) Давлат ҳаракатлари натижасида ҳуқуқлар бузилиши**

Давлатлар ИИМ ҳуқуқларга риоя қилмаган ҳолда бу ҳуқуқларни бузишлари мумкин. Ҳокимиятлар вакиллари томонидан бажариладиган мажбурий кўчириб юбориш ҳолатлари бундай ҳуқуқ бузилишларининг яққол мисолидир<sup>106</sup>. Давлат томонидан ёки унинг розилиги билан амалга ошириладиган бундай ҳаракатлар уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланишга тўсқинлик қилади ва бошқа инсон ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мажбурий кўчириб ташлашлар аллақачон қўлланилаётган уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланишга амал қилиш борасидаги мажбуриятни очиқдан-очиқ бузиш ҳисобланади ва *prima facie* тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқидан ва ИИМҲҲПдан келиб чиқадиган давлат мажбуриятларини бузиш ҳисобланади<sup>107</sup>.

#### *1) Мажбурий кўчириб юбориш ва тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи*

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва миллий қонунчилик билан кўзда тутилган процессуал кафолатларга мувофиқ бўлмаган ва, мажбурий кўчириб юбориш сабабли, тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар бузилишига бағишланган кенг доирадаги суд амалиёти мавжуд. Қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий базага қараб, суд қарорлари уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқининг ўзига ёки мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, хусусий ҳаёт дахлсизлиги, муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи, камситилиш тақиқланиши ва қонун олдидаги тенглик каби ва яна бир

<sup>105</sup> ХЮКнинг Хитой, ЖАР, Колумбия, Польша, Ҳиндистон, Бразилия, Конго Демократик Республикаси ва Перуга нисбатан тадқиқоти куйидаги ҳаволада мавжуд (инглиз тилида): <http://www.icj.org/category/publications/?theme=international-economic-relations>.

<sup>106</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 7-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, БМТ ҳужжати № Е/1998/22, IV Илова (1997), 3-банд: ИИМҲК мажбурий кўчириб юборишни куйидагича ифодалади: «Алоҳида шахсларни, оилаларни ва (ёки) жамоаларни уларнинг хоҳишига зид равишда, тегишли ҳуқуқий ёки бошқа ҳимояни тақдим этмасдан ёки бундай ҳимоядан фойдаланиш имкони билан таъминламасдан, доимий ёки вақтинчалик кўчириб юбориш».

<sup>107</sup> Кўринг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 7-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 59-ҳавола; ва 7-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 106-ҳавола.

қатор бошқа конституциявий ҳуқуқлар ва тамойилларга асосланади. Қўлланманинг 4- ва 5-Бобларида уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги миллий ишлар мисоллари келтирилган. Мажбурий кўчириб юбориш билан бир қаторда, давлатлар шахсларнинг ўз маданий тасаввурлари ва эҳтиёжларига мувофиқ уй-жой қуришга доир ҳуқуқларига тажовуз қилганда, давлатлар тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқига амал қилмаган ҳолат юзага келади.

Миллий даражада амалиёт билан шуғулланадиган юристлар учун давлатлар мажбурий кўчириб юбориш, кўчириш ва депортация қилиш ҳолатларида оммавий манфаат, ижтимоий фаровонлик ва умумий эзгуликка ҳавола қилиб илгари сурилаётган далиллар нуқтаи назаридан ИИМ ҳуқуқлар чекланиши тўғрисидаги масала тобора долзарб бўлиб қоляпти. Урбанизация (замонавий юксалиш), табиий ресурслардан фойдаланиш ва инвесторлар ва молиячилар ўз манфаатларида ҳаракат қилиши билан боғлиқ жуда катта талаблар ер ва кўчмас мулкка нисбатан юклама тобора ортиб боришига олиб келяпти<sup>108</sup>.

Давлатлар қурилиш соҳасида маълум мақсадларни кўзлаш ва режаларни амалга оширишга ҳақли бўлишига қарамасдан, негизида ижтимоий манфаат концепцияси мужассамлашган далиллар кўп ҳолларда шахслар ёки шахслар гуруҳларининг ҳуқуқлари бузиладиган вазиятларни оқлаш мақсадида ишлатилади.

Бундай ишларни кўриб чиқаётганда судлар (маълум даражада—адвокатлар ҳам) рақобатлашувчи манфаатларни мувоозанатга келтирадиган мураккаб сиёсий муаммолар билан тўқнашадилар. Миллий ва минтақавий суд ва квазисуд органлари бу соҳада кенг доирадаги амалиётни юзага чиқарди; улар ижтимоий манфаат билан боғлиқ далиллар ҳаққонийлиги тўғрисидаги масалани бир неча бор кўриб чиқдилар ва лойиҳаларни тугатиш ҳақидаги қарорлардан бошлаб, процессуал кафолатларга амал қилишни талаб этиш, шу жумладан манфаатдор шахслар билан мазмунли маслаҳатларни ўтказиш мажбуриятини белгилашгача бўлган турли ечимларни қабул қилдилар. Бундай қарорларнинг асосий манбаини туб аҳолининг ерлари билан боғлиқ ишлар ташкил қилади.

Шу маънода Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси томонидан 2010 йилда Кенияда эндоруа туб халқининг иши бўйича чиқарган қарори ижтимоий манфаатни

<sup>108</sup> Масалан, кўринг: Овқатланиш ҳуқуқи тўғрисидаги масала бўйича БМТнинг махсус маърузачиси, O. de Schutter, Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг 13-чи сессиясида тақдим этилган Маърузага илова, *Ерларни оммавий сотиб олиш ва ижарага топшириш: инсон ҳуқуқлари бузилиши таҳдидини енгиб ўтиш бўйича минимал тамойиллар ва чоралар*, БМТ ҳужжати № A/HRC/13/33/Add. 2 (2009).

ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисидаги далиллар тадқиқ этилганлигининг долзарб ва фойдали мисоли ҳисобланади.

Тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва прецедентли (ўхшаш) ҳуқуқни инобатга олиб, Комиссия шундай изоҳ берди: «аралашув фақат „ижтимоий зарурат ёки бутун жамият манфаатида“ ва „амалдаги қонунлар қоидаларига мувофиқ“» бўлган ҳолатдагина Африка хартиясининг 14-моддаси «баҳолашнинг икки ёнлама мезонини» белгилайди. Бу билан Комиссия давлатнинг жамоатчилик манфаатларида ҳаракат қилганлиги тўғрисидаги ягона далилига бошқа нуқтаи назардан эътибор қаратган. Кейин эса Комиссия шунга ўхшаш ҳолатларда қўлланилиши лозим бўлган мутаносиблик тамойилининг таъсири ҳамда ҳуқуқларнинг ҳар қандай чекланиши кўзланилаётган мақсадга мутаносиб ва унга эришиш учун ҳақиқатан зарур бўлиши лозимлиги тўғрисида эслатиб ўтди<sup>109</sup>.

Халқаро даражада мавжуд бўлган ИИМХҚнинг қатор Умумий тартибдаги мулоҳазалари давлат ҳуқуқларга амал қилиш борасидаги ўз мажбуриятларини қандай бузишини ифодалайдиган муайян ҳаракатлар мисоллари ҳисобланади.

Қуйида, тўлиқ маънони англатишга даъво қилмаган ҳолда, ИИМХҚ шарҳидан парчалар келтирилган бўлиб, уларда халқаро ҳуқуқ бўйича турли ИИМ ҳуқуқлар бузилишини ташкил қиладиган ҳаракатлар мисоллари кўрсатилган. Шунингдек уларда миллий даражада бузилган ҳуқуқларни тўғрилаш учун саъй-ҳаракатлар нималарга қаратилиши кераклигига урғу берилган.

*ii) Маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи:*

- «Шахслар ва ҳамжамиятлар маданий ҳаёт, амалиётлар, товарлар ва хизматлардан фойдаланишларига йўл қўймаслик»<sup>110</sup>;
- «Маданий ўзига хослик, ижтимоий изоляция (ажраганлик) ёки мажбурий ассимиляция (сингиш) белгилари бўйича камситишнинг ҳар қандай шаклидан [ўзини сақлаш мажбурияти][;] ...турли маълумотлар билан алмашиш, ...ўзига хослик, қадрият ва мазмунни ўзида мужассамлаштирадиган маданий аҳамиятга эга объектлар ва хизматлардан фойдаланишга[;] ...илмий

<sup>109</sup> *Centre for Minority Rights Development (Kenya) and Minority Rights Group International on behalf of Endorois Welfare Council v. Kenya* [Кичик миллатлар ҳуқуқларини ривожлантириш Маркази (Кения) ва эндоруа фаровонлиги бўйича Кенгаш манфаатларини ҳимоя қиладиган Кичик миллатлар ҳуқуқлари бўйича Халқаро гуруҳ Кенияга қарши], Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси, № 276/2003 қарор, 25 ноябрь 2009 й., 211–213 банд.

<sup>110</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 21-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, БМТ ҳужжати № E/C.12/GC/21 (2009), 62-банд.

тадқиқотлар ва ижод билан эркин шуғулланишга[;] ...кичик миллатлар ўз маданиятидан, меросидан ва ўзини ифодалашнинг бошқа шаклларида эркин баҳраманд бўлишга ҳамда уларнинг маданий ўзига хослигини ва амалиётини эркин амалга оширишга [йўл бермайдиган ҳар қандай ҳаракатлар]»<sup>111</sup>.

*iii) Таълим олиш ҳуқуқи:*

- «Хусусий мактабларни ёпишдан ўзини тийиш»<sup>112</sup>;
- «Тақиқланган белгилардан биронтаси бўйича таълим соҳасида шахсларни ёки шахслар гуруҳларини камситишни назарда тутадиган қонунчиликни қабул қилиш ёки амалда кучини сақлаб қолиш; ...хусусий ўқув юртларини тақиқлаш; ...ўқитувчилар ва ўқувчилар эркин илмий изланишларини инкор қилиш; [ИИМҲХП]нинг 4-моддасига зид равишда сиёсий кескинлик юзага келган даврларда ўқув юртларини ёпиш»<sup>113</sup>.

*iv) Овқатланиш ҳуқуқи:*

- «Овқатланиш ҳуқуқини узлуксиз амалга ошириш учун зарур бўлган қонунчилик амал қилишини расмий йўл билан бекор қилиш ёки тўхтатиб туриш; алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳлари озиқ-овқатлардан баҳраманд бўлишини рад этиш...; ички можаролар ёки бошқа фавқулдда вазиятлар шароитларида инсонпарварлик мақсадларида кўрсатиладиган озиқ-овқат ёрдамига эга бўлиш йўлини тўсиш; аввал амалда бўлган ва овқатланиш ҳуқуқига доир ҳуқуқий мажбуриятларга умуман мос келмайдиган қонунчилик қабул қилиш ёки директив чораларни кўриш»<sup>114</sup>.

*v) Соғлом бўлиш ҳуқуқи:*

- «Соғлом бўлиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини сақлаб қолиш учун зарур бўлган қонунчилик амал қилишини расмий йўл билан бекор қилиш ёки амал қилишини тўхтатиб туриш, ёки аввал амалда бўлган соғлом бўлиш ҳуқуқига доир миллий ёки халқаро мажбуриятларга умуман тўғри келмайдиган қонунчилик ёки стратегияларни қабул қилиш»<sup>115</sup>;
- «Камситиш натижасида, де-юре ёки де-факто, муайян шахслар ёки шахслар гуруҳлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги объектлар,

<sup>111</sup> Ўша жойда, 49-банд.

<sup>112</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмига, 13-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 45-ҳавола, 50-банд.

<sup>113</sup> Ўша жойда, 59-банд.

<sup>114</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмига, 12-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 33-ҳавола, 19-банд.

<sup>115</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмига, 14-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 33-ҳавола, 48-банд.

товарлар ёки хизматлардан фойдаланишларини рад этиш; соғлиқни сақлаш ёки касалликларни даволаш учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган маълумотни онгли равишда билдирмаслик ёки бузиб билдириш; қонунчилик амал қилишини тўхтатиб туриш ёки соғлом бўлиш ҳуқуқининг биронта компонентида фойдаланишга йўл бермайдиган қонунлар ёхуд стратегияларни қабул қилиш»<sup>116</sup>.

*vi) Илмий, адабий ёки бадий асарлар туфайли пайдо бўладиган моддий ва номоддий ҳуқуқларни ҳимоя қилишдан фойдаланиш ҳуқуқи:*

- «Муаллифларнинг ўз илмий, адабий ва бадий асарлари яратувчилари сифатида тан олиш ҳуқуқини бузиш ва бундай асарларни ҳар қандай йўл билан бузиш, шикаст етказиш ва бошқа аснода ўзгартиришга ҳамда муаллифлар қадр-қиммати ва обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзга тажовузга қарши туриш[,] ...муаллифлар муносиб туршуш даражасига эришишларига имкон бериш учун зарур бўлган моддий ҳуқуқларини асоссиз чеклаб қўйиш»<sup>117</sup>;
- «Бирор шахслар илмий, адабий ёки бадий асарларни яратганлари туфайли юзага келадиган моддий ва номоддий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунчиликни расмий йўл билан бекор қилиш ёки амал қилишини асоссиз равишда тўхтатиб қўйиш»<sup>118</sup>.

*vii) Ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи:*

- «Мувофиқ ижтимоий таъминотга тенг равишда эга бўлишга йўл бермайдиган ёки чеклайдиган ҳар қандай амалиёт ёки фаолиятда иштирок этишдан; ижтимоий таъминотнинг мустақил, шаклланиб қолган ёки анъанавий дастурларига ўзбошимча ёки асоссиз аралашидан; ижтимоий таъминот мақсадларида алоҳида шахслар ёки корпоратив органлар томонидан яратилган муассасалар фаолиятига ўзбошимча ёки асоссиз аралашидан ўзини сақлаш»<sup>119</sup>;
- Ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқини узлуксиз амалга ошириш учун зарур бўлган қонунчиликни расмий йўл билан бекор қилиш ёки амал қилишини асоссиз равишда тўхтатиб қўйиш; учинчи шахслар томонидан қўлланиладиган ва ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқига мос келмайдиган чораларни фаол

<sup>116</sup> Ўша жойда, 50-банд.

<sup>117</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 17-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, БМТ ҳужжати № Е/С.12/ГС/17 (2005), 30-банд.

<sup>118</sup> Ўша жойда, 42-банд.

<sup>119</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 19-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 33-ҳавола, 44-банд.

қўллаб-қувватлаш; муҳтож ва камбағал шахсларнинг яшаш жойига қараб, ижтимоий таъминот йўналиши бўйича нафақа олиш ҳуқуқини беришнинг турли мезонларини жорий қилиш; аёлларга ёки муайян шахслар ёхуд гуруҳларга бундай ҳуқуқ беришни фаол рад этиш»<sup>120</sup>.

*viii) Сувдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи:*

- «Тегишли сувга тенг равишда эга бўлишга йўл бермайдиган ёки чеклайдиган ҳар қандай амалиётда ёки фаолиятда иштирок этишдан; сув тақисмлашнинг шаклланиб қолган ёки анъанавий тарзларига ўзбошимча аралашидан; сув ресурсларининг ҳажми ноқонуний қисқартирилиши ёки давлат корхоналарининг чиқиндиларини ташлаш, қуролдан фойдаланиш ёки синаш натижасида ифлослантирилишидан; халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини бузган ҳолда, сув ресурсларидан, сув таъминоти тизимларидан ва инфратузилма объектларидан фойдаланишни чеклашдан ёки, масалан, қуролли тўқнашувлар давомида жазо чораси сифатида бундай тизим ва объектларни бузиб юборишдан ўзини сақлаш»<sup>121</sup>;
- сувдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини узлуксиз амалга ошириш учун зарур бўлган қонунчиликни расмий йўл билан бекор қилиш ёки амал қилишини асоссиз равишда тўхтатиб қўйиш ёки сувдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига доир аввал амал қилган миллий ёки халқаро ҳуқуқий мажбуриятларга умуман мос келмайдиган қонунчилик ёки стратегияларни қабул қилиш»<sup>122</sup>.

*ix) Меҳнат қилиш ҳуқуқи:*

- «Ҳар ким, айниқса ҳимояланмаган ва камбағал шахслар ва шахслар гуруҳлари, шу жумладан маҳбуслар ва ҳибсга олинганлар, кичик миллатлар вакиллари ва меҳнаткаш-мигрантлар учун муносиб меҳнат қилиш бўйича тенг имконият тақдим этмаслик ёки бундай имконни чеклаб қўйиш»<sup>123</sup>;
- «Меҳнат қилиш ҳуқуқини узлуксиз амалга ошириш учун зарур бўлган қонунчиликни расмий йўл билан бекор қилиш ёки амал қилишини асоссиз равишда тўхтатиб қўйиш; алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳларини меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан маҳрум этиш, бундай камситиш қонунчиликка асосланганлиги ёки амалиётда мустаҳкамланганлигидан қатъи

<sup>120</sup> Ўша жойда, 64-банд.

<sup>121</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 15-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 33-ҳавола, 21-банд.

<sup>122</sup> Ўша жойда, 42-банд.

<sup>123</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, 18-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза, 33-ҳавола, 23-банд.

назар; ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқига доир халқаро мажбуриятларга умуман мос келмайдиган қонунчилик ёки стратегияларни қабул қилиш»<sup>124</sup>.

## **б) Ҳуқуқлар бузилишига оид бошқа аломатлар**

Ушбу Қўлланмада ҳуқуқлар тегишли ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик натижасида бузилиши мумкинлиги яққол намоёиш қилинган. Бундан ташқари шундай ҳолатлар қўшимча аломатларга эга бўлиб, бу аломатларни таҳлил қилиш уларни тушуниш ва изоҳлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқларни бузиш индивидуал ёки оммавий хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда уларнинг оғирлик даражаси ва мунтазамлиги турлича бўлиши мумкин. Масалан, бир мартагина содир этилган ҳуқуқ бузиш ҳолати, у мунтазам равишда тегишли сиёсат юритилмаганлиги ёки камситувчи амалиёт қўлланилмаганлиги натижасида рўй бермаган тақдирда ҳам, жуда кўпол ҳуқуқ бузишга олиб келиши мумкин.

Индивидуал ҳуқуқ бузишлар кўп ҳолларда халқаро мажбуриятларга амал қилинмаслигининг янада кенг муаммосини аниқлашга имкон беради, ва қатор вазиятларда суд ва квазисуд органлари, алоҳида шахснинг ишини кўриб чиқаётганда, ҳуқуқий ҳимоянинг тизимли воситасини тақдим этиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қиладилар (баъзан бутун қонунчиликни ёки стратегик сиёсатни ислоҳ қилиш шаклида). Колумбия Конституциявий судининг соғлом бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги масалада қабул қилган қарорлари бу борадаги ечимларнинг яхши мисоли ҳисобланади<sup>125</sup>. Бошқа томондан, конвенция қоидаси ёки Конституцияни абстракт бузиш ҳақидаги масалани кўриб чиқадиган суд ва квазисуд органлари муайян шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган ҳуқуқий ҳимоя воситалари тақдим этилиши зарурлиги юзасидан кўрсатма беришлари мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллар амалиётда ҳуқуқ бузиш ҳолатларини қатъий таснифлашга имкон йўқ ёки бу бефойдалигидан дарак беради. Шунга қарамай, ҳуқуқ бузишларнинг ҳар хил турларини ажратиш амалиётчи юристлар учун фойдали бўлиши мумкин, чунки маълум ҳолатларда ҳуқуқ бузишнинг хусусияти ва кўлами, ҳеч бўлмаганда, минтақавий ва халқаро даражаларда қўлланиши мумкин бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситаларига таъсир кўрсатади. Масалан, *ИИМХҲПга Факультатив протокол* бўйича, ИИМ ҳуқуқларни «жиддий ёки мунта-

<sup>124</sup> Ўша жойда, 32-банд.

<sup>125</sup> Кўринг, масалан: Alicia. E. Yamin and Oscar Parra Vera, *Judicial Protection of the Right to Health in Colombia: From Social Demands to Individual Claims to Public Debates* [Колумбияда соғлом бўлиш ҳуқуқининг суд ҳимояси: ижтимоий сўровлар ва индивидуал талаблардан ижтимоий мунозарага], *Hastings International & Comparative Law Review* журна-лида; 33(2), 2010. 431–459-б. Шунингдек, ушбу Бобнинг III.1.б) бўлимини кўринг.

зам» бузишга нисбатан текшириш таомили қўзғатилиши мумкин<sup>126</sup>. Ушбу таомил юристлар ва ҳуқуқ муҳофазачиларига ИИМ ҳуқуқларни бузишга олиб келадиган жиддий ва оммавий муаммолар юзасидан текширув ўтказиш ташаббуси билан чиқишга имкон яратади. Индивидуал хабарлар механизмига нисбатан, текшириш таомили бирмунча замонавий ва мослашувчан муносабатни таъминлаши мумкин, чунки давлат ичидаги ҳуқуқий ҳимоя воситаларини батамом тугатишни талаб қилмайди.

ИИМ ҳуқуқларнинг қўпол бузилиши баъзида халқаро ҳуқуқ бўйича жиноятларнинг энг охириги даражасига етиши, ва демакки — бошқа органлар ва юрисдикциялар томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлиши мумкин. Хусусан, бир қатор жиноятлар 1948 йилги Женева конвенцияси, 1977 йилги Биринчи қўшимча протокол ва *Халқаро жиноят судининг Рим статuti* асосида ИИМ ҳуқуқларни бузиш деб ҳисобланади; аҳолининг кўчиши натижасида мажбурий кўчириб юбориш, уруш олиб бориш воситаси сифатида очарчиликдан фойдаланиш, мажбурий стериллаштириш ёки мажбурий меҳнат ва шахвоний қуллик шулар қаторига киради<sup>127</sup>.

<sup>126</sup> Кўринг: ИИМҲХП-ФПнинг 11-моддаси: текширув ўтказиш таомили факультатив ҳисобланади ва тегишли баёнот қилган давлатларга нисбатангина қўлланилади.

<sup>127</sup> Кўринг: Халқаро жиноий ҳуқуқнинг тегишли қоидалари: *Халқаро жиноят судининг Рим статuti* (1998 йил 17 июлда қабул қилинган, 2002 йил 1 июлда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/CONF. 183/9 (шу жойда ва кейинги матнда — «Рим статuti»): бирор шахслар гуруҳи учун атайлаб бутунлай ёки қисман жисмоний йўқ қилишга мўлжалланган шароитларни яратиш, яъни: геноцид жинояти (6(с) моддаси); ноқонуний депортация ёки фуқаро аҳолини кўчириш натижасида мажбурий кўчириб юбориш, яъни: ҳарбий жиноятлар (8(2)(е)(viii) моддаси) ва инсонийликка қарши жиноят (7(1)(d) моддаси); ҳарбий зарурат бўлмаган ҳолда, уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқига зид равишда мол-мулкни йўқ қилиш ва эгаллаб олиш, ҳарбий жиноят сифатида (8(2)(a)(iv), 8(2)(b)(xiii) ва 8(2)(e)(xii) моддалари); аҳолини кун кечириш учун зарур бўлган предметлардан маҳрум қилиш йўли билан уруш олиб бориш усули сифатида фуқаро аҳолини очарчиликка йўлиқтирувчи ҳаракатларни атайин амалга ошириш, ҳарбий жиноят сифатида (8(2)(a)(iii) ва (b)(xxv) моддалари); дин, таълим, санъат ёки фан мақсадларига мўлжалланган биноларга атайин зарба бериш, бу бинолар ҳарбий нишон бўлмаган тақдирда ҳам (8(2)(b)(ix) моддаси); номусига тегиш, шахвоний қулга айлантириш, проституция билан шўғулланишга зўрлаш, зўрлаб ҳомиладор қилиш, зўрлаб стериллаштириш қабилар натижасида жинсий ва репродуктив соғлом бўлиш ҳуқуқини бузиш — инсонийликка қарши жиноят сифатида (7(1)(g) моддаси) ва геноцид жинояти (6(b) ва (e) моддалари); кафандузлик (8(2)(b)(xvi) ва 8(e)(v) моддалари). Шунингдек кўринг: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *7-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, 106-ҳавола, 7- ва 13-бандлар (қуролли тўқнашувлар давомида мажбурий кўчириб юборишлар тўғрисида); Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *14-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, 33-ҳавола, 34-банд (қуролли тўқнашувлар давомида соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишни чеклаш тўғрисида); ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита, *31-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, БМТ ҳужжати № ССРР/С/21/Rev. 1/Add. 13 (2004), 18-банд (инсон ҳуқуқлари бузилиши қатор ҳолатларини миллий ёки халқаро ҳуқуқ бўйича жиноий жазога тортиладиган ҳаракатлар сифатида эътироф этиш тўғрисида). Шунингдек, ИИМ ҳуқуқлар ва халқаро жиноий ҳуқуқнинг ўзаро нисбати масаласи ҳақида батафсил қуйидаги манбаларда кўринг: Evelyne Schmid, *Taking Economic, Social and Cultural Rights Seriously in International Criminal Law*, Cambridge Studies in International and Comparative Law, Cambridge University Press, 2014.

## **3-БОБ: СУДДА ИШ КЎРИШНИ ҚЎЗҒАТИШ: ЎЗ НУҚТАИ НАЗАРИНИ ҲИМОЯЛАШ**

Ушбу бобда адвокатлар (ва маълум даражада судьялар ва бошқа ҳоқимият органлари) ИИМ ҳуқуқлар бўйича судда иш кўриш контекстида дуч келишлари мумкин бўлган асосий масалалар кўриб чиқилади. Муаллифлар, ИИМ ҳуқуқлар масалаларига доир суд жараёнига муқаррар таъсирини ўтказадиган сиёсий, стратегик ва процессуал аспектларда алоҳида тўхталиб ўтмасдан, айнан ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлган масалалар билан бир қаторда, судда иш кўришни қўзғатадиган шахслар эътиборга олиши лозим бўлган қатор стратегик ва процессуал мулоҳазаларини қисқача баён қиладилар. Бироқ, бу аспектларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, ИИМ ҳуқуқларни судда кўриб чиқиш жараёнида муҳим рол ўйнайди, ва бу ерда кўриб чиқиладиган айрим масалалар ва келтирилган ҳаволалар амалиётчи юристлар учун, айниқса жараённинг дастлабки босқичларида, фойдали бўлиши мумкин.

### **I. Суддаги ҳимояга оид стратегик мулоҳазалар**

#### **1. Жабрланганларга/ваколат берувчиларга ҳуқуқлар ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш**

Суд ҳимоясининг стратегик аспектларига бағишланган тадқиқотлар ва турли мамлакатлар амалиётчи юристларининг тажрибаси ҳуқуқ эгаларининг ўз ҳуқуқларига ва давлатнинг тегишли мажбуриятларини амалга оширишга нисбатан оммавий саводхонликни таъминлашнинг муҳим аҳамиятини исботлайди<sup>128</sup>.

Аҳоли умумий ўқимишлилигининг бирмунча юқори даражаси ва, хусусан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимлилиги, ИИМ ҳуқуқлар бузилиши ҳолатида одил судловга эга бўлишнинг янада самарали имкони билан таъминлашга имкон беради<sup>129</sup>. Ўз ҳуқуқларини билиш нафақат улар бузилган ҳолатда муҳим ҳисобланади, балки бунинг олдини олиш нуқтаи назаридан ҳам жиддий рол ўйнайди. Ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларини ёқлаш ва ҳимоя қилишни билишлари лозим. Бироқ қатор мамлакатларда улар, одатда, ўз ҳуқуқлари ва, умуман олганда, уларни ҳуқуқий ҳимоялаш имкониятлари тўғрисида кам биладилар. Масалан, ИИМ ҳуқуқларга бағишланган қонунчилик ва муҳим суд қарорлари

<sup>128</sup> Ушбу Бобнинг 77-бетидаги жадвални кўринг.

<sup>129</sup> ХЮКнинг *Марокаш ва Сальвадорда ижтимоий ҳуқуқлар нуқтаи назаридан одил судловга эришиш масаласига доир тадқиқоти*, тегишлигича француз ва испан тилларида: <http://www.icj.org/new-icj-study-on-access-to-justice-for-economic-social-and-cultural-rights-in-morocco/>, ва <http://www.icj.org/new-icj-study-analyses-obstacles-preventing-salvadorians-to-access-justice-effectively/>, алоҳида мамлакатларда таълим ва маърифий фаолиятнинг муҳимлигини намоиш қилади.

кўпинча фақат қонунчиликнинг расмий ахборотномасида ёки шунга ўхшаш нашрларда босиб чиқарилади, ва айнан ана шу ИИМ ҳуқуқлар бузилиши қурбонларига кўпроқ айланиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳимояланмаган ва камбағал аҳоли гуруҳлари бундай нашрлардан фойдаланиши чеклаб қўйилган. Шу маънода, аҳолига тегишли маълумотларни тақдим этиш ва уларни англаб олишда ёрдам бериш нуқтаи назаридан, адвокат ва судьялар ўта муҳим рол ўйнайдилар. Бу соҳадаги фаолият йўналишларидан бири суд органлари ва амалиётчи юристлар томонидан суд қарорларига оид маълумотлар базаларини яратиш ва олиб боришдан иборат<sup>130</sup>. Бундан ташқари, таълим ва шаффофлик соҳасида ҳам маълум ташаббуслар илгари сурилмоқда. Масалан, Сальвадорда Конституциявий суд судьялари ўз фаолияти ҳақида, Конституция қоидалари ва унда мустаҳкамланган ҳуқуқлар тўғрисида аҳолига маълумот етказишга мунтазам равишда вақт ажратадилар<sup>131</sup>. 2013 йилда Кениядаги Лайкипия Университети негизида барча талабаларни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва миллий стандартларга ўқитиш бўйича бошланғич-синов дастури амалга оширила бошланди<sup>132</sup>.

Ҳуқуқ эгалари ҳуқуқ бузилишлар қурбонларига айланиб, унинг қадри мавҳум (абстракт) бўлмай қолган ҳолатда ўз ҳуқуқлари ҳақида кўпроқ бохабар бўлишлари ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлайди. Ҳуқуқ бузиш ҳолати қанчалик оғирлиги ва бу ишнинг муайян вазияти, ҳуқуқнинг қайси масалаларига дахл қилиши ва ҳуқуқий ҳимояга доир тегишли воситаларнинг таъсир кўрсатиш доираларига қараб, адвокатларга кўпинча қонунчилик ва умуман стратегик сиёсат нуқтаи назаридан ваколат берувчининг манфаатлари ва эҳтимол тутилган оқибатлар ҳақидаги мулоҳазалар ўртасида мувозанат излашга тўғри келяпти. Суддаги ҳимоя ва маълум стратегик қарорларни чиқариш жараёнида ҳуқуқ эгаларининг хабар топган, изчил ва фаол иштироки энг афзал кўрилган амал ҳисобланади. Стратегик сиёсат даражасида ҳуқуқий ҳимоянинг янада тизимли воситаларига ва алоҳида шахснинг вазияти доираларидан чиқиб кетадиган ўзгаришларга эришиш имконияти мавжуд бўлганда, муайян қурбонларни юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида хабардор қилиш ва улар янада умумий муаммони ҳал қилишга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракатлар нақадар муҳимлигини англаётганларига ишонч ҳосил қилиш зарурдир.

Шундай қилиб, бу босқичда ҳал этилиши лозим бўлган асосий масала—судда ишни кўриб чиқиш юзага келган вазиятдан чиқиб кетишнинг

<sup>130</sup> Кўринг: Воситалар, ушбу Қўлланмага 2-илова.

<sup>131</sup> Сальвадор Конституциявий судининг сайти: [http://www.csj.gob.sv/SALAS\\_CSJ.html#](http://www.csj.gob.sv/SALAS_CSJ.html#).

<sup>132</sup> Янада батафсил маълумотни кўринг: БМТ ИҲОКБнинг ҳар йилги маърузаси, *Тематик устунликлар: жазосизлик ва қонун устунлиги*: [http://www2.ohchr.org/english/ONCHRReport2013/WEB\\_version/pages/thematic\\_priorities.html](http://www2.ohchr.org/english/ONCHRReport2013/WEB_version/pages/thematic_priorities.html). 40-б.; ҳамда Лайкипия Университетининг сайти: <http://laikipia.ac.ke/home/humanrights.html>.

энг яхши йўлими ёки бундай эмасми? Бундан ташқари, ИИМ ҳуқуқлар соҳасида энг муҳим ишларнинг аксарияти кўрсатишича, таркибий қисмларидан бири суддаги ҳимоядан иборат бўлган умумий стратегияни яратиш ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолларда қонунчилик ёки стратегик сиёсат даражасидаги инфор­мацион компаниялар, қатъий қарор ижобий бўлган тақдирда, уни барча жойларда ижро этилишини таъминлаш ва тақдим этилган ҳуқуқий ҳимоя воситалари нуқтаи назаридан ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин. Бу суд томонидан тақдим этилган ҳуқуқий ҳимоя воситалари қонунчилик ва стратегик сиёсатнинг таркибий ўзгаришларини назарда тутганда ҳолатларда айниқса долзарбдир. Айрим вазиятларда, судда иш кўриб чиқиш жараёни муваффақиятли бўлмаган тақдирда ҳам, ўтказилган ижтимоий кампания ва инфор­мацион иш натижасида маълум тараққиёт кузатилади<sup>133</sup>.

Ҳуқуқ эгалари ҳамда мансабдорлар ва бошқа ваколатли субъектлар норматив-ҳуқуқий база ва ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур ижтимоий манфаатларни ажратиш ва хизмат кўрсатиш жараёнида амал қилиш лозим бўлган тамойиллар билан таниш бўлишлари лозим. Шу жиҳатдан инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича мансабдорларни тайёрлашда маълум ривожланиш кузатилишини таъкидлаш жоиздир. Масалан, Боливияда давлат барча мансабдор шахсларни ҳоқимият томонидан камситувчи муносабат ва ҳаракатлардан ҳимояланиш стандартларига ўқитиш бўйича янги ўқув дастурини жорий қилиш ташаббуси билан чиқди<sup>134</sup>.

Тегишлича ўқитилган давлат хизматчилари ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш ҳамда улар амалга оширилишига янада фаол ва самарали ёрдам бериш учун яхшироқ тайёргарликка эга. Ижтимоий хизматлар талаб даражасида юритилмаётганлиги юзасидан шикоят келиб тушганда уларда ҳуқуқ бузилишини тўхтатиш ва вазият янада ёмонлашиб кетишига йўл қўймасликни таъминлай оладиган ҳамда ҳуқуқ эгалари фойдалана оладиган маъмурий ҳуқуқий ҳимоя воситалари шаклида муаммони ҳал қилишнинг замонавий ечимини зудлик билан ва ўз вақтида тақдим этиш бўйича кўпроқ имкониятга эга бўладилар. Шу маънода мансабдор шахсларни ИИМ ҳуқуқлар масалалари юзасидан ўқитиш аҳамияти умуман инсон ҳуқуқларига ўқитиш билан тенг аҳамиятга эга, чунки бундай тайёргарлик, халқаро ҳуқуқ мазмуни бўйича етказилган зарарни қоплашнинг барча элементларини таъ-

<sup>133</sup> *Lindiwe Mazibuko & others v. City of Johannesburg & others* иши, ЖАР Конституциявий суди, № ССТ 39/09, [2009] ZACC 28, 8 октябрь 2009 й., ижтимоий кампания ва инфор­мацион иш натижасида эришилган ижобий ўзгаришларнинг яхши мисоли ҳисобланади, ва бу Суд қарорининг нисбий консервативлигини тўлдирди. Батафсил маълумот учун кўринг: Қўлланманинг 5 боби, III.2 бўлими.

<sup>134</sup> БМТ ИҲУКнинг кўп миллатли Боливия давлатида Бошқарманинг фаолияти тўғрисидаги маърузаси, БМТ ҳужжати № A/HRC/22/17/Add. 2 (2013), 34 банд: [http://www.ohchr.org/Documents/HRBodies/HRCouncil/RegularSession/Session22/A-HRC-22-17-Add-2\\_en.pdf](http://www.ohchr.org/Documents/HRBodies/HRCouncil/RegularSession/Session22/A-HRC-22-17-Add-2_en.pdf).

минлаш, шу жумладан келгусида бундай ҳолат такрорланмаслигини кафолатлаш нуқтаи назаридан ҳал қилувчи аҳамиятга эга.<sup>135</sup>

Аксарият ҳолларда, ИИМ ҳуқуқлари бузилган шахсларнинг кўпчилиги учун улардан фойдаланиш чекланганлиги ва давомийлигини инобатга олиб, ҳуқуқий ҳимоянинг суд воситаларидан фақат энг кескин ҳолатларда фойдаланиш лозим.

### **Стратегик суд ҳимояси бўйича адабиёт:**

Bruce Porter, *The Crisis in ESC Rights and Strategies for Addressing It* [ИИМ ҳуқуқлар соҳасидаги инқироз ва уни ҳал қилиш стратегиялари], қуйидагилар таҳрири остидаги тўпламда: Malcolm Langford and Bret Thiele, *Litigation of Economic, Social and Cultural Rights: The State of Play*, The University of New South Wales Press, Sydney, 2005.

Malcolm Langford, *From practice to theory: the justiciability of social rights* [Амалиётдан назарияга: ижтимоий ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти], in Malcolm Langford, *Social Rights Jurisprudence: Emerging Trends in Comparative and International Law*, Cambridge UP, Cambridge, 2008.

James L. Cavallaro and Emily J. Schaffer (2004–2005), *Less as More: Rethinking Supranational Litigation of Economic and Social Rights in the Americas* [Камроқ дегани кўпроқ: иккала Америкаларда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни миллатусту суд ҳимоясини қайта англаб олиш], in *Hastings Law Journal* 56 (2), p. 217–281.

Tara J. Melish (2006), *Rethinking The 'Less as More' Thesis: Supranational Litigation of Economic, Social and Cultural Rights in the Americas* [«Камроқ дегани кўпроқ» тезисини қайта англаб олиш], *New York University Journal of international Law & Politics* 39 (1), p. 171–342.

### **Стратегик суд ҳимояси бўйича бошқа ресурслар:**

Oficina del Alto Comisionado de las Naciones Unidas para los Derechos Humanos en Guatemala, Capacitación Técnica en Litigio Estratégico en Derechos Humanos de los Pueblos Indígenas Componente de Justicia del Programa Maya II, Manual Litigio Estratégico: "Estrategia General para los litigios de Alto Impacto", <https://fr.scribd.com/document/306289765/Manual-de-Litigio-Estrategico-OACNUD>.

<sup>135</sup> Инсон ҳуқуқларига ўқитиш воситалари тўғрисидаги масала бўйича кўринг: *ХЮКнинг 2-сонли Амалий қўлланмаси «Ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ва инсон ҳуқуқлари кўпол бузилганда зарар қопланиши ҳуқуқи»* (инглиз, француз, испан, араб ва тай тилларида): <http://www.icj.org/the-right-to-a-remedy-and-to-reparation-for-gross-human-rights-violations/>. 104–105-6.

Стратегик суд ҳимояси (SLI) бўйича ташаббус ESCR-Net доирасида: <http://www.escr-net.org/node/365113>.

## 2. Қандай танлаш, қаерга мурожаат қилиш

Бузилган ИИМ ҳуқуқларни тўғрилаш ва етказилган зарарни қоплаш учун суд ёки квазисуд органларига мурожаат қилиш имкони тўғрисидаги масалани ҳал қилишда жабрланганлар ва уларнинг адвокатлари юрисдикциялари ҳуқуқнинг турли тармоқлари орқали тартибга солинадиган бир неча органлардан бирини танлаш заруратида дуч келишлари мумкин. Миллий даражада бу маъмурий, фуқаролик ёки жиноий ҳуқуқдан иборат бўлади<sup>136</sup>.

Халқаро даражада юристлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш минтақавий тизими ва тегишли шартномаларга риоя этиш тўғрисидаги масалани квазисуд тартибида кўриб чиқадиган БМТ органлари орасидан танлаб олишлари мумкин.

Қарор қабул қилишда қуйидаги омилларни инобатга олиш зарурати юзага келиши мумкин:

- Тегишли конвенция билан тақдим этилган норматив-ҳуқуқий база ва у тақлиф қилаётган ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш даражаси;
- Ушбу иш бўйича кўтарилаётган ҳуқуқий масала бўйича тегишли суд ёки квазисуд органининг нуқтаи назари ва суд амалиёти;
- Муайян ҳимоя қилиш механизмида кўзда тутилган мувофиқлик, норози бўлиб судга шикоят узатиш ёки таомил давомийлиги каби процессуал масалалар;
- Маълум ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг тури, қарорлар хусусияти ва уларни мажбурий таъминлаш ва ижро этиш истиқболлари.

Энг мувофиқ ва стратегик фойдали юрисдикцияни танлаш ИИМ ҳуқуқларни миллий судларда кўриб чиқиш мақсадлари учун ҳам аҳамиятли бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган ва халқаро даражада судда иш юритиш билан боғлиқ бўлган мезонлар маълум маънода миллий даражада ҳам қўлланилиши мумкин. Хусусан, турли таомиллар тезкор ва ўз вақтида ўтказилиши ҳамда, масалан, исботларни тақдим этиш қоидалари билан боғлиқ бошқа мулоҳазалар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Жумладан, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва меҳнат кодексининг қоидалари бузилганда, яъни масалан, иш жойида шахвоний шилқимлик қилиш

<sup>136</sup> Турли органлардан фойдаланган ҳолда одил судловга эришиш масаласи бўйича турли юрисдикциялардан аниқ мисолларни Қўлланманинг 4-Бобида кўринг.

ҳолати кузатилганда, адвокат мижозга дастлаб жиноий иш қўзғатиш юзасидан ариза билан мурожаат этишни маслаҳат қилиши мумкин. Бу тегишли текширув ўтказилишини таъминлайди ва келгусида жабрланганлар содир этилган ҳуқуқ бузиш ҳолатини исботлашга уринаётганда кўпинча дуч келадиган тўсиқларни енгиб ўтишларига ёрдам бериши мумкин.

## II. Процессуал аспектлар

I.2 бўлимида кўрсатилганидек, шикоят узатиш имконияти билан боғлиқ бўлган процессуал аспектлар ИИМ ҳуқуқлари бузилган жабрланган шахслар учун ҳуқуқий ғимоя воситаларидан фойдаланиш имконияти ва самарадорлигини таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Одатда ИИМ ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан шикоят қиладиган шахс бу ҳолатнинг ҳақиқий шароитлари асосида қай турдаги даъво узатилиши ҳақидаги масалани кўриб чиқиш зарурати билан тўқнашади. Юрисдикцияга қараб бу деликт (қонунга зид ҳаракат) даъвоси, қонун томонидан белгиланган мажбурият бажарилмаганлиги сабабли узатилган даъво ёки Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ бузилганлиги юзасидан узатилган даъво бўлиши мумкин. Бундан ташқари, аризачига процессуал ҳуқуқдорлик мавжудлиги, давлат ва мансабдор шахслар иммунитетини ҳамда даъвонинг «етуклиги» ва бемақсадлиги доктринаси каби даъво аризасини узатиш имкониятининг доктринал чекловларини эътиборга олиш керак бўлиши мумкин. Бундай мулоҳазалар, исботларни келтириш қоидалари каби, иш юритиш самарадорлиги ҳамда уни қўзғатиш учун энг мувофиқ юрисдикция тўғрисидаги масалани ҳал қилишда аҳамиятли бўлади.

### 1. Процессуал ҳуқуқдорлик

«Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқ, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларни қўпол бузиш ҳисобланган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик натижасида индивидуал равишда ёки жамоа бўлиб зарар кўрган, шу жумладан жисмоний ёки руҳий зарар, руҳий азобланиш, моддий йўқотишларга учраган ёхуд асосий ҳуқуқлари жиддий чекланган шахслар ҳуқуқ бузишлар қурбонлари ҳисобланади ...Қўллаб бўладиган ҳолларда ва миллий қонунчиликка мувофиқ «қурбон» сифатида бевосита жабрланган шахснинг яқин қариндоши ёки унинг қарамоғидаги одам, ҳамда оғир аҳволда бўлган одамларга ёрдам кўрсатиш ёки ҳуқуқлари бундан кейин ҳам бузилишига йўл қўймаслик мақсадида аралашув қилиниши оқибатида зарар етказилган шахслар эътироф этилади»<sup>137</sup>.

<sup>137</sup> *Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормативлар қўпол бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқ жиддий бузилиши қурбонлари учун ҳуқуқий ғимоя воситасига ва етказилган зарар қопланишига бўлган ҳуқуққа доир БМТнинг асосий тамойиллари ва раҳбарлик қоидалари, БМТ ҳужжати № А/RES/60/147 (2005), 8-тамойил.*

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмига (ИИМХҚ) хабар узатишда ким процессуал ҳуқуқдорликка эга тўғрисидаги ма-сала Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга (ИИМХҲП) Факультатив протоколнинг 2-моддаси билан тартибга солинади. Ушбу модда бундай хабарлар ўзларини ИИМХҲПда назарда тутилган ҳуқуқлар бузилиши қурбонлари сифатида эътироф этаётган шахслар ёки шахслар гуруҳлари томонидан ёки уларнинг но-мидан, бу уларнинг розилиги билан ёхуд розилигисиз узатилиши мум-кинлиги белгиланган, қачонки хабар муаллифи бундай ҳаракатларни асослаб бериши мумкин бўлган ҳолатда<sup>138</sup>.

ИИМ ҳуқуқлар, ҳар қандай инсон ҳуқуқлари каби, етказилган зарар қопланишига ҳаракат қилаётган шахслар дучор бўлаётган ҳуқуқ бу-зилиши ҳолатида ҳуқуқий ҳимоя воситаси билан таъминланиши лозим. Шу билан бирга кўпгина ИИМ ҳуқуқлар бузилиши ҳолатлари жамоавий хусусиятга эга бўлади ва ҳуқуқий ҳимоянинг таркибий ёки тизимли воситалари тақдим этилишини талаб қилади, айниқса бундай ҳолатлар келгусида такрорланмасликни таъминлаш учун. Бундан ташқари, ИИМ ҳуқуқлар индивидуал бўлишига қарамасдан, уларнинг айримлари (ИИМХҲПнинг 8-моддасида кўзда тутилган ва касба уюшмалари мил-лий федерациялар ёки конфедерацияларни ташкил қилиш ҳуқуқи<sup>139</sup>, касба уюшмалари қаршиликсиз фаолият юритиши ҳуқуқи<sup>140</sup> ёки на-мойиш уюштириш ҳуқуқи<sup>141</sup>) жамоа бўлиб амалга оширилади.

Бундан ташқари, ИИМ ҳуқуқлари бузилганлиги натижасида қурбон бўлганлар кўп ҳолларда аҳолининг энг ҳимояланмаган ва қашшоқ қатламларининг вакиллари бўлади. Демак, одатда адолатга эришиш-га уринаётган шахслар тўқнашадиган моддий тўсиқлар ИИМ ҳуқуқ-лари бузилиши қурбонлари учун айниқса саросимали бўлиши мумкин. Юқорида кўрсатилганидек, қатор мамлакатларда процессуал чоралар ўта қашшоқ шароитларда яшаётган шахслар каби, айниқса муҳтож, жабрланган аҳоли гуруҳлари учун суд ва квазисуд органларга мурожа-ат этишга имкон яратяпти ва улар муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш-лари мумкин бўлган замонавий воситага айлантиришга ёрдам беряпти.

Шундай қилиб, ҳуқуққа тегишли бўлган айрим процессуал чоралар мавжуд шароитларни бошқа амалларга нисбатан кўпроқ инobatга олади. *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти* нашрида кўрсатиб ўтилганидек, «индивидуал шикоятлар-ни кўриб чиқиш учун яратилган таомиллар, мисол учун, жамоавий ҳуқуқлар, оммавий ҳуқуқ бузишлар ёки жамоавий ҳуқуқий ҳимоя воситаси тақдим этилишини талаб қиладиган вазиятлар билан боғ-

<sup>138</sup> ИИМХҲП-ФП, 2-тамойил.

<sup>139</sup> ИИМХҲП, 8.1 b) модда.

<sup>140</sup> Ўша жойда, 8.1 c) модда.

<sup>141</sup> Ўша жойда, 8.1 d) модда.

лик бўлган жамоавий даъволарни ҳал қилиш учун тўғри келмайди. Бутун гуруҳ манфаатларига дахл қиладиган чоралар юзасидан шикоят қилишга имкон бермайдиган қатор талаблар мавжуд. Бундай талаблар қаторига процессуал ҳуқуқдорлик мавжудлиги тўғрисидаги масала ҳал бўлишидан етарли ва фақат индивидуал манфаатдорлик борлигини исботлаш талаби (*locus standi*) ёки индивидуал давогарнинг вазиятини ҳал қилувчи ҳуқуқий ҳимоя воситасини чеклаб қўйиш ҳамда кўпгина мамлакатларнинг фуқаролик судида иш кўриш учун хос бўлган жамоавий вакиллик механизмларининг йўқлиги ҳолатлари киради»<sup>142</sup>.

ИИМ ҳуқуқлар масалалари бўйича ҳозирги вақтга қадар ўтказилган кўпгина суд жараёнлари ушбу чораларнинг муҳимлигини исботлади. Аслида, ИИМ ҳуқуқлар соҳасида кенг кўламли ва тараққий суд амалиёти шаклланиши ва, хусусан, қонуннинг алоҳида қоидалари конституциявийлигини текшириш учун судда иш кўриб чиқишни қўзғатиш таомилларининг мослашувчанлиги ва улардан қай даражада фойдаланиш мумкинлиги ўртасида аниқ боғланиш мавжуд, деган тасаввур юзага келади.

Бу борада Ҳиндистон айниқса ёрқин мисол бўла олади<sup>143</sup>. Ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги суд амалиёти шаклланиши ва умуман процессуал талабларнинг юмшаши фуқаролар ИИМ ҳуқуқлар оммавий бузилишини тўғрилаш тўғрисидаги суд қарори чиқарилишига эриша олишлари мумкинлиги нуқтаи назаридан ҳал қилувчи омилга айланди. Жумладан, Олий суд қонунчиликнинг маълум қоидалари конституциявийлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқаётганда тегишли шикоятларга ортиқча расмиятчиликсиз ёндашади. Бундан ташқари, ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар судга ўз ташаббусига кўра ҳаракат қилишга имкон беради (*suo moto*), тахминан ҳуқуқлар бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳолат устидан суд назоратини жабрланганлар номидан ёки ҳатто шикоят узатилмаганда ҳам амалга ошириш мумкин. Ҳар қандай шахс ёки ноҳукумат ташкилоти (НҲТ), жамоатчилик манфаатларидан келиб чиқиб, давлатнинг маълум ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги қанчалик қонунийлиги

<sup>142</sup> ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти. 93–94-б.

<sup>143</sup> Кўринг: ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти. 96-б. Ва кейинги ишлар: *The Mumbai Kamgar Sabha, Bombay v. M/S. Abdulbhai Faizullahbhai and others*, Ҳиндистон Олий суди, қарор № AIR 1976 SCC 1455 (1976); *Upendra Baxi v. State of U. P. & others*, 1982 (1) SCC 84 [502], (1983), 2 SCC 308 (1986) 4 SCC106, AIR 1987 191; *Sheela Barse v. Union of India and another*, (1993) 4 SCC 204; *In the Matter of: Prison Reform Enhancements of Wages of Prisoners etc.*, Керала Олий суди (Ҳиндистон), AIR Ker 261. Шунингдек кўринг: Sangeeta Ahuja, *People, Law and Justice, Casebook on Public Interest Litigation*, Orient Longman, New Delhi, 1997, vol. I, Introduction. p. 4–8; Siddarth Bawa, *Public Interest Litigation*, New Era Law Publications, Delhi, 2006, p. 72–141; D. J. De, *New Dimensions of Constitutional Law*, Eastern Law House, Calcutta, 1991, p. 8–21; Mamta Rao, *Public Interest Litigation*, Legal Aid and Lok Adalats, 2<sup>nd</sup> edition, Eastern Book Company, Lucknow, 2004, p. 64–111, 265–285.

тўғрисидаги масаласи ҳал қилиниши ҳамда бузилган конституциявий ҳуқуқлар тўғрилианишини фаоллик билан талаб қилиши мумкин<sup>144</sup>.

Процессуал янгиликлар ва конституциявий ҳуқуқлар бузилганда шикоят узатиш механизмидан ҳамда ИИМ ҳуқуқлар бузилиши қурбонлари учун судда шикоятни кўриб чиқиш механизмаларидан фойдаланиш имкониятлари ортиши кузатилмоқда. Колумбияда *acción de tutela* (конституциявий ҳуқуқ бузилишини дарҳол тўхтатиш мақсадида судда иш кўриш), юқорида айтиб ўтилган Ҳиндистондаги таомил каби, давлат органи ёки хусусий шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан конституцион назорат ўрнатишни хоҳловчи ҳуқуқ эгаларига ваколатли суд ёки трибуналга мурожаат этишга имкон беради. Бундай таомил, асосан, ўрнини қоплаб бўлмайдиган зарарнинг олдини олиш ҳамда, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, қонунчиликнинг маълум бўшлиқларини тўлдиришга қаратилганлиги сабабли, тезкор ва фойдаланиш учун осон бўлади. Қурбонлар ёки уларнинг вакилларига, шу жумладан назарий жиҳатдан ҳам, *Defensor del Pueblo* (инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга) ишнинг ҳолатинигина баён қилиш лозим. Улар ёрдам сўраб, адвокатга мурожаат қилишлари ва ҳатто Конституциянинг айнан қайси қоидалари бузилганлиги ҳақида кўрсатишлари ҳам керак эмас. Бу масала Конституциявий суд кўриб чиқишига узатилиши мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам иш бўйича қарор 10-кунлик муддатда қабул қилинади<sup>145</sup>.

ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқотида ИИМ ҳуқуқлари бузилганлиги қурбонлари дуч келадиган масалаларни ҳал қилиш учун кўпроқ мослаштирилган янги таомиллар кўриб чиқилади.

### **ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқотидан парча. Процессуал ислохотлар ёки солиштирма ҳуқуқшунослик ривожланиши йўналишлари нималардан дарак берапти**

*Процессуал қонунчилик ривожланишининг долзарб йўналишлари маълум маънода ушбу мушкулликларни инobatга олиб, индивидуал шикоятларнинг эски модели оммавий ҳуқуқ бузишлар ёки асосий ҳуқуқлар бузилмаслиги учун уларни шошилинч равишда ҳимоя қилиш зарурати каби янги шароитларга мослашиш кераклигини тақозо қилмоқда. Экологик ҳуқуқлар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари ҳамда оммавий фуқаролик-ҳуқуқий даъволар таомили бу йўналишда янги имкониятларни тақдим этмоқда. Шунингдек солиштирма*

<sup>144</sup> Ҳиндистон Конституциясининг 32-моддаси.

<sup>145</sup> Колумбия Конституцияси 86-моддаси қоидаларини амалга ошириш тўғрисидаги № 2591 Президент Фармони (1991): <http://www.corteconstitucional.gov.co/lacorte/DECRETO2591.php>.

ҳуқуқшунослик, қуйидаги келтирилгани каби, бир қатор муҳим мисолларни ажратишга имкон беряпти:

- Гуруҳ бўлиб даъво узатиш;
- Лотин Америкаси мамлакатларида «атраго» конституциявий ҳимояга доир жамоавий даъволар;
- Дастлабки чораларга тегишли янги стандартлар (эҳтиёткорлик тамойили каби);
- *ação civil pública*, *mandado de segurança* и *mandado de injunção* Бразилияда; ҳамда
- прокурорларга, Бош прокуратура ходимларига ва Омбудсменга жамоавий даъвогарлар манфаатларини ифодалаш ваколатларини бериш; даъволар *qui tam*.

Бу борада конституциявий, қонунчилик ва суд соҳасидаги тараққиёт Аргентина, Бразилия, Колумбия ва Коста-Рика каби Лотин Америкасининг қатор мамлакатларида яққол кузатилмоқда. Аргентинада судьялар конституциявий назорат ўрнатишнинг янги таомилини яратишга оид жуда ижодий ёндашувни намойиш қилдилар. Ушбу таомил Конституцияга ўзгартиш киритиш юзасидан 1994 йилда қабул қилинган қонун даражасида мустаҳкамланган ва Конституция қоидаларини тўғридан-тўғри изоҳлаш бўйича «атраго» жамоавий даъвони узатиш имкониятини назарда тутди. Бразилияда қонунчилик даражасида 1985 йилда мустаҳкамланган «оммавий фуқаролик даъвоси» (*ação civil pública*) деб номланган янги процессуал механизм ҳозир деярли барча жойларда экологик ҳуқуқлар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини судда ҳимоялаш ҳамда меҳнат муҳофазаси ва саломатликка оид ишлар бўйича қўлланилади<sup>146</sup>. Колумбияда бир қатор процессуал механизмлар амалиётга жорий қилинди — Конституциявий суддаги *acción de tutela* таомили, оддий судларда *acción popular* таомили ҳамда *acción de cumplimiento* таомили — ва давлат органларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги юзасидан шикоят узатиш имкониятларини тубдан ўзгартириб юборди. Коста-Рикада бузилган ҳуқуқлар бўйича Олий суднинг Конституциявий бўлимига шикоят киритишнинг марказлашган ва жуда содда таомили жорий қилиниб, ҳатто таълим масалалари бўйича мактаб директорларининг қарорлари юзасидан шикоят узатадиган болалар ишларини кўриб чиқишда жиддий натижаларни берди.

Амалиётчи юристлар зарур таомилдан фойдаланиш имконияти йўқлиги ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи суд ва квазисуд органлар ролини

<sup>146</sup> Кўринг, масалан, Rodolfo de Camargo Mancuso, *Ação Civil Pública*, Ed. Revista dos Tribunais, São Paulo, 1999, p. 46–55; Márcio Flávio Mafra Leal, *Ações Coletivas: História, Teoria e Prática*, Ed. Sergio Fabris, Porto Alegre, 1999, p. 187–200.

ханузгача тутиб турган мамлакатларнинг суд ва маъмурий органларини илҳомлантириш учун процессуал қонунчиликнинг тараққий ислохотлар мисолларидан фойдаланишлари мумкин. 2-Бобнинг II.1 бўлимида таъкидланганидек, самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш давлат мажбуриятларининг бир қисми бўлиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқда назарда тутилган моддий ҳуқуқдан келиб чиқади, одил судловни амалга оширадиган органлар эса уларга ушбу мажбурият самарали бажарилишини таъминлаш бўйича ажратилган ролни бажаришлари лозим.

### а) Тарафлар роли

Айтиб ўтилган шароитларни инобатга олиб, учинчи шахслар кўпинча ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш жараёнида муҳим рол ўйнайдилар. Ноҳуқумат [ҳуқуқни муҳофаза қилиш] ташкилотлари, касаба уюшмалари ва истеъмолчилар уюшмалари ижтимоий манфаатни ҳимоя қилиш ҳақидаги жамоавий шикоят ва тақдимномалар узатиш ташаббускорлари ва(ёки) алоҳида шахслар ва шахслар гуруҳлари вакиллари ва уларнинг манфаатлари ҳимоячилари сифатида муҳим рол ўйнашлари мумкин. Бундан ташқари, маълумотларни мониторинг қилиш ва тарқатиш борасидаги фаолият жараёнида уларда кўпинча индивидуал ишлар асосида мужассамлашган умумий таркибий муаммолар тушунчаси шаклланади. Шунингдек улар тахлилий ёки эксперт хулосалари ва далилларини тақдим этиб, ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Шу жиҳатдан НХТ учинчи шахслар хулосаларини ва бошқа тақдимномаларини узатиш (*amicus curiae*) йўли билан суд жараёнларида иштирок этишларининг аҳамияти ИИМ ҳуқуқлар масалалари бўйича кўплаб суд прецедентларида (ўхшаш ҳолатларида) ўз аксини топди. Учинчи шахсларнинг бундай хулосалари миллий судлар учун солиштирма ҳуқуқшунослик ва халқаро ҳуқуқ соҳасидан муҳим стандартлар манбаи бўлиши мумкин. Барча даражалардаги суд ва квазисуд органлари, жараённинг бошидан оқ «ИИМ ҳуқуқлар истиқболини» интеграциялаштириш учун, учинчи шахслар ва экспертлар хулосаларидан катта фойда олишлари мумкин<sup>147</sup>.

<sup>147</sup> Учинчи шахслар иштироки жуда муҳим рол ўйнаган кўпгина мисоллар мавжуд. ESCR-Net суд қарорлари базасида (қуйидаги манзилда мавжуд: <http://www.escr-net.org/caselaw/>) ишларнинг аксарияти учун учинчи шахслар хулосаларига ва тақдимномаларига ҳавола қилинган. *Жиноят қонунини бузган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича ХЮК хулосаси* (Гватемала, қуйидаги ишлар: № 19003-2011-00638-Of.1а; № 19003-2011-00639-Of.2а; № 19003-2011-00637-Of.3а; № 19003-2011-00641-Of.1, 2013) яхши мисол бўла олади. ХЮК хулосаси *Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг қоидаларига мувофиқ болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни шарҳлаш ҳамда таркибий муаммони зарурий ечимини таъминлашга жиддий ёрдам берди*. Кўринг: Келтирилган ишлар бўйича ХЮК баёноти ва унинг хулосаси (инглиз тилида) қуйидаги ҳаволада: <http://www.icj.org/guatemala-condenado-por-violaciones-a-derechos-economicos-sociales-y-culturales/>.

## 2. Бошқа процессуал мушкулликлар

Процессуал ҳуқуқдорлик кимларга тақдим этилган, деган савол билан бир қаторда, сиёсий ва моддий хусусиятларга эга бир қатор жиддий мушкулликлар мавжуд бўлиб, кўпинча ИИМ ҳуқуқларни судда Ҳимоя қилиш ҳаракатларини фаразий ва беҳудага айлантиради. Амалиётчи юристлар бундай мушкулликларни енгиб ўтиш ёки таъсирини камай-тириш учун уларни эътиборга олишлари лозим. 4-Бобнинг III бўлимида кўрсатилгани каби, ИИМ ҳуқуқларни Ҳимоя қилиш бўйича суд жараёнларининг аксариятида икки хусусий тарафлар қатнашган тақдирда ҳам, ИИМ ҳуқуқларни, ва умуман барча инсон ҳуқуқларини, судда кўриб чиқиш маънан жабрланганлар ва давлат ҳокимияти органларига муқаррар дахл қилади. Бу қуйида келтирилган бир қатор мураккаб ҳолатлар юзага келишига олиб келади:

- Кўриб чиқиладиган масалаларни имкон қадар «сиёсатлаштириш». (Масалан, касаба уюшмалари ва меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар кўпинча фақат юридик эмас, кўпроқ сиёсий хусусиятларга эга деб ҳисобланади);
- Тарафларнинг иш бўйича нотенг имкониятлари (кўпгина мамлакатларда аллақачон юзага келган нотенглик давлатга тақдим этиладиган процессуал афзалликлар сабабли янада чуқурлашиши мумкин бўлиб, бу одил суд муҳокамаси ва тарафлар тенглиги тамойилини жиддий бузиш ҳисобланади)<sup>148</sup>;
- Суд органлари ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг қарорларини, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини шубҳа остига қўйишдан чўчишлари хатари, самарали ҳуқуқий Ҳимоя воситаларига эга бўлиш ҳуқуқини каофлатлаш ва ҳокимиятларни бўлиш тамойили ўртасида мувозанат топиш зарурати.
- Ҳуқуқий Ҳимоя воситаларини тақдим этиш тўғрисидаги қарорларни, шу жумладан давлатнинг ва турли даражалардаги ижроия органларнинг маълум мажбуриятларини белгилайдиган суд буйруқлари ва ажримларини ижро этиш қийинчиликлари<sup>149</sup>.

Шу маънода, инсон ҳуқуқларини самарали Ҳимоя қилиш учун суд органлари мустақил бўлиши қонун Устунлигининг энг муҳим элементи ва зарур шarti эканлигини ёдда тутиш муҳим. Суд органлари мустақиллигига амал қилиш ва сақлаб туриш кафолатларини таъминлаш зарур<sup>150</sup>. Хусусан, судьялар малакаси, танланиши ва алмаштирилмаслиги (айниқса юқори бўғин судларида) билан боғлиқ қонун қоидалари уларнинг давлат ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини қоралайдиган қарорларни

<sup>148</sup> ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти. 94-б.

<sup>149</sup> Ҳуқуқий Ҳимоя воситалари ва ИИМ ҳуқуқлар соҳасида қарорларни ижро этиш тўғрисидаги масалани батафсил таҳлил қилиш тўғрисида Қўлланманинг 6-Бобида кўринг.

<sup>150</sup> Кўринг: *Одил судлов мустақиллигига доир асосий тамойиллар*, БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси № 40/32, 29 ноябрь 1985 й. ва № 40/146, 13 декабрь 1985 й.

чиқариш қобилиятига таъсир кўрсатиши ҳамда тизимли ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш заруратини қайд қилиши мумкин.

Дунё амалиётида мавжуд бўлган бир қатор мисоллар умуман инсон ҳуқуқларини ва хусусан ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан мустақил ва яхши тайёргарликка эга суд органларининг нақад муҳимлигини кўрсатади. Процессуал ҳуқуқдорликка бағишланган аввалги бўлимда айтилганидек ҳамда давлат томонидан ҳуқуқлари бузилиши юзасидан шикоят қиладиган ҳуқуқ эгалари шароитида имкониятлар нотенглигини инобатга олган ҳолда, процессуал қонунчилик суд назоратининг янада юқори даражасини назарда тутадиган бўлди ва ҳуқуқлари бузилганлиги оқибатида жабрланган шахсларнинг ҳимоясизлиги ва бундай салбий ҳолатларга кўпроқ дуч келадиган муҳтожлик шароитларида яшаётганларнинг аҳволини эътиборга ола бошлади. Жумладан, Колумбияда судьяларга ўз ташаббуси билан ҳаракат қилишлари учун рухсат бериш, қонуннинг айнан қайси қоидалари бузилганлигини кўрсатмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини таърифлаш асосида конституциявий ҳуқуқлар бузилганлиги юзасидан тўлақонли шикоят узатиш мақсадида давлат *acción de tutela* таомилини жорий қилди.

Шу билан бирга, муайян мамлакатдаги процессуал шароитлардан қатъи назар, судьялар ўз ихтиёри билан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун «одил судлов манфаатида» ҳаракат қиладилар. Фижи Олий суди кўриб чиққан маҳбуснинг овқатланиш ҳуқуқи тўғрисидаги иш бундай амалиётнинг кўп сонли мисолларидан биридир. Ушбу иш шароитлари 4-Бобда батафсил таърифланган<sup>151</sup>. Суд аризачи томонидан келтирилган далиллар доирасидан чиқишни лозим топиб, ўз ташаббуси билан аризачининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қила бошлади. Суд «аризачининг сукут сақлашини эътиборга олмаслигини таъкидлади, чунки аризачи холис сабабларга кўра Конституциянинг 25- ва 28-моддаларига тегишли конституциявий масалаларни таҳлил қилишга қодир эмас. Ушбу масалалар одил судлов манфаатларидан келиб чиқиб, эътиборга лойиқдир»<sup>152</sup>. Қатор ҳолларда ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни фаол кўриб чиққан судлар ҳукумат томонидан сиёсий босим ва танқид қилинишига учради. Масалан, ўзининг фаол нуқтаи назари билан маълум бўлган Венгрия Конституциявий суди «социализм реанимациясида» қатнашганлиги учун бир қатор шахслар томонидан танқид қилинди. 1998 йилда худди шу ҳолат ҳукуматни бош вазир Виктор Орбанга нисбатан холис муносабатда бўлган янги судьяларни тайинлашга сабаб бўлди<sup>153</sup>. Худди

<sup>151</sup> Ушбу Қўлланманинг 4-Боби II бўлимини кўринг.

<sup>152</sup> *Rarasea Давлатга қарши*, Фижи Олий суди, № НАА0027 жиноий иш бўйича апелляция (2000), 3-банд.

<sup>153</sup> Кўринг: Malcolm Langford, *Hungary: Social Rights or marked Redivivus?* [Ижтимоий ҳуқуқларни ёки социализм реанимацияси?] қуйидаги тўпламда: Malcolm Langford, *Social Rights Jurisprudence; Emerging Trends in International and Comparative Law*, Cambridge University Press, Cambridge, 2008, p. 265.

шу аснода, Колумбия Конституциявий суди судьяларининг Конституция билан кафолатланган ИИМ ҳуқуқларни самарали ҳимоялашга қаратилган фаол ҳаракатлари сиёсий стратегияларни амалга ошириш ва ресурсларни тақсимлаш заруратини таъкидлайдиган қарорларни чиқариш натижасида ҳокимиятларни бўлиш тамойилига тажовуз қилиш сифатида танқидга учради<sup>154</sup>.

### **а) Суд ва квазисуд органларидан моддий жиҳатдан фойдалана олиш**

Инсон ҳуқуқлари бузилиши оқибатида жабрланган шахслар ва умуман муайян миллий тизимлар суд ва квазисуд органларидан моддий жиҳатдан фойдалана олишлари масаласига бағишланган кўплаб нашрлар мавжуд<sup>155</sup>. Аслида молиявий ресурслар йўқлиги бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари бузилган шахслар кўпинча одил судловдан баҳраманд бўлишларига тўсқинлик қилади. Бундай тўсқинлик, одатда, қуйида кўрсатилган сабабларга кўра ИИМ ҳуқуқлар соҳасида янада жиддийлашади:

- ИИМ ҳуқуқлар бузилиши қурбонлари кўпинча энг қашшоқ ва ҳимоясиз аҳоли қатламларига мансуб бўладилар;
- Ушбу ҳуқуқларнинг мазмунига кўра, уларни бузиш оқибатлари жабр кўрган шахсни жуда мураккаб ёки ҳатто чорасиз аҳволга солиши мумкин;
- Бепул юридик ёрдамдан фойдаланиш имкониятлари кўп ҳолларда жиноий жараён билан чеклаб қўйилади ва фуқаро ва конституциявий ҳуқуқ доираларига тарқалмайди;
- Бундай имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, судда иш кўриб чиқиш қиймати нафақат юридик ёрдам ва давлат божи учун қилинадиган тўловлардан, балки жабрланганлар одил судлов тизимидан фойдаланишда амалга оширадиган умумий харажатлардан (транспорт харажатлари, ҳужжатларни нотаerial тасдиқлаштириш ҳамда иш жойида йўқлиги учун йўқотилган

<sup>154</sup> Кўринг: Magdalena Sepúlveda, *Colombia: The Constitutional Court's Role in Addressing Social Injustice* [Колумбия: Ижтимоий адолатсизлик билан курашишда Конституциявий суд роли] қуйидаги тўпламда: Malcolm Langford, *Social Rights Jurisprudence; Emerging Trends in International and Comparative Law*, Cambridge University Press, Cambridge, 2008, p. 160.

<sup>155</sup> ИИМ ҳуқуқларга оид одил судловга эришиш нуқтаи назаридан умумий моддий тўсиқлар масаласи бўйича кўринг: *Барча мамлакатларда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш масаласи бўйича БМТ Бош Котибининг маърузаси* (Report on the question of the realization in all countries of economic, social and cultural rights) (2013 й.), БМТ ҳужжати № А/НRC/25/31. 16–24-б. Сальвадор ва Марокашдаги вазият бўйича кўринг: *ХЮКнинг ижтимоий ҳуқуққа доир одил судловга эришиш тўғрисидаги тадқиқоти*, француз ва испан тилларида: <http://www.icj.org/new-icj-study-on-access-to-justice-for-economic-social-and-cultural-rights-in-morocco/>, ва <http://www.icj.org/new-icj-study-analyses-obstacles-preventing-salvadorians-to-access-justice-effectively/>.

даромад) шаклланади. Агар жабрланганлар бу тизим уларга бузилган ҳуқуқларни тўғрилаш ва товон олишга имкон беришига ишонмасалар, улар бундай харажатларга рози бўлмайдилар.

Шу маънода миллий даражада фаолият юритаётган ва бепул юридик ёрдам кўрсатаётган юристларнинг эҳтимол тутилган роли юзасидан икки жиҳатни таъкидлаш лозим. Биринчидан, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан бепул юридик ёрдамнинг аҳамияти ҳатто ресурслари чекланган мамлакатларда ҳам кенг эътироф этилди. Аслида бепул юридик ёрдам халқаро ҳамкорлик қилиш ва қўмаклашиш дастурлари доирасида ёрдамга эга бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар режалари ва лойиҳаларнинг таркибий элементи ҳисобланади. Бундай фикр ИИМҲХПнинг мақоласида ИИМ ҳуқуқларни амалга оширишнинг асосий элементи сифатида ўз аксини топди, ва бундай ҳуқуқлар бузилганда давлат самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиши борасидаги мажбуриятини белгилади<sup>156</sup>. 2011 йилда Ботсванада бепул юридик ёрдам тақдим этиш схемасини ишга тушириш бўйича муҳим ташаббусга старт берилди, ва бу давлат (Бош прокуратура орқали) адвокатура ва алоҳида юристлар, жамоат ташкилотлари ва халқаро хомийлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ноёб мисоли бўлди.<sup>157</sup>

Хусусий адвокатлар бепул ишлаши билан бир қаторда, ИИМ ҳуқуқлар суд тартибида ҳимоя қилинишига уринаётган даъвогарлар баъзан университетлар қошидаги тобора ортиб бораётган юридик клиникалар ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Бундай юридик клиникалар даъво аризасини тайёрлаш ва иш юритишда жуда муҳи рол ўйнашлари мумкин<sup>158</sup>.

Қатор суд ва квазисуд органлари процессуал ҳуқуқларни ҳимоя қилдилар ва (қуйида келтирилган Россия Федерацияси Конституциявий

<sup>156</sup> ИИМҲХП, 2(1) моддаси. Шунингдек кўринг: Қўлланманинг 2-Боби, II.1 бўлими.

<sup>157</sup> «Ботсванада бепул юридик ёрдам» бошланғич-синов лойиҳасининг таҳлили (Legal Aid Botswana) кўринг: ХЮКнинг *Ботсванада аёллар одил судловга эриша олишлари: тўсиқлар диагностикаси ва ўзгаришлар зарурати* (Women's Access to Justice in Botswana: Identifying the Obstacles & Need for Change) номли тадқиқоти, 2013. 38–39-б.: «2011–2012 йилларда бошлаб юборилган бошланғич-синов лойиҳанинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган Ботсванадаги биринчи бепул юридик ёрдам тизими фуқароларга Олий судда ва Апелляция судида жинойи жараён доирасида малакали ёрдам кўрсатилишини кафолатлайди. Шунингдек, ҳар бир аниқ ҳолатда бепул юридик ёрдам Координатори билан келишув бўйича магистратлар судларига тарқалади. Ушбу тизим эр-хотинлар ажрашиши жараёни, болаларга васийлик қилиш ҳамда оилада зўравонликдан ҳимоялаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари ҳолатларида фуқаролар юридик ёрдамга эга бўлишлари ҳуқуқини кўзда тутди. Конституциявий ҳуқуқни ҳимоя қилиш ёки камситишдан ҳимоялаш билан боғлиқ бўлган бошқа ишлар бўйича юридик ёрдам ҳар бир аниқ иш бўйича бепул юридик ёрдам Координатори билан келишув асосида тақдим этилиши мумкин». Тадқиқот матни (инглиз тилида) қуйидаги ҳаволада мавжуд: <http://www.icj.org/meaningful-action-needed-to-advance-womens-access-to-justice-in-botswana/>.

<sup>158</sup> Даъво аризасини тузиш ва иш юритишда ёрдам тақлиф қиладиган университетлар қошидаги юридик клиникаларнинг очиқ рўйхати ҳамда уларнинг боғланиш маълумотларини Воситаларда кўринг, Қўлланманинг 2 иловаси.

судида кўриб чиқилган ишда бўлгани каби) ҳуқуқ эгаларининг жараён иштирокчилари сифатидаги бирмунча кучсиз ҳолатларини эътиборга оладилар.

**Россия Федерацияси Конституциявий судининг № 1320–О-О ажрими («Рэд Стар Консалтинг» МЧЖ собиқ ходимига қарши)**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 13 октябрь 2009 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд, Россия Федерацияси

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Процессуал адолат ва тегишли жараён; камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; муносиб ишга эга бўлиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Аризачи, «Рэд Стар Консалтинг» МЧЖ, РФ Меҳнат кодексининг 393-моддаси конституциявийлиги юзасидан эътироз билдирди. Ушбу модда меҳнат тортишувлари бўйича суд муҳокамалари давомида ходимларни бошлар ва суд харажатларини тўловларидан озод қилади. Аризачи 2009 йилнинг январь ойида Архангельск шаҳрининг келиштирувчи судьяга меҳнат тортишуви бўйича муҳокама давомида собиқ ходимдан суд харажатларини (вакил ёрдами ва ишонч қоғозини расмийлаштириш учун тўловлар) ундириш юзасидан даъво билан мурожаат қилди. Суд аризачига даъво талабларини қондиришни рад этиб, ходимнинг даъво талабларини қисман қаноатлантирди. Архангельск шаҳри туман суди апелляция ажрими билан қарорни ўзгартиришсиз қолдирди. Шунда «Рэд Стар Консалтинг» МЧЖ Конституциявий судга Меҳнат кодексининг 393-моддаси Россия Федерацияси Конституциясининг 19-моддасини (қонун ва судлар олдида тенглик тамойилларини белгилайди) бузаётганлиги юзасидан шикоят билан мурожаат қилди. Шунингдек аризачи Россия умумий юрисдикция судларининг суд амалиётида 393-моддани фуқаролик жараёнида қўлланишлик масаласи бўйича ўхшаш вазиятлар бўлмаганлигини таъкидлади.

**Қарор:** Конституциявий суд шикоятни кўриб чиқишга қабул қилиш учун асос топмади [2.1 банд].

Суд эслатиб ўтдики, суд томонидан ҳимояланиш ҳуқуқи инсоннинг асосий бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқ ва эркинликларига киради ва айтилган пайтда барча бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди [2.3 банд].

РФ Конституцияси 37-моддаси қоидалари меҳнат шартномаси эркинлигини, ходим ва иш берувчи меҳнат муносабатлари пайдо бўлиши, ўзгариши ва тугатилиши билан боғлиқ масалаларни ўзаро келишиб ҳал қилишларини таъминлаб, шу билан бирга ходимнинг (меҳнатга оид қонуний муносабатларда иқтисодий жиҳатдан заиф тараф сифатида) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларинининг тегишли ҳимоясини таъминлашга доир давлат мажбуриятларини олдиндан белгилайди, ва бу ижтимоий ҳуқуқий давлат ҳисобланган Россия Федерациясида меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги асосий мақсадлар мос келади (Конституциянинг 1-моддаси (1-қисми), 2-моддаси ва 7-моддаси).

Шу билан бирга қонун чиқарувчи ходимнинг иш берувчига нафақат иқтисодий, балки ташкилий жиҳатдан ҳам боғлиқлигини ҳисобга олади, ва бу билан судларда меҳнат тортишувлари кўриб чиқиладиганда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал кафолатларини белгилайди, чунки бундай кафолатлар тақдим этилмаса, ходим-даъвогар ўзининг процессуал ҳуқуқларини рўёбга чиқара олмайди ва бунинг оқибатида судда тортишувлар адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқи таъминланмай қолади.

Бундай кафолатлар қаторига қуйидагилар киради: ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган касаба уюшмаси ёки прокурор судга муружаат қилиш имконияти (РФ Меҳнат кодексининг 391-моддаси), исботлаш бўйича мажбуриятларни иш берувчига юклаш (масалан, РФ Меҳнат кодексининг 247-моддасида кўзда тутилган ҳолатларда; меҳнат шартномалари иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган шахсларни ишида тиклаш юзасидан тортишувларда), ходимни суд харажатларидан озод этиш (Меҳнат кодексининг 393-моддаси) [2.5 банд].

Шундай қилиб, Суд шундай хулосага келдики, меҳнат тортишуви кўриб чиқиладиганда ходимни суд харажатларидан озод қилиш қоидаси унга одил судловдан баҳраманд бўлишда иш берувчи билан тенг имкониятларни тақдим этиш мақсадида суд ҳимоясига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ва РФ Конституциясининг 19-моддасида (1-қисми) мустаҳкамланган тенглик тамойилига зид эмас [2.6 банд].

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, Суд «Рэд Стар Консалтинг» МЧЖнинг шикоятни кўриб чиқишга қабул қилина олмайди, деган ажрим чиқарди.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

[http://www.sudbiblioteka.ru/ks/docdelo\\_ks/konstitut\\_big\\_7712.htm](http://www.sudbiblioteka.ru/ks/docdelo_ks/konstitut_big_7712.htm).

## **в) Суд жараёнида ва жабрланганлар одил судловдан баҳраманд бўла олишини таъминлашда институционал субъектларнинг роли**

Кўп мамлакатларда инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар (омбудсмен) ва миллий ҳуқуқни муҳофазалаш муассасалари ИИМ ҳуқуқлари бузилган шахслар одил судловдан фойдаланишларини осонлаштириш нуктаи назаридан муҳим рол ўйнашлари мумкин. Албатта, бундай муассасалар зарур моддий ва инсон ресурсларига ҳамда мустақилликка эга бўлишлари лозим<sup>159</sup>. Уларнинг табиати ва вазифаларини эътиборга олиб, ушбу муассасалар кўпинча давлат томонидан ҳуқуқлари бузилаётганидан шикоят қиладиган шахсларни қўллаб-қувватлайди ва уларга суд ва бошқа органларга мурожаат қилишга кўмаклашади. Қуйида кўрсатилганидек, улар ўз ваколатлари доирасида шикоят қилишнинг самарали механизмларини таклиф қилибгина қолмасдан, ўзлари ҳам суд жараёнида бевосита қатнашишлари мумкин. Шу маънода улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва минтақавий тизимлари даражасидаги махсус таомиллар ва мустақил экспертлар функцияларига ўхшаш вазифаларни бажарадилар. Бундай функцияларга қуйидагилар кирази: инсон ҳуқуқлари соҳасида мажбуриятларнинг умумий ижро этилиши ва амал қилинишини мониторинг қилиш, бундай мажбуриятлар юклатилган ваколатли органлар ва субъектларни ва ҳуқуқ эгаларини ўқитиш ҳамда инсон ҳуқуқлари, шу жумладан ИИМ ҳуқуқлар бузилиши билан боғлиқ муайян ишларда қатнашиш.

Амалиётчи юристлар ўз мамлакатларидаги ўхшаш тузилмалар фаолиятида янада мунтазам ва фаол иштирок этишлари мумкин.

### *и) Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар*

Маъмурий ҳуқуқ алоҳида тармоқ сифатида ажратиб қўйилган француз ҳуқуқининг аъёналарига мансуб роман-герман ҳуқуқий оиласига кирадиган кўпгина мамлакатларда медиатор (*Médiateur*) институти давлат хизматларидан фойдаланувчилар ва маъмурий сектор ўртасидаги ҳамкорлик воситаси ҳисобланади<sup>160</sup>.

<sup>159</sup> Миллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари миллий муассасалар мақомига доир таъминларга мувофиқ бўлиши лозим (Париж тамойиллари), БМТ ҳужжати № А/RES/48/134 (1993).

<sup>160</sup> Бошқа мамлакатларда медиаторга (*Médiateur*) ўхшаш лавозимлар мавжуд. Тегишли шахсларга маъмуриятнинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан узатилган шикоятларни кўриб чиқиш, текширувларни ўтказиш, медиация, яраштириш ёки музокалар ўтказиш йўли билан маъмуриятчилик соҳасида ҳар қандай ҳаракатни (ҳаракатсизликни) тўғрилаш ваколати берилган ёки улар ҳуқуқий ҳимоянинг фойдаланиш мумкин бўлган воситалари масалалари бўйича фуқароларга маслаҳат берадилар. Шундай мансабдор шахслар қаторига қуйидагилар кирази: ЖАРдаги Давлат прокурори, Гамбиядаги Омбудсмен, Намибиядаги Миллий омбудсмен, Покистондаги Федерал омбудсмен (*Wafaqi Mohtasib*) ва Минтақавий омбудсмен, Таиланддаги омбудсмен, Австралиядаги Ҳамдўстлик омбудсмени ҳамда Норвегиядаги Парламент омбудсмени.

Масалан, Марокашда *Médiateur* хусусий шахсларнинг ИИМ ҳуқуқлар билан боғлиқ (масалан, уй-жой бўйича давлат дастурлари, сув таъминоти борасидаги давлат хизматлари ва давлат хизматчилари учун ижтимоий таъминот дастурлари) масалаларига оид шикоятларини кўриб чиқади. Сиёсий стратегиялар ва мониторинг масалалари бўйича умумий тавсиялар соҳасидаги ваколатлар билан бир қаторда, *Médiateur* медиация таомилларида қатнашади, жабрланганларга маслаҳат беради ва уларнинг ишларини ваколатли суд органларига кўриб чиқиш учун узатади<sup>161</sup>.

*ii) Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиялар*

Умумий истиқболда миллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш комиссиялари, ИИМ ҳуқуқларни мажбурий таъминлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим ва фаол рол ўйнайдилар, айниқса уларнинг мақоми Париж тамойилларига мувофиқ бўлганда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар каби, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссиялар, муайян ваколатларга қараб, ИИМ ҳуқуқлар бузилишини бартараф этиш ва ушбу ҳуқуқлар бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплашга кўмаклашиш учун турли имкониятларга эга бўлиши мумкин. Мамлакатда инсон ҳуқуқларига амал қилиш масалалари бўйича стратегик мониторинг қилиниши ва маслаҳатлар берилиши туфайли улар юзага келиши мумкин бўлган ва мавжуд ИИМ ҳуқуқлар тизимли бузилиши ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишга ёрдам беришлари мумкин. Шунингдек улар кўп ҳолларда ишларни судларга узатиш жараёнида фаол иштирок этадилар.

Бундай фаолият мисоли сифатида ЖАР Олий суди томонидан 2005 йилда кўриб чиқилган *Bhe* ишини келтириш мумкин<sup>162</sup>. Бу муҳим ишда Конституциявий палата меросхўрликка оид оддий ҳуқуқнинг айрим нормативлари аёллар ва никоҳсиз туғилган болаларга нисбатан камситиш ҳолатини юзага келтиради, деган қарор чиқарди. Шундай қилиб, Суд тегишли қоидаларни конституцияга зид ва кучга эга эмаслигини эътироф этди, чунки улар Конституция даражасида тенглик кафолатларига қарама-қаршидир. Бу ишга учинчи тараф сифатида инсон ҳуқуқлари бўйича Жанубий-Африка комиссияси киришди. Ушбу комиссия тизимли ҳуқуқий ҳимоя воситасини ишлаб чиқиш ва бу чоранинг таркибий самарадорлигига эришишга фаол ёрдам берди, ва шу туфайли қарор чиқарилгандан кейин меросхўрлик ҳуқуқига муҳим ўзгартиришлар тайёрланди.

<sup>161</sup> Кўринг: ХЮКнинг Марокашда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги одил судловдан фойдаланиш имкони мавзусидаги тадқиқоти, француз тилида: <http://www.icj.org/new-icj-study-on-access-to-justice-for-economic-social-and-cultural-rights-in-morocco/>. 46- ва 47-б.

<sup>162</sup> *Bhe and others v. Magistrate, Khayelitsha and others; Shibi v. Sithole and others; SA Human Rights Commission and another v. President of the RSA and another*, ЖАР Олий суди, № 2005 (1) SA 580 (CC) қарор (2005).

### **3. Исботларни тақдим этиш қоидалари билан боғлиқ масалалар**

ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, даъво талабларини асослаб беришда исбот сифатида қўлланилиши мумкин бўлган ҳақиқий маълумотларни қўлга киритиш яна бир муҳим процессуал мушкуллик ҳисобланади.

5 бобда батафсил таърифланганидек, ИИМ ҳуқуқлар масалалари борасидаги суд жараёнлари суд ва квазисуд органлари қўллайдиган суд тадқиқотларининг турли стандартлари ва услубларига мувофиқ равишда исботларни тақдим этишга қўйиладиган маълум талабларга риоя қилиш билан боғлиқ. II.2 бўлимида таъкидланганидек, шахс ёки шахслар гуруҳи давлат ёки унинг органлари томонидан ҳуқуқ бузилганлиги юзасидан шикоят қилишга уринаётганларида маълум нотенглик кузатилиши мумкин, чунки давлат ва унинг тузилмалари муайян маълумотларга эга бўлишда кенгроқ имкониятларга эга.

#### **ХЮКнинг суд тартибида иш кўриш имконияти тўғрисидаги Тадқиқотидан парча**

- *Роман-герман ҳуқуқий оилага мансуб мамлакатларда кўпинча давлат хусусий шахсларга нисбатан каттароқ процессуал афзалликларга эга бўлади. Масалан, унга даъвога эътироз билдиришга кўпроқ вақт берилади, у исбот сифатида ўзининг маъмурий досъесини тақдим этиши мумкин ҳамда хусусий шахсларда мавжуд бўлмаган бошқа афзалликларга эга. Давлатга ўзининг ижобий мажбуриятларини бажариш юзасидан кўрсатма берадиган суд қарорлари кўпинча декларатив хусусиятга эга, етарли процессуал кафолатлари мавжуд эмас ва, одатда, уларни ижро этиш осон эмас, айниқса улар таркибий ислохотларни ёки узоқ муддатли имплементацияни ўтказиш зарурлигини белгиланган тақдирда. Шунингдек бу давлат мажбуриятларини белгиладиган, узоқ вақт бажарилмай туриши мумкин бўлган ёки ўта юзаси бажариладиган қарорларга амал қилиш ва ижро этиш ҳақидаги масалани қўйиши мумкин.*
- *Ва ниҳоят, бу давлатга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ижро этиш муаммоси, ва умуман олганда, давлатнинг миллий судлардаги муайян нуқтаи назаридир. Континентал ҳуқуққа эга мамлакатларнинг маъмурий тизими доирасида давлат хусусий тортишувлар бўйича муҳокамалар давомида адолатсиз деб ҳисобланган қатор процессуал афзалликлардан фойдаланади. Айрим вазиятларда бундай афзалликларни тақдим этиш ўринли бўлиши мумкинлигига қарамасдан, кўпгина бошқа ҳолатларда*

давлат органларига ўз ихтиёрича иш юритишга чексиз эркинлик берилиши, ноҳолислик, «томонлар тенглиги» тамойили бузилиши ва бошқа ўзига хосликлар процессуал қоида бузиш сифатида эътироф этилиши мумкин, бу эса ўз навбатида қонунчиликни ислоҳ қилиш ва янги суд амалиётини шакллантириш зарурати масаласини кўтаришини мумкин<sup>163</sup>. Меҳнат ҳуқуқлари, пенсиялар, ижтимоий тўловлар ва бошқа ИИМ ҳуқуқларни яратиш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ишлар бўйича суд назорати олиб борилиши ҳолатлари у қадар кам эмас; бундай ишлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро органлар кўриб чиқишига аввал ҳам киритилган<sup>164</sup>.

<sup>163</sup> Халқаро юристлар комиссияси кўп вақтдан буён маъмурий иш юритишни қонун устунлиги тамойили ва тегишли жараён талабларига мувофиқлаштириш билан шугулланиб келмоқда, бу эса ўз навбатида суд назорати учун асос бўлиши мумкин. 1959 йилда ХЮК Конгрессида қуйидагилар таъкидланди: «Модомики [маъмурий иш юритиш масалалари бўйича] [суд] назорати доим ҳам ишнинг ҳақиқий ҳолатини бутунлай қайта кўриб чиқишни назарда тутмас экан, шунга ўхшаш *ad hoc* [маъмурий] трибуналлари ва органларнинг регламенти адолатли суд муҳокамасининг асосий аспектиларини (шу жумладан ишни оммавий кўриб чиқиш ҳуқуқи, суд мажлиси регламенти ҳақида барвақт хабарланган бўлиш ҳуқуқи, тегишли юридик ёрдамдан фойдаланиш, оппонент нўқтаи назари билан танишиш ҳамда асосли суд қарори чиқарилиши ҳуқуқларини) таъминлаши ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тамойилдан чекиниш учун етарли асослар мавжуд бўлмаганда тегишли юридик ёрдам адвокат ёрдамига эга бўлиш ҳуқуқини ўзига киритиши лозим... Ҳокимиятнинг ижроия органлари томонидан содир этилиб бўлган ноқонуний ҳаракатларни тўғрилаш мақсадида суд назоратини амалга ошириш имкониятидан қатъи назар, манфаатларига дахл қилиниши мумкин бўлган ёки ўз нўқтаи назарини баён қилиш имконига эга бўлган тарафлар ҳокимиятнинг ижроия органлари томонидан ноқонуний ёки асоссиз ҳаракатлар қилиниши имкониятини йўққа чиқариши учун, тегишли дастлабки кўриб чиқиш, текшириш ёки маслаҳат бериш таомиллари яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади... Қонун устунлиги тамойилига амал қилиниши мақсадида, хусусий шахслар ҳуқуқларига дахл қилуви суд ёки маъмурий қарор чиқарилишида ижроия органлар асословчи қисмини ифодалашлари ҳамда манфаатдор шахс ушбу асословчи қисм билан биринчи талабидеяк танишиши мумкин бўладиган талаб киритиш лозим». Кўринг: Халқаро юристлар комиссияси, *Need for and limitations of effective governmental powers* [Ҳукуматнинг ҳақиқий ваколатларини ечлаш зарурати], ҳужжат Деҳлида ўтказилган Конгрессда (1959) қабул қилинди, II Қўмита, Халқаро юристлар комиссияси тўпламида (инглиз тилида) босиб чиқарилган «Rule of Law and human rights: principles and definitions» [Қонун устунлиги ва инсон ҳуқуқлари: тамойиллар ва ифодалар] (1966), Женева. 12- ва 13-б. Шунингдек кўринг: *Human rights and aspects of administrative law* [Инсон ҳуқуқлари ва маъмурий ҳуқуқнинг алоҳида аспектилари] ва *Procedures utilized by administrative agencies and executive officials* [Маъмурий органларда ва ҳокимиятнинг ижроия органлари вакилларида иш юритиш тартиби], Рио-де-Жанейрода ўтказилган Конгрессда қабул қилинган (1962), ўша жойда. 19–22-б.

<sup>164</sup> Кўринг, масалан: *Baena v. Panama*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суди (2001), 124-, 126- ва 127-бандлар, бунда Суд адолатли суд муҳокамасига эришиш ҳуқуқи касаба уюшмаси аъзолари бўлган ходимларни ишдан бўшатиш ҳақидаги маъмурий ишлар бўйича суд амалиётида қўлланилиши мумкинлигини эътироф этди; *5 Pensioners v. Peru* (2003), 116- ва 135-бандлар, бунда Суд пенсиялар миқдорини камайтиришга қаратилган маъмурий чоралар тўғрисидаги иш бўйича суд назоратини амалга оширди; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссияси, Маъруза № 03/01; *Amílcar Menéndez, Juan Manuel Caride, et al. (Social Security System) v. Argentina* иши, мувофиқлик тўғрисидаги маъруза, № 11.670 иш (2001), бунда Комиссия ижтимоий пенсиялар соҳасида процессуал ҳуқуқлар бузилиши юзасидан узатилган шикоятни ўринли деб эътироф этди. Натижада бу иш бўйича масалани тинчлик аҳди йўли билан ҳал қилишга эришилди.

Бу каби нотенглик намоён қилинишини тартибга солиш мақсадида, бошқа манбалардан ташқари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 19 моддасида ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда назарда тутилган ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини ҳам эътиборга олиш муҳим<sup>165</sup>. Турли миллий тизимларда ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи нафақат ахборот билан алмашиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқининг бир қисми сифатида, балки давлат органларидан ахборот олиш ва унга эга бўлиш ҳуқуқини ҳам ўзига киритмоқда<sup>166</sup>. Ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи асосий маъмурий ҳужжатларни олиши зарур бўлган ҳуқуқ эгалари ва амалиётчи юристлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Ҳиндистоннинг «Ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи» тўғрисидаги қонуни ҳамда мамлакатнинг фуқаролик жамияти томонидан бундай қонун қабул қилиниши учун қилинган ҳаракатлар инсон ҳуқуқларига амал қилиш нуқтаи назаридан шаффофлик ва ҳисобдорликнинг стратегик аҳамиятини намоёиш қилмоқда.

Исботларни тақдим этиш нуқтаи назаридан, ИИМ ҳуқуқларга тегишли бўлган барча ишлар ҳам шу каби комплекс ва мураккаб бўлавермайди. Шундай бўлса ҳам, исботларни тақдим этиш масаласида қийинчиликлар тизимли ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этишни талаб қиладиган комплекс ишларни ва(ёки) яхши фаолият юритмайдиган сиёсий стратегияларнинг таркибий аспектларига дахл қиладиган ишларни юритишда айниқса кўп юзага келади. Жумладан, фойдали қазилмалар юзасидан тадқиқот ўтказилиши ёки қазиб олишга тайёргарлик кўрилиши атроф-муҳитга хатар туғдирадиган ёки одамларнинг уй-жой, сув ёки овқатга эга бўлиш ҳуқуқларини бузадиган ҳолатда, бундан жабр кўрганлар, одатда, кўрсатилган таъсирнинг муқобил баҳолари, атроф-муҳитга таъсири бўйича

<sup>165</sup> Ушбу ҳуқуқ ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқининг ажралмас қисми ҳисобланади. *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасининг 2-банди* (1966 йил 16 декабрда қабул қилинган, 1976 йил 23 мартда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/6316, қуйидагиларни назарда тутди: «Ҳар ким ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ, давлат чегараларидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги ахборот ва ғояларни эркин излаш, олиш ва оғзаки, ёзма шаклда ёки матбуотда ёхуд бадий шаклларда, ёки ўз ихтиёрига кўра бошқа усуллар билан тарқатишни ўзига киритади. (муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган).

<sup>166</sup> Кўринг, масалан: Тсване тамойиллари, *Халқаро миллий хавфсизлик тамойиллари* (2013) (инглиз тилида): <http://www.opensocietyfoundations.org/publications/global-principles-national-security-and-freedom-information-tshwane-principles>. 1-тамойилда қуйидагилар баён қилинган: «Ҳар ким давлат органлари ва уларнинг номидан бошқалар эгалик қиладиган, ёки давлат органлари қонунга мувофиқ олиш имкониятига эга бўлган ахборотни излаш, олиш, фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга». 10-тамойил «Юқори презумпцияли ёки ахборотни очишда мутлақ манфаатга эга бўлган ахборот тоифаси» қуйидагиларни назарда тутди: «Инсон ҳуқуқлари ёки гуманитар ҳуқуқлар бошқа бузилишлари тўғрисидаги ахборотни очиш бўйича юқори презумпцияга эга бўлиши лозим ва, миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан, бузилган ҳуқуқлар бўйича ҳисобдорликка тўсқинлик қилиш ёки жабрланган шахсни самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасидан фойдаланиш имконидан маҳрум қилиш мақсадида ҳар қандай ҳолатда яшириш мумкин эмас».

эксперт хулосаси, ифлослантирувчи моддалар инсон саломатлигига таъсир қилиши ёки ҳаёт манбаи боғлиқ бўлган экотизимда қандай ўзгаришлар рўй берганлиги тўғрисида суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасини тақдим этишлари лозим бўлади. Бунда ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва тахминий қурбонга етказилган зарар ўртасидаги сабаб-оқибатли алоқани аниқлаш бўйича умумий масала пайдо бўлади<sup>167</sup>, ва бу фақат ИИМ ҳуқуқларни суд ҳимоялаш билан чеклаиб қолмасдан бир қатор қўшимча масалалар юзасидан текширувлар ўтказишни назарда тутаети.

### **а) ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш ва исботлаш юки**

Қатор ҳолларда процессуал адолат исботлаш юкини туширишни талаб қилиши мумкинлиги ахборотга эга бўлиш имконияти нуқтаи назардан нотегиликнинг оқибатини ифодалайди. Умалан олганда, ножиноий иш юритиш доирасида аризачи ишнинг ҳуқуқий элементларини исботлаш мажбурияти учун жавоб беради. Бироқ айрим вазиятларда ушбу исботлаш юки оппонент зиммасига ўтказилиши мумкин. ИИМ ҳуқуқларга тегишли бўлган баъзи суд жараёнларида давлат унинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ҳуқуқни бузишга олиб келмаганлиги ва (ёки) кўрилган (ёки кўрилмаган) чоралар кўзланган мақсадларга нисбатан асосли ва мувофиқ эканлигини исботлаш мажбуриятига эга бўлиши мумкин.

Масалан, ИИМХҲП регрессив чоралар тўғрисидаги ишлар ёки *prima facie* бўйича ИИМХҲПни бузиш ҳисобланган ҳар бир ҳуқуқнинг минимал асосий мазмунини таъминлаш бўйича минимал асосий мажбуриятларга амал қилинмаганлиги ҳақидаги ишлар бўйича исботлаш юки тушилишини бевосита назарда тутаети. *3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазада* Қўмита қуйидагиларни таъкидлади: «...Шу маънода атайин кўрилган ҳар қандай регрессив чоралар пухталики билан кўриб чиқишни талаб қиларди ва Пактда кўзда тутилган барча ҳуқуқларни ҳисобга олиб ва мавжуд ресурсларнинг имкон қадар жалб этган ҳолда, барча ресурсларни инобатга олиб, мукамал далилларни келтиришга муҳтож бўларди... Иштирокчи-давлат нақд маблағлари йўқлиги сабабли ўзининг минимал асосий мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслигини таъкидлаши мумкин бўлиши учун, ушбу минимал мажбуриятларини устувор тартибда бажариш мақсадида унинг ихтиёрида мавжуд бўлган ҳамма ресурслардан фойдаланишга бор имкониятларини ишга солганлигини намойиш қилиши лозим»<sup>168</sup>.

<sup>167</sup> Сабаб-оқибатли алоқани аниқлашдаги муаммо, масалан, ишлаб чиқаришдаги саломатлик ишлари юзасидан ҳам пайдо бўлади.

<sup>168</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *3-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, БМТ ҳужжати № Е/1991/23 (1990), 9- ва 10-бандлар.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди Чехияда Рома-лўли ўқувчилар билвосита камситилганлиги<sup>169</sup> тўғрисидаги ишни кўриб чиқди ва шуни аниқладики, билвосита камситиш ҳолатида, яъни бир қарашда бетараф бўлиб кўринган чоралар аслида маълум фуқаролар гуруҳларни жиддий салбий оқибатларга олиб келганда, исботлаш юки туширилади ва исботларни тақдим этишнинг қатъий-роқ қоидалари қўлланилади. Жабрланганлар билвосита камситишга учраганларини исботлаш жараёнида тўқнашадиган қийинчиликларни тан олган ҳолда, Суд ушбу муаммони ҳал қилиш учун турли чораларни кўриш, шу жумладан статистик маълумотларни тақдим этиш йўлини тутиш зарурлигини таъкидлади. Мазмунли ва ишончли статистик маълумотлар *prima facie* бундай ишлар бўйича исботловчи кучга эга, ва давлат билвосита камситиш ҳолати йўқлигини исботлаши лозим<sup>170</sup>. Суд қуйидагиларни таъкидлади: «Агар аризачи билвосита камситиш бўлганлиги юзасидан шикоят қилиб, бу билан кўрилган чора ёки амалиёт оқибатлари камситувчи хусусиятларга эга эканлиги бўйича рад қилинувчи презумпцияни киритадиган бўлса, исботлаш юки жавобгар-давлат зиммасига туширилади, ва бу нотенг муомала камситиш ҳисобланмаслигини исботлаши лозим»<sup>171</sup>.

Суд қарорлари мисолида суд ва квазисуд органлари миллий даражада исботлаш мажбурияти тўғрисидаги саволга ҳам ижобий, ҳам салбий жавоб беришини кўриш мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқ контекстида меҳнатга оид масалалар ва тортишувлар қатор юрисдикцияларда исботлаш мажбурияти билан боғлиқ айрим қийинчиликлар ҳамда процессуал мушкулликлар билан ифодалангани. Бундай процессуал мушкулликлар ИИМ ҳуқуқлари бузилган шахсларга судлар ва маъмурий органларда ҳимояга эришишга жиддий тўсқинлик қилиши мумкин. Хусусан, бундай ишлар қаторига иш жойида шахвоний шилқимлик қилиш ҳақидаги ишлар киради ва бунда жабрланган шахслар исботларни тақдим этишда енгиб бўлмайдиган тўсиқларга дуч келишлари мумкин. Уларнинг ҳамкасблари гувоҳлик беришдан бош тортишлари, қатор исботлар эса, шу жумладан айбланаётган шахс иштирокидаги ва унинг розилигисиз ёзилган аудио ва видеотасмалар қўллаб бўлмайдиган деб топилиши мумкин.

<sup>169</sup> *D. N. va boшқалар Чехияга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди, № 57325/00 шикоят, Катта палата қарори, 2007. Ушбу шикоят Рома-лўли ўқувчилар гуруҳи томонидан билдирилди. Улар баён қилишича, Чехиядаги Острава минтақасининг бутун худудида улар ва барча Рома-лўли болалар аскарият ҳолларда, уларнинг ақлий қобилиятлари ҳисобга олинмасдан, ирқий асосларга таяниб, билим эгаллашда орқада қоладиган ўқувчилар учун мўлжалланган ва паст сифатли билимлар тақдим этиладиган мактабларга жойлаштирилганлар.

<sup>170</sup> *D. N. va boшқалар Чехияга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, № 57325/00 шикоят, Катта палата қарори, 2007, 186–188-бандлар.

<sup>171</sup> Ўша жойда, 189-банд.

Кўплаб юрисдикцияларда меҳнат ҳуқуқи ва тегишли таомиллар ҳодимнинг ҳолатини бирмунча заифроқ деб тан олишига қарамасдан, бундай тенденция умумий ҳусусиятга эга эмас ва бундай эътироф доим ҳам исботларни келтириш борасида процессуал нормаларни ўзгартиришга олиб келавермайди. Масалан, 2009 йилда Марокаш Олий суди чиқарган қарорида ходимга унга берилган мукофот пуллари ўрнатилган энг кичик иш ҳақи миқдоридан камроқ эканлигини исботлаш вазифаси юклатилганлигини таъкидлади<sup>172</sup>.

### **б) Давлат ресурслари чекланган ҳолатда ҳуқуқлар бузилганлигини аниқлаш**

Давлатда керакли ресурслар йўқлиги, ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш жиҳатдан, жабрланган шахслар ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиаётганларида қийинчиликлар юзага келиши мумкин бўлган яна бир соҳа ҳисобланади. ИИМ ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган ва давлатнинг ижобий мажбуриятлари бузилиши эҳтимол тутилган ҳамда ижро этиш учун маълум ресурслар талаб этиладиган кўпгина ишлар асосан амалга ошириш мажбуриятига (лекин фақат унга эмас) боғланган<sup>173</sup>. Муҳим молиявий масалаларга дахл қиладиган қатор ишлар бўйича давлатлар кўпинча ресурслар йўқлиги ва федерал ёки минтақавий бюджет учун ортиқча юклама яратмасдан ҳуқуқ бузиш ҳолатларни тўғрилаш мумкин эмаслигини баҳона қиладилар.

Айрим ҳолларда суд ва квазисуд органлари давлатнинг бундай далилларини танқидий кўриб чиқишга мойил бўлмайди. Бундай мисол сифатида Марокаш Олий суди томонидан кўриб чиқилган соғлом бўлиш ҳуқуқига тегишли ишни келтириш мумкин. Маъмурий судлар мижознинг ҳаётини сақлаб қолиш учун унга бепул даволанишни тақдим этишни рад этгани учун ҳокимиятни қоралаганига қарамасдан, Олий суд маъмурий судлар ўз қарорларини давлат ресурслари мавжуд ёки йўқлигидан келиб чиққан ҳолда чиқариши лозимлигига асосланиб, уларнинг қарорларини бекор қилди<sup>174</sup>.

Айни пайтда бошқа юрисдикциялар бундай масалалар бўйича суд назоратини амалга оширишга тайёр эканликларини намоён қилдилар, ҳатто зарур ҳуқуқий ҳимоя воситаси бюджет учун катта юклама

<sup>172</sup> Ижтимоий палата, Марокаш Кассация суди, № 697/5/1/2008-2654 қарор (2009).

<sup>173</sup> Кўринг: 2 боб, III.1.b) бўлими.

<sup>174</sup> Кўринг: Ушбу Қўлланманинг 4-Боби, V бўлими: Марокаш Кассация суди, № 59/4/2/2009-28 қарор (2010). Олий суд қарор чиқарди: қуйи турган судлар давлатда молиявий маблағлар мавжудлиги тўғрисидаги масалани лозим даражада кўриб чиқмаганлари, ва мижозга зарур даволов тақдим этилмаганлиги сабабли у нобуд бўлганлиги учун давлат жавоб бериши лозимлиги юзасидан хато хулоса чиқардилар. Олий суд рўй берган воқеа учун давлат жавоб бериши лозимлигини тан олишни рад этди, чунки бунинг учун давлат ўз имкониятларидан анча ортиқ бўлган жуда катта саъй-ҳаракат қилиши лозим бўларди.

яратган тақдирда ҳам. ЖАР Олий судининг суд амалиётида бундай ишлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уларнинг қаторига Blue Moonlight Properties иши ҳам киради<sup>175</sup>.

**Йоханнесбург шаҳри Муниципалитети Blue Moonlight Properties Ltd компанияси ва бошқалага қари тўғрисидаги иш [Johannesburg Metropolitan Municipality v. Blue Moonlight Properties 39 (Pty) Ltd and Another], ССТ 37/11 [2011] ZACC 33**

**Йил:** 2011 (қарор чиқарилган сана: 1 декабрь 2011 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; ЖАР

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мақсадга мувофиқлик; тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Бу иш Saratoga Avenue 7 яшовчилари—Йоханнесбург шаҳрининг Berea тумани ҳудудидаги ташландиқ sanoat объектида яшайдиган 86 нафар кам таъминланган фуқаролар ҳамжамияти тўғрисида. 2006 йилда ушбу объект мулкдори унга қарашли объектдан яшовчиларни кўчириб юбориш талаби билан судга мурожаат қилди. Суд кўриб чиқишига мулкдор ўз мулкига нисбатан ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин бўлиши учун яшовчиларни кўчириб юбориш ҳақидаги қарор қабул қилиниши керакми, ва ҳа бўлса, бундай қарор шаҳар ҳокимиятида уларга уй-жой тақдим этиш юзасидан мажбурият пайдо бўлишига олиб келадими ёки йўқми (яшовчилар давлат участкасидан эмас, хусусий объектдан кўчириб юборилишига қарамасдан) деган масала қўйилди. Бундан ташқари, бу ишда шаҳар ҳокимиятининг ресурслари тўғрисидаги масала ҳам кштарилган эди.

**Қарор:** Суд Олий апелляция судининг [ОАС] шаҳар ҳокимияти номига муҳтожларни муваққат уй-жойлар билан таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги фармойиш жўнатилганидан кейин 14 кундан сўнг объект яшовчиларини кўчириб юбориш тўғрисидаги қарорини кучда қолдирди. Бундай чора муҳтожлар кўчириб юборилгандан кейин кўчада қолиб кетмаслигини таъминлаш учун қўлланилган.

Суд қуйидаги қарор чиқарди: «Шаҳар ҳокимияти Яшовчилар юқорида айтиб ўтилган ҳолатга тушиб қоладиган вазиятлар юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда бюджетни режалаштиришлари лозим», деган қарор чиқарди [67-банд],

<sup>175</sup> *City of Johannesburg Metropolitan Municipality v. Blue Moonlight Properties 39 (Pty) Ltd and another*, ЖАР Конституциявий суди, № ССТ 37/11 иш [2011] ZACC 33.

ва ресурслар етишмовчилиги тегишли қонунчилик нотўғри англаниши натижаси эканлигини таъкидлади.

Кейин эса Суд ОАСнинг давлат ҳокимияти Яшовчилар эҳтиёжларини қондиришга қодир эканликларини исботлай олмадилар, деган хулосаси билан рози бўлдилар. Шунингдек Суд таъкидладикки, «шаҳар уй-жой хўжалиги билан боғлиқ бюджет моддалари бўйича, лекин умуман бутун бюджет бўйича бўлмаган маълумотларни тақдим этди. Шаҳар бюджети умуман қандай аҳволда эканлигини биз билмаймиз. Биз шаҳарнинг умумий молиявий аҳволи қандай эканлигини аниқ билмаймиз. Суднинг кўрилган чора мавжуд ресурсларни инобатга олган ҳолда мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги хулосаси бюджет масалалари ёки Конституция ва қонун томонидан белгиланган мажбуриятларни нотўғри тушуниш натижаси бўлиши мумкин бўлган бошқа масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Суд шаҳарнинг бирор бюджет моддаси бўйича етарли маблағларни режалаштириб қолмаганлиги тўғрисидаги баҳонасини ўринсиз деб ҳисоблайди, чунки шаҳар ўз бюджетини тегишли вазиятни инобатга олган ҳолда режалаштириши шарт эди» [74-банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Яшовчилар таъкидлашча «уларни кўчириб юбориш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиб, натижада улар кўчада қолиб кетсалар, бу адолатсизлик бўлади» [32-банд]. Шаҳар ҳокимияти эса яшовчиларни кўчириб юборишга объект мулкдори ҳаракат қилганлигини айтиб, эътироз билдирди ва «хусусий шахс томонидан кўчириб юборилаётган барча одамларга шаҳар уй-жой тақдим этишга мажбур эмас», деб таъкидлади [32-банд].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.saflii.org/za/cases/ZACC/2011/33.html>.

2013 йилнинг сентябрь ойида ЖАР Олий апелляция суди давлат ресурслари етишмовчилиги сабабли ҳуқуқлар бузилиши ҳолатини тўғрилашнинг иложи йўқлигини исботлаши лозимлигини бевосита кўрсатиб ўтди. *Baphiring Community & others v. Tshwaranani Projects CC & others*<sup>176</sup> ишида Олий апелляция суди 1994 йилги Ерга эга бўлиш ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги Қонун асосида ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво бўйича тортишувни кўриб чиқди. Апелляция шикоятда апартеид даврида ўз ерларини йўқотган ҳамжамиятга ер участкасини қайтариш имконияти ҳақидаги ҳамда давлат томонидан келтирилган исбот-

<sup>176</sup> *The Baphiring Community v. Tshwaranani Projects CC*, ЖАР Олий апелляция суди, № 806/12 иш [2013], ZASCA 99 (2013).

лар тўғрисидаги масалалар кўтарилди. Шулар асосида суд муқобил ер майдонини тақдим этиш ёки товон тўлаш ўрнига, муайян ер участкасини қайтариш имкониятини таҳлил қилиши мумкин эди. Натижада Суд давлат томонидан ер участкасини қайтариш имкони йўқлиги юзасидан етарли исботларни келтирмаган, деган қарор чиқарди.

Хусусан, Суд давлатни ерни қайтариш имконияти ҳақидаги масала бўйича тадқиқот ўтказилмаганлигида айблади. Олий апелляция судининг қуйи турган суднинг ерни қайтариш имкони йўқлиги тўғрисидаги қарорини бекор қилиб, «бундай исботлар талаб қилинмаганлиги жиддий қоида бузиш ҳисобланиб, ерни қайтариб беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги қарор кучини бекор қилади» деб кўрсатма берди. Шундан сўнг Суд «[суд томонидан ерни қайтариб беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши] давлатнинг ер участкасини қайтариб бериш билан боғлиқ харажатларни тўлашга қодир эмаслиги ҳақидаги эътирофлари ҳақиқат эканлигини текширишини англатмайди. Аксинча, бу давлат судга ўз нуқтаи назарининг асослиги юзасидан ишончли исботларни тақдим этиши керак бўлишидан дарак беради» деб таъкидлади.<sup>177</sup>

### **с) Исботларни тақдим этишда фойдали воситалар ва ёрдамчилар**

Юқорида кўриб чиқилган мушкулликлар нуқтаи назаридан ИИМ ҳуқуқлар суд тартибида кўриб чиқилиши ушбу масалада махсус билимларга эга бўлган учинчи шахслар, шу жумладан миллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари ва НҲТлар иштирокини сезиларли енгиллаштириши мумкинлиги турган гап. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари ва НҲТлар мунтазам равишда сиёсий стратегиялар мониторингини ўтказиш ва бюджетни таҳлил қилишлари мумкин ва бу ресурслар мавжудлиги тўғрисидаги ва бошқа масалаларни ҳал қилишда фойдали бўлиши мумкин.

Шу маънода ИИМҲҲПга Факультатив протоколда ИИМ ҳуқуқлар соҳасида мажбуриятлар бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича ЖАР Олий суди томонидан илк бор қўлланилган «мақсадга мувофиқлик» стандарти ишлатилганлигини таъкидлаш муҳим. ИИМҲҲҚ томонидан давлат индивидуал ишлар бўйича ўз мажбуриятларига амал қилиши масаласи ҳал қилинишида айнан ана шу стандартдан фойдаланилади. Демак, пакт ва конвенцияларда кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилинмаслигини исботлаш учун ҳам жиддий маблағлар сарфланиши талаб этилади.

Ҳужжатли исботлар сифатида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги турли шартномаларни амалга ошириш учун мунтазам равишда шартномавий органлар кўриб чиқишига тақдим этиладиган мониторинг

<sup>177</sup> Ўша жойда, 22-банд.

ҳужжатларида баён қилинган маълумотлар каби ресурслар ҳамда, масалан, ихтисослаштирилган органлар томонидан тайёрланган БМТ-нинг бошқа ресурслари қўлланилиши мумкин<sup>178</sup>.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мониторингга асосланган таҳлил ҳамда уларга амал қилиш бўйича турли индикаторлар адвокатлар, судьялар ва БМТ ИИМХҚ каби квазисуд органларига бу масаладаги тараққиётни ИИМ ҳуқуқларини рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан баҳолашга ва мавжуд ресурслардан, ИИМХҚПда назарда тутилгани каби, энг кенг доираларда фойдаланишга ёрдам бериши мумкин.

Ва ниҳоят, давлатлар ва тижорат ташкилотлари, халқаро ҳуқуқ талабларига мувофиқ, инвестиция қилиш, янги битимларни тузиш ва (ёки) қурилиш лойиҳаларини бажаришга киришишдан олдин амалга оширишлари лозим бўлган инсон ҳуқуқларига қилинаётган таъсирни таҳлил қилиш соҳасидаги ўзгаришларни таъкидлаш муҳим аҳамиятга эга<sup>179</sup>. Хусусан, давлатларга кўпинча савдо ва инвестициялар соҳасидаги инсон ҳуқуқларига таъсир кўрсатилиши нуқтаи назаридан таҳлил ўтказиш тавсия қилинади<sup>180</sup>. Бундан ташқари, Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита қурилиш соҳасидаги стратегик сиёсатни ишлаб чиқишда ҳам таъсирни таҳлил қилиш юзасидан умумий мажбурият мавжудлигини тўғридан-тўғри таъкидлади<sup>181</sup>. Бундай таҳлил ҳуқуқлари суд тартибидо ҳимояланишига ҳаракат қилаётган шахслар учун муҳим ҳужжатли исбот бўлиши мумкин.

<sup>178</sup> Батафсил: Воситалар, 2-илова.

<sup>179</sup> Кўринг: *Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан савдо ва инвестицион битимларнинг таъсирини баҳолаш бўйича раҳбарлик тамойиллари*, БМТнинг Махсус маърузачисининг овқатланиш ҳуқуқи ҳақидаги масалага оид маърузасига Иловада, О. de Schutter, БМТ ҳужжати № А/НRC/19/59/Add. 5 (2011); Шунингдек кўринг: *Тадбиркорлик фаолиятининг раҳбарлик тамойиллари инсон ҳуқуқлари контекстида: БМТнинг «Ҳимоя қилиш, риоя этиш ва тўғрилаш» рамкали стратегиясини амалга ошириш*, БМТ ҳужжати № А/НRC/17/31 (2011). Кўрсатилган муайян соҳаларда инсон ҳуқуқларига таъсир кўрсатишни баҳолаш бўйича раҳбарлик тамойиллари ИИМ ҳуқуқларга амал қилиш ва давлатнинг ИИМХҚП бўйича мажбуриятлари билан нисбати нуқтаи назаридан хатарларни аниқлаш бўйича самарали воситани яратиш учун фойдаланиш мумкин бўлган маълум элементларни назарда тутати.

<sup>180</sup> Кўринг: *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, Эквадор бўйича якуний мулоҳазалар*, БМТ ҳужжати № Е/С.12/1/Add. 100 (2004), 56-банд; *Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита, Сальвадор бўйича якуний мулоҳазалар*, БМТ ҳужжати № CRC/C/15/Add. 232 (2004), 48-банд; *Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Қўмита (АКБК), Колумбия бўйича якуний мулоҳазалар*, БМТ ҳужжати № CEDAW/C/COL/CO/6 (2007), 29-банд; *АКБК, Филиппин бўйича якуний мулоҳазалар*, БМТ ҳужжати № CEDAW/C/PHI/CO/6 (2006), 26-банд; ҳамда *АКБК, Гватемала бўйича якуний мулоҳазалар*, БМТ ҳужжати № CEDAW/C/GUA/CO/6 (2006), 32-банд; Шунингдек кўринг: *БМТнинг овқатланиш ҳуқуқи бўйича махсус маърузачиси О. de Schutter, Жаҳон савдо ташкилотида бўлган йиғилишдаги маъруза*, БМТ ҳужжати № А/НRC/10/5/Add. 2 (2009), 37- ва 38-бандлар.

<sup>181</sup> *Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита, 5-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича умумий чоралар, БМТ ҳужжати № CRC/GC/2003/5 (2003), 45-банд. Шунингдек кўринг: *Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита, 16-сонли Умумий тартибдаги мулоҳаза*, Бизнес-секторининг бола ҳуқуқларига таъсири бўйича давлат мажбуриятлари, БМТ ҳужжатлари № CRC/C/GC/16 (2013), 78–81-бандлар.

## 4-БОБ: ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВОСИТАЛАРИ ДОИРАСИДАН ТАШҚАРИДА: ТУРЛИ ЮРИСДИКЦИЯЛАРНИ ЎРГАНИШ

### I. Кириш

Ушбу Қўлланмада асосий эътибор ИИМ ҳуқуқларни миллий судларда кўриб чиқишга қаратилади ҳамда унда минтақавий ва халқаро суд ва квазисуд органлар амалиётидан мисоллар келтирилади. ИИМ ҳуқуқлар бузилганда назарий жиҳатдан халқаро ҳуқуқ даражасида мустақамланган ва мамлакат конституциясида ҳам кўзда тутилган ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланиш афзал кўрилса керак<sup>182</sup>. Шундай бўлса ҳам, қатор конституцияларда ИИМ ҳуқуқлар ҳануз чекланган ёки мавжуд эмаслигини ҳамда барча мамлакатларда ҳам ҳуқуқ эгаларига конституциявий иш юритилишига эришиш бирдек осон эмаслигини ҳисобга олиб, бошқа ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ҳам текшириш фойдадан холи эмас<sup>183</sup>. Бундай прагматик ёндашувга амал қилиб, ушбу бобда муаллифлар эришиш осонроқ бўлиши ва, қатор ҳолатларда, ўз вақтида товонга (тўлиқ бўлмаса ҳам) эга бўлиш нуқтаи назаридан янада самарали бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқнинг турли инстанциялари ва тармоқлари ёрдамида одил судловдан баҳраманд бўлиш имкониятларини ўрганадилар.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва ҳатто маъмурий органлар кўп ҳолларда юқори турган/конституциявий органлар кўриб чиқишига тегишли масалаларни узатишга имкон берадиган миллий даражада алоҳида иш юритиш доирасида ИИМ ҳуқуқлар конституциявий назорат ва ҳимоя қилинишига эришишга ёрдам беради<sup>184</sup>. Қуйида кўрсатилганидек, ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги кўпгина даъволар ва ҳатто жуда муҳим ечимлар фуқаролик ёки маъмурий иш юритиш доирасида шакллана бошланган.

<sup>182</sup> Кўринг: 2-Боб, II. 2 бўлим.

<sup>183</sup> Миллий ҳуқуқий ҳимоя воситалари асосий таҳлилий текширувнинг моделларидан бири ҳамда адолат ва товон тўланишига эришиш усуллари ҳақида кўринг: *Марокашда ижтимоий ҳуқуқлар нуқтаи назаридан одил судловга эришиш тўғрисида ХЮКнинг тадқиқоти* (француз ва араб тилларида): <http://www.icj.org/new-icj-study-on-access-to-justice-for-economic-social-and-cultural-rights-in-morocco/> ва *Сальвадорда ижтимоий ҳуқуқлар нуқтаи назаридан одил судловга эришиш тўғрисида ХЮКнинг тадқиқоти* (испан тилида): <http://www.icj.org/new-icj-study-analyses-obstacles-preventing-salvadorians-to-access-justice-effectively/>.

<sup>184</sup> Кўринг: масалан, *Giudizio di legittimità costituzionale in via incidentale* Италияда (Италия Конституциясининг 134-моддаси); *Questions prioritaires de constitutionnalité* Францияда (Франция Конституциясининг 61-1 моддаси); *Exception d'inconstitutionnalité* (Марокаш Конституциясининг 133-моддаси).

## II. Конституциявий иш юритиш

---

Миллий қонунчилик, қонуности ҳужжатлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари конституциявийлиги ва(ёки) улар халқаро конвенциялар талабларига мувофиқлиги устидан назорат олиб борадиган Конституциявий судлар ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларни кўриб чиқиш учун асосий инстанция ҳисобланади. Шунинг учун Қўлланманинг 5-Боби бутунлай суд ва квазисуд органлари томонидан ишлаб чиқилган ва ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларни кўриб чиқишда қўлланиладиган маълум стандарт ва услубларни кўриб чиқишга бағишланган.

Модомики, Конституциявий судлар, умуман олганда, Конституция ҳимоясида туриши ва ушбу асосий қонун воситасига бошқа ҳокимият органлари ва субъектлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясида амал қилиниши устидан назорат олиб борар эканлар, улар одатда, самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасини ижро этиш ва келгусида ҳуқуқлар бузилиши ҳолати такрорланмаслиги кафолатларини назарда тутадиган зарарни тўлиқ қоплаш учун барча зарурий ваколатларга эгадир. Уларнинг қарорлари қуйи турган судлар бажаришлари учун мажбурий ва мамлакатнинг норматив-ҳуқуқий базаси даражасида чуқур оқибатларга олиб келиши мумкин.

Демак, ҳуқуқий ҳимоя бўйича конституциявий воситанинг аҳамияти қуйидагилар билан ифодаланади:

- Конституциявий судлар Конституцияда ва(ёки) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқда, шу жумладан халқаро шартномаларда кўзда тутилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бе-восита таъкидлаши мумкин;
- Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан талқин қилувчи охириги инстанция ва орган сифатида миллий ва халқаро органлар ўртасида боғловчи бўғинга айланиши мумкин;
- Улар ҳуқуқни ҳимоялаш ва зарарни қоплаш бўйича универсал воситаларни яратиш учунасос солиш ҳамда шунга ўхшаш ҳуқуқ бузишлар ҳолатлари келгусида такрорланмаслигини таъминлаш учун қонунчиликни ислоҳ қилиш зарурлигини эътироф этишлари мумкин.

Аслида, турли мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолатлари—ҳеч бўлмаганда, улар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган кўринишда—ушбу ҳуқуқларни самарали ҳимоя

қилишнинг энг ишончли воситаси ҳисобланади<sup>185</sup>. Бундай кафолатлар ҳам одил судловга эга бўлишга уринаётган фуқароларни, ҳам ана шу одил судловни юритаётган мансабдор шахсларни ҳуқуқий аниқлик ва олдиндан била олиш имкони билан таъминлайди. Конституциявий суд қарорларининг нуфузи қарорларни қабул қилувчи ижроия органларни сиёсий омиллар ва ҳисоб-китоблар таъсиридан холи қилишга қодир бўлади, чунки улар акс ҳолда стратегик ечимлар нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларини чеклайдиган қисқа муддатли устунликларнинг баландроқ бўлишига олиб келиши мумкин.

ИИМ ҳуқуқларнинг конституциявий кафолатлари нуқтаи назаридан бўшлиқлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, конституциявий судларга ва конституциявий назоратнинг бошқа органларига амалдаги қонунчиликнинг бошқа қоидаларида, кўпинча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қиладиганларида, баъзан бундай кафолатларни «кўриб қолиш» усулини топишга эришилади. Улар, одатда, катта кафолатлар билан кечади ва миллий конституциялар бўйича янада кенг ҳимояга эга бўлади. Чўқур боғлиқликни ва барча инсон ҳуқуқларидаги ўзаро боғлиқликни инobatга олиб, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун яхши имкониятларни тақдим этади. Яшаш ҳуқуқи, хусусий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, қонун олдида тенг бўлиш ва адолатли суд муҳокамасига эга бўлиш ҳуқуқи ИИМ ҳуқуқларни, шу жумладан соғлом бўлиш, уй-жойга ва озиқ-овқатларга эга бўлиш ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш учун бир неча бор асос бўлган.

Шубҳасиз, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ёрдамида ҳимоя қилишнинг бундай варианти мутлақ қониқарли ҳисобланмайди. ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга нисбатан ҳимоя қилиш кафолатларини қўллаш уларнинг таъсир доиралари кесишадиган ҳолатда ва даражада самарали бўлади. Демак, ҳимоянинг бундай кафолатлари муқаррар аснода нотўлиқ бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, суд органлари ҳуқуқларни ҳимоя қилаётганда мустақил бўлиши мумкин ва лозимлигига қарамасдан, уларнинг суд функциялари ҳуқуқ ҳажмини маълум чегаралар ташқарисига чиқиб кетадиган даражада талқин қилишни назарда тутмайди. Акс ҳолда суд органлари ҳокимиятнинг ижроия ва қонун чиқарувчи тармоқларининг ҳуқуқларига тажовуз қилаётганлари юзасидан таъналарга учрашлари мумкин. Давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари нуқтаи назаридан қонунчиликдаги бўшлиқлар ва

<sup>185</sup> ИИМ ҳуқуқларнинг конституциявий кафолатлари обзори, кўринг: БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан тайёрланган маълумотнома материали: *Озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқини миллий даражада эътироф этиш*, куйидаги ҳаволада [http://www.fao.org/docrep/meeting/007/j0574e.htm#P1060\\_44517](http://www.fao.org/docrep/meeting/007/j0574e.htm#P1060_44517). Шунингдек кўринг: *ХЮКнинг одил судловдан баҳраманд бўлиш тўғрисидаги тадқиқотида* Сальвадор ва Марокашга нисбатан ИИМ ҳуқуқларнинг конституциявий кафолатларини таҳлил қилиш аҳамияти, юқоридаги цитата, 183-ҳавола.

бошқа ҳокимият тармоқларининг хатоларини тўлдириш ва тузатиш судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси бўла олмайди.

Бу ерда *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти* нашрига мурожаат этиш лозим, чунки унинг бутун бир боби фуқарорлик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда ИИМ ҳуқуқларни билвосита ҳимоя қилишга бағишланган<sup>186</sup>. Бундан ташқари мазкур Қўлланманинг 5-Бобида ҳуқуқ эгалари ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга ҳавола қилган ишлар бўйича суд назоратининг турли услублари ва стандартларининг мисоллари келтирилган.

Қуйида турли мамлакатларнинг суд ва квазисуд органлари уларнинг конституцияларида кўзда тутилган қатор фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларга нисбатан кенгайтирилган талқин келтирилган бўлиб, улар аънавий ёндашув нуқтаи назаридан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар сифатида тушунилади.

Масалан, Ҳиндистон ва Колумбия олий бўғин судлари яшаш ҳуқуқини талқин қилаётганда, унинг меъёрий мазмуни ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этишдан ҳимоя қилишнинг тор доирадаги тушунчаси чегараларидан чиқиб кетади. «Муносиб» ҳаёт концепцияси қўлланилиши туфайли ушбу судлар яшаш ҳуқуқи конституциявий ҳимоя билан таъминланганлиги нуқтаи назаридан соғлом бўлиш, уй-жойга эга бўлиш, овқатланиш ва таълим ҳуқуқларини бир неча бор ҳимоя қилганлар<sup>187</sup>.

Ҳиндистон Олий суди яшаш ҳуқуқини талқин қилиш борасида ўзининг фаол нуқтаи назари билан машҳур, чунки яшаш ҳуқуқи нафақат қотилликдан ҳимоя қилиш, балки соғлом бўлиш, овқатланиш, таълим ва уй-жойга эга бўлиш каби элементларни назарда тутати, ва шунга мувофиқ ҳар бир инсон муносиб ҳаёт билан таъминланиши лозим.

Бундай аҳамиятли ишлар мисоли сифатида *Paschim Banga Khet Mazdoor Samity & others v. State of West Bengal & another* ишини келтириш мумкин (1996)<sup>188</sup>. Поезддан тушиб кетиш натижасида бош мияси жиддий жароҳатланган одамга давлат касалхоналари шошилинич тиббий ёрдам кўрсатмаганлари сабабли Ҳиндистон Олий суди Конституция-

<sup>186</sup> *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти*. 65–72-б.

<sup>187</sup> Ҳаётни ҳимоя қилишни қафолатлайдиган Ҳиндистон Конституциясининг 21 моддаси қоидаларига амал қилиб, Ҳиндистон Олий суди *Mohini Jain Карнатака штатида қарши* ишида, бошқалардан ташқари, таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилди, Ҳиндистон Олий суди, № 456 шикоят бўйича ажрим (1991); ҳамда *Olga Tellis Бомбей муниципал корпорациясига қарши* ишида уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилди, Ҳиндистон Олий суди, № 3 SCC 545 қарор (1985); Қатор ҳолатларда Колумбия Конституциявий суди соғлом бўлиш ҳуқуқининг ҳимоясини яшаш ҳуқуқи билан боғлаган, масалан, № Т-974/10 ишда (2010) ёки № Т-841 ишда (2011), уларнинг обзори ушбу Қўлланманинг 5-Боби, II.2 бўлимида келтирилган.

<sup>188</sup> *Paschim Banga Khet Mazdoor Samity & others v. State of West Bengal & another*, Ҳиндистон Олий суди, № 4 SCC 37 қарор (1996).

нинг 21-моддаси билан кафолатланган яшаш ҳуқуқи бузилган, деб тан олди. Қатор давлатлар соғлиқни сақлаш муассасаларида зарур парваришни кўрсатиш ёки керакли ёрдам бериш имкони ёхуд беморлар учун бўш жойлар йўқлиги сабабли аризага шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилмаган. Суд қарори бўйича тақдим этилган ҳуқуқий ҳимоя воситаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ишда индивидуал аризагининг яшаш ҳуқуқи бузилганлиги учун Суд нафақат унга то-вон тўланиши лозимлигини тайинлади, балки шу каби ҳуқуқ бузиш ҳолатлари келгусида такрорланмаслиги мақсадида жамоат соғлиқни сақлаш тизими фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чоралар кўриш зарурлиги юзасидан кўрсатма берди. Ушбу қарорнинг аҳамияти нафақат у «фаровонлик давлатида» инсон ҳаёти-ни сақлаб қолиш учун зарур бўлган элемент сифатида шошилиш тиб-бий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ҳимоя қилишини ифодалай-ди, балки давлат органлари манфаатларини ҳимояловчи жавобгарнинг давлат органлари ҳаракатсизлиги шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун керак бўлган тиббий объектлар, хизматлар ва товарларни тақдим этиш учун етарли ресурслар бўлмаганлиги билан боғлиқ бўлганлиги тўғрисидаги вазини рад этади. Суд қўйидаги қарор чиқарди: «Айтиб ўтилган объектларни тақдим этиш учун молия ресурслари зарурлиги шубҳасиз. Лекин айтилган вақтда, давлатда ўз аҳолисига тегишли тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича конституциявий мажбуриятлар мавжуд-лигини инкор этиб бўлмайди. Шу боис кўрсатилган мақсадга эришиш учун барча имкониятларни ишга солиш талаб этилади»<sup>189</sup>.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга асосланган ва ИИМ ҳуқуқлари меъёрий мазмунининг муҳим аспекти ҳимоя қиладиган суд амалиётининг яна бир йўналиши ўз ҳуқуқларини амалга ошириш им-конияти нуқтаи назаридан давлатга ўта боғлиқ вазиятга тушиб қолган маҳбуслар ҳуқуқлари билан боғлиқ. Турли вазиятларда суд ва квази-суд органлари ушбу турдаги ҳуқуқ эгаларининг қамоқда сақлашнинг номаъқул шароитлари ва(ёки) қийнаш ва қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазолашларга учрамаслик ҳамда умуман жисмоний дахлсизлик ҳуқуқлари бузилиши юзасидан узатилган шикоятлари контекстида уларнинг ИИМ ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар<sup>190</sup>. Озодликдан маҳрум этилган шахслар билан муомала қилишга оид инсон ҳуқуқлари соҳа-сидаги универсал ёки минтақавий стандартлар асосида қатор суд ва квазисуд органлари ИИМ ҳуқуқлар бузилишини қораладилар, шунинг-дек аслида бундай ҳуқуқларни бузишга олиб келадиган ҳаракатлар ҳеч қандай вазиятда содир этилган ҳуқуқбузарлик, шу жумладан жи-ноятчилик учун жазо сифатида қўлланилиши ҳамда шахс қамоқда сақланаётганлиги билан оқланиши мумкин эмас.

<sup>189</sup> Ўша жойда, 16-банд.

<sup>190</sup> ФСХҲП, 7- ва 10-моддалар.

Қуйида айтиб ўтилган контекстда озик-овқат ва соғлом бўлиш ҳуқуқини билвосита ҳимоя қилишнинг мисоли ҳисобланган иккита иш кўриб чиқилган.

### **Қамоқда сақлаш шаклидаги жазо чорасини узайтириш тўғрисидаги иш (*habeas corpus*) — Сальвадор**

2013 йилда қамоқда сақлаш шаклидаги жазо чораси юзасидан шикоят узатиш таомили доирасида<sup>191</sup> Сальвадор Конституциявий палатаси қандли диабет ва юқори артериал босимга чалинган маҳбуснинг у сақланаётган қамоқ маъмуриятининг ҳаракатлари устидан узатган шикоятини кўриб чиқиш учун қабул қилди. Даъвогар таъкидлашича, унга тегишли овқатлар ва керакли парҳез тақдим этилмаганлиги унинг соғлом бўлиш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқини бузган. Суд Даъвогарнинг айтганлари тиббий ҳужжатлар билан исботланмаганлиги сабабли Суд унинг шикоятини қаноатлантиришни рад этганлигига қарамасдан, ушбу иш Суд *habeas corpus* шикоятлари бўйича иш юритиш доирасида ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масаласини кўриб чиқишга тайёр эканлигидан далолат беради. Суд инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қатор халқор ва минтақавий стандартларга муурожаат қилиб, уларга мувофиқ давлатларнинг қамоқда сақлаш маъмуриятлари шу ерда сақланаётган барча шахсларнинг тегишли ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлашлари лозимлигини таъкидлади. Барча маҳбусларнинг, шу жумладан соғлиғининг аҳволи бўйича алоҳида парҳез тайинланган шахсларнинг тегишлича овқатланиш ҳуқуқларини<sup>192</sup> кафолатлайдиган жинсий-ижроия қонунчиликнинг Умумий қоидалари билан қаторда, Суд маҳбусларнинг энг юқори даражада соғлом бўлиш ҳуқуқи давлат зиммасида тергов изоляторларининг қисмлари ва умуман жамоат соғлиқни сақлаш тизими ўртасида ҳамкорликни таъминлаш мажбурияти мавжудлигини эътироф этди<sup>193</sup>.

Конституциявий палата ҳам маҳбусларнинг қадр-қиммати ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш учун *habeas corpus* юзасидан иш юритиш ҳақидаги ишлар бўйича аввалроқ ишлаб

<sup>191</sup> *José Alberto Preza Hernández v. Director General de Centros Penales y la Directora de la Penitenciaría Central "La Esperanza"*, Сальвадор Олий суди Конституциявий палатаси, № НС 12-2012 ажрим (2012).

<sup>192</sup> 286-модда, Reglamento General de la Ley Penitenciaria.

<sup>193</sup> *Озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари ва илғор услублари, Шимолий ва Жанубий Америкада*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссияси томонидан 2008 йил 13 мартда қабул қилинган, X тамойили. Ушбу тамойил давлатнинг «жамоат соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсат ва тегишли амалиётлар озодликдан маҳрум этиш жойларида қўлланилиши учун озодликдан маҳрум этиш жойларида тақдим этиладиган соғлиқни сақлаш хизматлари давлат соғлиқни сақлаш тизими билан яқин ҳамкорликда тақдим этилишини таъминлаш» борасидаги мажбуриятини мустаҳкамлайди.

чиққан назариясига мурожаат этди. Ушбу контекстда Палата маҳбусларнинг соғлом бўлиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим ролини уқтириб ўтди ва бундай ҳимоя таъминланмаслиги қамоқда сақлаш шароитларининг ноқонуний ёмонлашувига олиб келиши мумкинлиги юзасидан огоҳлантирди (хатто шахс қонуний асосда қамоқда сақланаётган бўлса ҳам).

2000 йилнинг май ойида Фижи Олий суди Конституциянинг 25(1) моддаси бузилганлиги ҳолатига оид ишни кўриб чиқди<sup>194</sup>. Бу ишнинг тафсилотларига кўра, маҳбусни жазолаш чораси сифатида унга бериладиган овқат миқдори камайтирилганлиги ҳолати кузатилган, Конституциянинг 25(1) моддаси эса қиноққа солиш ва шафқатсиз, ғайриинсоний, одам қадр-қимматини таҳқирловчи, бераҳм муомала қилиш ва жазолашни тақиқлайди. Бошқа омиллар билан бир қаторда, Суд ўз қарорини чиқаришда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (ФСХҲП) озодликдан маҳрум этилган шахслар учун одамий муомала ва қадр-қимматларини ҳурмат қилишни кафолатлайдиган 10-моддаси қоидаларига ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг (ИИМҲҲП) ҳар ким очликдан холи бўлиш ҳуқуқини назарда тутадиган 11-моддаси қоидаларига асосланади.

ИИМ ҳуқуқларни билвосита ҳимоя қилиш учун фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишнинг яна бир усули уларнинг меъёрий мазмунининг процессуал аспекти билан, янада кенг маънода эса, қонун устунлиги тамойиллари билан боғлиқ. Қонун олдидаги тенглик ва қонунийлик тамойили улар қаторига киради<sup>195</sup>. Бундай контекстда ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқотида амалиётчи юристлар учун жуда фойдали бўлиши мумкин бўлган қатор мисоллар келтирилган<sup>196</sup>.

### **III. Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва ИИМ ҳуқуқлар нуқтаи назаридан хусусий ҳуқуққа тегишлилик**

Фуқаролик ишлари бўйича судлар ИИМ ҳуқуқлар бузилиши билан боғлиқ бўлган кенг доирадаги ҳолатларни кўриб чиқиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқи ИИМ ҳуқуқлар билан оилавий ва меҳнат ҳуқуқлари, ижтимоий таъминот ва ижарага олувчи ва ижарага берувчи

<sup>194</sup> *Rarasea v. The State*, Фижи Олий суди, № НАА0027 жиноят иши бўйича апелляция (2000).

<sup>195</sup> Кўринг: ушбу Қўлланманинг 5-Боби, I бўлими.

<sup>196</sup> *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти*, 3-Боб, 54–64-б.

ўртасидаги низолат масалаларидан бошлаб, фуқаролик жавобгарлиги билан боғлиқ ишлар бўйича деликт (қонунга зид ҳаракат) қурбонларига зарарни қоплашгача бўлган бир қатор аспектлар бўйича ўзаро боғланишга эга. Ушбу бобда қўлланиладиган умумий ёндашувга мувофиқ, қўйида кўриб чиқиладиган масалалар фуқаролик-ҳуқуқий масалалар ва даъволар ҳамда амалиётчи юристлар фойдаланишлари мумкин бўлган ИИМ ҳуқуқларни билвосита ёки қисман ҳимоя қилиш ўртасидаги ўзаро боғланиш индикаторлари, холос.

Умуман олганда, аввал тилган олинган анъанавий тармоқлар билан бир қаторда, ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш<sup>197</sup> ва уларни суд тартибида кўриб чиқиш нуқтаи назаридан, хусусий ҳуқуқ тобора каттароқ аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу авваллари асосан давлат органлари қўлида жамланган база хизматларни хусусийлаштириш бўйича глобал тенденция билан боғлиқ. Одатда, улар қаторига соғлиқни сақлаш, сув ва электр энергияси таъминоти, таълим ва маданият хизматлари киради<sup>198</sup>.

Шу жиҳатдан ИИМ ҳуқуқлар суд тартибида кўриб чиқилишига ҳаракат қилаётган юристлар учун истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш стандартлари ва механизмлари борган сари катта аҳамият топтомоқда<sup>199</sup>. Истеъмолчилар қўллаши мумкин бўлган маълумотлар ва

<sup>197</sup> Кўринг: Халқаро фуқаролик жараёни ва жамоатчилик манфаатлари бўйича Қўмита иши, Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси, София шаҳридаги конференцияда якуний маъруза (2012): <http://www.ila-hq.org/en/committees/index.cfm/cid/1021>. Алоҳида мамлакатлар даражасида мавжуд бўлган ҳуқуқий амалиёт ва воситалар ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги халқаро фуқаролик жараёнлари билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича миллий судлар кўпинча тўқнашадиган хусусий халқаро ҳуқуқ соҳасидаги масалаларни ҳал қилишнинг энг самарали усулларини ажратиш мақсадида назарий таҳлил предмети бўлди.

<sup>198</sup> Кўринг, масалан: *Bayer Corp v. Union of India*, Деҳли Олий суди, № LPA 443/2009 апелляция шикоят (2010). «Патентлар тўғрисида»ги Қонун қоидаларига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги ушбу ишда Олий суд ҳар ким учун базавий тиббиётдан фойдаланиш имконияти ҳамда жамоат соғлиқни сақлаш манфаатларида арзон ҳаётий муҳим даволанишдан фойдаланиш имкониятини чеклаш йўли билан хусусий патент ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ушбу ҳуқуқ масаласи айтилган иш бўйича кўриб чиқиш предмети бўлмаса ҳам, Суд таъкидладики: «Лекин Вауег компаниясининг далиллари билан рози бўлишга имкон бермаётган бошқа мулоҳазалар ҳам бор. Агар ҳаётий муҳи дори воситаси патентининг соҳиби бу дорини ишлаб чиқаришга эмас, фақат уни сотишга лицензия олишга қарор қилса, шу дорини мамлакатга жуда юқори нархларда импорт қилади. Бошқа томондан, Вауег компаниясининг далилларига қўшилиш патент соҳиби бу дорини ички бозорда ҳар ким сотиб олишини мумкин қила оладиган (агар улар ана шу патент соҳиби унинг патент ҳуқуқлари бузилиши юзасидан узатадиган шикоят бўйича судлар тақиқловларига муваффақиятли қарши тура олсалар, албатта) барча дженериклар ишлаб чиқарувчиларининг фаолиятини чеклаб қўйиши мумкин бўлишини аниқлатади. Агар патент соҳиби дорини ички бозорда сотишга лицензия ҳам олмайдиган бўлса, патент соҳиби фикрини ўзгартирамгунга қадар, бу дори аслида Ҳиндистонда йўқ бўлади» [29-банд].

<sup>199</sup> БМТ даражасида янги таҳрирда Раҳбарлик тамойиллари тўплами қабул қилиниб, унда истеъмолчилар ҳуқуқлари, шу жумладан маълумотга эга бўлиш ва зарарни қоплаш ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган. Кўринг: *Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТ Раҳбарлик тамойиллари*, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йилда қабул қилинган, № А/С.2/54/L.24 резолюцияси, 1999 таҳрири қўйидаги ҳаволада мавжуд: <http://unctad.org/en/Documents/poditcclpm21.en.pdf>. 2014 йилда ушбу ҳужжатнинг янги таҳрири кучга кирди.

ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ҳуқуқини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш сезиларли даражада ривожланди, ва бу ҳам, масалан, сув ва электр энергияси тарифлари, хизматлар ва овқатланиш сифати, дори-дармонлар хавфсизлиги каби турли соҳаларда судьялар ва адвокатлар томонидан қўлланилиши мумкин. Айрим мамлакатларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик, ҳимоя қилишнинг янги стандартларини яратиш ва ҳуқуқ бузилиши қурбонлари учун одил судлов ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эришишни энгиллаштириш йўли билан, ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳуқуқ бузилишларининг олдини олишда жуда фойдали бўлиши мумкин бўлган институционал ва процессуал база ҳисобланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ассоциациялари ижарага олувчилар ёки алоҳида хизматлардан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида умумий ёки ихтисослаштирилган ваколатларга эга бўлишлари мумкин. Уларнинг ҳар бири ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича гуруҳ даъволарининг керакли таомиллари мавжуд эмаслиги билан боғлиқ мушкулликларни энгил бўтиш ёки бартараф қилишга ёрдам бериши мумкин. Улар бир вақтнинг ўзида бир неча қурбонлар манфаатларини ҳимоя қилишлари; индивидуал ёки жамоавий шикоятлар бўйича товон тайинлаш ёки стандарт шартнома матнидан тегишли фуқаролар ҳуқуқларини бузадиган қоидаларни чиқариб ташлаш каби ҳуқуқий ҳимоя воситалари тақдим этилишига эришиш мақсадида фуқаролик ёки жиноят ишларига киришишлари мумкин (масалан, уй-жой ва ижара тўғрисидаги ишлар бўйича)<sup>200</sup>.

Айрим мамлакатларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича расмий институционал инфратузилма ИИМ ҳуқуқларни бузиш ҳисобланадиган ёки улар бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга мослашувчан, эришиб бўладиган ва тезкор муносабатни таъминлашга имкон яратади<sup>201</sup>.

## 1. Оилавий ҳуқуқ

Оилавий ҳуқуқнинг турли аспекти ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Жумладан, болаларга васийлик ва ҳомийлик қилиш муаммолари, одатда, таълим, уй-жойга эга бўлиш, овқатланиш ҳуқуқига ва бола ҳамда уни парваришловчи ота-она соғлом бўлиши ҳуқуқига дахл қилади.

<sup>200</sup> Кўринг: 2009 йил 1 июлдаги № 1195-б Италия Қонуни, истеъмолчилар учун жамоавий даъво (*azione collective*) таомилини жорий қилиш тўғрисида; 2014 йил 17 мартдаги № 2014-344 «Истеъмол қилиш тўғрисида»ги Франция қонуни, истеъмолчилар учун фуқаролик жараёни доирасида жамоавий даъво таомилини назарда тутди. Шунингдек кўринг: № 31-08 Марокаш Қонунининг 157-моддаси/2011 йил 18 февралдаги № 01.11.03 Қироллик декрети, истеъмолчилар ассоциацияларига фуқаролик ишлари бўйича истеъмолчилар гуруҳларининг манфаатларини ифодалашга имкон беради.

<sup>201</sup> Сальвадорда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими масаласи бўйича (тинчлик аҳдлари асосида яратилган ва айниқса яхши ривожланган) кўринг: ХЮКнинг *Сальвадорда одил судловдан баҳраманд бўлиш тўғрисидаги тадқиқоти*, 183-ҳавола, 53–57-б.

Бундай боғлиқликнинг яна бир мисоли сифатида қўйди-чикди жараёнлари ва меросхўрлик ишлари бўйича мол-мулкка эга бўла олиш ва назорат қилиш муаммоларини келтириш мумкин. Фуқаролик ишлари бўйича судлар қарорлари фуқаролар имкониятлари, айниқса кўпгина мамлакатларда ҳанузгача иқтисодий ва молиявий мустақилликдан маҳрум этилган аёллар имконияти нуқтаи назаридан, тегишли ҳаёт даражаси, тегишли уй-жой, овқатланиш ва соғлом бўлиш ҳуқуқлари каби ИИМ ҳуқуқларни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Мол-мулкка эга бўла олиш ва уларнинг устидан назоратни сақлаб қолиш билан боғлиқ муаммолар ўзларини ва уларнинг қарамоғида бўлган яқинларини озиқ-овқатлар билан таъминлаш имконияти жиҳатдан ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларига жуда боғлиқ бўлган қишлоқ жойларида яшаётган аёллар вазиятида айниқса долзарб бўлади.

Бундан ташқари, дастлаб фуқаролик судида иш юритиш доирасида кўриб чиқиладиган ишлар кўп ҳолларда оддий ҳуқуқ конституциявий ҳуқуқлар ва халқаро ҳуқуқ бўйича инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартларга тегишлилиги (баъзан эса мувофиқлиги) каби янада умумий конституциявий-ҳуқуқий масалаларга дахл қилади. Бундай ишлар мисоли сифатида *Bhe and others ЖАРга қарши* иши ҳисобланади, ва унга кўра Конституциявий суд Африка удуми бўйича майорат институти Конституцияга мувофиқ эмаслигини эътироф этди, чунки у ирқи, жинси ва туғилиши аломатлари бўйича аёллар ва никоҳсиз туғилган болаларга нисбатан адолатсиз камситиш ҳисобланади<sup>202</sup>.

Бенин Республикаси Конституциявий судининг 2013 йилда чиқарган қарори бу борада яна бир муҳим мисол бўла олади. Ушбу Конституциявий суд томонидан хусусий ва давлат ерга эгалик қилиш шакллари кодексини мустаҳкамловчи қонуннинг алоҳида қоидалари эркаклар ва аёллар қонун олдида тенг эканликлари тўғрисидаги конституциявий кафолатларга зид сифатида Конституцияга мувофиқ эмас, деб эътироф этилди. Конституциявий суд қонунда эркаклар ва аёллар учун ерга эга бўлишда тенг имкон таъминлаб бериши тўғрисида аниқ кўрсатилган бўлиши лозим, деб қарор чиқарди<sup>203</sup>. Суд ва квазисуд органлари қарорларидаги оддий ҳуқуқ ролининг янада батафсил таҳлили ушбу Қўлланманинг кўриб чиқиш предмети доирасидан чиқиб кетса-да<sup>204</sup>,

<sup>202</sup> *Bhe and others v. Magistrate, Khayelitsha and others; Shibi v. Sithole and others; SA Human Rights Commission and another v. President of the RSA and another*, ЖАР Конституциявий суди, № 2005 қарор (1) SA 580 (CC) (2005). Ишнинг қисқача таърифни куйидаги ҳаволада кўринг: <http://www.escri-net.org/docs/i/400589>.

<sup>203</sup> Бенин Республикаси Конституциявий суди, № DCC 13-031 қарор (2013).

<sup>204</sup> Шунингдек кўринг: *Hadijatou Mani Koraou Нигер Республикасига қарши* иши, Ғарбий Африка мамлакатларининг иқтисодий ҳамжамияти (ECOWAS), Ҳамжамият суди, № ECW/CCJ/JUD/06/08 (2008), куйидаги ҳаволада кўринг: [https://www.unodc.org/res/cld/case-law-doc/traffickingpersonscrimetype/ner/2008/h\\_m\\_v\\_republic\\_of\\_niger\\_html/Hadijatou\\_Mani\\_v.\\_Republic\\_of\\_Niger\\_Community\\_Court\\_of\\_Justice\\_Unofficial\\_English\\_translation.pdf](https://www.unodc.org/res/cld/case-law-doc/traffickingpersonscrimetype/ner/2008/h_m_v_republic_of_niger_html/Hadijatou_Mani_v._Republic_of_Niger_Community_Court_of_Justice_Unofficial_English_translation.pdf). Шунингдек кўринг: қўшимча адабиётлар: Wieland Lehnert, *The role of the courts in the conflict between African customary law and human rights*, South African

ушбу масалалар фуқаролик жараён доирасида судда кўриб чиқишига тегишлилиги сабабли ИИМ ҳуқуқлар судда кўриб чиқишига тегишли ҳисобланади. Бундан ташқари, кўпинча қатор минтақалар ва мамлакатларда ҳуқуқ эгалари айнан ана шу органлардан фойдаланиш имконига эга бўладилар. Оддий ҳуқуқ талабларига бўйсунувчи юрисдикциялар субъектларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқ стандартлар масалалари бўйича сабоқ бериш ИИМ ҳуқуқларни самарали амалга ошириш ва ҳимоя қилишга жиддий ёрдам бериши мумкин.

## 2. Меҳнат ҳуқуқи

Кўпгина меҳнат ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий ҳужжатларнинг бир қисми ҳисобланади<sup>205</sup>. ИИМҲПнинг 6-, 7- ва 8-моддалари меҳнат қилиш бўйича турли ҳуқуқлар ва меҳнат

Journal on Human Rights, vol. 21, No. 2 (2005), p. 241–277, куйидаги ҳаволада кўринг: [http://reference.sabinet.co.za/sa\\_epublication\\_article/ju\\_sajhr\\_v21\\_n2\\_a4](http://reference.sabinet.co.za/sa_epublication_article/ju_sajhr_v21_n2_a4); Muna Ndulo, *African Customary Law, Customs, and Women's Rights*, Cornell Law Faculty Publications, Paper 187 (2011), куйидаги ҳаволада кўринг: <http://scholarship.law.cornell.edu/facpub/187>; Evadne Grant, *Human Rights, cultural diversity and customary law in South Africa*, Journal of African Law, vol. 50, No. 1 (2006), p. 2–23, куйидаги ҳаволада кўринг: [http://jurisafrika.org/docs/articles/viii\\_50\\_JAL\\_2\\_In\\_Re\\_Bhe.pdf](http://jurisafrika.org/docs/articles/viii_50_JAL_2_In_Re_Bhe.pdf); Else A. Bavinck, *Conflicting Priorities: Issues of Gender Equality in South Africa's Customary Law*, Amsterdam LF, vol. 5, No. 2 (2013), p. 20, куйидаги ҳаволада кўринг: <http://amsterdamlawforum.org/article/view/316>; Anne Hellum, *Women's human rights and African customary laws: Between universalism and relativism, individualism and communitarianism*, The European Journal of Development Research, vol. 10, No. 2 (1998), p. 88–104.

<sup>205</sup> Куйидаги ҳужжатлар билан кафолатланади: Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 4-, 20-, 23-, 24-моддалари (1948 йил 10 декабрда қабул қилинган), БМТ ҳужжати № А/810. 71–77-б.; Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8- ва 22-моддалари, 190-ҳавола; ИИМҲПнинг 6-, 7-, 8-моддалари; Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979 йил 18 декабрда қабул қилинган, 1981 йил 3 сентябрда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/34/46; Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг 27-моддаси (2006 йил 13 декабрда қабул қилинган, 2008 йил 3 майда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/61/106; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 15- ва 32-моддалари (1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган, 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/44/25; Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг 11-, 25-, 26-, 40-моддалари (1990 йил 18 декабрда қабул қилинган, 2003 йил 1 июлда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/RES/45/158. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа универсал ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган кафолатлар билан бир қаторда, меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги бир қатор муҳим стандартлар Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) раҳнамолигида яратилди. ХМТнинг энг муҳим конвенциялари қаторига куйидагилар киради: 1948 йилги Ассоциациялар эркинлиги ва ташкил қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенцияси (№ 87); 1949 йилги Жамоавий шартномаларни ташкил қилиш ва тузиш ҳуқуқи тамойилларини қўллашга доир конвенция (№ 98); 1930 йилги Мажбурий ёки лозим меҳнат тўғрисидаги конвенция (№ 29); 1957 йилги Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисидаги конвенция (№ 105); 1973 йилги Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция (№ 138); 1999 йилги Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги конвенция (№ 182); 1951 йилги Тенг мукофотлаш тўғрисидаги конвенция (№ 100); ҳамда 1958 йилги Меҳнат ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисидаги конвенция (№ 111). Шунингдек бошқариш масалаларига оид куйидаги конвенциялар ҳам муҳим аҳамиятга эга: 1947 йилги Меҳнат инспекцияси тўғрисидаги конвенция (№ 81); 1964 йилги Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги конвенция (№ 122); 1969 йилги Меҳнат инспекцияси тўғрисидаги конвенция (қишлоқ хўжалигида) (№ 129); ҳамда 1976 йилги Уч томонлама маслаҳатлар тўғрисидаги конвенция (халқаро меҳнат нормаларини қўллашга кўмаклашиш учун) (№ 144).

ҳуқуқларини кафолатлайди: ҳар ким ўз ҳаёти учун эркин танлайдиган меҳнат орқали пул топиш, профессионал-техник ўқув дастурларидан фойдаланиш<sup>206</sup>, адолатли мукофотланиш, меҳнаткаш аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқли бўлиши, саломатлик ва хавфсиз ишлаш шароитларига эга бўлиш ҳуқуқларидан бошлаб<sup>207</sup>, бирлашиш ва касаба уюшмаларини яратиш ҳуқуқларигача<sup>208</sup>.

Меҳнат ҳуқуқи масалалари бўйича халқаро органлар ва турли мамлакатлар судларининг жуда кўп қарорлари мавжуд, чунки ушбу соҳа инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий даражада энг катта ёшли ва энг пухта ишлаб чиқилган ҳисобланади<sup>209</sup>. Классик меҳнат кодекслари ишга қабул қилиш, меҳнат шартномаларини тузиш, ишдан озод қилиш ва пенсияга чиқаришни тартибга солади. Улар одамларнинг ирқи ва жинси каби бир қатор асослар бўйича камситишдан ҳимоя қиладилар. Бундан ташқари, улар мукофотлаш ва мансабини ошириш соҳасида меҳнат ҳуқуқлари бузилиши, иш вақти соатлари ва дам олиш кунлари сони, ҳомиладор аёллар ва эмизикли оналар ҳуқуқлари ҳамда иш жойидаги хавфсизлик ва гигиена бўйича ҳуқуқлар бузилишидан ҳимоя қиладилар. Юқорида айтиб ўтилганларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳуқуқларнинг асосий элементлари ҳисобланади.

Турли мамлакатлардаги меҳнат ҳуқуқларини ҳуқуқий ва суд орқали ҳимоя қилиш тизимлари ўртасида фарқланишлар мавжудлигига қарамасдан<sup>210</sup>, уларнинг аксариятида огоҳлантириш, назорат қилиш ва яраштириш тизими фаолият юритиб, меҳнаткашларга ўз вақтида самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига эришишга имкон яратади, айниқса индивидуал низолар юзага келган ҳолатларда. Шу маънода меҳнат инспекциялари меҳнаткашлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва текшириш нуқтаи назаридан жуда муҳим рол ўйнашлари мумкин (уларнинг фаолияти самарадорлиги инспекцияда ушбу вазифани бажариш учун етарли инсон ва моддий ресурслар мавжудлигига боғлиқ тақдирда ҳам).

Бундан ташқари, қатор ҳуқуқий тизимларда ходим ва иш берувчи ўртасида нотенглик мавжудлиги тан олинган бўлиб, уни бартараф қи-

<sup>206</sup> ИИМҲХП, 6-модда.

<sup>207</sup> Ўша жойда, 7-модда.

<sup>208</sup> Ўша жойда, 8-модда.

<sup>209</sup> Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг тарихий таҳлили, кўринг: *ХЮКнинг суд тартибидан кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти*, 2-Боб. 13- ва 14-б.

<sup>210</sup> Меҳнат тортишувлари судда кўрилиши лозимлиги жиҳатдан муайян мамлакатга қараб жиддий фарқланади. Айрим тизимларда меҳнат тортишувлари фуқаролик ишлари бўйича судлар ва палаталар томонидан кўриб чиқилади, масалан, Марокашда бўлгани каби. Бошқа юрисдикцияларда улар Франциядаги прюдомлар тизими (индивидуал тортишувлар) ёки Австралия, Ботсвана, Кения, Буюк Британия, Ҳиндистон ёки Малайзия каби умумий ҳуқуқ мамлакатларидаги саноат-меҳнат масалалари бўйича судлар каби ихтисослаштирилган органлар томонидан кўриб чиқилади.

лиш учун ходимларга бепул ёки арзимаган тўлов учун одил судловга эришишга имкон берадиган маълум процессуал имкониятлар ва меъёрлар кўзда тутилган.

Одатда, миллий судлар қуйидаги масалаларни кўриб чиқадилар:

Тенг меҳнат учун тенг тўлов/гендер тенглиги, Канада Олий суди томонидан 2011 йилда кўриб чиқилган қуйидаги ишда бўлгани каби.

**Канада давлат хизмати Альянси Канада почта корпорацияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Канада комиссиясига қарши**

**Йил:** 2011 (қарор чиқарилган сана: 17 ноябрь 2011 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; Канада

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; мақсадга мувофиқлик; муносиб ишга эга бўлиш ҳуқуқи; аёллар

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Канада Олий суди Канада давлат хизмати Альянснинг (ДХА) шикоятни бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича Канада трибуналининг (ИХКТ) қарорини қайта кўриб чиқди. Ушбу шикоятда айтилишича, асосан эркактлардан иборат бўлган Почта амалиётлари бўлими ходимлари бир хил иш учун асосан аёллардан ташкил топган Иш юритиш ва давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилиш бўлими ходимларидан кўпроқ миқдорда мукофот олишар экан, бу эса Канада инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонунининг 11-моддасига зиддир («тенг иш ҳақи» тўғрисидаги қоида). ИХКТ, тариф разрядларига мурожаат этиб, икки бўлимнинг ишини таққослаш масаласини текширди ва 1982 йилдан 2002 йилгача бўлган давр учун иш ҳақи нуқтаи назаридан камситишга йўл қўйилганлиги бўйича етарли исботлар мавжуд, деган хулосага келди. Канада Почтаси Федерал судга мурожаат қилди ва у ИХКТнинг қарорини бекор қилди. Федерал апелляция судининг кўпчилик судьялари ИХКТнинг қарорини асосиз деб топишди, чунки иш ҳақи миқдори нуқтаи назаридан тариф разрядлари камситишни исботлашнинг керакли стандартига мос эмас эди. ДХА ушбу қарор юзасидан Олий судга шикоят узатди.

Қарор: Олий суд ИХКТнинг дастлабки қарорини қўллаб-қувватлаган Федерал суд судьяси Evansнинг алоҳида фикри билан рози бўлди. Ушбу алоҳида фикр шунга асосландики, ИХКТ Почта амалиёти бўлими асосан эркакт ходимлардан иборат деб тўғри топган, уларнинг орасида бир неча иш ҳақини оладиган

аёл ходималар мавждуд бўлган бўлса ҳам [5-банд]. Судья Evans ушбу ҳолат корпорациянинг бошқа бўлимларида жинс белгиси бўйича мунтазам камситиш бўлмаганлиги ҳақида гувоҳлик бера олмаслигини уқтирди [69-б.]. Сўнг судья ИҲКТ-нинг тариф разрядларини қўллаш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлади ва икки бўлим ходимларининг иш ҳақи бўйича тафовутлар мавждудлиги ҳақидаги хулоса чиқаришдан олдин «катта эҳтимоли борлиги тамойили» бўйича исботлаш стандартидан фойдаланиш юзасидан ИҲКТ ёндашувини маъқуллади [68-б.]. Судья Трибунал ходимларнинг иш ҳақи орасида тафовут мавждудлиги ва даражаси тўғрисидаги масалани таҳлил қилиш усулини танлашда эркин фикр юритишнинг маълум даражасига эга бўлганлигига эътибор қаратди ва у, ИҲКТ томонидан таклиф этилган усулни қўллаб, «ассосиз» ҳаракат қилганлигини эътироф этди. Ва ниҳоят, судья Evans ва Олий суд судьялари ихтисослаштирилган судлар тегишли ҳуқуқий ҳимоя воситалари тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ўз ихтиёри билан иш юритишнинг катта эркинлигига эга бўлишларини таъкидладилар. Шундай қилиб, биринчи инстанция суди «жабрланганларга етказир зарарни қоплаш» учун уларга товон тўланишини тайинлаб, хато қилмаган, лекин айни пайтда, зарар миқдорини аниқ баҳолаш мумкин бўлмаган ҳолатларда тўланадиган товон миқдорини камайтирган.

Шундай қилиб, Олий суд ИҲКТ қарорини кучда қолдирди ва Канада Почтаси зиммасига ходимларга 20 йил учун иш ҳақи орасидаги тафовутнинг 50 фоизини қоплаш вазифасини юкледи.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** *Public Service Alliance of Canada v. Canada PostCorp.*, 2011 SCC 57, [2011] 3 S.C.R. 572, <http://scc-csc.lexum.com/scc-csc/scc-csc/en/item/7975/index.do>.

Соғлиғининг аҳволи бўйича ноқонуний ёки адолатсиз ишдан бўшатиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш, қуйида келтирилган Габорон шаҳрининг Саноат суди томонидан 2003 ва 2004 йилларда кўриб чиқилган ишларда бўлгани каби<sup>211</sup>.

### **Diau Ботсвана Қурилиш жамиятига қарши**

**Йил:** 2003 (қарор чиқарилган сана: 19 декабрь 2003 й.)

**Орган, мамлакат:** Саноат/меҳнат судлари; Ботсвана

<sup>211</sup> *Diau Ботсвана Қурилиш жамиятига қарши*, 2003 (2) BLR 409(IC), Саноат суди, Габороне, IC No. 50 иш, 2003, 19 декабрь 2003 й.; *Lemo Northers Air Maintencera қарши* (PTY) LTD, 2004 (2) BLR 317 (IC), Саноат суди, Габороне, IC No. 166 иш, 2004, 22 ноябрь 2004 й.

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; мақсадга мувофиқлик; инсон кадр-қиммати; муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Даъвогар аёл жавобгар-иш берувчининг у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарорининг қонунийлиги ва конституциявийлиги юзасидан шикоят қилди. Собиқ ходима таъкидлашича, у ОИВ/ОИТС бўйича таҳлилдан ўтиши лозимлиги тўғрисидаги талаб «мақсадга мувофиқ» бўлмаган ва 3, 7(1), 9(1) ва 15(2) моддаларининг қоидаларига мос келмаган ҳамда унга тайинланган 6 ойлик синов муддати «Меҳнат тўғрисида»ги Қонуннинг 20(1) моддасига зид равишда тайинланган, чунки ушбу қонун бўйича «малакасиз ходимларга» нисбатан 3 ойлик синов муддати белгиланади.

Суд даъвогарни чиндан ҳам «малакасиз ходим» сифатида тан олди ва 3 ойлик синов муддати ўтганидан сўнг у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ноқонуний бўлганлиги юзасидан қарор қилди. Шунингдек Суд даъвогар аёл ОИВ бўйича таҳлилдан ўтишини талаб қилиш ва шундан кейин у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш инсон кадр-қиммати ва эркинлиги ҳуқуқини камситишга сабаб бўлганлиги юзасидан қарор чиқарди.

**Қарор:** Суд даъвогар аёл ОИВ бўйича таҳлилдан ўтишдан бош тортганидан кейин жавобгар-иш берувчининг у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарори адолатсиз камситиш, дахлсизлик ҳуқуқини бузиш ҳамда инсон кадр-қиммати ва эркинлиги ҳуқуқини бузишга олиб келган-келмаганлиги масаласини кўриб чиқди. Жавобгар меҳнат шартномасини бекор қилиш учун аниқ асосларни келтирмаганлигига қарамасдан, Суд даъвогар ишдан бўшатилиши у айнан ОИВ бўйича таҳлилдан ўтишни хоҳламаганлиги билан боғлиқ, деган хулосага келди.

Суд таъкидладики, Ботсванада ОИВ/ОИТС иш жойида масалаларини тартибга солувчи махсус қонунчилик йўқлигига қарамасдан, ОИТС тарқалишига қарши Давлат стратегияси Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Африка Жануби ривожланиш Ҳамжамиятининг ОИВ/ОИТС иш жойида тарқалишига қарши илғор услублари Кодекси (1997), БМТнинг «ОИВ/ОИТС ва инсон ҳуқуқлари» Халқаро раҳбарлик тамойиллари (1998) ва ХМТнинг таҳлиллардан ўз ихтиёри билан ўтишни кўзда тутадиган ҳамда касбий яроқлилиқ масаласи ҳал қилинаётганда таҳлиллардан мажбурий ўтишни қоралайдиган ОИВ/ОИТС иш жойида тарқалишига қарши ҳаракат қилиш тўғрисидаги

раҳбарлик тамойиллари талабларига жавоб беради [12-б., D банд].

Суд бундай мажбурий чоралар стигматизацияни ёмонлаштиришини ҳамда ОИВ бўйича таҳлил ижобий чиққан тақдирда меҳнат шартномасини бекор қилиш оқибатлари «мақсадга ноумувофиқ ва жуда адолатсиз» ҳолат бўлишини эътироф этди. Суд Hoffmann ЖАР Авиайўлларига қарши ишига (2002) мурожаат қилди. Ушбу ишда баён қилинишича, аризачи аёл стюардесса лавозимига ишга жойлашиш учун суҳбатлашишнинг тўртта босқичидан ва тиббий кўриқдан ўтган, лекин ОИВ бўйича таҳлили ижобий чиққанидан кейин касбий яроқсиз деб тан олинган [13-б., D банд].

Шундан сўнг Суд жабрланган аёл шикоят қилаётган конституциявий ҳуқуқларнинг муайян бузилишлари ҳолатларини таҳлил қилишга ўтди.

### **Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи**

Конституциянинг (1) моддаси шахсни тегишли рухсатсиз тинтишни тақиқлайди, бироқ мазкур ҳолатда аралашув кузатилмаган, чунки аризачи таҳлилдан ўтишни рад этган. Демак, бу ҳолатда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи бузилмаган.

### **Камситилишга учрамаслик ҳуқуқи**

Конституциянинг 15-моддаси: Суд аризачи аёлнинг ОИВ бўйича таҳлилдан ўтишга рози бўлмаганлигини у таҳлил натижаси ижобий чиқишидан чўчиганлиги билан боғлиқ, деб хулоса қилди. Демак, жавобгар «аризачи аёл ОИВга чалинганлигидан шубҳаланиб», меҳнат шартномасини бекор қилган, деб тахмин қилиш мумкин. Шундай бўлса ҳам, аризачи аёлнинг ОИВ бўйича таҳлили чиндан ҳам ижобий чиқишига гумон қилиш ҳеч исбот топмаган. Демак, жавобгарнинг ҳаракатлари камситиш ҳисобланмайди, чунки аризачи аёл ушбу шубҳа асосида ишдан бўшатирилганининг ҳеч қандай исботи мавжуд бўлмаган.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, Суд Конституция билан белгиланган камситиш учун тақиқланган асослар рўйхати ҳали тугамаганлигини таъкидлади ва ОИВга чалинганлик каби асос ёки бундан гумон қилиш Суд томонидан камситиш учун яна бир асос сифатида кўрилиши мумкинлигини қайд қилди, бундай ҳолат Ботсвана Конституциясининг 15(3) моддасида бевосита кўзда тутилмаган бўлса ҳам. Бундан ташқари, Суд турли одамларга турлича муносабатда бўлиш тақиқланмаслиги, иррационал ва асоссиз камситиш мавжуд бўлмаган ҳолат-

да, «бир хил ҳолатда бўлган одамларга бир хил муносабат қилиш лозимлигини» таъкидлади [18-б., D банд]

### **Қадр-қиммат ҳуқуқи**

Конституциянинг 7(1) моддаси: Hoffman ЖАР Авиайўлларига қарши (2002) иши бўйича судья Ngcobo фикрига мурожаат этиб, Суд қуйидагиларни эътироф этди: «Жамиятнинг (ОИВ билан яшаётган одамларга) муносабати уларнинг кўпчилигини нотўғри фикрда бўлганлари сабабли чўчиб, ўз хасталиklarини яширишга мажбур қилади. Бу эса ўз навбатида уларни акс ҳолда олишлари мумкин бўлган ёрдамдан маҳрум этади. ОИТС билан яшаётган одамлар жамиятнинг энг заиф гуруҳларидан бири ҳисобланади, ОИВга чалинганларни камситиш оқибатлари ҳалокатли бўлади» [18-б., E банд].

Суд жавобгарнинг ҳаракатлари ноинсонпарвар бўлган ва аризачи аёлнинг қадр-қимматини ерга урган, деган хулосага келди, чунки иш берувчи уни танлашга мажбур қилган эди: ОИВ бўйича таҳлилдан ўтиб, ўз иш жойини сақлаб қолиш ва айни пайтда хусусий ҳаёт дахлсизлиги ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи бузилишига рози бўлиш ёки бу ҳуқуқларни ҳимоя қиламан деб, ўз иш жойини йўқотиш. Суд жавобгарнинг бундай ҳаракатларини «инсон қадр-қимматини ҳақоратловчи, номуносиб, камситувчи ва беҳурмат қилувчи» ва шу боис қадр-қиммат ҳуқуқини бузувчи, деб тан олди. [18-б., H банд].

### **Эркин бўлиш ҳуқуқи**

Конституциянинг 3(а) моддаси: Суд «эркинлик» тушунчаси фуқаролар бошқалар томонидан иррационал ва асоссиз аралашувларга дучор бўлмасдан, фақат шахсан ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлишини ўзига киритишидан келиб чиқади. Бу «шахсий қадр-қиммат ва мустақилликка эга бўлиш мазмунини англатувчи» ўта шахсий масалалардир [20-б., A банд]. Бу ишнинг шароитларидан келиб чиқиб, Суд қуйидаги хулосага келди: «ОИВ бўйича таҳлилдан ўтиш ўта шахсий қарор бўлиб, шахснинг автономлиги билан боғлиқ, демакки, жавобгар томонидан аризачи аёлни ОИВ бўйича таҳлилдан ўтишга мажбурлаш ва шу билан бирга уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарор чиқариш унинг эркин бўлиш ҳуқуқини бузишга олиб келган».

**Қўшимча мулоҳазалар:** Суд «шахс ОИВга дучор бўлганлиги юзасидан арзимаган гумон пайдо бўлиши ҳам нотўғри фикрлаш, остракизм (қувғин бўлиш) ва стигматизация учун асос яратиши мумкин»лигини таъкидлади [18-б., H банд] ва бу билан «шу каби ишларни жуда пухта таҳлил қилиш лозим» деб уқтирди.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://compendium.itcilo.org/en/compendium-decisions/industrial-court-of-botswana-sarah-diau-v.-botswana-building-society-19-december-2003-no.-ic-50-2003>.

**Lemo Northern Air Maintenance (PTY) LTDга қарши**

**Йил:** 2004 (қарор чиқарилган сана: 22 ноябрь 2004 й.)

**Орган, мамлакат:** Саноат/савдо суди; Ботсвана

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; процессуал адолат; муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи; қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазолашларга дучор бўлмаслик.

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Аризачининг таъкидлашича, уни ОИВга чалинганликда гумон қилиб, ишдан бўшатишган. Жавобгар-иш берувчи бундай асосни тўғридан-тўғри кўрсатмаган бўлса ҳам, аризачи хасталиги ҳақида маълум қилгандан кейин эртасига ишдан бўшатишдан келиб чиқиб, шундай хулоса чиқариш мумкин эди. Суд жавобгарнинг кейинги уч йил давомида ходимга соғлиғи ёмонлашаётганлиги сабабли «лутфан» ҳақ тўланмайдиган қўшимча таътил тақдим этганлигини қайд қилди. Ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқда иш берувчи асос сифатида «кейинги 3 йил давомида ходим мунтазам равишда иш жойида йўқ бўлган», деб таъкидлаган. Суд иш берувчи ходимига уч йил давомида мурса қилиб, сўнг уни ишдан бўшатишига нима сабаб бўлганлиги масаласини қўйди.

**Қарор:** Суд аризачини ишдан бўшатиш адолатсиз ва адолатли таомилсиз бўлганлигига асосланиб, аризачининг фойдасига қарор чиқарди. Суд жавобгарнинг аслида у аризачи билан меҳнат шартномасини аризачи унга ОИВ/ОИТС бўйича таҳлил ижобий чиққанлиги тўғрисида хабар берганидан бир кун олдин бекор қилмоқчи бўлганлиги ҳақидаги далилини рад этди, чунки аризачи ишдан бўшатилиши тўғрисидаги қарордан хабардор бўлганлиги ҳақида исботлар йўқ ҳамда аризачини ишдан бўшатиш учун етарли асослар мавжуд бўлмаган.

Жавобгар кейинги уч йил давомида аксарият ҳолларда аризачи иш жойида узоқ вақт бўлмаслигига ўзи розилик берганлиги сабабли, Суд ходим иш жойида узоқ вақт йўқ бўлганлигини уни бўшатиш учун етарли асос деб ҳисоблашни рад этди. Худди шундай, аризачи хусусий шифокорда тиббий

кўриқдан ўтишни рад этиши уни ишдан бўшатиш учун етарли асос бўлмаган, чунки аризачи касбий яроқлилиқ текширувидан шифохонада аллақачон ўтиб бўлган эди. Демак, аризачи касаллиги тўғрисида хабар берганидан бир кун олдин ишдан бўшатиш тақдирда ҳам, иш берувчида тегишли қарор қабул қилиш учун етарли асослар бўлмаган.

Суд фақат ОИВга чалинганларига асосланиб, ходимларни ишдан бўшатишга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади (Diau Ботсвана Қурилиш ҳамжамиятига қарши ишига ҳавола қилиб [2003]). Биронта ОИВга дучор бўлган ходим меҳнат шартномаси бекор қилинишидан кафолатланмаган бўлишига қарамасдан, бундай ҳаракат фақат ходимнинг касаллиги унга ўз вазифаларини бажаришга халақит берган ҳолатдагина маъқул ҳисобланади (меҳнат шартномасини бекор қилишнинг оддий қоидалари қўлланиладиган ҳар қандай бошқа касаллик ёки ногиронлик ҳолатида бўлгани каби). Суд ОИВга мубтало бўлган ходимларга нисбатан камситувчи амалиётга эътибор қаратди, чунки бундай амалиёт бешафқат ва қадр-қимматни таҳқирловчи муомалани тақиқлайдиган Конституциянинг 7(1) моддасини бузишга олиб келади. Суд фуқароларнинг шахсий хусусиятлари ёки унинг «ишга яроқлилигига тегишли бўлмаган» ҳолатларга асосланиб, фуқаролар билан адолатсиз муомала қилиш йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этди [7-б., Н банд] ва ХМТнинг меҳнат соҳасидаги энг муҳим тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги Декларациясида мустаҳкамланган иш жойида камситишга барҳам бериш бўйича конституциявий тамойилнинг нақадар муҳимлигини таъкидлади [А банд]. Бундан ташқари, Суд 1982 йилги меҳнат муносабатларини тугатиш тўғрисидаги ХМТ Конвенцияси қоидаларини келтирди. Ушбу меҳнат муносабатлари фақат «ходимнинг қобилиятлари ёки хатти-ҳаракатлари» билан боғлиқ бўлган асослар бўйича ходимни ишдан бўшатишга йўл қўяди [6-б., Е банд].

Шу аснода, Суд жавобгар ҳаракатларини процессуал нуқтаи назардан ва мазмунан адолатсиз, деб тан олди. Суд адолатли таомил талаблари аризачи билан сўхбат ўтказишни ва уни иш жойида мунтазам йўқ бўлиш ишдан бўшатишга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлатиришни ҳамда ходимга ишга қатнашини яхшилашга имкон беришни (чунки акс ҳолда у ишдан бўшатилиши мумкин) назарда тутишини таъкидлаб ўтди.

Суд аризачини иш жойида тикланишини талаб қилишни лозим топмади, чунки у иш берувчи билан барча муносабатларини узиб бўлган эди; бунинг ўрнига, Суд «Ишлаб чиқаришдаги низолар тўғрисида»ги Қонуннинг 19(2) моддасига мувофиқ,

жавобгарнинг зиммасига аризачига олти ойлик иш ҳақи миқдорда товон тўлаш мажбуриятини юклади.

Қўшимча мулоҳаза: Суд замонавий антиретровирус препаратлари ОИВ/ОИТС вируси мижознинг ўз меҳнат вазифаларини бажариш имкониятларига таъсир кўрсатиш даражасини сезиларли пасайтирганлигини ва шу боис «меҳнатга яроқсизлик» асосида ишдан бўшатишнинг қонунийлигини жуда пухта текшириш лозимлигини қайд қилди.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** [http://www.oit.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_protect/---protrav/---ilo\\_aids/documents/legaldocument/wcms\\_242081.pdf](http://www.oit.org/wcmsp5/groups/public/---ed_protect/---protrav/---ilo_aids/documents/legaldocument/wcms_242081.pdf).

Касаба уюшмалари фаолияти натижасидаги камситиш ҳолати, қуйида келтирилган Обервилье Меҳнат Трибунали ва Бобиньи прюдомлар Кенгаши томонидан, 2011 йилда эса— умумий юрисдикция суди (*Tribunal d'Instance*) томонидан кўриб чиқилган ишда бўлгани каби.

### **Lopez ва SYNPTAC-CGT синдикати SARL Théâtre d'Aubervilliersга қарши**

**Йил:** 2011 (қарор чиқарилган сана: 6 декабрь 2011 й.)

**Орган, мамлакат:** Саноат/савдо суди; Франция

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; мутаносиблик; муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи.

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу ишда даъвогар ишдан бўшатирилганлигининг қонунийлиги масаласи кўриб чиқилди. Гап шундаки, даъвогар касаба уюшмаси вакили бўлиб, 2005 йилда компания директорлари Кенгашининг аъзоси сифатида полиция ва меҳнат инспекциясига ўз иш жойида хавфсизлик талаблари бузилганлиги ҳақидаги маълумотларни топширган. Шу вақтдан бошлаб, тўрт йиллик муддатга тузилган доимий меҳнат шартномасига эга бўлганига қарамасдан, у доимо ишдан бўшатилиш ва интизомий жазога дучор бўлиш таҳдиди остида бўлган. Меҳнат инспекцияси ва қатор маъмурий ва суд органлари Лопес хонимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорни ноқонуний деб тан олишди ва бунинг олдини олишга ҳаракат қилишди.

**Қарор:** Судья Меҳнат кодексининг қатор моддалари, хусусан касаба уюшмалари фаолиятига ва уларга аъзо бўлганликка

асосланиб, камситишнинг ҳар қандай шаклини тақиқловчи L.1132-1 моддаси бузилганлигини эътироф этди [5-б.]. Жумладан, суд Лопес хонимнинг ўз компаниясида хавфсиз ва адолатли меҳнат шароитларини таъминлаш борасидаги ҳаракатлари ва унинг таъқиб этилиши ўртасида аниқ сабаб-оқибатли алоқа мавжудлигини аниқлади (воқеалар тарихи ва авваллари иш берувчи унга нисбатан ҳеч қандай эътироз билдирмаганлигидан келиб чиқиб) [6-б.]. Шунингдек судья иш берувчи интизомий жазони қўллаш учун келтирган далилларни текшириб, иш берувчи аризачининг ҳаракатларининг объектив томонин исботлай олмади, шу сабабли иш берувчи келтирган асослар мутаносиб эмас ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарор чиқариш учун асос бўла олмайди, деган хулосага келди [6-б.].

**Қўшимча мулоҳаза:** Исботлар етарли бўлмаганлиги учун судья даъвогарнинг психологик босимга учраганлиги ҳақидаги далиллари билан рози бўлмади ва иш берувчи зиммасига иш жойи сақланишини таъминлаш ва даъвогар иш берувчи билан низолашиб қолишидан олдин, 2004 йилда эгаллаб турган лавозимида тиклаш мажбурияти юклатилди. Бундан ташқари, суд Лопес хоним 5 йил давомида касаба уюшмаси фаолиятида қатнашганлиги ҳамда интизомий жавобгарликка тортилганлиги учун ва интизомий ножўя ҳаракатларни содир этганлигидаги айбловлардан ҳимояланишга мажбур бўлганлиги учун унга товон сифатида 40 000 евро тўланишини тайинлади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** Бобиньи прюдомлар Кенгашининг боғланиш маълумотларини қуйидаги сайтда кўринг: <http://www.ca-paris.justice.fr/index.php?rubrique=11016&ssrubrique=11069&article=14715>.

Қарорнинг иккинчи нусхаси ХЮК архивида мавжуд.

Ишлаб чиқариш саломатлиги ва иш жойининг хавфсизлиги.

### **Тахирзаде АМЕСга қарши**

**Йил:** 2011 (қарор чиқарилган сана: 15 июль 2011 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд, Озарбайжон

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи; соғлом бўлиш ҳуқуқи; яшаш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Жаноб Тахирзаде меҳнат вазифаларини бажараётганда унинг саломатлигига

етказилган зарар учун товон тўланишига ҳаракат қилиб, АМЕС Services Limited компаниясига мурожаат қилди. Ушбу ишни кўриб чиқиш учун Конституциявий суддан Меҳнат кодексининг 239.I ва 239.II моддаларида қўлланилган «иш берувчи, айбдор (тўлиқ ёки қисман)» ва «иш берувчининг айби билан» ифодаларини изоҳлаб бериш талаб этилди.

**Қарор:** Суд Конституциянинг 35-моддаси бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи бузилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ушбу модданинг I бандига мувофиқ, меҳнат қилиш ҳуқуқи шахсий ва ижтимоий фаровонликнинг асоси ҳисобланади. Шунингдек суд меҳнат учун адолатли ҳақ тўланиши ва хавфсиз иш шароитларининг муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек суд хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи ҳамда энг кам иш ҳақидан кичик бўлмаган миқдордаги мукофотга эга бўлиш ва камситилмаслик ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш заруратини қайд қилди (Озарбайжон Конституциясининг 35.VI моддаси). Бундан ташқари, суд ушбу ҳуқуқ ва яшаш ҳуқуқи ва соғлом бўлиш ҳуқуқи ўртасидаги ўзаро боғлиқликка эътибор қаратди.

Молиявий жавобгарлик ва меҳнат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик бузилиши учун товон тўлаш нуқтаи назаридан иш берувчи фақат унинг айби исботланган тақдирдагина жавобгарликка тортилиши мумкин. Суд Меҳнат кодексининг 239-моддаси қоидаларини текшириб, иш берувчи ходим саломатлигига етказилган зарар учун меҳнат хавфсизлиги стандартларини бузишда айбдор бўлгандагина жавоб беради, деган қарор чиқарди. Кодекснинг 239-моддаси ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир бўлганда ёки ишлаб чиқаришда ҳасталаниб қолганликда айбдор бўлган иш берувчи зиммасига жароҳатланган шахсга етказилган зарар учун тўлиқ ҳажмда товон тўлаши ҳамда Фуқаролик кодексда кўзда тутилган даволаниш, нафақалар ва бошқа қўшимча харажатларни тўлаб бериш мажбуриятини белгилайди.

Меҳнат кодексининг 239-моддаси матнига мувофиқ, иш берувчи бутунлай ёки қисман айбдорлигидан қатъи назар, ушбу Кодекснинг 191-моддасида кўзда тутилган шароитлар мавжуд бўлганда (а) ҳақиқий зарарни аниқлаш, б) хатти-ҳаракат, яъни ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, қонунга зид ва с) хатти-ҳаракат ва унинг натижаси ўртасида сабабли боғланиш мавжуд) иш берувчи ходимга етказилган зарар учун тўлиқ жавоб беради.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

[http://www.codices.coe.int/NXT/gateway.dll/CODICES/precis/eng/eur/aze/aze-2012-2-002?f=templates&fn=default.htm&vid=.](http://www.codices.coe.int/NXT/gateway.dll/CODICES/precis/eng/eur/aze/aze-2012-2-002?f=templates&fn=default.htm&vid=)

### 3. Ғайриқонуний ҳаракат (деликт) ҳуқуқи (умумий ҳуқуқ ва тартибот ҳуқуқи)

Юқорида келтирилган фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқларни бевосита бузиш мисоллари билан бир қаторда, кўпгина юрисдикцияларда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан деликт даъволарни кўриб чиқиш (ғайриқонуний ҳуқуқ бузиш ҳолати ИИМ ҳуқуқларни бузишга олиб келганда) ва етказилган зарар учун товон тўлаш имконияти мавжуд. Фуқаролик ишлар бўйича судга деликт даъво бўйича етказилган зарарни қоплаш талаби билан мурожаат қилиш ва бир вақтнинг ўзида бошқа турда иш юритиш самара бериши ёки самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш ва ИИМ ҳуқуқлар бузилганлиги учун етказилган зарар учун товон тўлашнинг муқобил воситасига айланиши мумкин.

Сальвадор Олий судигача етиб келган *Colindres* иши бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Бу ишда д-р Benjamin Eduardo Colindres Олий сайлов трибунали (Tribunal Supremo Electoral) судьяси лавозимидан ноқонуний бўшатирилганлиги тўғрисида гап кетган. Сальвадор Қонунчилик мажлиси судьяни етарли ахлоқий фазилатлари ва маълумоти йўқлигида айблади. Жаноб Colindres давлатга фуқаролик даъво тақдим этиб, унга етказилган маънавий зарар қопланишини талаб қилган. 2001 йил 13 июнда фуқаролик ишлари бўйича Олий суд Палатаси даъвогарга икки миллион сальвадор колонлари тўланишини ҳукм қилди<sup>212</sup>.

Қуйида умумий ҳуқуқ бўйича деликт ишлар мисоллари келтирилган бўлиб, бу ишлар жабрланганларга ҳуқуқий ҳимоя воситасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ва ИИМ ҳуқуқлар бузилганлиги натижасида етказилган зарар қопланишига эришишга ёрдам берди.

#### **Park West Management корпорацияси Mitchellга қарши, 391 N.E.2d 1288 (N.Y. 1978)**

**Йил:** 1978 (қарор чиқарилган сана: 2 май 1978 й.)

**Орган, мамлакат:** Нью-Йорк Олий суди Апелляция бўлими, АҚШ

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мақсадга мувофиқлиги; тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи; соғлом бўлиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу ишда ижарага олувчига одамлар яшайдиган уй шароитини кафолатлайдиган «яшаш учун яроқли муҳитни билвосита кафолатлаш»га оид

<sup>212</sup> Бу иш бўйича батафсил маълумотни қуйидаги манбада кўринг: ХЮКнинг одил судловдан баҳраманд бўлиш тўғрисидаги тадқиқоти: Сальвадорда ижтимоий ҳуқуқларга доир ҳуқуқий ҳимоя воситалари, 183-ҳавола, 49–51-б.

мулкый ҳуқуқ тўғрисида сўз юритилган. Ижарага берувчи кўчмас мулк объектдан техник фойдаланиш учун жавоб беради ва ижарага олувчининг саломатлиги ва хавфсизлигини хатар остига қўядиган шароитлар юзага келишига йўл қўймаслиги лозим. Ушбу ишда баён қилинишича, фойда келтирувчи уйнинг хоналарини ижарага олганлар бу уйдан ахлат олиб кетилиши ва ҳудуди йиғиштирилишида узилишлар юзага келиб, яшовчилар соғлиғи ва хавфсизлигига хатар туғдирганига норозилик билдириш сифатида ижара ҳақини тўламай қўйганлар. Фаррошлар иш ташлашни эълон қилдилар ва бунинг оқибатида объектнинг қатор хизматлари ва инфратузилмалари ишламай қолди. Натижада бино шундай салбий ҳолатга келдики, унинг ичида каламушлар, зувараклар ва бошқа паразитлар пайдо бўлиб қолган. Жорий техник хизмат кўрсатиш тўхтатилган, ахлат ёқиб юбориладиган контейнерлар эса тиканли сим билан тўсиб қўйилган.

**Қарор:** Суд одам ҳаёти, саломатлиги ва хавфсизлигига зарар етказадиган барча нарсалар яшаш муҳити кафолатини ва уй-жой кодекси бўйича ижарага олувчилар ҳуқуқларини бузиш ҳисобланади, деб қарор қилди. Суд қарорида одамлар яшайдиган бинони ижарага бериш уй-жойни ижарага бериш мақсадлари учун яроқли қиладиган тегишли хизматлар билан бирга сотиш сифатида кўрилади. Бино мукамал бўлмаслиги мумкинлигига қарамаздан, у ижарага олувчининг соғлиғи ва хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатадиган шароитларни яратмаслиги лозим [1294–95-б.]. Бундан ташқари, бино яшаш учун яроқлилигини баҳолашнинг универсал мезони «фаросатли шахс» стандартига асосланган. Агар фаросатли шахс бинони яшаш учун яроқли деб топмаганда, яшаш учун яроқлиликнинг бевосита кафолати бузилиши ҳолати юзага келарди [1295-б.]. Бундан ташқари, бундай ҳолат уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини юзага келтиради.

**Қўшимча мулоҳазалар:** Етказилган зарар учун товон тўлаш турли омилларни мувозанатли таққослаш натижаларига кўра таймнланади. Шунда иш бўйича қарор қабул қиладиган орган ҳуқуқ бузишлар оғирлигини, норозилик келтириб чиқарадиган шароитлар қанчалик давом этишини ҳамда вазиятни тўғрилаш учун ижарага берувчи томонидан кўрилган чораларни баҳолаши лозим. Бундай вазиятда, юзага келган оғир яшаш шароитларини ва ижарага берувчи салбий ҳолатни тўғрилаш учун сусткашлик намоиш қиляётганлигини ҳисобга олиб, судья даъвогарларга ижара тўлови бўйича 10 фоизли чегирма берилишини тайинлади [1295-б.].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** [http://www.leagle.com/decision/197936347NY2d316\\_1327.xml/PARK%20W.%20MGT%20v.%20MITCHELL](http://www.leagle.com/decision/197936347NY2d316_1327.xml/PARK%20W.%20MGT%20v.%20MITCHELL).

**Соггеа Авлиё Франциск Шифохонасига қарши, 69 F.3d 1184 (1st Cir. App. 1995)**

**Йил:** 1995 (қарор чиқарилган сана: 31 октябрь 1995 й.)

**Орган, мамлакат:** Апелляция суди; АҚШ

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Бепарволик; соғлом бўлиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Шифохонада вафот этган аёлнинг болалари ва набиралари шифокорлар бепарволиги ва «Шошилич тиббий ёрдам ва оғир туғруқ ҳолатида ёрдам бериш тўғрисида»ги Қонун (EMTALA) бузилганлиги юзасидан шикоят узатдилар.

**Қарор:** Апелляция суди биринчи инстанция судининг даъвогар фойдасига чиқарган қарорини ўз кучида қолдирди. Биринчи инстанция судининг қарорида баён қилинишича, мижоз аёл кўкрак қисмидаги оғриқлар юзасидан шикоят қилганидан сўнг унинг скрининг текшируви ўтказилмаганлиги ҳамда уни навбатсиз қабул қилиш рад этилганлиги бирорта асос йўқлигидан далолат берди, бу эса аслида мижозни скрининг текширувидан ўтказиш рад этилганлигини исботлади [1193-б.].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Маслаҳатчилар иштирокидаги суд маънавий зарар етказилганлиги учун оилага 200 000 доллар тўланишини ҳукм қилди. Апелляция суди эса бу қарорни жуда қолдирди [1197-б.]. Шифохона вакили товон миқдори кучда ошириб юборилган, деб ҳисоблади, бироқ Суд унинг далиллари билан рози бўлмай, иш материалларида даъвогарлар руҳий азоб кечирганларини исботловчи кўп маълумотлар борлигини қайд қилди [1197-98-б.]. Бундан ташқари, вафот этган мижознинг соғлиғи билан боғлиқ бўлган масалани ҳал қилишда шифохона ходимларининг бепарволиги маслаҳатчилар иштирокидаги коллегия томонидан товон миқдорини тайинлаш учун қўшимча асос бўлди [1198-б.].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://caselaw.findlaw.com/us-1st-circuit/1014686.html>.

**Раре Сумбриа ССга қарши, [1992] I.C.R. 132**

**Йил:** 1991 (қарор чиқарилган сана: 23 май 1991 й.)

**Орган, мамлакат:** Юқори суд (Қироллик курси бўлими), Буюк Британия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Бепарволик; муносиб меҳнат қилиш ҳуқуқи; соғлом бўлиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Даъвогар жавобгарларда фаррош сифатида ишлаган. Уни тозалаш ва ювиш воситаларидан тез-тез фойдаланиш хавfli эканлиги тўғрисида огоҳлантиришмаган ва жавобгарлар унга тақдим этилган қўлқопдан қандай фойдаланиш кераклиги ҳақидаги йўриқнома берилмаган.

1982 йилда даъвогарнинг терисига ювиш воситалари тегиб қолиши натижасида унинг қўл панжалари ва билагида дерматит пайдо бўлган. Аста-секин бу касаллик ривожланиб, баданнинг бошқа қисмларига тарқалган ва 1985 йилга келиб эритродермияга айланиб кетган.

Даъвогар бир неча даволов курсларидан ўтган, ва бир неча марта касаллик варақаси бўйича меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва шундан кейин 1986 йилда ишдан бўшаб кетишга мажбур бўлган.

**Қарор:** Суд жавобгарлар даъвогарни қўлларни ҳимояламасдан кимёвий воситалар билан ишлаш хавfli эканлиги тўғрисида огоҳлантириш ҳамда даъвогарга резина қўлқопдан қандай фойдаланиш йўриқномаси бериш бўйича ўз вазифаларини бажармаганлари юзасидан қарор чиқарди [138-б.]. Демак, жавобгарлар бепарво бўлганларида айбдор деб эътироф этилди ва даъвогарга 22 000 фунт товон тўлашга мажбур бўлди. Ушбу товон миқдори даъвогарга етказилган азоб, оғриқ ва маънавий зарар; ҳақиқий зарар; келгусида бой бериладиган даромад; ҳамда келгусида қилинадиган харажатлар ва йўқотилган даромаддан ташқари чиқимлардан иборат бўлди [139-б.].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://international.westlaw.com/Find/Default.wl?rs=WLIN1.0&vr=2.0&DB=4740&FindType=g&SerialNum=1991220644>.

## IV. Жиноий ишлар бўйича судлар

Жиноий қонунчилик ИИМ ҳуқуқларни мажбурий таъминлаш ва ҳимоялаш жараёнида муҳим (чекланган бўлса ҳам) рол ўйнайди. Чекловлар ИИМ ҳуқуқларни бузишнинг фақат кичик миқдори ёки бундай ҳуқуқбузарликларнинг элементларигина миллий ёки халқаро ҳуқуқ бўйича

жиноий жазо бериладиган ҳаракатлар сифатида баҳоланиши мумкинлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, одатда, жиноий жараён доирасида жабрланган шахснинг ҳуқуқий ҳимоя воситасига ва зарар қопланишига эга бўлиш ҳуқуқининг барча элементларини таъминлаш мумкин эмас, чунки жиноий жараён ўз табиатида кўра давлатнинг жиноятчиларни жавобгарликка тортиш ва жазолашдан манфаатдор бўлишига йўналган бўлади.

Шундай бўлса ҳам, миллий судларда ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қиладиган ёки бундай ҳимоядан манфаатдор бўлган юристларга тегишли ҳолатларда жиноий қонунчилик ва жиноий жараённинг имкониятларини ҳисобга олиш лозим.

Алоҳида вазиятларда ҳуқуқбузарларни жиноий таъқиб қилиш халқаро ҳуқуқ моҳияти бўйича инсон ҳуқуқлари бузилишидан самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ҳуқуқи доирасида етказилган зарар тегишли даражада қопланишига эришишга ёрдам бериши мумкин. Жиноий жараённинг қўрқитувчи таъсири келгусида содир бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқ бузилиши ҳолатларининг олдини олади ва келгусида бундай ҳуқуқбузарликлар такрорланмаслиги кафолатланишини таъминлашга ёрдам беради. Демак, баъзан жиноий жараён жабрланганларга товон элементларини таъминлаши мумкин<sup>213</sup>.

Халқаро даражада ИИМ ҳуқуқлар бузилиши (шунингдек бу яшаш ҳуқуқи ва қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазолашларга дучор бўлмаслик ҳуқуқини ҳам бузади), бошқа ҳуқуқлар билан бир қаторда, халқаро ҳуқуқ бўйича жиноятчилик ҳисобланиши ва жиноий таъқиб қилиниши мумкин. Масалан, халқаро гуманитар ҳуқуқ бўйича ҳарбий жиноятлар деб, ёки 1949 йилги Женева конвенцияси бузилиши ёхуд 1977 йилги I протоколи бузилиши сифатида баҳоланиши мумкин бўлган бир қатор жиноий ҳаракатлар ҳамда маълум ҳарбий жиноятлар ва МУС Статути бўйича инсонийликка қарши жиноятлар ҳам ИИМ ҳуқуқларни бузувчи сифатида тан олинishi мумкин<sup>214</sup>.

Худди шундай, айрим ИИМ ҳуқуқлар бузилиши ёки уларнинг норматив моҳиятининг элементлари миллий ҳуқуқ бўйича жиноятчилик ҳисобланиши ёки жазоланишга лойиқ ҳаракатлар сифатида қайд

<sup>213</sup> Кўринг: 2-Боб, II.1 бўлим; БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормалар қўпол бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқ жиддий бузилиши қурбонларининг ҳуқуқий ҳимоя ва зарар қопланишига эга бўлиш ҳуқуқига доир асосий тамойиллари ва раҳбарлик қоидалари, IX қисми, «Етказилган зарарни қоплаш», БМТ ҳужжати № A/RES/60/147 (2005); ҳамда 2-сонли Амалий қўлланма «Инсон ҳуқуқлари қўпол бузилиши учун ҳуқуқий ҳимоя ва зарар қопланишига эга бўлиш ҳуқуқи» (инглиз, француз, испан, араб ва тай тилларида): <http://www.icj.org/the-right-to-a-remedy-and-to-reparation-for-gross-human-rights-violations/>. 46–49-б.

<sup>214</sup> ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан халқаро жиноий ҳуқуқнинг тегишлилиги тўғрисидаги масала бўйича кўринг: 2-Боб, III.2 бўлим. 79-б.

қилиниши мумкин. Улар қаторига ходимлар хавфсизлиги ва ҳимояси ёки иш жойида шахвоний шилқимлик қилишга оид ишлар билан боғлиқ меҳнат қонунчилигини бузиш ҳолатлари; шахвоний шилқимлик қилишга оид ишлар билан боғлиқ таълим тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари; ёхуд беморни хавф остида қолдириш ёки шифокорнинг бепарволигига оид ишлар билан боғлиқ соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари киради.

## **V. Маъмурий ишлар бўйича судлар**

Одатда маъмурий ҳуқуқ минтақавий ва миллий/федерал ижроия органлар, шу жумладан вазирликлар ва департаментлар хатти-ҳаракатлари ва фаолиятининг маълум аспектларини тартибга солади. Шу маънода маъмурий ҳуқуқ ИИМ ҳуқуқлар нуқтаи назаридан жуда муҳим ҳисобланади, чунки айнан ижроия органлари ишга жойлашиш, уй-жой, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳаларидаги масалалар бўйича қарорларни қабул қиладилар. Умумий қоида бўйича, ИИМ ҳуқуқлар бузилиши маъмурий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида юзага келади.

Маъмурий ҳуқуқ ИИМ ҳуқуқларнинг энг муҳим аспектларини, шу жумладан қуйида кўрсатилганларини, ўзига киритади:

- Ижтимоий таъминот ва ижтимоий, шунингдек озиқ-овқат нафақалари масалалари бўйича қарорлар;
- Турар жойлар ва саноат объектларини қуриш учун лицензияларни бериш;
- Табиий ресурсларни қазиб чиқаришга тайёрлаш учун лицензияларни бериш бўйича қарорлар;
- Давлат шифохоналари ва давлат ёки универсал тиббий суғурта тизимлари доирасида жамоат соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ҳамда хусусий тиббий муассасалар фаолиятини тартибга солиш;
- Давлат таълимини ташкил қилиш ёки тартибга солиш; ва
- Коммунал хўжалик объектларини, шу жумладан сув таъминоти, исситиш тизими ва электр таъминоти хизматларини бошқариш.

Муайян мамлакат ва ҳуқуқий тизимга қараб, маъмурий қонунчилик ва тегишли ҳаракатлар маъмурий комиссиялар, судлар ёки бошқа органларда бирламчи қайта кўриб чиқилиши лозим бўлиши мумкин. Бошқа тизимларда бундай функция ўз таомилини қўллайдиган мустақил ва ихтисослаштирилган суд тизимининг институционал бўлинмасига юклатилган<sup>215</sup>. Шундай қилиб, ушбу органлар ИИМ ҳуқуқларни

<sup>215</sup> Бу айниқса Бельгия, Франция, Германия, Швейцария ва Швеция каби континентал ҳуқуқ тизими мамлакатлари учун долзарбдир.

суд тартибида кўриб чиқиш нуқтаи назаридан муҳим рол ўйнайдилар. Шунга қарамай, маъмурий судларда иш юритиш хусусиятлари, ўз таомилларининг давомийлиги ёки бундай суд ҳукми қилиши мумкин бўлган товон миқдорини чеклаши мумкинлиги сабабли маълум мушкулликларни келтириб чиқариши эҳтимоли бор.

Маъмурий судлар ИИМ ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни кўриб чиқиш зарурати билан бир неча бор тўқнашганлар. Масалан, биринчи ва иккинчи инстанция маъмурий судлари ИИМҲХП бўйича соғлом бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидлади ва буйрак хасталигига учраган аёл учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган мембрана сепарациясини ўтказиш рад этилганлиги ҳамда бундай даволов таомили учун пул тўлашга қурби етмаган миждоз учун ўз ҳисобидан тўлаб беришни рад этган давлатнинг ҳаракатсизлигини қоралади<sup>216</sup>.

## VI. Болалар ва вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар

2-Бобда айтиб ўтилганидек, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро кафолатлар, хусусан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (БҲК) ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг муҳим соҳаларини қамраб олган<sup>217</sup>.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан бундан амалга оширадиган суд органлари доиралари, ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан муҳим рол ўйнайди. Хусусан:

- Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг норматив мазмуни ва кафолатларини ўзига киритади, аниқлаштиради ва ҳатто кенгайтиради<sup>218</sup>;
- Боланинг энг яхши манфаатларини таъминлаш тамойили ҳамда барча болалар ҳуқуқларига нисбатан қўлланиладиган универсал тамойил оила аъзолари ва маълум ҳамжамият сифатидаги болалар ҳуқуқларини стратегик ҳимоя қилиш учун ишлатилиши мумкин ва, демакки, тегишли оилалар ва ҳамжамиятларнинг бошқа аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

<sup>216</sup> Агадир шаҳри Маъмурий суди (2004), № 12-8-2005 (763) қарор; Агадир шаҳри Апелляция судининг № 323-6-2007-1 (125) ажрими билан қучда қолдирилган (2007). Бу қарорлар Кассация суди томонидан бекор қилинганлигига қарамасдан, мазкур ҳолат маъмурий органлар конституциявий ҳуқуқларни ва турли халқаро шартномалар томонидан кафолатланган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жараёнида фаол рол ўйнаши мумкинлигидан дарак беради.

<sup>217</sup> Кўринг: 2-Боб, II.2 бўлим.

<sup>218</sup> *Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция* вояга етмаганларга нисбатан бир қатор ИИМ ҳуқуқларни, шу жумладан таълим олиш ва соғлом бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Яқинда Гватемалада вояга етмаганлар ишлари бўйича суд томонидан кўриб чиқилган иш бола ҳуқуқлари ва ИИМ ҳуқуқлар ўртасидаги ўзаро боғланишнинг ёрқин мисоли ҳамда ИИМ ҳуқуқлар суд тартибда кўриб чиқилишига уринаётган амалиётчи юристларда қизиқиш уйғотадиган прецедент бўла олади.

**№ 19003-2011-00638-Of.1a;**  
**№ 19003-2011-00639-Of.2a;**  
**№ 19003-2011-00637-Of.3a;**  
**№ 19003-2011-00641-Of.1 ишлар**

**Йил:** 2013 (қарорлар чиқарилган саналар (юқорида кўрсатилган тартибда): 3 апрель 2013 й.; 12 апрель 2013 й.; 10 май 2013 й.; 31 май 2013 й.)

**Орган, мамлакат:** Болалар ва вояга етмаган ишлари бўйича суд; Гватемала

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Боланинг энг яхши манфаатлари; асосий мазмун; мувофиқ овқатланиш ҳуқуқи; яшаш ҳуқуқи; мувофиқ турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи; соғлом бўлиш ҳуқуқи; уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи; болалар.

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Камотан шаҳрида (Кикимула департаменти, Гватемала) камбағаллик даражаси доимо жуда юқори бўлиб келган, 2001–2002 йилларда эса юзага келган қурғоқчилик ва жаҳон бозорларида кофенинг нархлари тушиб кетганлиги сабабли вазият янада кескинлашди, бу ўз навбатида мамлакат қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳудудда кофе ишлаб чиқариш иқтисодиёт асосини ташкил қилган. Озиқ-овқат таназзули тўйиб овқат емаслик ва болалар ўлими ортишига олиб келди, айниқса 5 ёшгача бўлган болалар орасида. Муниципал ҳокимият томонидан очарчиликка қарши курашиш йўлида маълум саъй-ҳаракатлар қилинганлигига қарамадан, умумий вазият яхшиланмади, бу эса болалар аҳолини янада заифлаштирди. 2011 йил ноябр ойида тўрт нафар қизлар (Dina Marilú, Mavelita Lucila Interiano Amador ва Mayra Amador Raymundo) ва уч нафар ўғил болалар (Brayan René, Espino Ramírez ва Leonel Amador García) ота-онаси «Гватемала очарчилиқдан холи» жамоатчилиқ ҳаракатининг кўмагида «Болалар ва ўсмирларни интеграл ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Қонуннинг 104-моддаси бўйича иш юритувини қўзғатдилар. Ушбу қонунда болалар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини бузадиган ёки бундай таҳдид остида соладиган ҳолатлар билан боғлиқ шикоятларни ҳал қилишни назарда тутди. Аризачилар таъкидлашича, давлат ўзининг ҳаракатсизлиги

натижасида доимо тўйиб овқат емасликнинг оғир даражасига дучор бўлган минтақа болаларига нисбатан овқатга эга бўлиш, яшаш, таълим олиш, мувофиқ ҳаёт даражаси ва уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини бузган.

**Қарор:** Болалар ва вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича ҳамда вояга етмаган жиноятчилар иши бўйича Сакапа департаменти Суди миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига муурожаат қилди. Хусусан, у тўлиқ ҳуқуқ субъекти бўлган шахс сифатидаги боланинг энг яхши манфаатлари тамойилига ҳамда давлатнинг ИИМ ҳуқуқларни самарали амалга оширишни таъминлашга қаратилган механизмларни яратиш ва тегишли чораларни кўриш мажбуриятларига алоҳида эътибор қаратди.

Суд давлатнинг халқаро ҳуқуқ бўйича, шу жумладан ИИМҲХП ва ИҲК бўйича мажбуриятлари нуқтаи назаридан иш ҳолатларини текшириб чиқди. Гватемала ушбу ҳуқуқлар иштирокчиси ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқлар, бошқа инсон ҳуқуқларини амалга ошириш асоси сифатида, очликка дучор бўлмастик ҳуқуқини ва мувофиқ овқатланиш ҳуқуқини кафолатлайди [С банд, Тегишли қонунчиликни таҳлил қилиш].

Иш шароитлари ва аризачилар далилларидан келиб чиқиб, Болалар ва вояга етмаганларни ҳимоя қилиш бўйича ҳамда вояга етмаган жиноятчилар иши бўйича Сакапа департаменти Суди иш бўйича тарафлардан бирини ифодалаган болаларнинг овқатга эга бўлиш, яшаш, мувофиқ турмуш даражасига эга бўлиш, соғлом бўлиш ва уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқлари бузилганлигини ҳамда бундай салбий оқибатларга олиб келган давлатнинг ҳаракатсизлигини таъкидлади, чунки давлат болалар сурункали ва кескин даражада тўйиб овқат емасликлари ва мувофиқ озиқ-овқатлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли заифлашиб қолган болаларнинг соғлиғини яхшилашга қаратилган самарали дастурлар, стратегиялар, ҳаракатлар режалари ва чора-тадбирлар ишлаб чиқмаган эди [С банд, Хулоса (резолютив) қисми, I].

Бундан ташқари, Суд болаларга жисмоний, психологик ва ижтимоий қийналиш оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш бўйича турли чоралар кўрилиши лозимлигини эътиро этди. Қисқа ва узоқ муддатли чоралар бутун оила учун озиқ-овқатга эга бўлиш, соғлом бўлиш ва мувофиқ уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган сиёсий стратегияларни амалга оширишни ўзига киритади. Хусусан, Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва озиқ-овқат вазирлиги жабрланган болалар оилаларига озиқ-овқат масаласида ёрдам бериши; ҳамда бу оилалар ўзларига

керак бўлган озуқаларни етиштиришлари мумкин бўлиши учун уларга тегишли уруғлар ва зарур техник ёрдам бериши лозим. Бундан ташқари, Суд болаларнинг ўз оилалари бағрида ривожланишларига ёрдам кўрсатишга мўлжалланган соғлиқни сақлаш, психологик кўмак ва таълим соҳаларида турли дастурларни амалга ошириш зарурлигини эътироф этди [С банд, Хулоса (резолютив) қисми, II].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Биринчи навбатда, болалар тўйиб овқат емаслиги масалалари бўйича тиббиёт мутахассислари томонидан тайёрланган эксперт хулосалар ва маърузалар ҳамда жамоат ташкилотлари ва бутун жамиятнинг фаол кўмаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга асосланган бундай қарор чиқаришга имкон яратди.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.icj.org/guatemala-condenado-por-violaciones-a-derechos-economicos-sociales-y-culturales/>.

## VII. Экологик ҳуқуқ

Экологик ҳуқуқ ва стандартлар асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан кўпдан буён муҳим рол ўйнайди. Чиндан ҳам, хавфсиз ва соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи турли конвенцияларда ва ҳар хил мамлакатлар конституцияларида кўзда тутилган<sup>219</sup>. Экологик ҳуқуқда қайд этилган профилактика ва огоҳлантириш каби тамойилларни ушбу соҳа доирасида қўллаш одатий ҳол бўлиб қолди<sup>220</sup>.

Бундан ташқари, ИИМ ҳуқуқлар бузилишининг қатор ҳолатлар экологик юклама ва атроф-муҳитнинг таназзули билан бевосита боғлиқ. Одатда булар қаторига сув ҳавзалари, тупроқ ва ҳавонинг ифлосланиши кабилар киради ва сувга, озиқ-овқатларга эга бўлиш, соғлом бўлиш, мувофиқ ҳаёт даражаси ва меҳнат қилиш ҳуқуқларига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, муҳит ифлосланишининг сезиларли оқибатлари ва глобал экологик муаммоларни, шу жумладан иқлим ўзгараётганлиги англаш тобора ортиши, ИИМ ҳуқуқлар ва экологик ҳуқуқнинг ўзаро нисбатига янги нуқтаи назардан эътибор қаратишга ундайди.

<sup>219</sup> Кўринг: ИИМҲҲПнинг 7-моддаси хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини кафолатлайди. Шунингдек, миллий даражада Эквадор Конституциясининг 14-моддасини ва ЖАР Конституциясининг 24-моддасини кўринг. Шунингдек, кўринг: *Хавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор атроф-муҳитни таъминлаш бўйича инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари масаласи бўйича БМТ мустақил эксперти Джон Ноксинг дастлабки маърузаси*, БМТ ҳужжати № А/НRC/22/43 (2013), 12–17-бандлар.

<sup>220</sup> Профилактика тамойиллари жамоат соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ишлар бўйича қўлланилади.

Минтақавий даражада Африка комиссияси хавфсиз ва соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқидан уй-жой ва озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қўшимча ва инструментал ҳуқуқ сифатида фойдаланди, хусусан, *SERAC ва CESR Нигерияга қарши* ишида<sup>221</sup>. Африка комиссияси Нигерия Федерал Республикаси Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси билан кафолатланган қатор ҳуқуқларни бузганлигини эътироф этди, чунки давлат нефть компанияси Огониленд минтақасида олиб борган фаолияти натижасида атроф-муҳит таназзулга учради ва бу Оғони аҳолиси орасида хасталаниш даражаси ўсишига сабаб бўлди, ҳукумат эса атроф-муҳит ифлосла-нишининг олдини олмади<sup>222</sup>.

Атроф-муҳитга қурум ташланиши Шимолий қутбдаги музликлар эришига олиб келганлиги сабабли 2013 йилнинг апрель ойида инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссияга инуитлар туб аҳолидан ҳуқуқлари Канада томонидан бузилаётганлиги юзасидан шикоят келиб тушган<sup>223</sup>. Юқорида айтиб ўтилганидек, иқлим ўзгаришининг тобора кескинлашиб бораётган оқибатлари ва қурум ташланиши билан глобал ҳаво ўсиши ўртасидаги сабаб-оқибатли алоқа келгусида ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича оммавий суд жараёнларига олиб келиши мумкин. Ҳозирча эса ушбу ҳуқуқларнинг самарали суд ҳимоясини таъминлаш учун энгиб ўтиш лозим бўлган юридик ва процессуал хусусиятли бир қатор фундаментал тўсиқлар мавжуд. Масалан, глобал ҳаво исиши натижасида етказилган зарар учун алоҳида давлатлар жавоб беришини исботлаш ёки самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари доирасини аниқлаш ва улар таъминланишига эришиш осон эмас. Ҳар ҳолда, ИИМ ҳуқуқлар судда

<sup>221</sup> *SERAC ва CESR Нигерияга қарши*, Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси № 155/96 мурожаат (2002). Қарорнинг тўлиқ матни куйидаги ҳаволада мавжуд: <http://www.achpr.org/communications/decision/155.96/>, ишининг қисқача маълумотларини куйидаги сайта кўринг: <http://www.escr-net.org/docs/i/404115>.

<sup>222</sup> Комиссия Нигерия Федератив Республикаси Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартиясининг 2-моддаси (камситилишга дучор бўлмаслик ҳуқуқи), 4-моддаси (яшаш ҳуқуқи), 14-моддаси (мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи), 16-моддаси (соғлом бўлиш ҳуқуқи), 18(1) моддаси (оилани ва заиф фуқаролар гуруҳларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи), 21-моддаси (ўз миллий бойликлари ва табиий ресурсларини эркин бошқариш ҳуқуқи) ва 24-моддаси (атроф-муҳитнинг умумий қониқарли даражасига эга бўлиш ҳуқуқи) бузилишига йўл қўйганлигини эътироф этди. Шунингдек комиссия мол-мулкка эга бўлиш, соғлом бўлиш ва оилага эга бўлиш ҳуқуқлари бевосита кўзда тутилган Хартиядан келиб чиқадиган уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи (шу жумладан мажбурий кўчириб чиқаришдан ҳимоя қилиш) турар жойларни бузиб юбориш ва ўз уйларини тиклаш учун қайтиб келган яшовчиларни таъқиб қилиш натижасида бузилган, деган қарор чиқарди (62-банд). Ва ниҳоят, ғалла экинлари ҳокимият вакиллари ва нодавлат субъектлари томонидан зарарлантирилиши давлатнинг озиқ-овқатга эга бўлиш ҳуқуқига амал қилиш ва ҳимоялаш борасидаги мажбуриятини бузишга олиб келди (яшаш, соғлом бўлиш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш ҳуқуқларидан келиб чиқади) (66-банд).

<sup>223</sup> Канада томонидан қурум атроф-муҳитга ташланганлиги сабабли Шимолий қутбда ҳаво кескин исиб кетиши ва музликлар эриши натижасида атабасклар арктика халқининг инсон ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссияга узатилган шикоят: [http://earthjustice.org/sites/default/files/AAC\\_PETITION\\_13-04-23a.pdf](http://earthjustice.org/sites/default/files/AAC_PETITION_13-04-23a.pdf).

ҳимояланишидан манфаатдор бўлган амалиётчи юристлар ушбу соҳа ривожланиши кетидан диққат билан кузатиб борадилар.

Миллий даражада экологик муаммолар ва ҳуқуқ ҳамда ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ўртасидаги ўзаро боғланишни намоиш қилаётган бир қатор ишлар мавжуд. Қуйида келтирилган қарорлар— турли суд амалиётининг алоҳида мисоллари, холос.

**Mendoza Beatriz Silva ва бошқалар Аргентина ва бошқаларга қарши, File M. 1569. XI**

**Йил:** 2008 (қарор чиқарилган сана: 8 июль 2008 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; Аргентина

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Яшаш ҳуқуқи; сув ва санитарияга эга бўлиш ҳуқуқи; соғлом бўлиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу иш Матанса/Риачуэло дарёси ҳудудида яшовчи аҳоли томонидан Аргентина ҳукумати, Буэнос-Айрес провинцияси, Буэнос-Айрес шаҳри ва бир қатор хусусий компанияларга қарши кўзғатилди. Жабрланган кишилар дарё ҳавзаси ифлосланиши натижасида етказилган экологик зарар юзасидан товон тўланиши ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари тайинланишига ҳаракат қилганлар. Бундан ташқари, улар атроф-муҳитни ифлослантиришга олиб келадиган фаолиятни тўхтатишни талаб қилганлар.

**Қарор:** Суд давогарлар фойдасига қарор чиқарди ва жавобгарлар зиммасига дарё ҳудудида яшовчи аҳолининг турмуш сифатини ошириш, экологик зарарни қоплаш ва келгусида бундай ҳолатлар юз беришининг олдини олишга қаратилган ижобий чоралар кўриш вазифасини юклади.

Суд инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларига тўғридан-тўғри ишора қилмаганлигига қарамасдан, у инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит аҳволи ўртасидаги ўзаро алоқа (шунингдек, яшаш, соғлом бўлиш, санитария ва соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари) нуқтаи назаридан узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келадиган муаммоларга асосий эътибор қаратди.

Суд Матанса/Риачуэло ҳавзаси ҳудудини идора қилаётган ижроия орган қуйидаги чораларни кўриш юзасидан кўрсатма берадиган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқди: жорий вазият тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва ҳар томонлама хабар берилишини таъминлаш [17.II банд]; саноат томонидан ифлослантириш оқибатларини бартараф қилиш ва тўхтатиб туриш [17.III банд];

қўшимча сув таъминоти, канализация ва сув қочириш объектларини фойдаланишга жорий этиш [17.VI–VIII банд]; шошилинч тиббий ёрдам режасини ишлаб чиқиш [17.IX банд]; ҳамда режада қўйилган мақсадларга эришишни баҳолаш учун халқаро мониторинг тизимини яратиш. Суд асосий мақсад маҳаллий аҳолининг ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши лозимлигини эътироф этди [17.I банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Қарорда тегишли инсон ҳуқуқларига ҳавола йўқлигига қарамасдан, унда давлатнинг айтилган ҳуқуқларга амал қилиш, ҳимоялаш ва амалга ошириш юзасидан мажбуриятлари мавжудлигига аниқ кўрсатилган. Суд томонидан тақдим этилган ҳуқуқий ҳимоя воситалари кенг қамровли бўлиб, чиқарилган қарорга амал қилиниши ва мажбурий таъминланиши устидан мониторинг олиб бориш механизминини назарда тутди.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.escr-net.org/docs/i/1469153>. Инглиз тилидаги таржимаси қуйидаги ҳаволада мавжуд: <http://www.escr-net.org/docs/i/1469150>.

### **South Fork Band Кенгаши ва бошқалар АҚШ Ички ишлар вазирлигига қарши**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 3 декабрь 2009 й.)

**Орган, мамлакат:** Апелляция суди; АҚШ

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Диний ибодатларни эркин адо этиш ҳуқуқи; Сув ва санитарияга эга бўлиш ҳуқуқи; мувофиқ уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи; соғлом бўлиш ҳуқуқи; туб халқлар.

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу иш бўйича аризачи сифатида South Fork Band Кенгаши (ғарбий шошонлар, Невада) ва бошқа қабилалар ва ташкилотлар («Қабилалар») чиқди. Гап шундаки, Қабилалар АҚШ Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлинмалари ҳамда Ерларни бошқариш Департаменти («ЕБД») томонидан ушбу қабилалар вакиллари диний маросимларни ўтказадиган ерларда олтин қазиб чиқариш тўғрисидаги лойиҳа бўйича келишиш ҳақидаги қарорни суд орқали зудлик билан тақиқлашни сўраб судга мурожаат қилганлар. Ушбу лойиҳада конни ўн йил давомида олтин қазиб чиқаришга тайёрлаш ва яна уч йил давомида хом ашёни қайта ишлаш кўзда тутилган эди. Қабилалар фикрига кўра, бундай фаолият шу ерларда «диний маросимларни амалга ошириш ва ибодат қилиш» учун жиддий муаммоларни юзага келтиради.

Миллий қонунчилик ижроия органларга аҳоли учун бундай қийинчиликларни туғдиришни тақиқлайди. (Орган тегишли қарорнинг «давлат манфаатларига мувофиқ» эканлигини ва ушбу манфаатга кўмаклашиш учун «энг кичик чеклов чораси» бўлишини исботлаган ҳолатлар бундан мустасно) (АҚШ қонунчилиги тўплами, 2000bb-1 банд). Федерал округ суди аризачиларга юқоридаги қарорга нисбатан тақиқлов чиқаришни рад этди. Аризачилар «Ер ресурсларини стратегик бошқариш тўғрисида»ги («FLPMA») ва «Миллий экологик сиёсат тўғрисида»ги («NEPA») Федерал қонунлар бузилганлиги юзасидан шикоят қилдилар ва апелляция тартибида суд тақиқлови чиқарилишига эришиш бўйича уринишларини давом эттирдилар.

**Қарор:** Суд аризачилардан агар уларнинг мурожаатлари бўйича айтиб ўтилган қарорга нисбатан тақиқлов чиқарилмаса, бу уларга «тузатиб бўлмас зарар етказиши»ни, манфаатлар мувозанати улар томон оғаётганлигини ва суд тақиқлови жамоатчилик манфаатларига мос эканлигини исботлашни талаб қилди [14-банд]. Бундан ташқари, улар ЕБД ҳаракатлари ўзбошимча ва мақсадга номувофиқ эканлигини ёки қонунга мос эмаслигини исботлашлари лозим эди [15828-б.].

Суд кейинги икки йил давомида Қабилалар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилган атроф-муҳитга таъсири баҳолаш нуқтаи назаридан FLPMA қонуни бузилганлиги тўғрисидаги аризачилар фикрлари исботланмади, деб хулоса чиқарганига қарамасдан, «миллионлаб тонна қийин эрийдиган руда»нинг экологик оқибатлари, маҳаллий сув ҳавзаларига салбий таъсири ҳамда майда қаттиқ заррачалар муҳитга ташланиши ҳажмларини тегишлича баҳолашга имкон берадиган тадқиқот ўтказилиши мақсадида NEPA қонуни бузилганлигига шикоятлар узатилганлигини ҳисобга олиб, суд тақиқловини чиқарди [15828 ва 15831–15840-б.].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Ушбу иш АҚШ федерал сиёсатида ҳиндулар аҳолисининг ерга эга бўлиш ҳуқуқини ва экологик ҳуқуқини ҳимоя қилишни назарда тутилмаганлигини ноқонуний деб тан олган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро органлар томонидан кўриб чиқилган янада кенг доирадаги масалалар нуқтаи назаридан ҳам долзарб ҳисобланади (кўринг, масалан, Ғарбий шошонларнинг Ирқий камситилишга барҳам бериш бўйича БМТ Қўмитасига (2006) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссиясига (2202) узатган шикояти)

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://cdn.ca9.uscourts.gov/datastore/opinions/2009/12/03/09-15230.pdf>.

**Amparo № 631/2012 (Independencia Aqueduct)****Йил:** 2013 (қарор чиқарилган сана: 8 май 2013 й.)**Орган, мамлакат:** Олий суд; Мексика**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мувофиқ уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи; сув ва санитарияга эга бўлиш ҳуқуқи; эркин, дастлабки ва хабарланган розилик ҳуқуқи; мувофиқ ҳаёт даражасига эга бўлиш ҳуқуқи; туб халқлар.**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Мексика Ҳукумати сув таъминоти тармоқларига доир кенг миқёсли қурилиш лойиҳасини тасдиқлади. Унда Эрмосильо шаҳрини сув билан таъминлаш учун «El Novillo» дамбасидан 60 миллион куб метр сувни чиқариб олиш назарда тутилган. Яки ҳиндуларнинг (шикоят узатганлар) айтишига кўра, ушбу лойиҳа уларнинг ҳудудга эга бўлиш, келишиш ва хавфсиз атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини бузган. Бундан ташқари, улар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш («amparo») ҳақидаги суд буйруғи чиқарилишига астойдил уринганлар. Ҳиндулар бу дарё уларнинг қабиласининг иқтисодий ва маданий ҳаёти манбаи ва қонун бўйича (Президент фармонида мувофиқ) сув массасининг 50 % уларга тегишли эканлигини таъкидлаганлар.

4-чи округ суди Яки қабиласининг манфаатларини ҳимоя қилувчи қарор чиқарди. SEMARNAT атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Федерал агентлиги ушбу қарор юзасидан Олий судга шикоят қилди.

**Қарор:** Олий суд биринчи инстанция судининг қарорини кучда қолдирди ва давлат ноқонуний равишда қабиллага лойиҳа тўғрисида ўз вақтида хабар бермаганлиги ва улар билан келишмаганлигини таъкидлади [88-б.]. Жавобгарларнинг қарорни изоҳлаб бериш юзасидан қилган илтимосларига кўра Олий суд ажрим чиқариб, унда давлат томонидан бажарилиши лозим бўлган шартлар юзасидан бевосита кўрсатма берди, ва айнан: лойиҳа Яки қабиласи билан келишилмагунича уни вақтинча тўхтатиб туриш лозимлигини таъкидлади [86-б.].

Олий суд бундай келишув қабиланинг урф-одатларига мувофиқ энг қисқа муддатларда амалга оширилиши лозимлиги, лойиҳа бажарилиши натижасида атроф-муҳитга етказиладиган тузатиб бўлмайдиган ҳар қандай шаклдаги зарар аниқлашни кераклигини, келгусида бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйиладиган ҳолда, лойиҳа тўхтатилиши мумкинлигини қайд қилди [83-б.].

Қўшимча мулоҳазалар: Қарор чиқарилгандан кейин, у талаб даражасида ижро этилмаганлиги ва лойиҳа ҳануз Яки қабила-си билан келишилмаганлиги таъкидланди. Бу америкалараро ҳуқуқ стандартлари туб аҳоли билан келишиши Мексикада тан олинган илк ҳолат бўлди.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.escr-net.org/node/365312>.

## VIII. Ҳуқуқий ҳимоянинг халқаро воситалари

ИИМ ҳуқуқлар бузилиши қурбонлари ва уларнинг вакиллари керакли қонунчилик ва ҳуқуқий механизмлар мавжуд бўлмаганлиги ёки улар амалиётда самара бермаганлиги учун миллий даражада одил судловга эришмаган ҳолатларда, ишни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ёки минтақавий механизмларда кўриб чиқилиши учун узатиш заруратига дуч келишлари мумкин.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий ва халқаро тизимлар бир қатор суд ва носуд механизмлари ва таомилларини кўзда тутуди. Назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари амалга оширилишини мониторинг қилиш ҳам шулар қаторига киради. Шунингдек тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ҳуқуқлар ва қоидалар бузилишига оид шикоятлар бўйича халқаро суд ва квазисуд органлари томонидан назорат қилинишининг чекланган имкониятлари мавжуд. Бундан ташқари, суд тартибида кўриб чиқиш ёки қарор чиқариш мақсадида эмас, шикоятни ҳақиқатан ҳал қилишга кўмаклашиш учун махсус таомиллар доирасида ҳаракат қилаётган мустақил экспертлар кўриб чиқиши учун жўнатилиши мумкин.

Глобал ва минтақавий даражада шикоятларни кўриб чиқишга ихтисослаштирилган қатор суд ва квазисуд органлари мавжуд. Бугунги кунда БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги деярли барча халқаро шартномаларииндивидуал шикоятлар ёки мурожаатлар механизмини назарда тутуди<sup>224</sup>. ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун қўлланилиши мумкин бўлган ушбу таомиллар билан бир қаторда, ратификация қилган давлатларда 2013 йилнинг май ойида кучга кирган ИИМХҲПга Факультатив протокол ИИМ ҳуқуқларни умумий халқаро ҳимоя қилишнинг кенг қамровли воситаси ҳисобланади<sup>225</sup>. Ушбу Факультатив про-

<sup>224</sup> Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномалар асосида халқаро даражада шикоят қилиш механизмларининг рўйхатини ҳамда бундай шикоятларни кўриб чиқадиغان БМТнинг шартномали органлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан куйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/TBPetitions/Pages/IndividualCommunications.aspx>.

<sup>225</sup> Кўринг: 2-Боб, I бўлим, 11 ва 12-бетлар. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга Факультатив протоколнинг ратификация мақомини куйидаги ҳавола орқали аниқлаш мумкин: [https://treaties.un.org/pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg\\_no=IV-3-a&chapter=4&lang=en](https://treaties.un.org/pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsg_no=IV-3-a&chapter=4&lang=en).

токол қуйида келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш механизмини ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитанинг (ИИМҲҚ) бундай текширувларни ўтказиш борасидаги ваколатларини тан олганлари ҳақида таъкидлаган давлатларга нисбатан текшириш таомилини қўллашни назарда тутди. Шу билан бирга Факультатив протоколда тўғрилаб бўлмайдиган зарар етказилишига дуч келмаслик мақсадида Қўмита томонидан вақтинчалик чора кўриш юзасидан тавсиялар чиқарилиши ҳам кўзда тутилган.

ИИМҲХП-ФП бўйича индивидуал мурожаатлар таомилдан фойдаланганда юристлар Факультатив протоколда кўзда тутилган мақбуллик мезонларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим<sup>226</sup>.

- ИИМҲХП-ФПга мурожаат этиш имкониятини кўриб чиқадиган юристлар эътиборга олиши керак бўлган асосий масалалар қуйидагилардан иборат:
- Мурожаатлар ИИМҲХПда кўзда тутилган ҳар қандай ИИМ ҳуқуқларга тегишли бўлиши мумкин;
- Мурожаатлар алоҳида шахслар, шахслар гуруҳлари ёки уларнинг номидан қилиниши мумкин;
- Мурожаат қуйида келтирилган Факультатив протоколнинг 3-моддасида баён этилган мезонларга мувофиқ бўлган тақдирда мақбул деб тан олинади:

*«3 модда. Мақбуллик»*

*1. Қўмита қўлланилиши мумкин бўлган барча ички ҳуқуқий ҳимоя воситалари ишлатиб бўлинганлигига ишонч ҳосил қилмай туриб, хабарни кўриб чиқмайди. Бу қоида айтиб ўтилган воситаларни қўллаш асоссиз чўзилиб кетган вазиятларда амал қилмайди.*

*2. Қўмита қуйидаги ҳолатларда хабарни номақбул деб ҳисоблайди:*

- а) Хабар ички ҳуқуқий ҳимоя воситалари ишлатиб бўлинганидан сўнг бир йил давомида тақдим этилмаганда (муаллиф хабарни ушбу муддат давомида юборишнинг иложи бўлмаганлигини исботлаши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно);*
- б) Хабарда баён қилинган ҳолатлар мазкур Протокол тегишли иштирокчи-давлат учун кучга киришидан олдин қайд қилинган, қачонки бундай ҳолатлар ҳужжат кучга кирган санадан кейин ҳам кузатилган бўлмаса;*

<sup>226</sup> ИИМҲХПга Факультатив протоколга бағишланган нашрларга ҳаволаларни жадвалда кўринг, 2-Боб, I бўлим, 12-бет.

- c) Худди шу масала Қўмита томонидан аллақачон кўриб чиқилган ёки халқаро даражада муҳокама қилинмоқда ёхуд тартибга солиш юзасидан бошқа таомилга мувофиқ кўриб чиқилмоқда;
- d) Хабар Пакт қоидаларига номувофиқ;
- e) Хабар асосланмаган ёки етарли далиллар келтирилмаган ёхуд фақат оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиладиган хабарларга асосланган;
- f) Хабар бундай хабарларни тақдим этиш ҳуқуқини суиистеъ-мол қилиш ҳисобланади; ёки қачонки
- g) Хабар аноним равишда узатилган ёки ёзма шаклда тақдим этилмаган».

Минтақавий даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимлари Африкада, иккала Америкада ва Европада ҳам маълум имкониятларни тақдим этади. Осиёда эса, хусусан, ASEAN амал қилувчи Жанубий-Шарқий Осиёда ҳамда Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси механизми амалда бўлган Араб Давлатлари Лигаси таркибига кўпгина мамлакатлар кирадиган Яқин Шарқда ҳам бундай тизимлар эндигина шаклланмоқда<sup>227</sup>. Европада ва иккала Америкаларда тегишли тизимлар ИИМ ҳуқуқларни стратегик ҳимоя қилиш учун қўлланилади, аммо ҳимоялаш механизмлари ИИМ ҳуқуқларга нисбатан эмас, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга нисбатан янада ривожланган ҳисобланади. Чиндан ҳам, Европа Кенгаши доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди *Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси* (ИҲЕК) асосида мажбурий кучга эга бўлган қарорларни қабул қилади, шу жумладан билвосита равишда ИИМ ҳуқуқларга дахл қиладиган масалалар бўйича ҳам. ИҲЕК ИИМ ҳуқуқларга тааллуқли бўлган суд амалиётининг негизини ташкил қиладиган яшаш ҳуқуқи, хусусий ҳаёт дахлсизлиги ва қийноққа солиниш ва камситилишдан холи бўлиш ҳуқуқлари каби фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг барчасини ҳимоя қилади.

Шунга қарамай, Европа Кенгаши доирасида ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бағишланган шартнома мавжуд; бу *Европа ижтимоий хартия* бўлиб, унинг қоидаларини амалга ошириш билан Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси шуғулланади. У туб маънода суд органи ҳисобланмайди ва фақат жамоавий шикоятларни кўриб чиқиши мум-

<sup>227</sup> *Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциациясининг Инсон ҳуқуқлари Декларацияси* (ASEAN, 2012 йил 18 ноябрда қабул қилинган) ва *Инсон ҳуқуқлари Араб хартияси* (2004 йил 22 майда қабул қилинган, 2008 йил 15 мартда кучга кирган), инглиз тилига таржимаси Int'l Hum. Rts. Rep. 893 нашрининг 12-сонида (2005) келтирилган.

кин<sup>228</sup>. Шунга қарамай, бу тузилма ИИМ ҳуқуқларнинг қатор бузилишларини, шу жумладан уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини<sup>229</sup>, таълим олиш ҳуқуқини<sup>230</sup>, мажбурий меҳнатдан холи бўлиш ҳуқуқини<sup>231</sup> ва болалар меҳнатини тақиқлаш ҳуқуқини<sup>232</sup> бузиш ҳолатларини тўғрилаш учун муваффақиятли ишлатилади.

Иккала Америкаларда *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси* таъсири *Сан-Сальвадор Протоколини* тўлдиради. Бу инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссиянинг *Jorge Odir Miranda Cortéz ва бошқалар Сальвадорга қарши* ишининг мақбуллиги тўғрисидаги маърузасидан келиб чиқади. Бу ишда давлат томонидан ОИВни даволаш учун дори-дармонлар берилмаганлиги юзасидан шикоят қилинган. Комиссия *Сан-Сальвадор Протоколининг* соғлом бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги 10-моддаси қоидаларини *Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг* 26- ва 29-моддаларига асосланиб талқин қилишини таъкидлади<sup>233</sup>. Америкалараро суди *Yakue Axa туб халқи Парагвайга қарши* ишида Америка конвенциясининг (яшаш ҳуқуқи) 4-моддаси 1-бандида қўлланилган мувофиқ ҳаёт тушунчасини ҳам худди шундай талқин қилди (Протоколнинг 10 (соғлом бўлиш ҳуқуқи), 11 (соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи), 12 (озик-овқатга эга бўлиш ҳуқуқи), 13 (таълим олиш ҳуқуқи) ва 14 (маданий манфаатларга эга бўлиш ҳуқуқи) моддаларига асосланган ҳолда) ва давлат туб халқ учун муносиб турмуш шароитларини таъминламаган, деган хулосага келди<sup>234</sup>.

Европада амалий фаолият юритаётган юристлар ва ҳуқуқни муҳофазаловчи шахслар минтақавий тизимнинг суд ва квазисуд органларида ИИМ ҳуқуқларни билвосита ҳимоя қилиш учун фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Африкада ИИМ ҳуқуқларни ҳимояловчи юристлар ҳуқуқларнинг кенг доирасини, шу жумладан ИИМ ҳуқуқларни қамраб олган *Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка*

<sup>228</sup> Кўринг: суд амалиётидан мисоллар 2-Бобда, III.1.b) бўлим.

<sup>229</sup> *Инсон ҳуқуқларини юридик ҳимоя қилиш бўйича халқаро маркази (INTERIGHTS) Грецияга қарши*, Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси, № 49/2008 шикоят, 11 декабрь 2009 й., ва *Рома-лўлилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа маркази Португалияга қарши*, Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси, № 61/2010 шикоят, 30 июнь 2011 й.

<sup>230</sup> *Аутизм-Европа халқаро ассоциацияси Францияга қарши*, Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси, № 1/2002 шикоят, 7 ноябрь 2003 й.

<sup>231</sup> *Европа ишлари бўйича Квакерлик кенгаши Грецияга қарши*, Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси, № 8/2000 шикоят, 27 апрель 2001 й.

<sup>232</sup> *Халқаро юристлар комиссияси Португалияга қарши*, Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси, № 1/1998 шикоят, 10 сентябрь 1999 й.

<sup>233</sup> *Jorge Odir Miranda Cortéz ва бошқалар Сальвадорга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссияси, № 29/01 мақбуллик бўйича маъруза, № 12.249 иш (2001).

<sup>234</sup> *Yakue Axa Indigenous Community v. Paraguay*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суди, № 12.313 иш (2005), 163–169-бандлар.

*хартиясини* қўллашлари мумкин, чунки унинг асосида ғоятда бой суд амалиёти шаклланиб бўлган<sup>235</sup>.

Бу амалиёт, ана шу сўзнинг туб маъносига кўра, суд ҳимояси доирасидан чиқиб кетса-да, юристлар бу ишга халқаро жамоатчилик эътиборини қаратиш бўйича бир қатор имкониятлардан фойдаланишлари мумкин. Масалан, ИИМ ҳуқуқларнинг ҳар қандай бузилиши халқаро таомил асосида кўриб чиқиш предмети бўлиши мумкин, ҳатто бу таомил судга мансуб бўлмаса ҳам. Жумладан, БМТ ва минтақавий тизимлар даражасида ўтказиладиган даврий обзор инсон ҳуқуқлари бузилганлигининг муайян ҳолатлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этишга имкон беради. Демак, ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимояловчи юристлар БМТнинг Универсал даврий обзорлар доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашларга ёки (ва бу жуда аҳамиятли) тегишли шартномалар имплементацияси устидан назорат қиладиган, хусусан, имплементация масалалари бўйича давлатларнинг даврий маърузаларини кўриб чиқадиган БМТнинг шартномали органларига маълумотларни тақдим этадиган жамоат ташкилотларига мурожаат қилишлари мумкин. Шунга ўхшаш таомил ва имкониятлар минтақавий даражада ҳам мавжуд<sup>236</sup>.

БМТнинг шартномали органлари орасида ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қиладиган аризачилар ва юристлар учун ИИМХҚ ягона аҳамиятли орган эмас; шунингдек, ИИМ ҳуқуқларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва сиёсий стратегиялар масалаларини мунтазам кўриб чиқадиган бошқа Қўмиталар ҳам мавжуд<sup>237</sup>. Бундай қўмиталар, ўз ваколатлари доирасида, ИИМ ҳуқуқларни ҳам кўзда тутадиган халқаро шартномага амал қилиниши устидан назорат олиб бориши ёки ИИМ ҳуқуқларни бошқа ҳуқуқлар билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиши мумкин.

Давлат томонидан тақдим этиладиган сиёсий стратегиялар ва ҳисобдорликни мониторинг қилиш контекстида ишга эътибор қаратиш им-

<sup>235</sup> Кўринг, масалан: *SERAC and CESR v. Nigeria* иши, Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси, № 155/96 хабар (2002), қарорнинг қисқача баёни ушбу бобнинг VII бўлимида келтирилган. Африкада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими тўғрисидаги қўшимча маълумотларни Воситаларда кўринг, ушбу Қўлланмага 2-илова.

<sup>236</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа қўмитаси, шикоятлар тўғрисидаги қўшимча маълумотни куйидаги ҳаволаларда кўринг: <http://www.echr.coe.int/Pages/home.aspx?p=applicants>, [http://www.coe.int/t/dghl/monitoring/socialcharter/OrganisationsEntitled/OrganisationsIndex\\_en.asp](http://www.coe.int/t/dghl/monitoring/socialcharter/OrganisationsEntitled/OrganisationsIndex_en.asp); Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси ва Суди, шикоятлар тўғрисидаги қўшимча маълумотни куйидаги ҳаволаларда кўринг: <http://www.achpr.org/communications/procedure/>, <http://www.african-court.org/en/index.php/component/content/article/13-cases-from-court/22-submission-of-cases-to-the-court>; ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро комиссияси ва Суди, шикоятни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил маълумотни куйидаги ҳаволаларда кўринг: [https://www.cidh.oas.org/cidh\\_apps/instructions.asp?gc\\_language=E](https://www.cidh.oas.org/cidh_apps/instructions.asp?gc_language=E), [https://www.cidh.oas.org/cidh\\_apps/login.asp](https://www.cidh.oas.org/cidh_apps/login.asp).

<sup>237</sup> Кўринг: Қўлланманинг 2-Боби, III.1.а) бўлим.

конияти билан бир қаторда, шикоят қилиш ва текширишнинг турли таомилларини таклиф қиладиган бошқа халқаро ва минтақавий механизмлари ҳам мавжуд. БМТ даражасида мустақил экспертлар орқали ифодаланадиган махсус таомиллар<sup>238</sup> юристларга керакли ҳужжатли исботлар ва экспертлар хулосаларини танлаб олишга ёрдам берадиган тематик маърузаларда муҳим назарий масалаларни кўриб чиқади. Бу таомилларнинг кўпчилиги, шу жумладан ИИМ ҳуқуқларни кўриб чиқадиганлари, тегишли мамлакатлардаги миссиялари (эҳтимол тутилган ҳуқуқлар бузилишига ҳамда тузатиб бўлмайдиган зарарга дучор бўлмаслик учун тезкор ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган шошилинч таомиллар кўрсатилган хатлар) доирасида ҳуқуқларни бузишга дахлдор бўлган давлатлар ва бошқа субъектлар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилади. Охирида тилга олинган ҳуқуқлар ўзига хос шикоят қилиш таомили бўлиб, унинг доирасида жабрланганлар ва уларнинг вакиллари тегишли мандат соҳибига ишга аралашуш ва тегишли давлат ҳукумати билан мулоқот қилиш илтимоси билан мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек шошилинч таомиллардан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, мандат соҳиби бу имкониятлар доирасида жабрланган ёки жабрланиши мумкин бўлган шахсга тузатиб бўлмайдиган зарар етказилмаслиги учун профилактик чоралар кўрилиши юзасидан давлатга сўровнома юборади (суд органига дастлабки чора кўришни сўраб жўнатиладиган сўровларга ўхшаш).

### **Ҳозирги вақтда ИИМ ҳуқуқларни кўриб чиқадиган махсус таомиллар қуйидагиларни ўзига киритади:**

Тегишли ҳаёт даражасига эга бўлиш элементи бўлган мувофиқ уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи ҳамда ушбу контекстда камситилишга дучор бўлмаслик ҳуқуқи тўғрисидаги масала бўйича махсус маърузачи. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <http://www.ohchr.org/EN/Issues/Housing/Pages/HousingIndex.aspx>.

Овқатланиш ҳуқуқи тўғрисидаги масала бўйича махсус маърузачи. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <http://www.ohchr.org/EN/Issues/Food/Pages/FoodIndex.aspx>.

Таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги масала бўйича махсус маърузачи. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <https://www.ohchr.org/EN/Issues/Education/SREducation/Pages/SREducationIndex.aspx>.

<sup>238</sup> Халқаро даражада БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашда ИИМ ҳуқуқлар (шу жумладан уй-жой, озиқ-овқат, сув ва санитарияга эга бўлиш, соғлом бўлиш ва таълим олиш ҳуқуқлари) соҳасига ихтисослаштирилган қатор Махсус таомиллар мавжуд. Уларнинг рўйхати қуйидаги ҳаволада мавжуд: <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/Pages/HumanRightsBodies.aspx>.

Ҳар ким жисмоний ва руҳий саломатликнинг эришиб бўладиган энг юқори даражасидан фойдаланиши ҳуқуқи тўғрисидаги масала бўйича махсус маърузачи. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <https://www.ohchr.org/EN/Issues/Health/Pages/SRRightHealthIndex.aspx>.

Хавфсиз ичимлик суви ва санитарияга эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги масала бўйича махсус маърузачи. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <http://www.ohchr.org/EN/Issues/WaterAndSanitation/SRWater/Pages/SRWaterIndex.aspx>.

Маданий ҳуқуқлар соҳасида махсус маърузачи. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <https://www.ohchr.org/EN/Issues/CulturalRights/Pages/SRCulturalRightsIndex.aspx>.

Ўта камбағаллик ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масала бўйича махсус маърузачи. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <https://www.ohchr.org/EN/Issues/Poverty/Pages/SRExtremePovertyIndex.aspx>.

Хавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор атроф-муҳитни таъминлаш билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятлар ҳақидаги масала бўйича мустақил эксперт. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <https://www.ohchr.org/EN/Issues/Environment/SREnvironment/Pages/SREnvironmentIndex.aspx>.

Туб халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги масала бўйича махсус маърузачи. Батафсил маълумотлар қуйидаги манзилда: <http://www.ohchr.org/EN/Issues/IPeoples/SRIndigenousPeoples/Pages/SRIPeoplesIndex.aspx>.

Тахминан бузилган ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотларни Махсус тузилмаларга юбориш ва шартномали органга шикоят узатишни хоҳловчи юристлар фойдали маълумотларни қуйидаги ҳаволалар орқали топишлари мумкин (тегишли равишда): <http://ohchr.org/EN/HRBodies/SP/Pages/Communications.aspx>, <http://ohchr.org/EN/HRBodies/TBPetitions/Pages/HRTBPetitions.aspx>.

## **5-БОБ: ИИМ ҲУҚУҚЛАРНИ МИЛЛИЙ СУДЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИШДА СУД НАЗОРАТИНИНГ СТАНДАРТЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ**

Ушбу бобда ИИМ ҳуқуқлар амал қилиши доираси ва мазмунини аниқлаш ва аниқ белгилаш нуқтаи назаридан суд органлари ўйнайдиган муҳим ролнинг муайян мисоллари тадқиқ этилади. Бу мисоллар турли мамлакатлар суд органлари айтиб ўтилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва кафолатларини таъминлаш учун қўллайдиган аниқ услублар ва «қайта кўриб чиқишнинг конституциявий стандартлари»га қараб, бир неча тоифаларга бирлаштирилган. Шунингдек мазкур бобда аввал *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти* нашрида келтирилган суд амалиёти мисолларини янгилаш учун имкон яратади.

*ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқотида* баён қилинганидек, «бирор ҳуқуқ бузилганлиги тўғрисидаги шикоят кўриб чиқиладиганда судьялар доим ҳам давлатнинг ёки хусусий шахснинг муайян мажбуриятини аниқлашга эътибор қаратмайдилар. Одатда судьялар тегишли мажбурият юклатилган шахснинг ҳаракатларини „холислик“, „мутаносиблик“, „тўғрилиқ“, „мақсадга мувофиқлик“ ва „ривожланиш“ каби ҳуқуқий стандартлар нуқтаи назаридан таҳлил қиладилар. Худди шу стандартлар ҳокимиятнинг сиёсий органлари томонидан қабул қилинадиган бошқа турдаги қарорлар устидан суд назорати доирасида қўлланилади. Индивидуал ҳуқуққа риоя қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда судьялар ҳокимиятнинг сиёсий органларининг у ёки бу ҳуқуққа амал қилиш учун энг мувофиқ сиёсий стратегияларни танлашга доир функцияларини ўз зиммаларига юклаши керак эмас. Аниқроғи, улар ана ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган чоралар самарадорлиги тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқадиладар. Давлат энг мувофиқ чораларни танлашда ўз ихтиёрича ҳаракат қилишнинг кенг доираларидан фойдаланишига қарамасдан, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқдан фойдаланиш амалиётининг айрим аспектилари «мақсадга мувофиқлик» стандартини ва бошқа шунга ўхшаш стандартларни қўллаш доирасида судлар томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Масалан, қуйида келтирилганидек, давлат ўз мажбуриятларига амал қилиши масаласи ҳал қилинадиганда судлар томонидан алоҳида ҳимояга муҳтож гуруҳларни ҳисобдан чиқариш, ушбу ҳуқуқнинг мазмуни билан қамраб олиннадиган энг кичик эҳтиёжларни қондирмаслик ёки атайин регрессив чораларни кўриш каби ҳуқуқ бузишлар масаласини қўйишлари мумкин»<sup>239</sup>.

<sup>239</sup> *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти*, 21- ва 22-б.

Ушбу бобда қўлланилаётган стандартлар тоифалари кўриб чиқиладиган ишларнинг мисоли бўлишига мўлжалланган. Кўпгина вазиятларда, айниқса, тегишли ҳолат ва ҳуқуқларнинг мураккаб масалалари кўриб чиқиладиганда, бир вақтда бир неча ўзаро тўлдирувчи стандарт ва тамойиллар қўлланилиши мумкин.

## **I. Умумий конституциявий тамойилларга амал қилиниши юзасидан назорат**

Конституция моддалари бузилганлиги ҳақида баён қилинган ва шундай ҳуқуқлардан бирини бевосита назарда тутадиган ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қатор ишлар қонуннинг алоҳида қоидалари конституциявийлиги ҳақидаги масалаларни ўрганиб чиқиш ваколати берилган судга кўриб чиқиш учун тақдим этилиши мумкин. Шу билан бирга конституциявий назорат қилиниши лозим бўлган айрим ишлар маълум «ҳуқуқларни» кафолатламасдан, конституцияда мустаҳкамланган қонун устунлигининг умумий тамойилининг турли аспектири ҳимоя қиладиган конституция қоидалари билан боғланган бўлиши мумкин. Шулар қаторига қонунийлик тамойили, қонун қарама-қарши таъсирга эга бўлишини тақиқлаш ва қонуний умидларни ҳимоя қилиш тамойили<sup>240</sup> киради, ва аризачилар уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган қонунчилик ёки маъмурий ўзгаришлар юзасидан баҳслашишда кўпгина миллий ҳуқуқ тизимларида уларга асосланишлари мумкин.

Қуйида бундай ишларнинг мисоллари келтирилган.

### **1. Қонуний умидлар**

**№ 2009-43-01 иш: «2009 йилда давлат пенсиялари ва давлат нафақалари тўланиши тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси биринчи қисми Латвия Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқлиги тўғрисида**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 21 декабрь 2009 й.)

**Суд, мамлакат:** Конституциявий суд; Латвия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мутаносиблик; қонуний умидлар; ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи.

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Аризачилар бюджет дефицитини камайтириш мақсадида пенсия жамғармасидан

<sup>240</sup> Инглиз маъмурий ҳуқуқдан келиб чиқадиган «қонуний умидлар» концепциясига ўхшаш асосий мазмунлар француз (*principe des droits acquis*), испан (*principio de confianza legitima*) ва немис (*Vertrauensschutz*) ҳуқуқларида мавжуд.

тўловлар вақтинча қисқартирилиши муносабати билан давлат пенсияларини тўлаш тўғрисидаги қонуннинг конституциявийлиги юзасидан шикоят қилдилар. Бундай чора давлатдаги иқтисодий таназзулни тўхтатиш учун зарур деган фикрга нисбатан Парламент эътироз билдирган.

**Қарор:** Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутадиган Конституция қоидаларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ бўйича ҳуқуқий режим билан уйғунлаштириш борасидаги ўз ваколатларидан келиб чиқиб, Суд Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг (ИИМҲҲП) 9-моддаси талабларига ҳавола қилиб, пенсияга эга бўлиш ҳуқуқи Конституциянинг 109-моддасида кўзда тутилган ижтимоий таъминотга эга бўлишга оид асосий ҳуқуқнинг бир қисмидир, деган хулосага келди [20-банд]. Суд ушбу асосий ҳуқуқ қонуний мақсадга эришишга қаратилган ва мутаносиблик тамойилига мувофиқ, унинг чеклови қонун билан кўзда тутилган ҳолатдагина чекланиши мумкинлигини эътироф этди [26-банд]. Суд томонидан тегишли чекловлар қонунда аниқ кўзда тутилган, ва шикоятга сабаб бўлган қоидалар қонуний мақсадни кўзлаши, яъни жамият фаровонлигини сақлашга қаратилган ижтимоий таъминот жамғармасининг барқарорлигини ҳимоя қилишни назарда тутиши эътироф этилди [26-ва 27-бандлар]. Суд ўз амалиётига таяниб, таъкидладики, давлат ҳокимияти органи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклайдиган ҳолда фуқаролар манфаатлари ва давлат ёки бутун жамият манфаатлари ўртасида маълум мутаносиблик таъминланиши лозим, мутаносиблик тамойили ҳам айнан шуни назарда тутди. Баҳслашувли қонун қоидаларининг мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим: 1) қонун чиқарувчи орган қўллаган воситалар қонуний мақсадга эришиш учун тўғри келадими; 2) тегишли ҳаракат айнан зарур ҳисобланадими, яъни ушбу мақсадга бошқа воситалар ёрдамида, ва айнан, нисбатан камроқ чеклайдиган муқобил омиллар орқали эришиб бўладими; ва 3) қонун жамиятга олиб келадиган манфаат алоҳида фуқаролар ҳуқуқларига етказиладиган зарардан муҳимроқ бўладими. Агар баҳслашувли қонун таҳлил қилиш жараёнида у ушбу мезонларнинг ҳеч бўлмаса бирига мувофиқ эмаслиги аниқланса, унда ушбу қоида мутаносиблик тамойилига мос бўлмайди ва, демакки, ноқонуний ҳисобланади [28-б.]. Тортишувга сабаб бўлган қонун мутаносиблик бўйича текширувдан ўта олмади чунки Парламент камроқ чеклайдиган муқобил омилларни ўрганиб чиқмади. Шундай қилиб, Суд пенсиялар тўғрисидаги янги қонун

қоидалари фуқароларнинг пенсия олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган Конституциянинг 109-моддасига мувофиқ эмаслигини тан олди [30–30.2.1. бандлар].

Шунингдек Суд томонидан эътирозларга сабаб бўлган қоидалар Конституциянинг 1-моддаси бўйича қонуний умидлар тамойилини ҳам бузади, деган қарор чиқарилди. Мазкур тамойил давлатнинг мавжуд ҳуқуқий тартибни ўзгартириш, шахснинг мавжуд ҳуқуқий тартибга ва давлат манфаатларига бўлган ишончи ўртасида оқилона мувозанатни таъминлаш борасидаги мажбуриятини белгилайди. Суд чиқарган қарорига кўра, тегишли мувозанатга эришиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда режалаштирилган янги ҳуқуқий тартибга ўтиш жараёни етарлича юмшоқми ва бунинг учун тегишли ўтиш даври белгиланганми ёки товон тўлаш кўзда тутилган ёки йўқлигини ҳисобга олиш лозим. Ушбу ишда айтилган шартларнинг биронтасига амал қилинмаган, чунки ўтиш даври жуда кескин бўлган, ва келгусида камайган пенсия тўловларини қоплаш бўйича режалар мавжуд бўлмаган [32-банд].

Суд иш бўйича умумий хулосаларни баён қилди ва Лимбург тамойилларига, шахсий амалиётга ва 19-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазага ҳавола қилиб, ҳуқуқларнинг энг кичик даражаси ресурслардан қатъи назар таъминланиши лозимлиги, хатар гуруҳига кирадиган пенсионерлар эса алоҳида ҳимояга муҳтож эканлигига урғу берди [28–31.2 бандлар].

Бундан ташқари, пенсияларни камайтириш асосини ташкил қилган омил сифатидаги халқаро кредит шартномалари бўйича давлат мажбуриятларига нисбатан жавобгарнинг ҳаволасига жавобан Суд пенсия жамғармаси миқдорининг қисқартирилиши Вазирлар маҳкамаси томонидан таклиф этилганлигини аниқлади. Лекин бундай шартлар бевосита кредиторлар томонидан мажбурлаб ўтказилган тақдирда ҳам, Суд ҳеч қандай шартлар «Конституция билан кафолатланган ҳуқуқларнинг ўринини эгаллай олмайди», деб уқтирди. Суд Вазирлар маҳкамасининг халқаро мажбуриятлари ўз-ўзидан ижтимоий таъминотга эга бўлишга оид асосий ҳуқуқни чеклаш учун асос бўла олмайди, деб қарор қилди [30.1 банд].

Шунингдек Суд таъкидладик, давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўз мажбуриятларини бажариши тўғрисидаги масалани ҳал қилишда фуқаролар ҳуқуқларига амал қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборат ҳар бир асосий ҳуқуққа нисбатан уч каррали мажбуриятларга эга. Шундай қилиб, давлатлар инсон ҳуқуқларига мос равишда ҳаракат қилиб, ҳуқуқларни амалга оширишга аралашмаслик

каби пассив ва фуқароларнинг индивидуал эҳтиёжларини қондириш каби актив чораларни кўришлари лозим [24 банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Якунида Суд пенсиялар тўғрисидаги қонуннинг баҳслашувли қоидалари ноконституциявий ва ҳақиқий эмас деб тан олинган экан, демак пенсияларни қисқартиришга барҳам бериш керак, Парламент эса аввалроқ ушлаб қолинган маблағларни қоплаш таомилини ишлаб чиқиши лозим, деб қарор чиқарди [Қарор охиридаги қарор чиқарувчи қисм, 1–3-бандлар].

Жаҳон молиявий инқироз натижасида турли мамлакатлардаги ижтимоий таъминот тизимлари бюджет қисқартирилиши ва қаттиқ иқтисод чораларига дуч келаётганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу муҳим прецедент ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти контекстида инсон ҳуқуқларига янги ўрин ажратади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

[http://www.satv.tiesa.gov.lv/web/viewer.html?file=/wp-content/uploads/2009/07/2009-43-01\\_Spriedums\\_ENG.pdf#search=109](http://www.satv.tiesa.gov.lv/web/viewer.html?file=/wp-content/uploads/2009/07/2009-43-01_Spriedums_ENG.pdf#search=109).

## 2. Қонуннинг қарама-қарши таъсирини тақиқлаш

**№ 15 конституциявий иш, 2010 й., Расмий ахборотнома, № 91, 3-бет**

**Йил:** 2010 (қарор чиқарилган сана: 11 ноябрь 2010 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Болгария

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Қонуннинг қарама-қарши таъсирини баҳолаш; қонун устунлиги; фаровонлик давлати; муносиб ишга эга бўлиш ҳуқуқи.

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу ишда иккита шикоят бирлаштирилди: бири Болгария Президенти томонидан, иккинчиси эса — парламентнинг 51-чи аъзоси томонидан узатилган бўлиб, улар Суддан ўтиш қоидаларининг 3-бандини, Меҳнат кодексининг 176.3 ва 224.1 моддаларини ва давлат хизматчилари тўғрисидаги Қонуннинг 59.5 ва 61.2 моддаларини ноконституциявий ва (Болгария давлати ҳамда ИИМҲХП иштирокчиси бўлган) халқаро шартномаларга мувофиқ эмас, деб эътироф этишни илтимос қилганлар. Ушбу қоидалар баҳслашувли қоидалар кучга киришидан олдин берилиши лозим бўлган, ишлатилмаган, ҳақ тўланувчи меҳнат таътили учун тўловларни ҳисоблаб ёзиш тартибини ўзгартирган.

**Қарор:** Конституциявий суд қуйидаги қарор чиқарди: Меҳнат кодексининг ўтиш қоидалари учинчи банди ва давлат хизматчилари тўғрисидаги Қонуннинг ўтиш ва қатъий қоидаларининг 8(а) банди Болгария Конституциясининг 57.1, 16, 48.1 ва 48.5 моддаларига; Болгария Конституциясига Преамбуланинг бешинчи абзацига, ИХУДнинг 2.1 ва 24-моддаларига ҳамда № 52 ХМТ Конвенциясининг 2-моддасига (улар асосий ҳуқуқлар мустақиллигини, меҳнат қилиш ҳуқуқи, таътилга эга бўлиш ҳуқуқи ва фаровонлик давлати тамойилини кафолатлайди) мувофиқ эмас.

Конституциявий суд Меҳнат кодексининг 176.3 моддаси ва давлат хизматчилари тўғрисидаги Қонуннинг 59.5 моддаси Конституцияга мувофиқ эмаслигини тан олишни рад этди, чунки ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътилга эга бўлиш ҳуқуқи у тақдим этилгандан сўнг икки йил давомида ишлатилиши мумкинлиги ҳақидаги баҳслашувли моддалар қоидалари ҳуқуқнинг ўзини эмас, ундан фойдаланиш имкониятини бекор қилади.

Конституциявий суд қуйидаги қарор чиқарди: Меҳнат кодексининг 224.1 моддаси ва давлат хизматчилари тўғрисидаги Қонуннинг 61.2 моддаси қоидалари № 52 ХМТ Конвенциясининг 6-моддасини ҳамда қонун устунлиги тамойилини бузади, чунки Болгария Конституциясининг 16 ва 48.1 моддаларида мустаҳкамланган меҳнат қилиш ҳуқуқи нуқтаи назаридан Меҳнат кодексининг 48.5 ва 176.3 моддаларига мос келмайди.

**Қўшимча мулоҳазалар:** Конституциявий суднинг Европа ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларига бўлган эътибори алоҳида диққатга сазовордир.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** Ишнинг қисқача баёни Венеция комиссияси конституциявий судларининг маълумотлар базасида келтирилган (Constitutional Case Law InfoBase): [https://rm.coe.int/09000016805c3881#\\_Toc418061898](https://rm.coe.int/09000016805c3881#_Toc418061898).

**Тўлиқ матни (фақат болгар тилида):** <http://dv.parliament.bg/DVWeb/broeveList.faces>.

## II. Камситишни тақиқлаш ва тенглик

Камситишни тақиқлаш ва тенглик тамойиллари ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ўзининг муҳимлигини, ҳолислигини ва инструментал аҳамиятини ҳанузгача сақлаб турибди<sup>241</sup>. Камситишни тақиқлаш ва тенглик ҳамда қонун томонидан тенг даражада ҳимоя қилиниш халқаро ҳуқуқ бўйича ва миллий норматив тизимларнинг кўп-

<sup>241</sup> ХЮКнинг суд тартибда кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти, 54–61-б.

чилигида мустақил ҳуқуқлар сифатида тан олинади. Бундан ташқари, камситишга йўл қўймаган ҳолда, барча бошқа ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш бўйича хусусий мажбурият ИИМ ҳуқуқларга тегишли бўлган халқаро ҳуқуқ бўйича тўғридан-тўғри мажбурият ҳисобланади<sup>242</sup>.

Қуйида келтирилган суд ишлари мисолларида турли юрисдикциялардаги суд органлари ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун миллий қонунчилик даражасида камситиш тақиқланганлиги ва тенглик кафолатланганлигига фаоллик билан ҳавола қилаётганлари ва бир қатор бошқа ИИМ ҳуқуқларга ва камситиш учун турли тақиқланган асосларга нисбатан камситувчи қонунчилик ва амалиётларни ҳақиқий эмас деб тан олаётганлари кўрсатилган, айниқса ушбу ҳуқуқларга доир конституциявий ёки қонуний кафолатлар мавжуд бўлмаганда<sup>243</sup>.

## 1. Ногирон шахсларни камситиш тўғрисидаги ишлар

**№ Т-051/11 қарор, Julio David Perez Monteria Мэриясига қарши. № Т-2650185 иш**

**Йил:** 2011 (қарор чиқарилган сана: 4 февраль 2011 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Колумбия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; таълим олиш ҳуқуқи; ногиронлар

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Бу ишда агар коллеждаги бир синфда эшитиш қобилияти паст даражада бўлган талабалар сони 10 кишидан кам бўлса, сурдотаржима хизматлари кўрсатилмаслиги сабабли таълим олиш ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ариза ёзган талаба эшитиш қобилиятини йўқотган ва сурдотаржима хизматлари рад этилишининг салбий оқибатларини бошдан кечира бошлаган.

**Қарор:** Конституциявий суд БМТ даражасида ва минтақавий даражадаги инсон ҳуқуқларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш элементларига, шу жумладан Иқтисодий, ижтимоий ва

<sup>242</sup> Камситишни тақиқлаш ва тенглик тамойиллари тўғрисида батафсил маълумот учун ушбу Қўлланманинг 2-Боби, III.1.а) бўлимини кўринг.

<sup>243</sup> Мигрантлар ишлари бўйича ҳамда миллий келиб чиқиши ёки ҳуқуқий мақоми белгиси бўйича камситилишни аниқлайдиган суд қарорлари мисоллари ХЮКнинг «Миграция ва инсон ҳуқуқлари» амалий қўлланмасида келтирилган (инглиз, итальян, грек ва рус тилларида): <https://www.icj.org/updated-practitioners-guide-on-migration-and-international-human-rights-law/>. Ишга жойлашиш, меросхўрлик ва ижтимоий нафақалар соҳасида шахвоний йўналганлик ва гендер ўхшашлик белгилари бўйича камситилиш (SOGI) тўғрисидаги ишлар мисолларини ХЮКнинг SOGI дастурининг суд қарорлари базасида кўринг: <http://www.icj.org/sogi-un-database/> ва <http://www.icj.org/sogi-casebook-introduction/>.

маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитанинг (ИИМХК) 5-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаси, ногиронларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Америкалараро конвенцияси, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 23-моддаси [IV.4.2 банд] ҳамда Колумбия Конституцияси қоидалари [IV.4.1 банд] ва миллий судларнинг суд амалиётларига [IV.4.4 банд] эътибор қаратиб, аризачига нисбатан таълим олиш ҳуқуқи бузилганлигини юзасидан қарор чиқарди.

Бундан ташқари, Суд эшитиш қобилияти йўқолган талабаларнинг минимал сони мавжуд бўлгандагина ўқув жараёнига сурдотаржимонни жалб қилиш тўғрисидаги қонунни ноконституциявий, деб тан олди, чунки бу қонун эшитиш қобилияти паст даражада бўлган талабаларнинг стигматизацияси ва ижтимоий чиқариб ташлаш ҳолатини мураккаблаштирилган камситувчи талабларни қўйган [V банд].

Эшитиш қобилияти бузилган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш мақсадида Суд Monteria мэрияси зиммасига бюджет, ўқув режаси, ўқув дастури ва таълим муассасаларининг фаолиятига тегишли тўғрилашларни киритиш мажбуриятини юклади [V банд].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://www.corteconstitucional.gov.co/relatoria/2011/t-051-11.htm>.

**Интеллектуал ногиронлик масалалари бўйича Ғарбий Кейп Форуми ЖАР Республикаси Ҳукумати ва Ғарбий Кейп провинцияси Ҳукумати қарши, № 18678/2007 иш**

**Йил:** 2010 (қарор чиқарилган сана: 11 ноябрь 2010 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; ЖАР

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мақсадга мувофиқлик; камситишнинг тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; инсон қадр-қиммати; бепарволик; таълим олиш ҳуқуқи; ногиронлар.

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу ишда Ғарбий Кейп провинциясида яшаётган ва интеллектуал ногиронликнинг оғир шаклига дучор бўлган болалар ҳуқуқлари ҳамда ЖАР ва провинция ҳукумати болаларнинг таълим олиш борасидаги эҳтиёжларини қондириш учун тегишли чораларни кўрмаётганлиги тўғрисидаги шикоятлар кўриб чиқилди. Ногиронликнинг бундай шаклига чалинган болалар турли жамоат ташкилотлари қошида мавжуд бўлган марказларда ёрдам

олишлари мумкин эди, лекин бундай марказлар сони етарли эмасди. Шундай марказлар хизматларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлмаган болалар ҳеч қандай таълим ололмаганлар. Аризачилар таъкидлашича, бундай болалар учун ишлаб чиқилган давлат таълим дастурлари бошқа болалар учун мўлжалланган дастурларга нисбатан ўта сиқиб қўйилган ва ногирон болаларнинг таълим эҳтиёжларини қондириш учун етарли чоралар кўрилмаган.

**Қарор:** Суд қўйидаги қарор чиқарди: жавобгарлар (ЖАР ва Ғарбий Кейп ҳукуматлари), болаларнинг бошланғич таълимга эга бўлиш, менсимаслик ва хўрланишга дучор бўлмаслик, тенглик ва инсон қадр-қимматини кафолатлаш ҳуқуқларига зид равишда, Ғарбий Кейпда яшовчи интеллектуал ногиронликнинг оғир шаклига учраган болаларнинг таълим эҳтиёжларини қондириш бўйича оқилона чораларни кўрмаган [52(1) банд].

Суднинг қарорига кўра, давлат таълим олиш ҳуқуқини (бунинг ижобий маъносида) бузган, чунки ногирон болаларга бошланғич таълим олишга имкон бермаган, чунки бундай болаларни ихтисослашган ва бошқа мактабларга қабул қилишни рад этган [45-банд]. Суд йўл қўйилган ҳуқуқ бузиш ҳолатини оқлай олмади. Давлат олиб бораётган сиёсати инсон қадр-қиммати, тенглик ва эркинлик тамойилларига асосланган очиқ ва демократик жамиятда мақсадга мувофиқ ва ўринли эканлигини исботлай олмади [42-банд].

Бундан ташқари, Суд болаларнинг қадр-қимматга эга бўлиш ҳуқуқи бузилди, чунки улар дучор қилинган камситиш аслида уларни камбағалликка ва ижтимоий чиқариб ташланишга олиб келди, деган қарор чиқарди [46-банд].

Болаларга таълим олишга имкон бермаслик уларни менсимаслик хавфи остига қўйди, чунки кўпинча бу болаларнинг таълими билан фақат керакли кўникмаларга эга бўлмаган ва бусиз ҳам оғир юклама остида турган ота-оналари шуғулланишлари мумкин бўлишини англатарди. Болаларни ўз салоҳиятини ривожлантириш имкониятидан маҳрум қилиш уларни хўрлаш шаклларида бири ҳисобланади. Бу эса болаларнинг менсимаслик ва хўрлашдан ҳимояланиш ҳуқуқини асоссиз бузиш ҳолатини ташкил қилади [46- ва 47-бандлар].

Баён қилинган хулосаларга асосланиб, Суд давлатлардан Ғарбий Кейпда яшайдиган ва интеллектуал ногиронликнинг оғир шаклига чалинган ҳар бир бола учун таълим олиш имконини (шу жумладан вақтинча) таъминлаш учун оқилона

чораларни кўриш, ихтисослашган ёрдам бериш марказларига керакли маблағ ажратиш, болалар бундай марказларга олиб борилишини таъминлаш ҳамда айтиб ўтилган ҳуқуқ бузиш ҳолатларини тўғрилашга оид ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишни талаб қилди [52-банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** ЖАР Ҳукумати ушбу қарор юзасидан шикоят қилмади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.saflii.org/za/cases/ZAWCHC/2010/544.html>.

### **№ Т-974/10 қарор**

**Йил:** 2010 (қарор чиқарилган сана: 30 ноябрь 2010 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Колумбия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; инсон қадр-қиммати; соғлом бўлиш ҳуқуқи; таълим олиш ҳуқуқи; болалар; ногиронлар.

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу иш интеллектуал ногиронликка дучор бўлган қиз боланинг онаси томонидан қўзғатилган. Жавобгар сифатида Колумбияда жамоат соғлиқни сақлаш хизматларини тақдим этадиган EPS Coomeva ташкилоти чиқди. Қиз бола мураккаб даволаш дастури ва махсус таълимни талаб қилган, ва унинг онаси таъкидлашича, EPS Coomeva ташкилоти унинг ногирон қизи муҳтож бўлган ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни рад этиб, унинг соғлом бўлиш, ривожланиш ва жисмоний дахлсизликка доир асосий ҳуқуқларини бузган. EPS Coomeva таълим хизматларини тақдим этиш давлат вазифаларига кириши, махсус таълим эса тиббий эмас, маърифий хизмат эканлиги ва аризачи аёл ўз молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, хизматлар учун ҳақ тўлаши керак эди, деб эътироз билдирди.

**Қарор:** Суд қарор қилди: EPS Coomeva ташкилоти қизчага ҳар томонлама даволов тақдим этишни рад этиб, бу билан унинг соғлом бўлиш ҳуқуқини бузган, ва бу ташкилот қизча муҳтож бўлган даволаш хизматларини кўрсатиши шарт эди. Шундай қилиб, суд EPS Coomeva ташкилоти ва муниципал таълим муассасаси зиммаларига биргаликда қизчани тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда у ногирон бўлганлиги сабабли унга қандай тиббий ва маърифий хизматлар зарурлигини аниқлаш мажбуриятини юкледи [6.4 ва 7-бандлар].

Суд Колумбиянинг ИИМҲХП ва Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда баён қилинган мажбуриятларига мувофиқ ногиронлиги мажуд шахслар ана шу ногиронлик белгиси бўйича таълим соҳасидаги имкониятлардан маҳрум этилмасликларини таъминлаши ҳамда шахснинг индивидуал эҳтиёжларига қараб, уни оқилона жойлаштириш мажбуриятини амалга ошириши лозимлигини таъкидлади [5.6.1. ва 5.6.2.2.2 бандлар]. Давлатнинг таълимни тақдим этиш бора-сидаги мажбурияти масаласида Суд минтақавий ижроя ҳокимияти органи таълим хизматлари мавжуд бўлиши, таълим олишга имкон берилиши, таълим хизматлари доимий ва сифатли бўлишини кафолатлаши зарурлигини қайд қилди [5.5 банд]. Суд қуйидаги қарор чиқарди: ногирон одамлар учун таълим олиш жараёни имкон қадар инклюзив бўлиши лозим, махсус таълим эса сўнгги чора сифатида қўлланилади, лекин шундай бўлса-да, у зарур, қачонки бу даражадаги таълимни оддий муассасаларда тақдим этиш мумкин бўлмаган ҳолларда [5.6.2.2 банд].

Шунингдек Суд таъкидладики, болалар Конституция томонидан алоҳида ҳимоя қилинади, ногирон болаларга нисбатан эса бундай ҳимоя айниқса кенг қамровлидир [5.3 банд]. Соғлиқни сақлаш тизимида хизмат кўрсатаётган ташкилотлар хатар гуруҳига кирадиган ногиронларни ҳар томонлама парвариш қилишлари, шу жумладан мажбурий давлат дастурларида кўзда тутилмаган хизматларни тақдим этишлари лозим. Ихтисослашган таълим муассасалари мавжудлиги интеллектуал ногиронликка чалинган болаларга ҳар томонлама тиббий ёрдамга эга бўлиш имкониятини рад этиш учун сабаб бўлиши мумкин эмас.

Суд нуқтаи назарига мувофиқ, интеллектуал ногиронликка учраган бола ҳақида сўз юритилганда, боланинг қадр-қиммати ва тенглиги тамойилларига амал қилинишини таъминлаш учун давлатнинг соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги мажбуриятлари ўзаро боғлиқ шаклда кўрилиши лозим. Суд ногиронларни ҳимоя қилиш масаласида соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари ўртасидаги ҳамкорликда бўшлиқлар мавжудлигини қайд қилди. Шу асосда, бу масаладаги ишлар йўналишини белгилаш, юқори даражадаги синергияни (биргаликдаги фаолият самарадорлигини оширишни) таъминлаш ва ногиронлиги бор одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун керакли механизмларни режалаштириш мақсадида Суд Таълим вазирлигига ва Ижтимоий ҳимоя вазирлигига, фуқаролик жамият иштирокида, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлиги юзасидан кўрсатма берди [6- ва 7-бандлар].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://www.corteconstitucional.gov.co/relatoria/2010/t-974-10.htm>.

## 2. Гендер жиҳатдан камситиш тўғрисидаги ишлар

### № Т-841 қарор

**Йил:** 2011 (қарор чиқарилган сана: 3 ноябрь 2011 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Колумбия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; соғлом бўлиш ҳуқуқи; болалар; аёллар

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ушбу иш бўйича вояга етмаган қизнинг соғлом бўлиш, хусусан, руҳий саломатликка оид ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун суд буйруғи чиқарилди. Қизни даволовчи шифокор қизнинг ҳомиладорлиги унинг руҳий саломатлиги учун хавф туғдираётганлигини ва бу ҳолат қонуний аборт қилиш учун асос бўлишини таъкидлади. Лекин шунга қарамай, Колумбия ижтимоий суғурта давлат тизимининг маъмури қиз абортни амалга ошириши учун шу қадар кўп асоссиз маъмурий тўсиқларни яратганки, ҳомиладорлик қизнинг саломатлигига зарар етказишига қарамай, қиз ҳомирани охиригача сақлашга мажбур бўлган.

**Қарор:** Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан ИИМҲХП, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мурожаат этиб, Суд аёлларнинг репродуктив автономиясига тегишли ва соғлиқни сақлаш хизматларига камситилишсиз эришиш ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилди [22-банд], айниқса вояга етмаганларнинг репродуктив ҳуқуқлари ҳақида гап кетган ишлар бўйича.

Суд ижтимоий суғурта тизимидаги тиббий муассасалар маъмурлари соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш, шу жумладан аборт қилиш имкониятини лозим тарзда ва ўз вақтида тақдим этишлари шарт эканлигини алоҳида таъкидлади [17.III ва 35-бандлар]. Кўриб чиқилган ишда маъмур ушбу мажбуриятни менсимаси ва фақат техник расмиятчилик сабаблигина боланинг соғлиғи учун жиддий хатар яратди [21-банд].

Суд муайян маъмур зиммасига жабрланган аёлга тегишли то-вон тўлаш мажбуриятини юклади ва келгусида абортни амал-

га ошириш хизматидан фойдаланиш имкониятини асоссиз қийинлаштирадиган (маълум муддат кутиш, фақат аффиляцияланган шифокор томонидан берилган маълумотномани тақдим этиш) қўшимча шартларни белгилашни тақиқлади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://www.corteconstitucional.gov.co/relatoria/2011/t-841-11.htm>.

### 3. Чинакам тенглик ҳақидаги иш

**№ Т-291/09 қарор**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 29 апрель 2009 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Колумбия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; муносиб ишга эга бўлиш ҳуқуқи; яшаш ҳуқуқи; муносиб турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Кали шаҳридаги бир гуруҳ ахлат йиғувчилар Наварродаги ахлат полигони ёпилиши муносабати билан бир қатор муниципал тузилмалар томонидан уларнинг меҳнат қилиш ва муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқлари бузилишидан ҳимоя қилишни сўраб, илтимоснома билан мурожаат қилдилар. Ахлат йиғувчилар 30 йиллик фаолиятлари давомида ушбу полигонидида ахлатни қайта ишлашни ташкиллаштирдилар ва бу уларнинг ўзлари ва оила аъзолари учун муносиб ҳаёт кечириш имкони билан таъминлаган.

Анъанавий тарзда Колумбияда ахлатни қайта ишлаш билан энг таъминланмаган ва қашшоқ аҳоли қатламлари шуғулланган. Бироқ ахлатни қайта ишлаш фойда келтира бошлагандан кейин бозорда устун турган ахлатни утилизациялаш компаниялари хусусийлаштириш объектларига айланди. 2008 йилда Колумбияда норасмий ахлат йиғувчи ишлари билан боғлиқ фаолият учун жазолаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Кали шаҳри ҳокимияти ахлатни утилизациялаш тизимини хусусийлаштирганида, очиқ тендер савдолари босқичида Конституциявий суднинг давлат органлари хусусийлаштириш жараёнида ахлатни норасмий қайта ишлаш билан шуғулланаётган субъектлар иштирок этишларини таъминлаш учун ижобий ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги тўғрисидаги қарорини безътибор қолдирди. Айнан шунда Наварро шаҳридаги ахлатхона бекилди. Бу ахлатхонада ишлаган 1000-дан ортиқ оилалар эски ахлатхона ўрнига очилган янги ахлатхонада ишлаш бўйича мурожаатлари рад этилишига

учрадилар. Шунда уларга ишга жойлашиш, профессионал қайта тайёргарликдан ўтиш, соғлиқни сақлаш ва таълим олиш соҳаларида имкониятлар яратишни кўзда тутадиган ижтимоий реинтеграция режасини ишлаб чиқишни ваъда беришди, лекин буларнинг барчаси ваъдалигича қолди ва рўёбга чиқмади.

**Қарор:** Суд муниципал органлар Наварро полигонидида ишлаган ахлат йиғувчиларнинг муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқини, шунинг меҳнат қилиш ҳуқуқини бузган, деб қарор чиқарди [III.9.1.1 банд].

Шунингдек Суд жавобгар-ташкilotлар аризачиларга салбий таъсир кўрсатган камситувчи қонунчиликни яратганларини қайд қилди [III.2 банд].

Суд чиқарган қарор (1) чиқиндиларни утилизациялаш бўйича объектларни хусусийлаштириш давомида норасмий ахлат йиғувчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги ишлар туркумида яна бир прецедент бўлиб, (2) тендер савдоларини тўхтатиб туришга олиб келди, (3) давлатга ахлат қайта ишловчиларнинг соғлом бўлиш, таълим олиш ва овқатланиш ҳуқуқи самарали таъминланиши учун барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини юклади, (4) давлатга ахлат қайта ишловчиларни таълим олиш ҳамда ижтимоий таъминот соҳасидаги хизматлардан баҳраманд бўлиш имкони билан таъминлаш мажбуриятини юклади, (5) ахлат қайта ишловчиларни қаттиқ чиқиндиларни утилизациялаш бўйича Давлат дастурларига киритди ва уларнинг автоном умумий масъулиятга эга тадбиркорлар сифатидаги мақомини мустаҳкамлади, (6) Кали шаҳри ахлатларни утилизациялаш ва соҳасида муниципал сиёсатни ислоҳ қилиш ва норасмий ахлатни қайта ишловчиларни ахлатни утилизациялаш бўйича расмий тизимга интеграциялаштириш қўмитасини таъсис қилди, (7) Наварро полигонидидаги ахлат қайта ишловчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш учун шошилиш чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади ва (8) Калидаги ахлат йиғувчиларнинг иқтисодий фаолияти нуқтаи назаридан салбий таъсирга эга қонунчилик ва маъмурий ҳужжатлар амал қилишини тўхтаиб қўйди [IV банд].

Бу ишда давлат турли гуруҳлар ўртасидаги моҳиятли нотенгликка барҳам бериш мақсадида қабул қилиши лозим бўлган ижобий чораларнинг аҳамияти эътироф этилган. Суд қуйидаги қарор чиқарди: «Тенглик Колумбия давлатининг асосларидан бири ҳисобланади. Конституция тенгликни қонун олдидаги тенгликнинг классик формуласи доирасидан чиқиб кетади-

ган ва моҳиятли тенглик шартларини амалга ошириш учун қўлланиладиган тамойил, қадрият ва асосий ҳуқуқ сифатида мустаҳкамлайди. Шу нуқтаи назардан тенглик кафолатининг асосий мақсади одатда камситилишга дучор бўладиган камбағал ғуруҳларни ҳимоя қилишдан иборат: бир томондан, мажбурият сифатида маълум ҳаракатлардан ўзини тийиш ва камситувчи муомалани тақиқлаш, бошқа томондан эса — аралаштириш мажбурияти сифатида, давлат бундай гуруҳлар дучор бўладиган моҳиятли нотенгликни энгишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш лозим» [III.3 б.].

**Кўшимча мулоҳазалар:** Ушбу ишда давлатларнинг ҳуқуқларга риоя қилиш, ҳимоялаш ва амалга ошириш борасидаги мажбуриятлари кўриб чиқилади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://www.corteconstitucional.gov.co/relatoria/2011/t-841-11.htm>.

#### 4. Шаҳвоний йўналганлик ва гендер ўхшашлик белгиси бўйича камситиш тўғрисидаги ишлар

ХЮК интернет орқали танишиш мумкин бўлган ва ИИМ ҳуқуқларни амалга оширишда шаҳвоний йўналганлик ва гендер ўхшашлик белгиси бўйича камситишга дучор бўлган ҳуқуқ эгаларининг ҳимоясига ўтган суд органлари олиб борган бир неча ишлар мисоллари келтирилган қатор материаллар ва суд қарорлари базаларини чоп этди. Бу ишлар ишга жойлашиш, ижтимоий нафақалар ва таълим масалаларига бағишланган<sup>244</sup>.

**John Doe ва бошқалар № 26 мактабга қарши, № 7455/2001 иш, 2014 МЕ 11 қарор**

**Йил:** 2014 (қарор чиқарилган сана: 30 январь 2014 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; АҚШ

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; таълим олиш ҳуқуқи; сув ва санитарияга эга бўлиш ҳуқуқи; ЛГБТИ

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Сюзан Доу — трансгендер-қиз бола. Барча томонлар у қиз болага айнан ўхшашини (қиз бола эканлигини) ва унинг ташхисини (гендер

<sup>244</sup> Барча материаллар куйидаги ҳаволада мавжуд: <http://www.icj.org/themes/sexual-orientation-and-gender-identity/>. Суд қарорларининг базасини куйидаги ҳаволада кўриш мумкин: <http://www.icj.org/sogi-casebook-introduction/>.

дисфорияси) тан олди. Сюзан 2007 йил сентябрь ойига қадар қизларнинг умумий душхонасидан бемалол фойдаланган. У бешинчи синфга ўтгандан кейин бошқа ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан босимга учрай бошлаган. Билдирилган эътирозларга жавобан мактаб раҳбарияти Сюзанга аёллар душхонасидан фойдаланишни тақиқлади ва энди у мактабнинг иккала жинсга мансуб ходимлари учун мўлжалланган алоҳида душ кабинасидан фойдаланишни талаб қилди. Олтинчи синфда ўқиётганида Сюзан Ороно ўрта мактабига ўтди ва бу ерда ҳам унга аёллар душхонасидан фойдаланишни тақиқлаб, алоҳида турган душ кабинасидан фойдаланишни мажбур қилишди.

**Қарор:** Сюзаннинг ота-онаси Джон ва Джейн Доу Олий суднинг соддалаштирилган иш юритиш тартибида № 26 мактаб фойдасига чиқарган қарори устидан шикоят қилдилар. Унинг ота-оналари мактаб маъмурияти чиқарган қарор Сюзаннинг гендер ўхшашлигига мувофиқ қизлар учун мўлжалланган душхонасидан фойдаланишни тақиқлаган ва бу билан Мэн штатининг 2005 йилги таҳрирда «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунда (MHRА) мустаҳкамланган шахвоний йўналганлик ва гендер ўхшашлик белгиси бўйича камситиш тақиқланишини ташкил қилганлиги юзасидан қатъий фикр билдирганлар. Мактаб вакиллари эса, ўз навбатида, MHRАда кўзда тутилган камситишни тақиқлаш Мэн штатининг амалда бўлган таҳрирдаги Қонун ҳужжати мактабдаги санитария нуқталаридан фойдаланишни тартибга соладиган қоидаларига [20-А M.R.S., 6501-модда] зид деб таъкидладилар.

Шундай қилиб, Мэн штатининг Олий суди иккита масалани ўрганиб чиқди: иккита қонун ҳужжати ўртасидаги қарама-қаршиликларни ва Сюзанга нисбатан аёллар душхонасидан фойдаланиш тақиқланганлиги Мэн штатининг «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонунини бузиши ёки йўқлигини аниқлади.

Масалан, Суд «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуннинг «Умумий фойдаланишда бўлган жойлар» бўлимининг қоидаларини [MHRА 4592(1) моддаси] ва Қонун ҳужжатининг «Санитария-гигиена хоналари» моддасини [20-А M.R.S., 6501-модда] тадқиқ қилди. «Умумий фойдаланишда бўлган жойлар» бўлимининг қоидалари умумий фойдаланиш жойларига киришларида шахвоний йўналганлик белгиси бўйича камситишни тақиқлайди. Суд бошланғич мактаб умумий фойдаланиш жойи ҳисобланади, деб қарор чиқарди. «Санитария-гигиена хоналари» моддаси мактаб маъмурияти-

нинг мактабдаги барча санитария-гигиена нуқталари (ҳожат-хоналар) доимо тоза туриши, жинс белгиси бўйича бўлиниши ва алоҳида-алоҳида кириб чиқиш эшикларига эга бўлиши, ва ўқувчилар бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлаши борасидаги мажбуриятини белгилайди [14-, 16- ва 17-бандлар].

Суд айтиб ўтилган қонун ҳужжатлари турли мақсадларга эришишга қаратилган ва мантиқан талқин қилинганда бир-бирига қарама-қарши бўлмайди, деб қарор қилди. Умумий фойдаланишда бўлган жойлар ва МНРА қонунининг таълимий имкониятлари тўғрисидаги қоидалар шахвоний йўналганлик бўйича камситишни тақиқлаш, таълим соҳасида тенглик асосида фойдаланиш ва соҳа имкониятларидан баҳраманд бўлиш ҳамда умумий фойдаланишдаги объектлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашга қаратилган. Бошқа томондан, санитария-гигиена хоналари тўғрисидаги қоидалар мактаб санитария нуқталарида тозаланишни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя қилишга қаратилган. Уларда мактаб санитария нуқталаридан қандай фойдаланиш лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берилмаган ва гендер ўхшашлик жинс белгиси бўйича бўлинган санитария нуқтасидан фойдаланиш билан қандай ўзаро муносабатда бўлиши белгиланмаган. Шу боис ҳар бир мактаб умумий фойдаланишда бўлган жойлардан фойдаланиш масаласига оид ўз сиёсатини ишлаб чиқиши ҳамда бундай сиёсат МНРА қонунига мувофиқ бўлишини таъминлаши лозим [19-банд].

Суд Сюзанга аёллар душхонасидан фойдаланиш тақиқланганлиги шахвоний йўналганлик белгиси бўйича камситиш бўлганлигини эътироф этди. Суд мактабнинг санитария нуқталарини жинс белгиси бўйича бўлиш тўғрисидаги Қонун ҳужжатининг талабларига амал қилишга мажбур бўлганлиги ҳақидаги важи билан рози бўлмади. Шунингдек Суд мактабнинг Сюзан қизлар душхонасидан фойдаланиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қарори қизнинг мақоми ўзгаришини ҳисобга олмай, фақат бошқа шахсларнинг шикоятларига асосланганлигини аниқлади. Ушбу қарор Сюзаннинг руҳий саломатлиги ва мактабдаги ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатди. Суд Сюзаннинг шахвоний йўналганлиги белгиси бўйича камситилиши МНРА қонунини бузганлигига олиб келганлигини эътироф этди [22-банд].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.maine.gov/mhrc/doe.pdf>.

## 5. Фуқаро бўлмаганлар/мигрантларни камситиш тўғрисидаги ишлар

### **Конституциявий назорат — хусусий ажрим (Giudizio di legittimità costituzionale in via incidentale)**

**Йил:** 2011 (қарор чиқарилган сана: 12 декабрь 2011 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Италия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; соғлом бўлиш ҳуқуқи; таълим олиш ҳуқуқи; ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи; болалар; ногиронлар; мигрантлар

**Иш ҳақида қисқача маълумот:** Европа Иттифоқи (ЕИ) фуқаролари бўлмаган, ногиронлиги бор, лекин мамлакатда беш йил давомида яшагандан кейин тақдим этиладиган гувоҳномалари мавжуд бўлмаган вояга етмаганлар ва уларнинг оила аъзолари ногиронлиги сабабли молиявий нафақаларни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган (*indennità di frequenza*). Бундай нафақалар иқтисодий қийинчиларга учраган вояга етмаган ногиронлар оилаларига тиббий тўловларни амалга ошириш, жамият ҳаётига интеграциялашувини яхшилаш учун таълим ва профессионал-техник тайёргарлик соҳасига оид алоҳида эҳтиёжларини қондиришда ёрдам беришга мўлжалланган. Генуя шаҳрининг Апелляция суди нафақани тайинлашда бундай камситишнинг конституциявийлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ушбу ишни Конституциявий судга узатди [2000 йил 23 декабрдаги № 388 Қонуннинг 80.19 моддаси].

**Қарор:** Миллий қонунчилик давлатнинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига мос бўлиши лозимлигини назарда тутадиган Конституциянинг 117.1 моддаси талабларига мувофиқ, Конституциявий суд ЕИ фуқаролари бўлмаган вояга етмаган ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари нафақа бериладиган шахслар доирасидан чиқариб юборилиши ИҲЕКнинг 14-моддаси ва мулоқот қилишда тенгликни кафолатлайдиган Конституциянинг 3-моддаси бўйича камситилишга дучор бўлмаслик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади, деган хулосага келди. [Considerato in diritto, 5-банд]. Шунингдек Суд Конституциянинг соғлом бўлиш ҳуқуқини кафолатлайдиган 32-моддаси; таълим олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган 34-моддаси; ва ижтимоий ёрдамга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлайдиган 38-моддаси бузилганлигини қайд қилди [Considerato in diritto, 1-банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Суд ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган мигрантлар ўртасида аниқ чегарани белгилайди. Демак, унинг қарори фуқаролар ва яшаш учун берилган гувоҳноманинг амал қилиш муддати асосида ҳужжатлаштирилган мигрантлар ўртасидаги камситиш билан чекланади. Шу билан бирга, ИҲЕКнинг мавжуд амалиётини ҳисобга олган ҳолда, Суд ҳужжатлаштирилмаган мигрантларга нисбатан иш бошқа яқун топиши мумкинлигига ишора қилади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://www.cortecostituzionale.it/actionSchedaPronuncia.do?anno=2011&numero=329>.

**Kong Yunming ижтимоий таъминот Хизмати  
Директорига қарши, FACV № 2**

**Йил:** 2013 (қарор чиқарилган сана: 17 декабрь 2013 й.)

**Орган, мамлакат:** Апелляция суди; Гонконг

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мутаносиблик; камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг ҳимояланиш; ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи; мигрантлар

**Иш тўғрисида қисқача маълумот:** Ижтимоий таъминот тақдим этилиши тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарорни қайта кўриб чиқаётганда Суд ижтимоий таъминот тақдим этилиши учун мамлакатда 7 йил яшаш шарт тўғрисидаги талабнинг конституциявийлиги ҳақидаги масалани ўрганиб чиқди. Аризачи аёл ўз эрининг олдида Гонконгга кўчиб борган, лекин у келган куннинг эртасига эри тўсатдан вафот этган, аёл эса кўчада қолиб кетган, чунки эрининг кўчмас мулки учинчи шахслар мулкига ўтган. Аризачи аёл Гонконгга келганидан сўнг тўрт ойдан кейин ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Агар мамлакатда етти йил яшаш лозимлиги тўғрисидаги янги талаб бўлмаганда, бу аёл ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўларди.

**Қарор:** Ribeiro; Tang, Lord Phillips ва Ма судьяларнинг алоҳида фикри:

Суд мамлакат Конституциясининг 36-моддасида мустаҳкамланган ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тамойиллари «иқтисодий шароитлар ва ижтимоий эҳтиёжлар» тўғрисидаги 145 модданинг қоидаларига асосланган ҳолда кўриб чиқилиши лозим, деган қарорга келди [17- ва 18-бандлар.].

Ижтимоий нафақалар миқдорининг камайтирилиши ижтимоий таъминот тизимининг барқарорлигини сақлайдиган ҳолатда 145-модда нафақани бундай камайтиришни тақиқламайди [37-банд]. Суд ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқини энг муҳим ҳуқуқ сифатида тан олмаган бўлса ҳам, аҳолининг сони ортиши, дефографик қариши ва ижтимоий таъминот харажатлари кўпайиши мамлакатда етти йил давомида яшаш талабни жорий қилиш учун етарли асос бўла олмайди, чунки айтиб ўтилган муаммоларни ҳал қилишнинг бошқа воситалари мавжуд, деб қарор чиқарди [66-, 75-, 96-бандлар.].

Суд келаётган иммигрантлар оқимини камайтириш ва уларнинг беғараз ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини чеклаш мамлакатда етти йил давомида яшашни талаб қилиш учун жиддий далил бўла олмаслигини таъкидлади [L.1 ва L.2 бўлимлар]. Суд чиқарган қарорида Директор ўз ихтиёрича белгилаган етти йиллик яшаш муддати иммигрантлар бажара олиши учун «ўта оғир талаб» эканлиги алоҳида қайд қилинган [L.3 бўлими, 136-банд.].

Судья Bokhary таъкидлашича, мамлакатда етти йил давомида яшаш зарурлиги ҳақидаги талаб Конституциянинг 25-моддаси бўйича ва ФСХПнинг 26-моддаси матнини баён қиладиган Гонконг ҳуқуқлари тўғрисидаги Билльнинг 22-моддаси бўйича қонун олдидаги тенглик тамойилини бузади. Шунингдек судья Конституциянинг 145-моддаси ижтимоий таъминотни тақдим этиш тамойилларининг ўзгариши регрессив эмас, прогрессив бўлишини назарда тутиши зарурлигини эътироф этди. Bokhary, шунингдек, ИИМХПнинг 2- ва 9-моддалари ҳамда 2005 йилги Гонконг бўйича ИИМХҚ Якуний мулоҳазаларига амал қилинишини кафолатлайдиган Конституция қоидаларини баён қилди.

Суд Директор томонидан ўз ихтиёрича жорий қилинган мамлакатда етти йил яшаш кераклиги тўғрисидаги талабни ноқонуний деб топди ва мамлакат ҳудудида бир йил давомида яшаш лозимлиги ҳақидаги аввалги талабни қайта тиклади [144-банд.].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Судья Bokhary чиқарган алоҳида қарорининг ўзига хос хусусияти шундаки, у инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ талабларини ҳисобга олган ҳамда конституциявий кафолатлар Гонконгнинг барча яшовчиларига, шу жумладан аризачи аёлга ўхшаб, бу шаҳарда доимо яшамайдиган шахсларга нисбатан ҳам амал қилишини таъкидлади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

[http://legalref.judiciary.gov.hk/lrs/common/ju/ju\\_frame.jsp?DIS=90670](http://legalref.judiciary.gov.hk/lrs/common/ju/ju_frame.jsp?DIS=90670).

**III. Мақсадга мувофиқлик**

«Мақсадга мувофиқлик» — бу суд назоратининг стандарти бўлиб, кўпинча умумий ҳуқуқ тизими қўлланиладиган мамлакатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги ёки қонунийлиги тўғрисидаги масала ҳал қилинаётганда фойдаланилади. Судьялар унинг ёрдамида тегишли қонун ёки амалиёт кўзланаётган мақсадлар ва ҳимояланиши зарур бўлган конституциявий ҳуқуқлар нуқтаи назаридан оқланган деб ҳисобланиши ёки йўқлигини таҳлил қиладилар.

ИИМ ҳуқуқлар судда ҳимояланаётганда «мақсадга мувофиқлик» стандарти турли ҳолатларда ҳар хил мақсадларга эришиш учун ишлатилиши мумкин<sup>245</sup>. Ушбу стандартдан шундай фойдаланишнинг барча ҳолатлари ҳам бир-бирига айнан ўхшаш ва параллель бўлиши мумкин, шу боис стандартни бир ишдан бошқа ишга ўтказиш доим ҳам ўринли бўлавермайди. Бундан ташқари, судлар қонун чиқарувчи ва маъмурий органлар қарорларидан қанчалик чўчимасликлари ёки чўчишларига қараб, ўзларини шунчалик эркин ёки сиқилган ҳис қиладилар. Шунга қарамай, суд ва квазисуд органлари мазкур концепциянинг у ёки бу вариантыдан қанчалик кўп фойдаланишлари диққатга сазовор, айниқса ИИМ ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича давлатнинг ижобий мажбуриятлари бузилганиги ҳақидаги ишларни кўриб чиқишди.

**1. ИИМ ҳуқуқлар бўйича суд жараёни доирасида мақсадга мувофиқлик**

ИИМ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш соҳасида ЖАР судларининг амалиёти, хусусан, Конституциявий суднинг *Grootboom* иши бўйича қарори алоҳида диққатга сазовордир<sup>246</sup>. Тегишли уй-жойга эга бўлиш бўйича конституциявий ҳуқуқ мазмунига мурожаат этиб, Суд давлатнинг

<sup>245</sup> «Мақсадга мувофиқлик», «мақсадга мувофиқ эмаслик» ва ҳатто «оқилона асосларни қайта кўриб чиқиш» — буларнинг барчаси турли, лекин бир-бирига чамбарчас боғлиқ суд назорати стандартлари бўлиб, турли юрисдикцияларда қўлланилади. Кўринг: Brian Griffey, *The 'Reasonableness' Test: Assessing Violations of State Obligations under the Optional Protocol to the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights* [«Мақсадга мувофиқликни» таҳлил қилиш: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол бўйича давлат мажбуриятлари бузилганлиги тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқиш], *Human Rights Law Review* журнали 11:2 (2011), 305–309-бандлар. 275–327-б.

<sup>246</sup> Қарорнинг тўлиқ матни куйидаги ҳаволада келтирилган: <http://www.constitutionalcourt.org.za/Archimages/2798.PDF>. Ишнинг таҳлилини куйидаги манбада кўринг: *ХЮКнинг суд тартибиде кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқот*. 38- ва 39-б.

уй-жой сиёсати мақсадга мувофиқ эмас ва конституциявий эмас, деб қарор қилди, чунки узоқ муддатли турар жой қурилишига асосий эътибор қаратиб, кўчада қолиб кетган одамларга бошпана тақдим этмайди. *Grootboom* иши бўйича чиқарилган қарор ЖАР Судининг ҳамда бошқа мамлакатлар суд ва квазисуд органларининг ИИМ ҳуқуқлар соҳасидаги ижобий мажбуриятларга бўлган ёндашувини шакллантиришга ўз таъсирини кўрсатди<sup>247</sup>.

Миллий судлар томонидан мақсадга мувофиқлик стандартини тушуниш ва ундан фойдаланиш бўйича ягона тушунча мавжуд бўлмаган шароитда халқаро даражада тегишли тенденцияларга мурожаат этиш айниқса аҳамиятлидир. Шу маънода мақсадга мувофиқликни баҳолаш ИИМҲХПга Факультатив протоколнинг (ИИМҲХП-ФП) матнида белгиланганлигини таъкидлаш муҳим. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита (ИИМҲҚ) 8.4 моддасига мувофиқ, иштирокчи-давлат томонидан ИИМҲХПда кўзда тутилган ҳуқуқларга мувофиқ кўрилган чораларнинг «мақсадга мувофиқлигини» кўриб чиқади. Шу билан бирга Қўмита иштирокчи-давлат ИИМҲХПда белгиланган ҳуқуқларни амалга ошириш учун бир қатор тегишли сиёсий чораларни қўллашга ҳақли эканлигини эътиборга олади<sup>248</sup>. 2007 йилда ИИМҲҚ Факультатив протоколни қабул қилиш тўғрисидаги музокаралар доирасида баёнотини чоп этиб, унда давлат томонидан кўрилган чоралар «тегишли ва мақсадга мувофиқ» деб ҳисобланиши мумкин ёки йўқлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда ўрганиб чиқиш лозим бўлган мезонларга оид кўрсатмаларни берди:

*«Иштирокчи-давлат томонидан мавжуд имкониятларнинг барчасини ишга солиб чора кўрилмаган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарни муҳокама қилаётганда Қўмита давлат томонидан ҳақиқатан қўлланилган қонуний ёки ўзга чораларни кўриб чиқади. Бу чоралар «тегишли» ёки «мақсадга мувофиқ» эканлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда Қўмита, бошқа чоралардан ташқари, қуйидаги фикрларни ҳам эътиборга олади:*

- a) *Кўрилган чоралар қай даражада онгли, аниқ ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш учун қаратилган бўлган;*

<sup>247</sup> Мақсадга мувофиқлик стандарти *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протоколни тайёрлаш* бўйича очиқ ҳуқуматлараро Ишчи гуруҳи даражасидаги музокаралар натижасида, қисман — ЖАР тажрибаси асосида қабул қилинган. Кўринг: ИИМҲХП-ФП. Шунингдек кўринг: Bruce Porter, *The Reasonableness of article 8(4) — Adjudicating Claims from the Margins*, Nordic Journal for Human Rights, vol. 27, No. 1 (2009), p. 39–53.

<sup>248</sup> Кўринг: *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протоколга оид ХЮК шарҳи*, инглиз, испан ва француз тилларида: <http://www.icj.org/comentario-del-protocolo-facultativo-del-pacto-internacional-de-derechos-economicos-sociales-y-culturales-commentary-to-the-optional-protocol-on-economic-social-and-cultural-rights/>. 80–84-б.; ҳамда Brian Griffey, 245-ҳавола.

- b) Давлат ўз ихтиёри билан ҳаракат қилиш эркинлигини камситишсиз ва асосли тарзда амалга оширганми;
- c) Иштирокчи-давлатнинг мавжуд ресурсларни ажратиш(ажратмаслик) тўғрисидаги қарори инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқ бўлганми;
- d) Сиёсий стратегияларнинг бир неча вариантлари мавжуд бўлган шароитларда, давлат Пактда кўзда тутилган ҳуқуқларни энг кам даражада чеклайдиган вариантыни танладими;
- e) Чоралар қай муддатларда кўрилган;
- f) Ушбу чоралар заиф ва камбағал шахслар ва шахслар гуруҳларининг ишончсиз ҳолатини ҳисобга олганми ва улар камситувчи бўлмаганми ҳамда оғир ва хавfli вазиятларга биринчи навбатдаги эътибор қаратганми»<sup>249</sup>.

## 2. Оқилона заруратни баҳолаш мезонларидан фойдаланиш: турли юрисдикцияларда амалиёт ҳусусиятлари

ИММ ҳуқуқлар чекланиши ўринли экани ҳақидаги масалани ҳал қилишда оқилона заруратга мувофиқ эмас, балки, бир қатор юрисдикцияларда янада қатъийроқ ҳисобланган «оқилоналик» мезони қўлланади. Мисол учун, АҚШ Олий суди *АҚШ Қишлоқ хўжалик вазирлиги Morenoга қарши* ишини кўриб чиқиб, вазирлик томонидан ишлаб чиқилган ёрдам дастури «бирон-бир оқилона асосга эга эмас» деб тан олди, сабаби, ушбу дастурда ўй хўжалиги аъзоларига, агар ушбу ўй хўжалигининг бошқа аъзолари билан қариндош бўлмаган, ҳеч бўлма-са бир киши яшаса, маҳсулот карточкалари тақдим этилиши кўзда тутилмаган<sup>250</sup>. Иш материалларидан шу нарса маълум бўлдики, тегишли қонун бошқа ҳудудий жамоаларнинг ижтимоий ёрдам билан мурожаат қилишига халақит қилиш мақсадида қабул қилинган экан.

*Eldridge Британия Колумбиясига қарши* (Бош прокурор) [1997] 3 S.C.R. 624 ишида Канада Олий суди ҳукумат тиббий ўтказмалар бўйича қиммат хизматларни тақдим этишни рад этиш учун мақсадга мувофиқ асослар мавжуд эканини кўрсатмаган, деган қарорга келган. Ҳуқуқнинг бу каби чекланишини асослаш учун ҳукумат ўтказмалар бўйича белгиланган лимит «қонунда кўзда тутилган бўлиб, эркин ва демократик жамиятда мақсадга мувофиқ» эканини исботлаши лозим эди.

<sup>249</sup> Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита, *Пактга Факультатив протокол билан кўзда тутилган «Мавжуд ресурсларни максимал доирада жалб қилган ҳолда» чораларни кўришга доир мажбуриятни баҳолаш тўғрисида»*ги баёнот, БМТ ҳужжати № E/C.12/2007/1 (2007), 8-банд.

<sup>250</sup> *US Department of Agriculture v. Moreno*, 413 US 528 (1973).

Қуйида кўриб чиқилган ва сувдан етарли миқдорда фойдаланиш ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ *Lindiwe Mazibuko* ва бошқалар Йоханесбург шаҳрига қарши ишида, ЖАР Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд тегишли сувни тақдим этиш ҳуқуқи биринчи талабга кўра давлат томонидан ҳар бир шахсга тегишли сув тақдим этилишини талаб қилинмаслигини, балки ушбу ҳуқуқ мавжуд ресурслар доирасида амалга оширилишини таъминлаш учун мақсадга мувофиқ қонуний ва бошқа чоралар қабул қилиниши зарур экани ҳақида қарор чиқарди<sup>251</sup>.

### **Reyes Aguilera, Daniela** Аргентинага қарши

**Йил:** 2013 (қарор чиқарилган сана: 5 февраль 2013 йил)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; Аргентина

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Оқилона зарурат; мутаносиблик; камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг маънода ҳимояланиш; соғлом бўлиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи, тегишли турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи; болалар, ногиронлар; мигрантлар

**Иш ҳақида маълумот:** Ариза берувчилар Ижтимоий нафақалар Миллий Агентлиги (*Comisión Nacional de Pensiones Asistenciales*) ногиронликнинг оғир шакли билан хасталанган боливиялик *Daniela Reyes Aguilera* исмли 12 яшар қизга ногиронлик бўйича нафақа тайинланишини сўраб судга мурожаат қилганлар. Улар, миллий конституция ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуққа асосланган ҳолда, қонунчиликдаги ногиронлик бўйича нафақага даъво қилишдан аввал, Аргентинада 20 йил мобайнида яшаётганини исботлашни белгилаб берувчи камситувчи қоидага нисбатан эътироз билдирганлар.

**Қарор:** Суд ишни ариза берувчилар фойдасига кўриб чиқиб, Даниэла ижтимоий таъминотга эга бўлишга ҳақли деган қарорни чиқарди.

Суд ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқини инсон ҳуқуқларидан бири сифатида тан олди. Суд ногиронлик бўйича нафақа олиши учун иммигрантлар мамлакат ҳудудида камида 20 йил яшаши лозимлиги ҳақидаги талаб ижтимоий таъминот ҳуқуқига нисбатан асоссиз [8-, 27-, 34- ва 41-б.], иррационал («*irrazonable*») [39-б.] ва номутаносиб тарзда чекловчи деб топилгани учун уни конституцияга зид талаб сифатида

<sup>251</sup> *Lindiwe Mazibuko & others v. City of Johannesburg & others*, Case CCT 39/09, [2009] ZACC 28, ЖАР Конституциявий суди (2009).

тан олди. Ундан ташқари, қарорда муҳокама қилинаётган ҳолатлар конституцияга зид деб топилиши учун бошқа асослар—келиб чиқиши ва миллати бўйича камситилмаслик ҳуқуқининг бузилиши [2- ва 36-б.], яшашга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши [15-б.], қонун олдида тенглик [5- ва 19-б.] ҳамда соғлом бўлиш ҳуқуқи ва ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи кўрсатилган.

**Қўшимча мулоҳазалар:** Суд баҳолашнинг «қатъий қайта кўриб чиқиш (strict scrutiny)» мезонларини қўллади. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, ушбу қарор аниқ иш бўйича чиқарилгани сабабли, Даниэла ногиронлик бўйича нафақа олишга эришди, лекин иммигрантлар мамлакатда маълум муддат мобайнида яшаши ҳақидаги қонун талаби ўзгартирилмади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <https://www.escri-net.org/caselaw/2009/reyes-aguilera-daniela-v-argentina>.

### **Joe Slovo, Ғарбий Кейп, аҳолиси Thubelisha Homes компанияси ва бошқаларга қарши, 2010 (3) SA 454 (CC)**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 10 июнь 2009 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; ЖАР

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мақсадга мувофиқлик; тегишли уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи; тегишли турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи.

**Иш ҳақида маълумот:** Кейптаун округидаги Joe Slovo но-расмий аҳоли яшаш пунктининг 20 000 га яқин аҳолиси ҳокимиятнинг ижрочи органлари ва кам бюджетли уй-жой қурилишини амалга ошираётган турар-жой кооперативи мурожаатига кўра, Юқори суднинг кўчириш ҳақида чиқарган буйруғи устидан шикоят аризасини тақдим этган. Кооператив аҳоли пунктида яшаётганларга вақтинчалик бошпана тақдим этишни ваъда қилган, лекин доимий уй-жой билан таъминлаш кафолатини бермаган.

**Қарор:** Конституциявий суд кўчириш ҳақидаги қарорни оқилана зарурат стандартига мос келиши бўйича таҳлил қилиб, суд назоратининг ушбу соҳадаги прецедентлари (ўхшаш ҳолатлари)га, хусусан, Grootboom бўйича ишга мурожаат қилиб, ҳокимият вакиллари «ноқонуний ижарачилар» сифатида кўрилатган кишилар тоифаси билан янада самаралироқ ҳамкорликни таъминлаши мумкин бўлган ҳолат мавжуд бўлишига қарамасдан, уларни кўчириш ҳақидаги қарорни мақсадга

мувофиқ экани тўғрисида қарор қабул қилганини эътироф этган [6-банд, шунингдек 115–118-бандлар].

Кўчириш энг қашшоқ, бошпанаси йўқ ёки қаровсиз турар-жой шароитларида истиқомат қилаётган шахсларнинг уй-жой ҳуқуқини босқичма-босқич амалга оширишга қаратилган чора сифатида хавфсиз ва соғлом яшаш шароитларига эга бўлган кам бюджетли уй-жой қурилиши учун бажарилаётганини, шунингдек, шикоят берилганидан сўнг, жавобгарлар жорий ижарачиларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қониқтириш мақсадида, уларга янги уй-жой майдонлари ажратиб беришга рози бўлганини ҳисобга олган ҳолда, Суд ҳокимият органлари оқилона йўл тутган деб ҳисоблади [138-, 139-, 172–175, 228- ва 234-бандлар]. Кўчириш масаласини кўриб чиқишда, Суд (жавобгарларнинг таклифидан фойланган ҳолда) кўчирилаётган кишиларга суд томонидан белгиланган мезонларга мос келувчи муқобил вақтинча уй-жой тақдим этилиши [10-банд], шунингдек янги турар-жой комплексидаги уй-жой майдонининг ижарачилар томонидан кутилаётган 70 фоизи, агар улар белгиланган мезонларга жавоб берса, айнан уларга ажратилишини кўрсатиб ўтган [5- ва 400-бандлар].

Ундан ташқари, Суд ижарачилар кўчиб ўтгунга қадар кўчиб ўтиш муддатлари ва бошқа масалалар, масалан, мол-мулкни вақтинча уй-жойга кўчириб ўтишда кўрсатиладиган ёрдам, мактаб, тиббиёт муассасалари ва иш жойига етиб олишлари учун ажратиладиган транспорт воситалари бўйича яқка тартибда келишиб олиш зарур эканлиги ҳақидаги қарорни қабул қилган. Шунингдек, Суд янги уй-жой айнан кўчиш вақтида кафолатланган тарзда тақдим этилишини таъкидлаган [5- ва 400-бандлар].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Ушбу ишда оқилона зарурат стандарти бўйича суд назоратига баҳо бериш қийин, сабаби, Суд асосий эътиборни томонлар ўртасидаги консенсус (келишув) га эришишга қаратган бўлиб, давлат сиёсатининг Конституция билан кафолатланган уй-жойга бўлган ҳуқуқ бўйича давлат мажбуриятларига мувофиқ бўлишини ўрганиб чиқмаган. Суд назоратининг стандарти сифатида мақсадга мувофиқликни баҳолаш мезони қўлланган турли ишлар бўйича қабул қилинган қарорларга мурожаат қилиш баробарида, ушбу стандарт «давлат ҳаракатларининг конституциявийлигини баҳолашда судларга каттагина эркинлик тақдим этилаётгани» яққол кўзга ташланаётгани қайд этилган (Kirsty McLean, *Constitutional Deference, Courts and Socio-economic Rights in South Africa*, p. 173).

Кўчиришга қадар бир қатор процессуал қафолатларга риоя қилиш заруратига урғу берилиши (шунингдек, ИИМҲХП 7-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларга ҳавола қилиниши) [236- ва 237-бандлар] уй-жойга бўлган ҳуқуққа риоя қилиш бўйича давлат мажбуриятининг муҳимлигини таъкидласа-да, узоқ муддатли давлат режасининг уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқининг аста-секин амалга оширишга қаратилиши, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш бўйича давлат зиммасидаги мажбуриятнинг бажарилиши устувор вазифа эканини англатади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.saflii.org/za/cases/ZACC/2009/16.html>.

### **Lindiwe Mazibuko ва бошқалар Йоханнесбург шаҳри ва бошқаларга қарши № ССТ 39/09 иш, [2009] ZACC 28**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 8 октябрь 2009 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; ЖАР

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мақсадга мувофиқлиги; сув ва санитарияга эга бўлиш ҳуқуқлари.

**Иш ҳақида маълумот:** Ушбу ишда Пхири округидаги Йоханнесбург шаҳри ҳокимлиги томонидан бошланган сув таъминотини яхшилаш ва сув йўқотилишини камайтириш учун сув қувурларини қайта ётқизиш, шунингдек, бир оилага бир ойлик олти куболитрга тенг бепул нормадан ортиқ ишлатилган сув учун ҳақ ундириш мақсадида, олдиндан пули тўланган сув ҳисоблагичларни ўрнатиш бўйича лойиҳанинг қонунийлиги устидан шикоят берилган.

**Қарор:** Суд, Конституция билан мустаҳкамланган тегишли сувдан фойдаланиш ҳуқуқида давлат учун ҳар бир шахсга тегишли сув тақдим этиш мажбурияти кўзда тутилмагани, балки ушбу ҳуқуқ мавжуд ресурслар доирасида амалга оширилиши таъминлаш учун оқилона қонуний ва бошқа чоралар қабул қилиниши зарур экани ҳақида қарор чиқарди [50-банд].

Суднинг фикрига кўра, шаҳар ҳокимлигининг белгиланган нормативдан (олти куболитр) ортиқ фойдаланилган сув учун ҳақ олинишини назарда тутган сувдан бепул фойдаланишни чеклаш тўғрисидаги қарори оқилоналик чегарасида бўлган [9-банд]. Оқилона зарурат мезонларига риоя қилиш бўйича таҳлил ўтказиб, давлатнинг позитив мажбуриятларига нисбатан суд ваколатларини белгилаб туриб, Суд қарор қабул қилдики, унга кўра «Мамлакат Конституциясида кўзда тутилган ижтимоий

ва иқтисодий ҳуқуқлар мазмунидан келиб чиқувчи давлатнинг ижобий мажбуриятлари қуйидаги ҳолатларда судлар томонидан мажбурий таъминланиши лозим. Агар давлат ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича чораларни кўрмаса, судлар давлатдан тегишли чоралар кўришни талаб қилади. Агар давлат мақсадга мувофиқ бўлмаган чораларни кўрса, судлар ҳам, ўз навбатида, чораларни ўзгартириб, улар оқилона заруратнинг конституциявий стандартига мос бўлишини талаб қилиши мумкин... Ва ниҳоят, аста-секин амалга ошириш мажбурияти ҳуқуқнинг аста-секин амалга оширилишини таъминлаш учун давлат ўзи олиб бораётган сиёсатни босқичма-босқич қайта кўриб чиқиши лозим эканини кўзда тутати [67-банд]. Суд ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни суд тартибида ҳимоя қилиш амалиётининг демократик қийматини таъкидлаган ҳолда, ариза берувчиларнинг иши шаҳар ҳокимлигидан олиб борилаётган сиёсатнинг ҳар томонлама асосланишини, ҳамда унинг оқилоналигини намойиш этиш зарурлигини кўрсатди» [160–163-бандлар].

Сувга эга бўлиш ҳуқуқининг минимал асосий ҳимояси масаласи бўйича Конституциявий суд, Олий суд ва Апелляция судидан фарқли ўлароқ, «етарли миқдордаги сув» тушунчасининг миқдорий мазмунини аниқлаштира олмаслиги ҳақидаги хулосага келди, сабаби, бу масала, биринчи навбатда, ҳукумат ваколатига кирувчи масала ҳисобланади [56- ва 61–68-бандлар].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Қарор суднинг ижроия ҳокимияти органларининг қарорларига нисбатан «эҳтиёткорлик» билан ёндашувини, хусусан, ҳокимиятнинг ижроия ва қонун чиқарувчи органлари ваколатига кирадиган масалаларга аралашини истамаслигидан далолат беради.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.saflii.org/za/cases/ZACC/2009/28.html>.

## IV. Мутаносиблик

Мутаносибликни баҳолаш мезонлари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги чекловлар тегишли (қонуний) асосланишларга мутаносиб бўлишини назарда тутати. Одатда, чекловлар мутаносиблигининг асосланишлари сифатида давлат мустақиллиги билан боғлиқ манфаатлар, бошқа асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, шунингдек яққол ва мавжуд хавфдан ҳимоя қилиш келтирилади. Ва аксинча, Чехия Конституциявий суди 2006 йил 6 июнь № Pl. US 42/04 қарорида<sup>252</sup> бола парвариши

<sup>252</sup> Батафсилроқ таърифланиши ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқотида, 37 бет.

учун нафақа тўланиши бўйича ариза бериш учун икки йиллик муддат ижтимоий суғурта бўйича тегишли бошқарма мақсадига мутаносиб эмаслигини тан олди, сабаби, айнан шу мақсадга асосий ҳуқуққа риоя қилишга тажовуз қилмайдиган бошқа воситалар орқали ҳам эришиш мумкин.

Янада янги мисолда ADPF 186 (Arguição de Descumprimento de Preceito Fundamental No. 186) Бразилия Олий суди ирқий тенгликка эришишга қаратилган сиёсатнинг конституциявийлиги бўйича масалани ҳал қилиш учун мутаносиблик ва мақсадга мувофиқлик мезонларидан фойдаланди. Олий суд мутаносибликни мақсадлар ва уларга эришиш учун танланган воситаларнинг ўзаро мослиги сифатида, мақсадга мувофиқликни эса — воситаларнинг мақсадларга мувофиқ бўлиши сифатида талқин қилди<sup>253</sup>.

### **ADPF 186 (Arguição de Descumprimento de Preceito Fundamental No. 186)**

**Йил:** 2012 (қарор чиқарилган сана: 26 апрель 2012 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; Бразилия

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Мақсадга мувофиқлик; мутаносиблик; Камситишни таққлаш ва қонун томонидан тенг маънода ҳимояланиш; таълим олиш ҳуқуқи.

**Иш ҳақида маълумот:** Ишда Бразилия университетига киришдаги ирқий квоталарнинг конституциявийлиги тўғрисидаги масала кўрилган.

**Қарор:** Ушбу ишда Бразилия Олий суди Университетга кириш учун ирқий квоталарни конституциявий деб тан олган. Суд қарорида мамлакат Конституциясига, шунингдек ирқий камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияга [8-б.] ҳаволалар келтирилган.

Суд муҳокама қилинаётган ижобий камситиш чоралари бир турда бўлмаган ва хилма-хил талабалар муҳитини яратишга, шунингдек тарихан шаклланган ижтимоий бузилишларни бартараф қилишга ва ирқий камситилиш контекстида амалдаги тенглик тамойилини ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидлаган [47-б.].

Суд мутаносиблик ва мақсадга мувофиқлик масаласини ирқий тенгликка эришишга йўналтирилган сиёсий стратегиялар

<sup>253</sup> Ишнинг қисқача баёнини қуйироқда, шунингдек ESCR-Net ташкилотининг суд қарорлари базасида <http://www.escr-net.org/node/364909> ҳавола бўйича кўринг.

конституциявийлигини баҳолаш стандартлари бўйича тадқиқ қилган. Суд Университет қўллаган воситалар, уларни қўллаш соҳаси нуқтаи назаридан вақтинчалик тусга эга эканини (шунингдек, эришилган натижаларга боғлиқ равишда даврий тарзда қайта кўриб чиқирилишини) ҳисобга олган ҳолда, кўзланган мақсадларга муносиб ва мақсадга мувофиқ деб топган [45-б.].

Суд Раиси аҳолининг тарихий ва маданий жиҳатдан камбағаллашган гуруҳларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳар қандай сиёсий стратегия қонуний экани Конституция билан мустаҳкамланишини кўрсатган: «Ижобий камситишнинг бу каби чоралари ҳар бир шахс тенгликка ва ҳурматга асосланган муносабат кўрсатилишига ҳақли эканини англатади. Биз жамиятимизни айнан шу йўл билан қурамиз»<sup>254</sup>. Олий суд йиғилиши давомида квоталар Конституциянинг эркин, адолатли ва бирлашган жамият қуриш, шунингдек ижтимоий камбағаллашиш ва тенгсизликни бартараф қилиш бўйича талабларига мос келиши судьялар томонидан қайд этилди.

Қўшимча мулоҳазалар: Қарор Бразилиянинг бошқа университетлари доирасида ирқий келиб чиқиши бўйича ижобий камситишнинг конституциявийлигини тасдиқлади. Энди, ижобий камситишни амалга ошираётган университетлар, ушбу дастурларни ҳаётга эркин татбиқ қила олишлари мумкин.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.stf.jus.br/portal/jurisprudencia/listarJurisprudencia.asp?s1=%28186%2EPROC%2E%29&base=baseInformativo>.

## V. Процессуал адолат ва қонуний жараёнлар

Процессуал адолат ва тегишли ҳуқуқий тамойилнинг кафолатланиши инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқ бўйича суд муҳокама-лари адолатли ўтказилишининг муҳим элементлари ҳисобланади<sup>255</sup>. Ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши одил судлов қилишда муайян ҳуқуқлар таъминланиши, шунингдек одил судловдан бахраманд бўлиш ҳуқуқидан ҳеч ким маҳрум қилинмаслигини (процессуал нуқтаи назардан) кўзда тутди<sup>256</sup>. Бу ҳуқуқ томонлар тенглиги ва иш бўйича

<sup>254</sup> Федерал трибунал томонидан тақдим этилган ахборотни кўринг: [http://www2.stf.jus.br/portalStfInternacional/cms/destaquesClipping.php?sigla=portalStfDestaque\\_en\\_us&idConteudo=207138/](http://www2.stf.jus.br/portalStfInternacional/cms/destaquesClipping.php?sigla=portalStfDestaque_en_us&idConteudo=207138/).

<sup>255</sup> Хусусан, ушбу ҳуқуқни Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўйича халқаро пактнинг 14-моддаси ҳимоя қилади/

<sup>256</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита, 32-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар, БМТ ҳужжати № ССРР/С/ГС/32 (2007), 2- ва 9-бандлар.

томонлар ўртасидаги камситилишга йўл қўйилмаслигини ҳам қамраб олади.<sup>257</sup>

Миллий миқёсда тегишли ҳуқуқий тамойил ва процессуал адолатнинг конституциявий кафолатлари суд ва квазисуд органлари томонидан турли ишлар бўйича турлича иш юритишлар доирасида амалга оширилади. Ушбу кафолатлар ИММ ҳуқуқлар ёки, ҳеч бўлмаганда, ушбу ҳуқуқларнинг айрим элементлари ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади<sup>258</sup>.

### **Joseph Йоханнесбург шахрига қарши, № ССТ 43/09 иш**

**Йил:** 2009 (қарор чиқарилган сана: 9 октябрь 2009 й.)

**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; ЖАР

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Процессуал адолат; инсон қадр-қиммати; тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи.

**Иш ҳақида маълумот:** Ушбу ишда ариза берувчилар шаҳар ҳокимлигининг тегишли органи уларни электр энергиясидан узиб қўйишидан олдин бу тўғрида хабарнома олишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилганлар. Ариза берувчилар ижарачи сифатида электр энергияси учун ҳақни ижара тўловининг бир қисми кўринишида уй-жой мулкдорига мунтазам равишда тўлаб келганларига қарамасдан, мулкдорда тўлов бўйича қарздорлик ҳосил бўлган. Натижада, Йоханнесбург шаҳрининг электр энергиясини етказиб берувчи компанияси (City Power), тегишли хабарномани ташкилот билан шартномавий муносабатларда бўлмаган ижарачиларга эмас, балки мулкдорга юбориб, электр энергиясини етказиб бериш бўйича хизматни тўхтатган. Ариза берувчилар, бошқа жойга кўчиб кетиш имкониятлари бўлмагани сабабли, электр энергиясиз тахминан бир йил яшаганлар.

**Қарор:** Ушбу ишда, ўз моҳиятига кўра Конституция билан кафолатланган тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқига риоя қилиш бўйича давлатнинг салбий мажбуриятини бузувчи регрессив чора ҳисобланган электр энергиясини узиб қўйиш орқали инсон қадр-қимматига бўлган ҳуқуқнинг бузилиши ҳақида сўз юритилган; шунга қарамасдан, иш дастлаб процессуал

<sup>257</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита, 32-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалар, БМТ ҳужжати № ССРР/С/ГС/32 (2007), 8-банд.

<sup>258</sup> ИИМ ҳуқуқларни миллий ва халқаро судларда ҳимоя қилиш жараёнида процессуал кафолатлардан, жумладан адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ унсурларидан фойдаланиш ҳақида батафсил маълумотлар ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти бўйича тадқиқотида берилган. 61–64-б.

адолат тамойили нуқтаи назаридан кўриб чиқилган [2- ва 32-бандлар].

Суд электр энергияси таъминоти коммунал хизматларнинг энг муҳими ҳисобланиб, шаҳар ҳокимлигининг тегишли органи Конституция ва қонун бўйича ўзининг оммавий мажбурияти доирасида тегишли муниципалитет аҳолисига электр энергиясини етказиб бериши лозим эканини кўрсатган [34–40-бандлар]. Шундай қилиб, Суд ариза берувчилар ушбу хизмат турини оммавий ҳуқуқ асосида олишга ҳақли эканлигини тан олди [40-банд].

Бундан ташқари, шаҳар ҳокимлиги ўзининг қонун ва Конституцияда кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришда зийраклик ва ҳурмат билан, шунингдек процессуал адолат тамойилларига мувофиқ тарзда иш кўриши лозим эканлигини таъкидлади [46-банд]. Суд процессуал адолатнинг муҳимлигини қуйидагича кўрсатди: «Процессуал адолат... одамларга кадр-қимматини сақлаган ҳолда жараёнда қатнашиш имкониятини тақдим этишга қаратилиб, маъмурий қарорларни қабул қилиш жараёнининг сифати ва оқилоналигини имкон қадар оширишга ва улар қонуний бўлишига кўмаклашади» [42-банд]. Демак, Суд ижарачиларни қонунда белгиланган ҳуқуқлари билан кафолатланган тегишли хизматлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилган City Power ташкилоти, ушбу ҳуқуққа аҳамиятли ва салбий таъсир кўрсатувчи қарорни қабул қилишдан олдин процессуал адолатни таъминлаши лозим эканлиги ҳақида қарор чиқарди [47-банд]. Суднинг қарорида процессуал адолат тамойилларига кўра электр энергияси узиб қўйилишидан камида 14 кун аввал тегишли хабарнома ижарачиларга етказилиши лозим эканлиги кўрсатилган [61-банд]. Хабардор қилишнинг бундай тартиби коммунал хизматлардан фойдаланувчилар белгиланган муддат давомида шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилиб, электр энергиясини узиб қўйиш ҳақидаги қарор устидан шикоят бериши ёки қарздорликни ёпиш бўйича тегишли чоралар кўришини кўзда тутди [63-банд]. Шунингдек, Суд электр энергияси етказиб берилишини тартибга солувчи қонун ости ҳужжатлар, электр энергиясини «хабардор қилмасдан туриб» узишга йўл қўядиган ҳолатлар қисмида конституциявий эмас эканини кўрсатди.

Бундан ташқари, Суд ариза берувчиларнинг ҳолати бўйича электр энергиясининг узиб қўйилиши тўғрисидаги қарорни ноқонуний деб топиб, шаҳар ҳокимлигига зудлик билан ижарачилар яшайдиган уй-жойларга электр энергияси узатилишини тиклаш вазифасини юклади [78-банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Ушбу ишда ИИМ ҳуқуқларга риоя қилиш бўйича давлат мажбуриятлари масаласи кўрилган.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.saflii.org/za/cases/ZACC/2009/30.html>.

## VI. Инсон қадр-қиммати

Конституциявий судлар ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун бошқа тамойиллар билан биргаликда ёки алоҳида стандарт сифатида инсон қадр-қиммати ҳимоя қилиш тамойилидан тез-тез фойдаланиб туришади. Бу ҳолат, айниқса, ушбу ҳуқуқлар миллий қонунчиликда бевосита тан олинмаган ишларда долзарб ҳисобланади.

Қуйидаги ишни ИИМ ҳуқуқларнинг турли аспекти суд ва квазисуд органлари томонидан қадр-қимматни ҳимоя қилиш сифатида талқин этилишига хос мисол қилиб келтириш мумкин.

### **Patricia Asero Ochieng ва 2 бошқа шахс Бош прокурор ва яна 1 шахсга қарши**

**Йил:** 2012 (қарор чиқарилиган сана: 20 апрель 2012 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; Кения

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Инсон қадр-қиммати; соғлом бўлиш ҳуқуқи; яшаш ҳуқуқи.

**Иш ҳақида маълумот:** Ишда контрафакт (қонунга хилоф) маҳсулотларга қарши кураш бўйича 2008 йилда қабул қилинган қонуннинг ОИВ/ОИТС га қарши дженерик-препаратлардан фойдаланиш имкониятига салбий таъсир кўрсатган ҳолатларининг конституциявийлиги муҳокама қилинган. Қонуннинг айрим ҳолатлари дженерик-препаратларни контрафакт давововчи препаратлар қаторига хато тарзда қўшганлар. Ушбу ҳолатларнинг амалиётда қўлланиши дженериклар ишлаб чиқарувчиларда фуқаровий ва жиноий жавобгарлик юзага келишига сабаб бўлиб, Кения аҳолисининг дори-дармонлардан фойдаланиш имкониятини кескин пасайишига олиб келган. Уз навбатида, препаратлардан фойдаланиш имкониятининг йўқлиги яшаш, соғлом бўлиш ва инсон қадр-қиммати каби инсон ҳуқуқларига путур етказган бўларди.

**Қарор:** Суд ариза берувчининг қонуннинг муҳокама қилинаётган ҳолатлари бўйича важларини маъқуллаб, ушбу

ҳолатлар конституциявий эмас деб тан олган ва Контрафакт маҳсулотларга қарши кураш тўғрисидаги қонуннинг 2 бўлимидаги ҳолатларига давлат тегишли ўзгартишлар киритиши зарурлиги ҳақидаги қарорни қабул қилган. [87(b)(v) ва 88 бандлар].

Суд Конституция томонидан кафолатланган инсоннинг яшаш, инсон қадр-қиммати ва соғлом бўлиш ҳуқуқларида соғлиқ учун ўта муҳим препаратлардан, шу жумладан дженериклардан фойдаланиш кўзда тутилганини таъкидлаган [87(a) банд].

Кейинчалик, Суд асосий ва устувор ҳуқуқлар (инсоннинг яшаш, инсон қадр-қиммати ва соғлом бўлиш ҳуқуқлари) интеллектуал мулк ҳуқуқларидан устунроқ эканлигини қайд қилган [86-банд]. Суд ИИМҲХП ҳолатларига, шунингдек соғлиқ ҳақидаги 14-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларга ҳавола бериб, фуқаролар соғлом турмуш кечириши учун шароитлар яратиб беришда давлатнинг ҳаракатсизлиги уларнинг соғлом бўлиш ҳуқуқи давлат томонидан бузилганини қайд этди [58–59 ва 61–63-бандлар].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Ишда давлатнинг ИИМ ҳуқуқлар контекстидаги мажбуриятлари, хусусан, риоя қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича мажбурияти ҳақидаги масала кўрилмоқда.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

<http://donttradeourlivesaway.files.wordpress.com/2012/04/kenya-judgment-petition-no-409-of-2009.pdf>.

## VII. Ҳаёт кечиришнинг энг паст даражаси (Existenzminimum)

ИММ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қўлланилувчи ҳуқуқлар, хусусан, Германия ва Швейцария судлари томонидан қўлланадиган ҳаёт кечиришнинг энг паст даражасига бўлган ҳуқуқ инсон қадр-қиммати ва уни ҳимоя қилиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу тамойил бир қатор юрисдикцияларда мустақил мавжуд бўлишига қарамасдан, ИИМҲХП бўйича ҳар бир моддий ҳуқуққа нисбатан асосий мазмун ёки асосий мажбуриятларни белгилаш негизини ташкил қилувчи концепцияни акс эттиради. Ҳаёт кечиришнинг энг паст даражасини таъминлаш тамойили ижтимоий ёрдамга эга бўлиш ҳуқуқининг, тегишли турмуш даражаси ва таълим олиш каби, ҳуқуқларнинг энг паст даражасини амалга оширишда фойдаланилади.

**Федерал Конституциявий суднинг қарори, 1 BvL 10/10****Йил:** 2012 (қарор чиқарилган сана: 18 июль 2012 й.)**Орган, мамлакат:** Конституциявий суд; Германия**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Асосий мундарижа; инсон қадр-қиммати; умумий фаровонлик давлати; муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи, мигрантлар.**Иш ҳақида маълумот:** Ишда бошпана излаётган шахсларга нақд кўринишда бериладиган нафақа миқдорининг инсон қадр-қиммати ҳуқуқи (Конституциянинг 1.1 моддаси) ва ижтимоий фаровонлик давлати тамойилидан (Конституциянинг 20.1 моддаси) келиб чиқадиган ҳаёт кечиришнинг энг паст даражасига бўлган ҳуқуққа мувофиқлиги кўриб чиқилган.**Қарор:** Суд тегишли нафақалар миқдори белгилувчи қонунчилик нормалари Германия Конституцияси билан мустақамланган энг паст даражадаги муносиб ҳаёт кечиришни кафолатлайдиган асосий ҳуқуқни [1 ва С.І.1 бандлар] бузаётганларини қайд этган. Ушбу ҳуқуқ универсал бўлиб, ҳам фуқароларга, ҳам чет элликларга нисбатан қўлланади [С.І.1.а банд]. У «инсоннинг жисмоний ҳаёт кечиришини, яъни озик-овқат, кийим-бош, уй анжомлари, уй-жой, иситиш, гигиена ва саломатлигини, шунингдек, ҳар бир инсон шахс сифатида доимо ижтимоий контекстда мавжуд бўлгани сабабли, шахсларо муносабатлар ва энг паст даражада бўлса ҳам ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётда иштирок этишини» назарда тутди [С.І.1.б банд]. Таъкидлаш зарурки, муҳокама қилинаётган нафақалар миқдори муносиб ҳаёт кечириш учун мутлақо етарли эмас эди.

Суд, Германияда нарх-наво жиддий равишда кўтарилганлигига қарамасдан, нафақалар миқдори 1993 йилдан буён ўзгармаганлигини қайд этиб, нафақалар миқдори мамлакатдаги аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгилаш лозимлигини таъкидлади. Конституция муносиб турмуш даражаси бўйича эҳтиёжлар ҳисоб-китобини шахснинг келиб чиқиш мамлақати ёки бошқа мамлакатлардаги ҳаёт кечиришнинг энг паст даражасига ҳавола қилган ҳолда пасайтиришга рухсат бермайди [С.І.1.д банд].

Суд сиёсий тусга эга мулоҳазалар *existenzminimum* тамойилига зид бўла олмаслигини аниқ-равшан кўрсатган ҳолда «миграция сиёсатининг мигрантларнинг янги оқимини рағбатлантирмаслик учун бошпана излаётган шахслар ва қочоқлар

учун нафақалар миқдори паст даражада қолиши ҳақидаги мулоҳазалари... одатда, нафақалар миқдорини жисмоний ва ижтимоий-маданий ҳаёт кечиришнинг энг кам даражасидан ҳам пастроқ бўлишини оқлаб бера олмайди... Инсон қадр-қиммати миграция сиёсатига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин эмас» [С.II.2.c банд]. Шу билан бирга, Конституция базавий ижтимоий нафақа олувчиларнинг мамлакат ҳудудида қайси мақомда яшашига қараб табақаланишига йўл қўймайди; шахс ҳаёт кечиришини таъминлашда қонунчилик доим аниқ эҳтиёжалардан келиб чиққан ҳолда иш кўриши керак [С.I.1.dd банд].

Бундан ташқари, Суд нафақалар миқдори реал эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинганини исботловчи далиллар мавжуд эмаслигини кўрсатиб ўтди. Суд нафақа миқдори долзарб ва мавжуд эҳтиёжларга жавоб берувчи шаффоф усулда ҳисобланиши зарур эканлигини қайд этди [С.I.1.f банд].

Яқунида Суд қонун чиқарувчига, бошпанага муҳтож шахсларга бериладиган пул нафақалари бўйича ҳаёт кечиришнинг энг паст муносиб даражасини таъминловчи янги ҳолатларни татиқ этиш вазифасини юклади. Суд муваққат чора сифатида нақд пул кўринишидаги нафақаларни оширилган миқдорда бериш тўғрисидаги оралиқ ҳолатни амалга киритди [D.1 ва 2 бандлар].

Қўшимча мулоҳазалар: Қарорда, шунингдек, қарор қабул қилишда давлат ихтиёрига бериш чегаралари тамойилига ҳавола мавжуд: Суд давлат нафақаларни тақдим этиш шаклини (нақд пул, муайян товарлар ёки хизматлар кўринишида) танлашда ва нафақалар миқдорини белгилаш бўйича ўз ихтиёрига кўра қарор қабул қилишда маълум эркинликларга эга бўлиши мумкин эканлигини тан олади [С.I.1.d банд].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:**

[https://www.bundesverfassungsgericht.de/SharedDocs/Entscheidungen/DE/2012/07/ls20120718\\_1bvI001010.html](https://www.bundesverfassungsgericht.de/SharedDocs/Entscheidungen/DE/2012/07/ls20120718_1bvI001010.html).

## VIII. Ихтиёрга бериш чегаралари

«Ихтиёрга бериш чегаралари» концепциясини, яъни ИИМ ҳуқуқлар ҳар томонлама амалга оширилишига эришиш учун давлат органлари томонидан фойдаланиладиган ихтиёр эркинлигининг кенг доирасини ИИМ ҳуқуқлар соҳасидаги суд амалиёти учун универсал тамойил сифатида қабул қилиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди

(ИҲЕС) ушбу доктринани бир қатор фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқларга нисбатан чекланган кўринишда қўллаган<sup>259</sup>. Шундай бўлсада, ихтиёрга бериш чегаралари тамойили ИҲЕС томонидан оммавий ёки жамоат манфаатлари билан боғлиқ ишларда, шунингдек ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалаларида тез-тез қўлланиб турилади<sup>260</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Суди (ИҲЕС) ушбу доктринани бир қатор фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқларга нисбатан чекланган тарзда қўллади. Шундай бўлсада, ихтиёрга бериш чегаралари тамойили ИҲЕС томонидан оммавий ёки жамоатчилик манфаати билан боғлиқ ишларда, шунингдек ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича қарор чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, «ихтиёрга бериш чегарали» стандарти ИҲЕС томонидан ишлаб чиқилиб, *Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясига* аъзо мамлакатлар томонидан миллий суд амалиётида кенг қўлланиб келмоқда. Германиянинг Конституциявий суди томонидан юқорида кўриб чиқилган Existenzminimum ҳақидаги ишда ушбу стандарт қўлланилганга қўшимча қилиб Дания Олий судининг 2012 йилда чет эллик муҳожирлар учун ишсизлик нафақаси бўйича қарорни қабул қилишида миллий суд амалиётига айнан шу стандартни киритганини мисол сифатида келтириш мумкин<sup>261</sup>.

<sup>259</sup> Хусусан, *Handyside Буюк Британияга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (ИҲЕС), № 5493/72 шикоят (1976), 48-банд; шунингдек *Evans Буюк Британияга қарши*, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (ИҲЕС), № 6339/05 шикоят (2007), 77-банд.

<sup>260</sup> 1991 йил Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси мулкдан тинчлик йўли билан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисидаги (*ZAMMIT ва бошқалар Мальтага қарши*) № 1656/90 шикоятнинг мақбуллиги бўйича қарор чиқарди. Ушбу қарорда уй-жой билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда давлат ихтиёрга бериш бўйича кенг доиралардан фойдаланиши қайд этилган. Хусусан, Комиссия ўз амалиёти ва «Суд давлатнинг уй-жой масалалари каби ижтимоий-иқтисодий масалаларга аралашуви аксарият ҳолларда ижтимоий адолат ва жамоат фаровонлигига эришиш учун зарур ҳисобланади. Бу соҳадаги қонун чиқарувчи орган томонидан ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни амалга оширишда тақдим этилган ихтиёрга бериш чегаралари, назорат чораларини оқловчи жамоатчилик манфаати мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда ушбу чораларни амалга ошириш тартибини белгилаш нуктаи назаридан доим етарли даражада кенг қамровга эга бўлади. Конвенциявий органлар қонун чиқарувчининг жамоатчилик манфаати, оқилона асослар мавжуд бўлмаган ҳолатларни истисно қилганда, қайси чоралар мувофиқ бўлиши ҳақидаги фикрини эътиборга оладилар». Бу ёндашувга асосланган ИҲЕС «ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича сиёсатни амалга оширишда давлатнинг ихтиёрига бериш чегаралари етарлича кенг қамровга эга» эканини тан олди (мисол учун, *FleriSoleri Camilleri Мальтага қарши* ишида, № 35349/05 шикоят (2006). Шунингдек, *Ghigo Мальтага қарши* ишини № 31122/05 шикоят (2006) остида кўринг. Ушбу иш бўйича ИҲЕС «Кўчмас мулкнинг мусодара қилиниши ва хоналар ижараси бўйича амалга оширилган қатъий назорат мамлакатдаги уй-жой ресурсларининг адолатли тақсимланиши ва фойдаланишига қаратилиб, уй-жой қурилиши учун яроқли ҳисобланган ер майдонлари тақчиллиги масаласини ҳал қилишга ёрдам берган, деб хулоса чиқарган. Бу чоралар, ижарачиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ...шунингдек бошпанасиз одамлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва пул тўлаш имкониятига эга бўлмаган ижарачиларнинг кадр-қиммати ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётга татбиқ этилган...»

<sup>261</sup> *A v. Municipality of Egedal and Ministry of Labour*, Дания Олий суди, № 159/2009 иш (2012).

## **А. Egedal Муниципалитети ва Меҳнат вазирлигига қарши**

**Йил:** 2012 (қарор чиқарилган сана: 15 февраль 2012 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; Дания

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Асосий мундарижа; Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг маънода ҳимояланиш; ихтиёрга бериш чегаралари; ҳаёт кечиришнинг тегишли даражасига эга бўлиш ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи; мигрантлар

**Иш ҳақида маълумот:** 2003 йили Ариза берувчига қочоқ мақоми берилган. Шундан сўнг, у 2007 йилга қадар Данияда камида етти йил яшаганларга бериладиган одатдаги нафақа ўрнига Start Help нафақасини (ишсизлик бўйича камайтирилган нафақа) олиб турган.

Ариза берувчи қўллаб-қувватлашга муҳтожларнинг барчасига давлат томонидан ёрдам кўрсатилишини кўзда тутувчи Конституциянинг 75.2 моддаси бузилгани ҳақида шикоят қилган. Бундан ташқари, у ИҲЕКнинг 14-моддаси (камситишни тақиқлаш) ИҲЕКнинг 8-моддаси (шахсий ва оилавий ҳаётни ҳурмат қилиш ҳуқуқи) ва ИҲЕК 1-сонли протоколининг 1-моддаси (шахсий мулк ҳимояси) билан биргаликда бузилаётгани ҳақида шикоят қилган, сабаби, Дания ҳудудида 7 йил яшаш талаби кўпроқ чет элликларга тааллуқли бўлиб, ўз моҳиятига кўра, билвосита камситиш ҳисобланади.

**Қарор:** Олий суд 75.2 моддада давлат ушбу модданинг таъсири остидаги шахсларга ҳаёт кечиришнинг энг паст даражасини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши кўзда тутилганини қайд этган. Бунда Суд ариза берувчи олиб турган Start Help нафақаси ва бошқа нафақаларнинг миқдори кўрсатилган эҳтиёжларни қондириш учун етарли бўлганини кўрсатган. Суд ИҲЕКнинг тегишли ҳолатларига мурожаат қилиб, ижтимоий ва иқтисодий сиёсат масалалари бўйича давлат томонидан ихтиёрга беришнинг кенг чегаралари тақдим этилганини қайд этган. Шундай қилиб, Суд Start Help нафақаси ИҲЕКнинг 14-моддаси мазмунига кўра Конвенция бўйича 1-сонли протоколнинг 1-моддаси билан биргаликда билвосита камситиш ҳисобланмаслиги ҳақида қарор чиқарган.

**Қўшимча мулоҳазалар:** 2011 йилнинг декабрь ойида Start Help нафақаси бекор қилинган бўлиб, ҳозирги вақтда барча шахслар, гарчи улар Данияда белгиланган муддат давомида яшамаган бўлсалар ҳам, ишсизлик бўйича одатдаги нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** [http://www.codices.coe.int/NXT/gateway.dll/CODICES/precis/eng/eur/den/den-2012-3-001?f=templates&fn=default.htm&vid=.](http://www.codices.coe.int/NXT/gateway.dll/CODICES/precis/eng/eur/den/den-2012-3-001?f=templates&fn=default.htm&vid=)

Ижтимоий ҳимояланмаган фуқароларга нисбатан уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ИХЕКга тақдим этилган бир қатор ишларда кўрилатган доктринадан фойдаланиш самарали натижа бераётган бўлса-да, ИИМ ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилишнинг самарадорлиги бир қатор аҳамиятли хатарлар билан боғлиқ, чунки суд назоратининг ушбу стандарти суд ўз-ўзини ҳокимиятнинг ижроия органлари томонидан белгиладиган доиралар билан ортиқча сиқиши билан чекланади.

Шу муносабат билан таъкидлаш зарурки, ушбу масала бўйича бўлиб ўтган қизғин мунозаралардан сўнг, давлатлар кўрилатган концепциянинг ИИМҲХПга Факультатив протокол матнидаги вариацияларидан фойдаланишни рад этдилар<sup>262</sup>.

<sup>262</sup> ИИМҲХП-ФК бўйича ўтказилган музокаралар давомида давлатлар ИИМҲҚда фойдаланиладиган «ихтиёрга бериш чегараларини» назорат стандарти сифатида киритилишини рад этдилар; унинг ўрнига «мақсадга мувофиқлик» стандарти қабул қилинди. Музокараларнинг сўнгги босқичидан олдинги таҳрирда берилган 8.4 модданинг ихтиёрга бериш чегаралари қайд этилган матнини *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга Факультатив протоколнинг* янги таҳририни кўринг, БМТ ҳужжати № А/НRC/8/WG.4/3 (2008 йил 28 март). 6-6; 8.4 модданинг фақат мақсадга мувофиқлик стандарти қайд этилган таҳририни ИИМҲХП-ФК матнида кўринг, 247-изоҳ. 4-6.

## 6-БОБ: ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ

*ХЮКнинг Суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқотида* самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш ва улардан фойдаланиш имконияти ва суд қарорларининг ижроси билан боғлиқ асосий масалалар ва мушкулликлар ўрганиб чиқилади. Хусусан, нашрда «Комплекс суд жараёни доирасида ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш суд тартиботининг оғирлик марказини суд мажлисидан ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш босқичига кўчириши мумкин. Бироқ, анъанага кўра, таомил суд тинглови босқичи энг аҳамиятли эканига таянади, демак, таомилда ушбу жараённи тартибга солиш асосий вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш босқичи ёрдамчи сифатида қолади, ва шу аснода ҳуқуқий ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш ва ижро этишга қаратилган таомилларни тартибга солишга етарли эътибор қаратилмайди», деб таъкидланган<sup>263</sup>.

Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг ажралмас қисми ҳисобланади<sup>264</sup>. Ҳуқуқий ҳимоя воситаси кечиктириб бўлмайдиган, қулай ва осон фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, мустақил ҳуқуқий орган томонидан тақдим этилса ва бузилишларни тўхтатиш ҳамда зарарни қоплаш хусусиятларига эга бўлсагина самарали ҳисобланади.

Бугунги кунда давом этаётган назарий мунозаралар доирасида бир қатор давлатлар ИИМ ҳуқуқларга тааллуқли ишлар бўйича судларнинг ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг айрим турларига мурожаат қилиш ваколатларига нисбатан эътироз билдирилаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Муаллифлар ушбу бобда, назариянинг мураккаб ҳолатларига эътибор қаратмасдан туриб, ўқувчилар диққатига турли юридикциялардан бир нечта мисолни тақдим этадилар. Бу мисолларда суд ва квазисуд органлари аниқ ишлар бўйича ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этиш масаласига қай тарзда ёндашганлари кўрсатилган<sup>265</sup>.

### **I. Ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг ҳар хил турлари**

Инсоннинг ИИМ ва бошқа ҳуқуқлари бузилишига қарши ҳуқуқий ҳимоя воситалари адолатни тиклашга ҳамда ҳуқуқлари бузилган одамлар-

<sup>263</sup> *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти*. 94-6.

<sup>264</sup> Кўринг: *ХЮКнинг Женева декларациясига юридик изоҳи*: <http://www.icj.org/legal-commentary-to-the-icj-geneva-declaration-upholding-the-rule-of-law-and-the-role-of-judges-lawyers-in-times-of-crisis/>. 24- ва 182-б.; шунингдек, *ХЮКнинг 2-сонли Амалий қўлланмаси «Ҳуқуқий ҳимоя воситаларига эга бўлиш ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари қўпол бузилганлиги учун зарарни қоплаш»* (ингл., фр., исп., араб ва тай тилларида): <http://www.icj.org/the-right-to-a-remedy-and-to-reparation-for-gross-human-rights-violations/>. 46-49-б.

<sup>265</sup> *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқоти*. 80-88-б.

га етказилган зарарларни қоплашга йўналтирилади. Айрим ҳолларда ҳуқуқий Ҳимоя воситаларининг таъсир кучи аниқ иш бўйича индивидуал жабр кўрган шахслар манфаатлари доирасидан сезиларли четга чиқиб кетган қонун ҳужжатлари, сиёсат ёки амалиётни ўзгартириш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилишдан иборат бўлиши мумкин. Шунга қарамасдан, Қўлланмада таъкидланганидек, ИИМ ҳуқуқлар бузилишини тузатишда қонунчилик ёки сиёсий стратегияларни ислоҳ қилиш кўринишидаги оқибатларга эга бўлган ҳуқуқий Ҳимоянинг тизимли воситалари тақдим этилишини талаб қилинмаслиги мумкин. Таъкидлаш лозимки, ИИМ ҳуқуқларни суд тартибда, ҳуқуқий Ҳимоя воситаларини тақдим этиш билан кўриб чиқиш босқичи, одатда, тегишли ҳуқуқларни умумлаштирилган контекстда амалга ошириш учун қабул қилиниши зарур бўлган чоралар доирасини белгилаш нуқтаи назарида салмоқли аҳамиятга эга бўлади.

## 1. Тузатиб бўлмайдиган зарар етказмаслик

ИИМ ҳуқуқларни Ҳимоя қилиш тўғрисида шундай ишлар мавжудки, уларда зарарни тузатиш асосий мақсад сифатида кўрилмайди. Аниқроғи, бу каби ишлар бўйича суд жараёнлари суд ёки квазисуд органига сўров, айрим ҳолларда эса, шошилишч тусга эга сўров жўнатилиши натижасида тузатиб бўлмайдиган зарар етказилишининг олдини олиш бўйича чораларни (катта эҳтимол билан, вақтинча чораларни) қабул қилишга қаратилган бўлиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг аксариятида, тўғридан-тўғри ёки тегишли таомилар (регламентлар)нинг қоидаларига асосан, суд ёки квазисуд органларининг дастлабки, вақтинча ёки профаликтик чораларни танлаш ваколатлари назарда тутилади<sup>266</sup>.

Суд ёки квазисуд органларида бу каби дастлабки ёки ўхшаш чораларни танлаш имконияти бўлмаганида, иш юритиш аксарият ҳолларда натижа бермай, тегишли шикоят мазмуни бекор бўлиб қолади.

<sup>266</sup> *Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси* (1969 йил 21 ноябрда қабул қилинган, 1978 йил 18 июлда кучга кирган), СДОАГ, Серия № 36, 63.2 модда; ИИМХХП-ФК, 5-модда; *Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияга Факультатив протокол*, 6-модда; АКТХК-ФП, 5-модда; *Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияга Факультатив протокол* (2006 йил 13 декабрда қабул қилинган, 2008 йил 3 майда кучга кирган), БМТ ҳужжати № А/61/106 (2006), 4-модда; *Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита тартиботи қоидалари* (2012 йил 11 январда қабул қилинган), БМТ ҳужжати № ССРР/С/3/Rev. 10, 92-қоида; *Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи муомала ва жазолашларга қарши Қўмитанинг тартиботлари қоидалари* (2013 йил 13 августда қабул қилинган), БМТ ҳужжати № САТ/С/3/Rev. 6, 114(1) қоида; Суд регламенти, *Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди* (2014 йил 1 июлда кучга кирган), 39(1) қоида; *Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси тартиботлар қоидалари* (2010 йил 18 августда кучга кирган), 98 қоида; шунингдек, *Инсонларнинг зўравонлик билан йўқолиши тўғрисидаги Америкаро конвенция* (1994 йил 9 июнда қабул қилинган, 1996 йил 28 мартда кучга кирган), СДОАГ, 68-сонли серияси, XIII модда.

Мисол учун, бу каби ҳолатларни қуйидагиларда кўриш мумкин: қазиш ишлари (масалан, тўғон қурилиши)да лойиҳанинг амалга оширилиши маҳаллий аҳолининг яшаш муҳити бузилишига олиб келиб, ҳаёт кечириши учун имкон қолдирмайди; жамоат соғлиқни сақлаш органлари томонидан даволашнинг бирон турини рад этиши оқибатида беморнинг ҳаёти ва саломатлиги хавф остида қолади; ёки таълим муассасасининг ноқонуний қарори талабанинг таҳсилни давом эттириш қобилиятига тиклаб бўлмайдиган зарар етказилади.

Миллий миқёсда суд ва квазисуд органлари келгусида пул ёки бошқа компенсация турлари билан қоплана олмайдиган тиклаб бўлмас зарар етказилишининг олдини олишга қаратилган таъминловчи, дастлабки ёки шошилиш таомилларни қўллайдилар. Роман-герман ҳуқуқий гуруҳига мансуб мамлакатларда фуқаровий ва маъмурий ҳуқуқ доирасидаги *référé* таомилида ҳуқуқни тиклаб бўлмайдиган бузилишини ёки муҳим ёзма далилларни сақлаб қолиш мақсадида судья томонидан бир неча кун ичида шошилиш қарор қабул қилиш имконияти назарда тутилади<sup>267</sup>.

3-Бобда баён этилган Колумбиядаги *acción de tutela* таомили тузатиб бўлмайдиган зарар етказилишини олдини олишга ва ҳуқуқ бузилиши ҳолатларида кечиктириб бўлмайдиган ва дастлабки чораларни қўллашга қаратилган таомилга мисол бўла олади. Умумий ҳуқуқ мамлакатларида эса, одатда, бир қатор ишлар бўйича суд тақиқлови кўринишидаги ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконияти кўзда тутилган.

## 2. Ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг турлари

«Ҳуқуқий ҳимоя воситаси» тушунчасининг мазмунини юрисдикцияга боғлиқ равишда ўзгариши мумкин. Айрим ҳолатларда ҳуқуқий ҳимоя воситаси асосан маъмурий ёки ижтимоий муаммоларнинг тузатилишининг ёхуд зарар қопланишининг процессуал аспекти назарда тутилди; бошқа ҳолатларда тўғридан-тўғри товон тўланиши билан чекланади. Халқаро ҳуқуққа кўра, самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаси, камида, ҳуқуқни бузиш тўхтатилишини ва зарар қопланишини таъминлаши лозим. Зарарнинг қопланиши таркибига реституция, компенсация, реабилитация, сатисфакция ва келгусида такрорланмаслик кафолати киритилиши мумкин. Сўнгги бандларнинг қўлланилиши, агар ҳуқуқларни бузиш манбаси норматив ёки стратегик тусга эга нуқсонлар бўлса, аксарият ҳолларда қонун ҳужжатлари ва сиёсий стратегиялар ўзгартирилишини тақозо қилади.

<sup>267</sup> Мисол учун, Франциянинг Меҳнат кодексига мувофиқ (L4732-1 ва L4732-2 моддалари) меҳнат инспекцияси ишлаб чиқариш хавфсизлиги қоидалари бузилгани ҳақидаги ишлар бўйича ишчиларнинг жисмоний дахлсизлиги, соғлиғи ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун шошилиш чоралар кўрилиши тўғрисидаги сўровнома (*juge des référés*) билан судьяга мурожаат қилиши мумкин.

Қатор ҳолларда ҳуқуқий ҳимоя воситаси жуда аниқ бўлиб, фақат кўрилатган иш билан чекланиши мумкин. Мисол тариқасида кечиктирилган иш ҳақининг тўланиши ёки ноқонуний ишдан бўшатирилган ишчини лавозимида тикланиши ёхуд аввалига ижтимоий ёки ирқий келиб чиқиши туфайли ўқишга қабул қилинмаган шахсни таълим муассасасига қабул қилиш каби аниқ бир шахсга нисбатан маъмурият томонидан қонунга зид чоралар кўрилганлиги тўғрисидаги ишларни келтириш мумкин. Бу каби ҳолатларда кузатирилган қонунбузарликлар, қонун ёки давлат сиёсати миқёсида тузилмавий ёки тизимли нуқсонлар мавжуд бўлганидан далолат бермайди.

Ноқонуний қарорлар қурбонлари ҳам, қуйида келтирилган ҳолатда бўлганидек, фақатгина декларатив тусга эга қарор чиқарилишини сўрашлари мумкин<sup>268</sup>. Кўрилатган ишда даъвогарлар Олий суд қарори бўйича қонуннинг тегишли моддалари бўйича тушунтириш берилишини сўраганлар. Хусусан, тегишли қонуннинг мамлакат ҳудудида беш йилдан камроқ яшаган қонуний иммигрантлар соғлиқни сақлаш бўйича давлат дастуридан фойдалана олмаслиги ҳақидаги моддаси Конституцияга зид эканини тан олишни Суддан талаб қилганлар.

**Dorothy Ann Finch ва бошқалар Commonwealth Health Insurance Connector Authority га қарши, № SJC-11025 иш (MA S. Jud. Ct., Jan. 5, 2012)**

**Йил:** 2012 (қарор чиқарилган сана: 6 январь 2012 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; АҚШ

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Камситишни тақиқлаш ва қонун томонидан тенг маънода ҳимояланиш; соғлом бўлиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи; мигрантлар.

**Иш ҳақида маълумот:** Ариза берувчилар Массачусетс штатининг қонун чиқарувчи органининг АҚШда беш йилдан кам яшаган иммигрантлар Commonwealth Care Health Insurance (яъни, Ҳамдўстлик доирасидаги Саломатлик суғурта хизматлари) дастури доирасида кўрсатиладиган тиббий ёрдам учун давлат субсидияларини олиш ҳуқуқига эга эмаслиги тўғрисидаги қарори устидан шикоят этганлар. Даъвогарлар Суддан дастурдаги ушбу истисно Конституцияга мувофиқ эмаслигини тан олишни сўраганлар.

<sup>268</sup> *Dorothy Ann Finch and others v. Commonwealth Health Insurance Connector Authority*, Массачусетс штати Олий суди, № SJC-11025 иш (MAS. Jud. Ct., 5 январь 2012 й.). Шунингдек *Joseph v. City of Johannesburg*, ЖАР Конституциявий суди, № ССТ 43/09 иш (2009) кўринг, ишнинг қисқача баёни ушбу Қўлланманинг 5-Боби, III.2 бўлимида келтирилган.

**Қарор:** Массачусетс штатининг Олий суди қайта кўриш бўйича қатъий стандартни (*strict scrutiny*) қўллаб, қонуний иммигрантларнинг тегишли тоифасини тиббий суғурталаш дастуридан четлатилиши, Массачусетс штатининг қонун томонидан тенг маънода ҳимоялашни кафолатловчи Конституциясига зид, деб қарор чиқарди. Суднинг фикрича, ушбу вазиятнинг асосини ташкил қилган молиявий тусга эга мулоҳазалар ҳеч бир ҳолатда қайта кўриш бўйича қатъий стандартга кўра муҳим давлат манфаати сифатида тан олиниши мумкин эмас [237–242 б.]. Бундан ташқари, Суд давлат зарур манфаатни қондириш мақсадида қонунчиликни пухта ишлаб чиқишга қаратилган процессуал талабларга қатъий риоя қилишга уринмаганини таъкидлади [242–249-б.]. «Қонунчиликни пухта ишлаб чиқиш масаласи «камситишга асосланган ёндашувга қонун чиқарувчи олдида турган мақсадларга эришиш имкониятини берувчи «ишчи» муқобил вариантларни жиддий ва сидқидилдан тадқиқ қилинишини» кўзда тутди». Кўрилаётган иш ушбу талабларга риоя қилинмаган [242-б.].

Иш якунида Суд таъкидладик, «Камчилик, кўпчилик тазйиқидан ҳимоя қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, мустақил суднинг ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир... Агар даъвогарларнинг қонун томонидан тенг маънода ҳимояланиш ҳуқуқи бузилган бўлса, ушбу ҳуқуқ бузилишини тан олиш бизнинг вазифамиз ҳисобланади» [249-б.].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Иш штат Конституцияси асосида кўрилгани сабабли, кейинчалик қарор устидан АҚШ Олий судига шикоят бериш кўзда тутилмаган бўлиб, қарор ягона ва яқуний деб ҳисобланади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://masscases.com/cases/sjc/461/461mass232.html>.

2013 йилда Уганда Конституциявий суди *Advocates for Natural Resources & 2 others v. Attorney General & another*<sup>269</sup> ишини худди шу тарзда кўриб чиқди. Бу ишда ариза берувчилар қонун ҳолатлари ва ҳоқимият органларининг ҳаракатлари Конституциянинг 137-моддасига мувофиқ эмаслиги тўғрисида декларатив қарор чиқарилишини сўраганлар.

Суд Ер сотиб олиш тўғрисидаги Қонуннинг 7(1) моддаси Конституциянинг мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини кафолатловчи 26(2) моддасига зид эканлигини таъкидлади. Сабаби, муҳокама қилинаётган модда-

<sup>269</sup> *Advocates for Natural Resources & 2 others v. Attorney General & another*, Уганда Конституциявий суди, 40-сонли конституциявий шикоят, 2013, [2013] UGCC 10 (2013).

да ер майдони давлат томонидан мажбурий равишда сотиб олинаётганида дастлабки товон тўланиши кўзда тутилмаган. Суд, шунингдек, ер майдонларини тортиб олиб, дастлабки товонни тўламаган Уганда давлат йўл хўжалиги бошқармасининг ҳаракатлари Конституциянинг айнан шу 26(2) моддасига мувофиқ эмаслигини кўрсатган.

Бошқа ҳолатларда суд ва квазисуд органлари ҳуқуқ бузилишини аниқ иш бўйича вазиятларни кўриб чиқиш доирасида эмас, балки алоҳида қонун ёки маъмурий ҳаракатнинг конституцияга мувофиқлиги ҳақидаги умумий ёки абстракт масалани ҳал қилишда тан олиши мумкин.

ЖАР, Ҳиндистон ва Колумбия судлари чиқарган қарорларни сиёсий стратегиялар ишлаб чиқиш ёки аҳолининг маълум гуруҳлари учун нафақалар тақдим этиш заруратини кўрсатган ҳолда тизимли ҳуқуқий ҳимоя воситаларини қўллашнинг эътиборга лойиқ мисоллари сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу ЖАРда тегишли уй-жойга эга бўлишни таъминловчи конституциявий ҳуқуқ бузилиши; Колумбияда ВИЧ билан зарарланган ҳомиладор аёлларга антиретровирус препаратларини тақдим этишдаги чекловлар, ҳаёт кечириш ва соғлом бўлиш ҳуқуқларининг бузилиши; Ҳиндистонда овқатланиш ҳуқуқининг дон экинларининг етарли ҳосили бўлишига қарамасдан, очлик туфайли ўлим ҳолатлари билан боғлиқ бузилиши; шунингдек Ҳиндистонда қашшоқлик чегарасидан пастроқда кун кечираётган икки аёлга оналикни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли хизматлар тақдим этилмаслиги оқибатида конституциявий ва репродуктив ҳуқуқларнинг бузилиши тўғрисидаги ишлардир. Юқорида санаб ўтилган ҳолатларда судлар ҳокимият органлари томонидан муайян ҳаракатлар амалга оширилишини белгиловчи турли қарорлар ва суд тақиқловларидан фойдаланганлар<sup>270</sup>.

**LaxmiMandal DeenDayalHarinagar касалхонаси ва бошқаларга қарши, W.P.(C) № 8853, 2008 й.**

**Йил:** 2010 (қарор чиқарилган сана: 6 апрель 2010 й.)

**Орган, мамлакат:** Олий суд; Ҳиндистон

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Соғлом бўлиш ҳуқуқи; яшаш ҳуқуқи; Тегишли тарзда овқатланиш ҳуқуқи; аёллар; болалар

**Иш ҳақида маълумот:** Ушбу ишда қашшоқлик чегарасидан пастроқда кун кечираётган икки аёлнинг конституциявий ва

<sup>270</sup> *The Government of the Republic of South Africa and others v. Irene Grootboom and others*, ЖАР Конституциявий суди, № 2001 (1) SA 46 (CC) қарор (2000); *South African Minister of Health v. Treatment Action Campaign*, ЖАР Конституциявий суди, № 2002 (5) SA 721 қарор (2002); *People's Union for Civil Liberties v. Union of India & others (PUCL)*, Ҳиндистон Олий суди, № 196/2001 шикоят (фуқаролик иши бўйича) (2001); *Laxmi Mandal v. Deen Dayal Harinagar Hospital & others*, High Court of Delhi, W.P.(C) № 8853/2008 қарор (2009) кўринг.

репродуктив ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита шикоят кўриб чиқилган. Уларнинг икковига ҳам оналикни сақлаш бўйича тегишли хизматлар ҳам ҳомиладорлик вақтида, ҳам фарзанд туғилганидан кейин тақдим этилмаган. Тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги туфайли бир аёл оламдан кўз юмган.

**Қарор:** Суд ҳукумат томонидан оналар ва чақалоқлар ўлими сонини камайтириш бўйича давлат дастурлари доирасида кўзда тутилган перенатал ва постнатал хизматларни самарали кўрсатилишида ҳукуматнинг тўлиқ ва тизимли ҳаракатсизлиги кузатилганини қайд этган. Бу каби ҳаракатсизлик нафақат юқорида қайд этилган ва шикоят аризаси уларнинг иши бўйича берилган икки аёлга, балки бошқа кўпгина аёлларга ҳам ўта салбий таъсир қилган [1-, 2- ва 40-бандлар].

Суд таъкидладикки, ҳар бир шахс ҳуқуқларининг ажралмас қисми ҳисобланган омон қолишга бўлган икки ҳуқуқ: соғлом бўлиш ҳуқуқи (ушбу ҳуқуқ давлат тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдам ва даволашнинг минимал даражасидан фойдаланиш ҳуқуқини назарда тутуди), хусусан, онанинг репродуктив ҳуқуқи бузилиши ва кечиктирилмайдиган ҳимоя ва қашшоқлик контекстида мажбурий таъминланишини кўзда тутувчи овқатланиш ҳуқуқининг бузилиши шикоят предмети сифатида кўриб чиқилган [2- ва 19-бандлар]. Суд инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ ва миллий суд амалиётига юзланган ҳолда, ушбу ҳуқуқлар ўзаро боғлиқ ва бўлинмаслигини қайд этди. Конституциянинг 21-моддаси билан кафолатланган яшаш ҳуқуқининг турли аспекталарини сақлаш, ҳимоя қилиш ва мажбурий таъминлаш зарурати, асосий конституциявий ҳуқуқларнинг бузилганлиги тўғрисидаги суд ҳулосаси учун асос бўлиб хизмат қилди [19–27-бандлар].

Қарорда тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканликларини исботлаш қашшоқларнинг енг муҳим мажбуриятлари ҳисобланиб, тегишли хизматлардан баҳраманд бўлиш учун амалдаги озиқ-овқат карточкасини тақдим этиш талаби хизматлардан фойдаланишдаги асосий тўсиқ бўлган; шунингдек, ҳукумат имкон қадар кўпроқ аҳолини қамраб олиши лозим бўлган асосий хизматлардан фойдаланиш тартибини содда-лаштириши зарур шарт эканлиги кўрсатилган [48-банд].

Суд кўрсатдики, «жамоат саломатлиги ҳақида мулоҳаза қилинганда, ҳеч бир аёл, айниқса, ҳомиладор аёл, ижтимоий келиб чиқиши ва моддий шароити қандай бўлишидан қатъи

назар, маълум муддат давомида тиббий хизмат кўрсатилишида тўсиқларга дуч келмаслиги керак. Айнан бу каби ҳолатларда яшаш ҳуқуқининг ажралмас қисми ҳисобланган соғлом бўлиш ҳуқуқини мажбурий таъминлаш ҳақида сўз юритилади» [48-банд].

Суд нафақат қурбонларга компенсация тўланишини белгилади [55- ва 56–61-бандлар], балки оналикни муҳофаза қилиш дастурларини ислоҳ қилиш заруратини; соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти давлатнинг бутун ҳудудида бирдек тақдим этилишини; амал қилиш соҳалари қисман кесишадиган қонун нормаларини қўллаш тартиби тушунтирилиши, шунингдек қатор дастурлардаги нуқсонлар бартараф қилиниши ва ушбу норма ва дастурларнинг айрим жиҳатларини синчковлик билан қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд эканлигини таъкидлади [62 (i), (ii), (iii), (iv) банд].

**Кўшимча мулоҳазалар:** Ушбу иш ҳуқуқий ҳимоя воситалари ва Суд қарорида кўрсатилган ҳаракатлар бўйича қўлланма контекстида ўта муҳим ҳисобланади.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** [http://www.escr-net.org/sites/default/files/Mandal\\_Court\\_Decision.pdf](http://www.escr-net.org/sites/default/files/Mandal_Court_Decision.pdf).

Гватемалада суд Кикимула департаментидаги болалар ишини<sup>271</sup> кўриб чиқиб, тегишли тарзда овқатланиш ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқ, соғлом бўлиш ҳуқуқи ва уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқлари бузилганлигини тан олди. Суд томонидан қабул қилинган қарор болалар ва уларнинг оилаларида бугунги кунда мавжуд бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда вазият барқарор тарзда яхшиланишини таъминлаш масадида янада кенг қўламдаги тузилмавий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг батафсил рўйхатини белгилаб берди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, суд қарорини мувофиқлаштириш ва самарали амалга оширилишини таъминлаб берувчи вазирликлараро ва тармоқлараро қўмита протоколини тайёрлаш зарурати Суд томонидан қайд этилди.

Кали шаҳридаги чиқинди йиғувчилар иши муносабати билан 5-Бобда кўриб чиқилган Колумбия Конституциявий судининг № Т-291/09 қарори ҳам кечиктириб бўлмайдиган ҳамда ўрта муддатли ва узоқ муддатли ҳаракатлар амалга оширилишини кўзда тутувчи ҳуқуқий ҳимоя воситалари сирасига киради. Бу каби чоралар таркибига

<sup>271</sup> Бу иш ҳақида батафсил маълумотлар ушбу Қўлланманинг VI бўлими, 4-Бобида келтирилган.

чиқинди йиғувчиларнинг соғлом бўлиш, таълим олиш, муносиб уй-жойда яшаш ва овқатланиш ҳуқуқларини амалга ошириш чоралари, чиқинди йиғувчилар эҳтиёжларини қондириш бўйича шошилинч чоралар, чиқинди йиғувчилар учун ижтимоий ҳимоя ва таълим дастурларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун ўрта муддатли ва узоқ муддатли чораларни амалга ошириш, шунингдек чиқиндилар утилизацияси бўйича муниципал тизимни ислоҳ қилиш ва чиқинди йиғувчиларни иқтисодиётнинг расмий тизимига бирлаштириш киради.

## **II. Қарорларни ижро этиш/мониторинг**

Тақдим этилган ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг хусусиятлари қандай бўлишидан қатъи назар, суд ва квазисуд органлари ўз қарорларининг ижро этилишида маълум қийинчиликларга дуч келадилар. Таъкидлаш лозимки, бир қатор органлар ушбу муаммо ечимига ижодий ёндашганлар.

### **1. Суд қарорлари ижро этилмаган ҳолатларда ҳимоя қилиш воситалари**

Ҳокимиятнинг бошқа органлари томонидан суд органлари қабул қилган якуний қарорларига риоя қилиш ва уларни ижро этиш қонун устуворлиги тамойилининг асосий элементи ҳисобланади<sup>272</sup>. Шунга қарамасдан, қарорларнинг ижро этилиши, айниқса, сиёсий тусга эга ва/ёки муҳим иқтисодий манфаатлар билан боғлиқ қарорларнинг ижро этилиши юридик ва ИММ ҳуқуқларни судда ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан доимий ва реал муаммо бўлиб келган.

Умуман олганда, суд қарорлари мажбуран ижро этилишини таъминловчи процессуал механизмлар миллий миқёсда мавжуд. Бироқ, аксарият ҳолларда, айниқса, қарорлар тизимли камчиликларни тузатиш бўйича чоралар кўрилишини назарда тутадиган бўлса, ушбу механизмларнинг самарадорлиги кескин пасаяди.

Қуйида шунга ўхшаш қийинчиликларга мисол бўла оладиган иш кўриб чиқилади.

Умумий ҳуқуқ юрисдикцияларида, масалан, тегишли таомил судьялар ваколатларини роман-герман ҳуқуқи амал қилувчи гуруҳдаги ваколатлардан кенгроқ доирада тақдим этадиган Свазилендда, судьялар ИММ ҳуқуқларга тааллуқли ишлар бўйича уларнинг қарорларига риоя

<sup>272</sup> ХЮК Женева декларациясининг 2-тамоийили «Қонун устуворлигини ҳимоя қилиш ва судьялар, адвокатларнинг танглик вақтидаги роли», қуйидаги ҳаволани кўринг (инглиз тилида): <http://www.icj.org/legal-commentary-to-the-icj-geneva-declaration-upholding-the-rule-of-law-and-the-role-of-judges-lawyers-in-times-of-crisis/>.

қилинмаслиги ва ижро этилмаслиги учун айбни давлат органлари зиммасига юклаганлар<sup>273</sup>.

### **Madeli Fakudze полиция Комиссари ва бошқаларга қарши (8/2002)**

**Йил:** 2002 (қарор чиқарилган сана: 1 июнь 2002 й.)

**Орган, мамлакат:** Свазиленд Олий суди

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Қонун устунлиги; тегишли уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи

**Иш ҳақида маълумот:** Madeli Fakudze (ишда жавобгар сифатида қатнашган) Ички ишлар вазирлиги томонидан 2000 йил августида қабул қилган қарорига кўра кўчирилиши лозим бўлган тўрт фуқародан бири. Жавобгар, Олий суд томонидан унинг кўчирилишига нисбатан тақиқлов қўйишига эришганидан кейин, хавфсизлик хизмати уни қонунга зид равишда кўчишга мажбур қилгани ҳақида шикоят қилган. Жавобгар уйига қайтганида уни полиция ходимлари кутиб олишган. Уларнинг (полиция ходимларининг) гапларига қараганда, улар Полиция Комиссарининг жавобгарни зудлик билан кўчириш ҳақидаги Суд буйруғига зид бўлган оғзаки буйруғига асосан ҳаракат қилганлар. Шундан сўнг Суд, *status quo ante* ни тиклаш мақсадида, ўз тақиқловини бекор қилган. Полиция ходимлари кўрилатган ҳодисалар вақтида суд буйруғидан хабардор бўлганликларини таъкидлаганлар, лекин «миллий хавфсизлик» ҳақидаги мулоҳазалар ушбу қарорларни

<sup>273</sup> Судга ҳурматсизлик учун жавобгарликка тортиш таомили ЖАР ва Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳам тез-тез қўлланади, масалан, Malcolm Langford, *Domestic Adjudication And Economic, Social and Cultural Rights: A Socio-legal Review*, SUR нашри, vol. 6, No. 11 (2009), pp. 91–121, para. 106. *Philane Hlophe & others v. City of Johannesburg, Executive Mayor, City Manager & others*, South Gauteng High Court, Йоханнесбург, № 48102/2012 ишда (2013), Суд шаҳар ҳокимлигини, шу жумладан, шаҳар ҳокими ва шаҳар маъмурияти раҳбарига икки ой муддат ичида қурбонларга бошпана тақдим этилиши учун барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини юклаган. Акс ҳолда, судга беҳурматсизликда айбланиб, уларга нисбатан жарима солиниши ёки озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазо белгиланиши суд қароридида қайд этилган. Шаҳар ҳокимлиги, тегишли суд қарорини ижро этиш мажбуриятини олган бўлсада, хусусий ер участкаларидан кўчирилиши туфайли кўчада қолиб кетиши мумкин бўлган шахсларга вақтинча бошпана тақдим этишнинг белгиланган муддатларини бир неча марта кечиктирдилар. *South African Minister of Health v. Treatment Action Campaign* иши, № 2002 (5) SA 721 (2002) қарор, бўйича ЖАР Конституциявий суди, 2002 йил декабрдаги қарор қабул қилинганидан кейин бир муддат ўтиб, Соғлиқни сақлаш вазири ва Мумаланга провинциясидаги Соғлиқни сақлаш бўйича Ижро Қўмитаси аъзосига нисбатан судга беҳурматсизлик тўғрисидаги ишни кўзғатди. Батафсил маълумотлар: Mark Heywood, *Contempt or compliance? The TAC case after the Constitutional Court judgment*, ESR Review нашри, vol. 4, № 4 (2003), pp. 7–10; шунингдек Mia Swart, *Left out in the cold? Crafting constitutional remedies for the poorest of the poor*, South African Journal on Human Rights, vol. 21 (2005), pp. 215, 223–224.

бажаришга тўсқинлик қилган, сабаби, миллий хавфсизлик, суд қандай қарор чиқаришидан қатъи назар, бошқа манфаатлардан муҳимроқ бўлган.

**Қарор:** Суд миллий хавфсизлик тўғрисидаги мулоҳазаларни суд буйруғини ижро этиш йўлида сунъий тўсиқларни яратишда «чўкаётган одам чўпга ёпишар» қабилидаги уриниш сифатида баҳолаб, бу важни рад этди [8-б.]. Суд, Бош прокуратура вакили Апелляция судининг кўчирилган фуқароларга ўз уйларига қайтишга рухсат бергани тўғрисидаги дастлабки қарорига эътироз билдирмаганини (миллий хавфсизлик манфаатларига ҳавола қилган ҳолда) қайд этди.

Суд, полиция ходимлари миллий хавфсизлик учун таҳдид мавжуд эканини тасдиқловчи маълумот беришдан бош тортганларига танқидий муносабат билдириб, полиция ходимларининг бу ҳаракатини суд буйруғига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатиш ҳамда суд буйруғини бажармаслик учун асосли сабаб бўла олмаслигини таъкидлади [8-б.].

Суд судья Matsebula томонидан чиқарилган буйруқни кучда қолдирди ва «Мазкур Суд буйруғига риоя қилишдан атайлаб бош тортган ҳар қандай шахс суд буйруғини мажбуран бажариши учун тегишли чора орқали жазога тортилиши мумкин» деган қарорни чиқарди [9-б.].

Судга беҳурмат муносабатда бўлишни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида таърифлаган Суд, S v. Beyers (1968 й.) ишига ҳавола қилган ҳолда, фуқаролик ишлари доирасида кўриладиган суд қарорини ҳурмат қилмаслик бўйича ишлар, жабрланган томоннинг аризасига асосан кўзғатилишини кўрсатиб ўтди. Суд бир нафар полиция ходимини озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди [10-б.].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** <http://www.swazilii.org/sz/judgment/supreme-court/2002/9>.

Роман-герман ҳуқуқи гуруҳига мансуб кўпчилик юрисдикцияларда суд ходимлари ва суд нозирлари<sup>274</sup> чақириқ қоғозини топширишни амалга оширадилар, шунингдек суд қарорини ижро этилишида кўмак учун полицияга мурожаат қиладилар. Таъкидлаш лозимки, айрим мамлакатларда суд нозирларининг фаолияти билан боғлиқ харажатлар даъвогардан ундирилади. Бундай вазиятни Сальвадорда меҳнат муносабатларида юзага келадиган низоларда, ўз фойдасига қарор чиқаришга эришган ишчилар, қарор ижро этилмаган ҳолларда ижро-

<sup>274</sup> Huissiers de justice — француз тилида, ejecutorsno — испан тилида.

чи хизматлари (*ejecutor*) учун ҳақ тўлашга мажбур бўлган ҳолларда кузатиш мумкин<sup>275</sup>.

## 2. Суд буйруқлари ижросини мониторинг қилиш

Давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатсизлигига нисбатан ҳуқуқий ҳимоянинг тизимли ва комплексли воситалари қўлланганда айрим суд ва квазисуд органлари кўпинча ўз буйруқлари ва тақиқловлари ижро этилиши устидан мониторинг қилиш учун жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

2001 йилдаги *Фуқаролик эркинликлар учун халқ иттифоқи Ҳиндистон Иттифоқи ва бошқаларга қарши* иши (овқатланиш ҳуқуқи) каби бошқа ишлар бўйича, Ҳиндистон Олий суди қонунбузарликларни тузатиш ва бузилган ҳуқуқларни тўлиқ тиклаш мақсадида ўз буйруқлари ижро этилишини кузатиш ва назорат қилиш бўйича узоқ муддатли чораларни қабул қилди<sup>276</sup>.

Умуман олганда, суд буйруқларини бажариш ва таъминлаш, жамоатчилик диққатини ишда кўрилган инсон ҳуқуқларининг бузилишига жалб қилиш, ўз ҳуқуқлари учун курашиш қурбонларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек қарорлар ижро этилишига эришиш учун ҳокимият органларига босим ўтказиш мақсадида, кенг кўламдаги жамоат кампаниялари ўтказилишини талаб қилади.

Парагвайдаги ҳудудий миқёсдаги *Yakue Axa* ва *Sawhoayataxa* ишлари ва *Treatment Action* компаниясининг миллий миқёсдаги иши ушбу хулоса учун яққол мисол бўла олади<sup>277</sup>.

### Yakue Axa тубжойли жамоа иши

**Йил:** 2005 (қарор чиқарилган сана: 17 июнь 2005 й.)

**Орган, мамлакат:** Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкалараро суди; Парагвай

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Процессуал адолат ва тегишли ҳуқуқий таомил; яшаш ҳуқуқи; тегишли турмуш даражасига

<sup>275</sup> Сальвадорда одил судловдан фойдаланиш имкониятлари бўйича ХЮК тадқиқотлари, *Acceso a la justicia Recursos contra las violaciones de los derechos sociales en El Salvador* (2013) (испан тилида) кўринг: <http://www.icj.org/new-icj-study-analyses-obstacles-preventing-salvadorians-to-access-justice-effectively/>. 65-6.

<sup>276</sup> *People's Union for Civil Liberties v. Union of India & others* (PUCL), Ҳиндистон Олий суди, № 196/2001 шикоят (фуқаролик иши бўйича) (2001).

<sup>277</sup> Парагвайдаги тубжойли элатлар кураши тўғрисида, масалан, Amnesty International хабари ҳақида куйидаги ҳаволани кўринг: <https://www.amnesty.org/en/latest/news/2012/02/paraguay-land-dispute-victory-displaced-indigenous-community/>. *Treatment Action* компанияси иш тўғрисида, куйидаги ҳаволани кўринг: <https://tac.org.za/category/about/>.

эга бўлиш ҳуқуқи; тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи; тегишли тарзда овқатланиш ҳуқуқи; сув ва санитарияга эга бўлиш ҳуқуқлари; соғлом бўлиш ҳуқуқи; таълим олиш ҳуқуқи; тубжойли элатлар (халқлар).

**Иш ҳақида маълумот:** Парагвайнинг Yakuе Аха тубжойли жамоаси анъанавий тарзда Чако провинцияси ерларида яшаб келган, бу ерларнинг катта қисми XIX аср охирида Лондон биржасида сотилган. 1979 йил Англикан черкови ривожланиш бўйича кенг миқёсли дастурни амалга оширишдан бошлаб, тубжойли аҳолини Estancia El Estribo ҳудудига кўчиришга кўмаклашди. Янги ҳудуддаги атроф-муҳит ва табиий ресурслар аввалги ҳудуддагидан фарқланиши сабабли, жамоа овқатланиш ва сувдан фойдаланиш, тиббий ёрдам ва таълим хизматларини олиш имкониятидан маҳрум бўлган. Натижада 16 киши оламдан кўз юмган.

**Қарор:** Суд Парагвай Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг 1(1) модда (ҳуқуқларга риоя қилиш бўйича мажбуриятлар) талабларига мувофиқ, адолатли суд муҳокамаси ва суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ (8- ва 25-моддалар) [119-банд], мулкка бўлган ҳуқуқ (21-модда) [156-банд] ва яшашга бўлган ҳуқуқ (4-модда) [176-банд] каби бир қатор ҳолатларини бузганини эътироф этди, сабаби, жамоатлар ўз ерларидан маҳрум бўлганларидан кейин уларга яшаш учун муносиб шароитлар яратиб бериш учун давлат томонидан зарур позитив чоралар кўрилмаган [168–169-бандлар]. Суд Парагвай жамоатнинг ўз анъанавий ерларидан самарали фойдаланишига қаратилган миллий қонунчилик даражасидаги тегишли чоралар кўрмаганини қайд этиб, давлат жамоатга, айниқса, ўта заиф гуруҳлар учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш учун тегишли позитив чораларни кўриши шарт деган қарорни чиқарди [162-банд].

Суд жамоатга тубжойлиларнинг анъанавий ерларини тақдим этишни [217-банд], жамоат учун ер сотиб олиш мақсадида жамғарма ташкил қилишни [218-банд], шунингдек жамоат ўз ерларида яшаш имкониятидан маҳрум бўлган бутун муддат мобайнида асосий товарлар ва хизматлар етказиб бериш [221-банд] вазифаларини давлатга юклади. Бундан ташқари, давлатга жамоатни ривожлантириш жамғармасини таъсис қилиш, ичимлик сувини етказиб бериш ва санитария инфратузилмасини яратиш бўйича ривожлантириш дастурини тузиш мажбуриятлари юкланди. Шу билан бирга, Суд таълим, уй-жой, қишлоқ хўжалик ва соғлиқни сақлаш дастурларини амалга оширишга қаратилган тубжойлилар жамоатини ри-

вожлантириш дастури доирасида давлат томонидан 950 000 АҚШ доллари ажратилишини белгилади [205-банд]. Давлат бир йил давомида жамоатга етказилган зарарни қоплаб бериши ҳамда суд харажатлари ва чиқимларини тўлаб келиши лозим [233-банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Америкааро суд қарор ижроси устидан назорат ўрнатишини кўрсатиб ўтиб, хабарнома олган кундан бошлаб бир йил мобайнида қабул қилинган чоралар ҳақида давлат томонидан маъруза тақдим этишилишини белгилади [241-банд].

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** [http://www.corteidh.or.cr/docs/casos/articulos/seriec\\_125\\_ing.pdf](http://www.corteidh.or.cr/docs/casos/articulos/seriec_125_ing.pdf).

### **Sawhoуатаха тубжойли жамоа иши**

**Йил:** 2006 (қарор чиқарилган сана: 29 март 2006 й.)

**Орган, мамлакат:** Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди; Парагвай

**Стандартлар, ҳуқуқлар:** Процессуал адолат ва тегишли ҳуқуқий таомил; яшаш ҳуқуқи; тегишли турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи; тегишли уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи; тегишли тарзда овқатланиш ҳуқуқи; сув ва санитарияга эга бўлиш ҳуқуқлари; соғлом бўлиш ҳуқуқи; тубжойли элатлар (халқлар).

**Иш ҳақида маълумот:** Sawhoуатаха тубжойли аҳоли жамоаси Парагвайнинг Чако провинцияси ерларида яшаб келган. 1930 йиллардан бошлаб бу ерлар хусусий шахслар томонидан сотиб олиниб, қисмларга бўлиниб кетган. Бу ҳолат тубжойли аҳолининг анъанавий ерлардан фойдаланиш имкониятини камайтириб, фаолияти ва яшаш шароитлари сезиларли даражада ёмонлашувига олиб келган. Натижада, тубжойли аҳоли бошқа ҳудудга кўчиб кетишга мажбур бўлган.

**Қарор:** Суд Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг бир қатор ҳолатлари, хусусан, 8 ва 25-моддалар (адолатли суд муҳокамаси ва суд ҳимоясига эга бўлиш ҳуқуқи), 21-модда (мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи), 4(1) модда (яшаш ҳуқуқи) ва 3-модда (субъектлигини эътироф этиш ҳуқуқи) 1(1) модда (ҳуқуқларга риоя қилиш бўйича мажбурият) талабларига мувофиқ бузилганлигини қайд этган [112-, 144-, 178- ва 194-бандлар]. Суд Парагвай ҳукумати зиммасига уч йил муддат мобайнида тубжойлилар жамоатига аждодлар ерларини реституция қилиш (тиклаш) бўйича чоралар қабул

қилиш [215-банд], шунингдек асосий товарлар ва хизматларни тақдим этиш ҳамда жамоатларга ерлар қайтариб берилмагунга қадар шошилиш хабардор қилиш тизими ишлашини таъминлаш вазифаларини юклади. Бундан ташқари, давлат 1 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда жамоатни ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиши [224-банд], мажбурий кўчиш натижасида ҳалок бўлган 17 нафар тубжойлилар оилаларига 20 000 АҚШ доллари миқдорида компенсация тўлаши [226-банд], шунингдек маънавий зарар, суд харажатлари ва чиқимларини қоплаб беришини белгилади [239-банд].

**Қўшимча мулоҳазалар:** Шунга қарамасдан, йиллар ўтиб, суд қарорлари бажарилмади, шунинг учун тубжойли жамоатлар бирлашиб, ҳукуматга таъсир ўтказиш учун халқаро кампания тайёрлашга ёрдам беришни сўраб, Amnesty International ташкилотига мурожаат қилдилар.

Иккала жамоат ҳам бир хил шароитда бўлиб, ўз кучларини бирлаштиришга қарор қилганлиги қарорни ижро этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этгалигини эътироф этиш лозим.

**Қарорнинг тўлиқ матнига ҳавола:** [http://www.corteidh.or.cr/docs/casos/articulos/seriec\\_146\\_ing.pdf](http://www.corteidh.or.cr/docs/casos/articulos/seriec_146_ing.pdf).

# 1 ИЛОВА: ИШЛАР РЎЙХАТИ

Тақдим этилган рўйхат қисман *ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги* тадқиқотидан ўзлаштириб олинган. Шу билан бирга, у келтирилган рўйхатнинг янгиланган намунаси ҳисобланади, чунки, ушбу Қўлланмада тилга олинган қўшимча ва янги ишларни қамраб олган.

## I. Миллий судлар

---

### Америка Қўшма Штатлари

Олий суд

- *US Department of Agriculture v. Moreno*, 413 US 528, 25 июнь 1973 й.
- *Meritor Sav. Bank, FSB v. Vinson*, 477 U.S. 57 (1986), 19 июнь 1986 й.

Алоҳида штатлар судлари

- *Dorothy Ann Finch and others v. Commonwealth Health Insurance Connector Authority*, Массачусетс штати Олий суди, № SJC-11025 иш, 5 январь 2012 й.
- *John Doe et al. v. Regional School Unit 26*, Мэн штати Олий суди, № 7455/2001 иш, № 2014 ME 11 қарор, 30 январь 2014 й.
- *Park West Management Corp. v. Mitchell*, Нью-Йорк шаҳри Олий судининг Апелляция бўлими, 391 N.E.2d 1288 (N.Y. 1978), 2 май 1978 й.

Федерал судлар

- *Correa v. Hospital San Francisco*, 69 F.3d 1184 (1<sup>st</sup> Cir. App. 1995), 1-чи округ Апелляция суди, 31 октябрь 1995 й.
- *Molski v. Gleich*, 9-чи округ (Жанубий Калифорния) Апелляция суди, 307 F.3d 1155, 2 Cal. Daily Op. Serv. 10, 310, 2002 Daily Journal D.A.R. 11, 901, 6 февраль 2003 й.
- *Oberti v. Board of Education of the Borough of Clementon School District*, 3-чи округ Апелляция суди, 99 F.2d 1204 (3<sup>rd</sup> Cir. 1993), 28 май 1993 й.
- *South Fork Band Council and others v. United States Department of the Interior*, 9-чи округ Апелляция суди, 3 декабрь 2009 й.

## Аргентина

Олий суд

- *Asociación Benghalensis y otros c. Ministerio de Salud y Accion Social—Estado Nacional s/amparo ley 16.688*, 1 июнь 2000 й.
- *Mendoza Beatriz Silva y otros c. Estado Nacional y otros s/daños y perjuicios*, File M. 1569. XL, 8 июль 2008 й.
- *Reyes Aguilera, Daniela c. Estado Nacional*, 5 февраль 2013 й.
- *Roberto E. Etcheverry c. Omint Sociedad Anónima y Servicios*, 13 март 2001 й.

Буэнос-Айрес шаҳри Олий суди

- *Comisión Municipal de la Vivienda c. Saavedra, Felisa Alicia y Otros s/Desalojo s /Recurso de Inconstitucionalidad Concedido*, 7 октябрь 2002 й.

## Бенин

Конституциявий суд

- № DCC 13-031 қарор, Конституциявий суд, 2013 й.

## Болгария

Конституциявий суд

- 2010 й. № 15 конституциявий иш, Конституциявий суд, 11 ноябрь 2010 й.

## Ботсвана

Габороне шаҳри Саноат суди

- *Diau v. Botswana Building Society*, Габороне шаҳри Саноат суди, 2003 (2) BLR 409 (IC), 2003 йилги IC № 50 иш, 19 декабрь 2003 й.
- *Lemo v. Northern Air Maintenance (PTY) LTD*, Габороне шаҳри саноат суди, 2004 (2) BLR 317 (IC), № IC No 166 of 2004-сонли иш, 22 ноябрь 2004 й.

## Бразилия

Федерал олий суди

- ADPF 186 (*Arguição de Descumprimento de Preceito Fundamental n. 186*), Федерал Олий суди, 26 апрель 2012 й.

## **Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги**

Олий суд

- *Pare v. Cumbria CC*, Queens Bench Division, [1992], I. C. R. 132, 23 май 1991 й.

## **Гватемала**

Болалар ва вояга етмаганлар ишлари бўйича суд, Сакапа

- № 19003-2011-00638-Of.1a; № 19003-2011-00639-Of.2a; № 19003-2011-00637-Of.3a; № 19003-2011-00641-Of.1 ишлар, Болалар ва вояга етмаганларни ҳимоя қилиш ва вояга етмаган жиноятчилар ишлари бўйича суд, Сакапа департаменти, 2013 й.

## **Германия**

Федерал конституциявий суди

- BVerfGE 82, 60 (85).
- BVerfGE 87,153 (169).
- BVerfGE 1 BvL 10/10, 18 июль 2012 й.

## **Гонконг**

Апелляция суди

- *Kong Yunming v. Director of Social Welfare*, Апелляция суди, Гонконг шаҳрининг алоҳида маъмурий округи, FACV No. 2, 17 декабрь 2013 й.

## **Дания**

Олий суд

- *A. v. Municipality of Egedal and Ministry of Labour*, Олий суд, № 159/2009 иш, 15 февраль 2012 й.

## **ЖАР**

Конституциявий суд

- *Bhe and Others v. Magistrate, Khayelitsha and others; Shibi v. Sithole and others; SA Human Rights Commission and another v. President of the RSA and another*, Case CCT 49/03, 2005 (1) SA 580 (CC) (2005), 15 октябрь 2005 й.

- *City of Johannesburg Metropolitan Municipality v. Blue Moonlight Properties 39 (Pty) Ltd and another*, Case CCT 37/11, 2012 (2) SA 105 (CC), 1 декабрь 2011 й.
- *Jaftha v. Schoeman; Van Rooyen v. Stoltz*, Case CCT 74/03, 2005 (2) SA 140 (CC), 8 октябрь 2004 й.
- *Joseph v. City of Johannesburg*, Case CCT 43/09, 2010 (4) SA 55 (CC), 9 октябрь 2009 й.
- *Lindiwe Mazibuko & others v. City of Johannesburg & others*, Case CCT 39/09, 2010 (4) SA 1 (CC), 8 октябрь 2009 й.
- *Residents of the Joe Slovo Community, Western Cape v. Thubelisha Homes and others*, Case CCT 22/08, 2010 (3) SA 454 (CC), 10 июнь 2009 й.
- *Soobramoney v. Minister of Health, KawZulu-Natal*, Case CCT 32/97, 1998 (1) SA 765 (CC), 27 ноябрь 1997 й.
- *South African Minister of Health v. Treatment Action Campaign*, Case CCT 9/02, 2002 (5) SA 721, 5 июль 2002 й.
- *The Government of the Republic of South Africa and others v. Irene Grootboom and others*, Case CCT 11/00, 2001 (1) SA 46 (CC) (2000), 4 октябрь 2000 й.

Олий апелляция суди

- *The Baphiring Community v. Tshwaranani Projects*, Case 806/12, 2014 (1) SA 330 (SCA), 6 сентябрь 2013 й.

Фарбий Кейп Юқори суди

- *Western Cape Forum for Intellectual Disability v. Government of the Republic of South Africa*, Government of the Province of Western Cape, № 18678/20072011 иш, (5) SA 87 (WCC), 11 ноябрь 2010 й.

Жанубий Гаутенг округи Юқори суди, Йоханнесбург шаҳри

- *Philane Hlophe & others v. City of Johannesburg, Executive Mayor, City Manager & Case others*, № 48102/2012 иш, 2013 й.

## **Исроил**

Олий суд

- *Yated and others v. the Ministry of Education*, Олий суд, НСЈ 2599/00, 14 август 2002 й.

## **Италия**

Конституциявий суд

- *Control of constitutionality—interlocutory action (Giudizio di legittimità costituzionale in via incidentale)*, Конституциявий суд, 12 декабрь 2011 й.

## Канада

Канада Олий суди

- *Eldridge v. British Columbia (Attorney General)*, [1997] 3 S.C.R. 624, 1997 й.
- *Public Service Alliance of Canada v. Canada Post Corporation and Canadian Human Rights Commission*, 2011 SCC 57, [2011] 3 S.C.R. 572, 17 ноябрь 2011 й.

## Кения

Юқори суд

- *Patricia Asero Ochieng and 2 others v. the Attorney-general & Another*, Юқори суд, 20 апрель 2012 й.

## Колумбия

Конституциявий суд

- № С-376/10 қарор, 1 ноябрь 2009 й.
- № Т-760 қарор, 31 июль 2008 й.
- № Т-377/95 қарор, 24 август 1995 й.
- № Т-065/93 қарор, 26 февраль 1993 й.
- № Т-051/11 қарор, *Julio David Perez vs. Mayor's Office of Monteria*, File T-2650185, 4 февраль 2011 й.
- № Т-974/10 қарор, 30 ноябрь 2010 й.
- № Т-841 қарор, 3 ноябрь 2011 й.
- № Т-291/09 қарор, 29 апрель 2009 й.

## Латвия

Конституциявий суд

- № 2009-43-01 иш, «2009 йилда давлат пенсияларини ва давлат нафақаларини тўлаш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси, биринчи қисми Латвия Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқлиги тўғрисида», Конституциявий суд, 21 декабрь 2009 й.

## **Марокаш**

Кассация суди

- № 697/5/1/2008-2654 қарор, Марокаш Кассация суди, 2009 й.
- № 59/4/2/2009-28 қарор, Марокаш Кассация суди, 2010 й.

Марокаш шаҳри Апелляция суди

- № 323-6-2007-1 (125) қарор, Cour d'Appel de Marrakech, 2007 й.

Агадир шаҳри Маъмурий суди

- № 12-8-2005 (763) қарор, Tribunal Administratif d'Agadir, 2004 й.

## **Мексика**

Олий суд

- Amparo No. 631/2012 (Independencia Aqueeduct), Олий суд, 8 май 2013 й.

## **Миср**

Маъмурий суд

- № 2457/64 иш, Challenging the New Drug Pricing System, Маъмурий суд, 27 апрель 2010 й.

## **Озарбайжон**

Конституциявий суд

- *Тахирзаде АМЕСга қарши*, Конституциявий суд, 15 июль 2011 й.

## **Россия Федерацияси**

Конституциявий суд

- Россия Федерацияси Конституциявий судининг № 1320–О-О ажрими («Ред Стар Консалтинг» МЧЖ собиқ ходимига қарши»), 13 октябрь 2009 й.

## **Сальвадор**

Олий суд

- № 53-2005/55-2005 қарор, Олий суд Конституциявий Палатаси, февраль 2013 й.
- *José Alberto Preza Hernández c. Director General de Centros Penales y la Directora de la Penitenciaría Central "La Esperanza"*, Олий суд Конституциявий Палатаси, № НС 12-2012 қарор, 2012 й.

## Свазиленд

Олий суд

- *Madeli Fakudze v. Commissioner of Police and others* (8/2002), Олий суд, [2002] SZSC 9, 1 июнь 2002 й.

## Уганда

Конституциявий суд

- *Advocates for Natural Resources & 2 others v. Attorney General & another*, Конституциявий суд, № 40 2013 конституциявий шикоят, [2013] UGCC 10, 2013 й.

## Фижи

Юқори суд

- *Rarasea v. The State*, Юқори суд, № HAA0027 жиноий апелляция, 2000 й.

## Франция

Прюдомлар Кенгаши

- *Lopez and Syndicat SYNPTAC-CGT v. SARL Théâtre d'Aubervilliers, Conseil de Prud'hommes de Bobigny/Jugement de départage*, 6 декабрь 2011 й.

## Ҳиндистон

Олий суд

- *Mohini Jain v. State of Karnataka*, № 456 суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги сўровнома, 1991 й.
- *Olga Tellis v. Bombay Municipal Corporation*, № 3 SCC 545 қарор, 1985 й.
- *Paschim Banga Khet Mazdoor Samity & others v. State of West Bengal & another*, № 4 SCC 37 қарор, 1996 й.
- *People's Union for Civil Liberties v. Union of India and others*, 2 май 2003 й.
- *Sheela Barse v. Union of India and another*, 4 SCC 204, 1993 й.
- *The Mumbai Kamgar Sabha, Bombay v. M/S. Abdulbhai Faizullabhai and others*, № AIR 1976 SCC 1455 қарор, 1976 й.
- *Upenda Baxi v. State of U. P. & others*, 1982 (1) SCC 84 [502], 1983, 2 SCC 308 (1986) 4 SCC 106, AIR 1987 191.

Деҳли шаҳри Юқори суди

- *Bayer Corp v. Union of India*, № LPA 443/2009 апелляция иши, 2010 й.
- *Laxmi Mandal v. Deen Dayal Harinagar Hospital & others*, W.P.(C) № 8853 2008 й., 6 апрель 2010 й.

Керала штати Юқори суди

- *Prison Reform Enhancements of Wages of Prisoners etc.*, AIR Ker 261.

## **II. Халқаро судлар ва шартномали органлар**

---

### **БМТ механизмлари**

БМТнинг қийноқларга қарши Қўмитаси

- *Hajrizi Dzemajl ва бошқалар Югославияга қарши*, № 161/2000 хабар, 2 декабрь 2002 й.

БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича Қўмитаси

- *R. K. V. Туркияга қарши*, № 28/2010 хабар, 24 февраль 2012 й.

### **Минтақавий механизмлар**

Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка комиссияси

- *Centre for Minority Rights Development (Kenya) and Minority Rights Group International on behalf of Endorois Welfare Council Кенияга қарши*, Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка комиссияси, № 276/2003 қарор, 25 ноябрь 2009 й.
- *SERAC and CESR Нигерияга қарши*, Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка комиссияси, № 155/96 хабар, 13–27 октябрь 2001 й.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди

- *D. H. ва бошқалар Чехияга қарши*, № 57325/00 шикоят, Катта Палатанинг 2007 йил 13 ноябрдаги қарори.
- *Evans Қўшма Қиролликка қарши*, № 6339/05 шикоят, 10 апрель 2007 й.
- *Fleri Soler and Camilleri Мальтага қарши*, № 35349/05 шикоят, 26 сентябрь 2006 й.
- *Ghigo Мальтага қарши*, № 31122/05 шикоят, 26 сентябрь 2006 й.

- *Handyside Бирлашган Қиролликка қарши*, № 5493/72 шикоят, 7 декабрь 1976 й.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси

- *Zammit ва бошқалар Мальтага қарши*, № 16756/90 шикоят, 12 январь 1991 й.

Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитаси

- *European Roma Rights Centre Португалияга қарши*, № 61/2010 шикоят, 30 июнь 2011 й.
- *International Association Autism-Europe Францияга қарши*, № 1/2002 шикоят, 7 ноябрь 2003 й.
- *International Centre for the Legal Protection of Human Rights (INTERIGHTS) Грецияга қарши*, № 49/2008 шикоят, 11 декабрь 2009 й.
- *International Commission of Jurists Португалияга қарши*, № 1/1998 шикоят, 10 сентябрь 1999 й.
- *Quaker Council for European Affairs Грецияга қарши*, № 8/2000 шикоят, 27 апрель 2001 й.

Ғарбий Африка мамлакатлари Иқтисодий ҳамжамияти (ECOWAS), Ҳамжамият суди

- *Hadijatou Mani Koraou Нигерия Республикасига қарши*, ECW/CCJ/JUD/06/08, 27 октябрь 2008 й.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссия

- *Amílcar Menéndez, Juan Manuel Caride, et al. (Social Security System) Аргентинага қарши*, Мақбуллик тўғрисидаги маъруза, № 11.670 иш, 19 январь 2001 й.
- *Jorge Odir Miranda Cortéz ва бошқалар Сальвадорга қарши*, № 29/01 Мақбуллик тўғрисидаги маъруза, № 12.249 иш, 7 март 2001 й.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро суди

- *Vaena Ricardo et. Al. (270 workers) Панамага қарши*, 2 февраль 2001 й.
- *Five Pensioners Перуга қарши*, 28 февраль 2003 й.
- *Ituango Massacres Колумбияга қарши*, 1 июль 2006 й.
- *Mapiripán Massacres Колумбияга қарши*, 15 сентябрь 2005 й.
- *Sawhoyamata Indigenous Community Парагвайга қарши*, 29 март 2006 й.

- *Yakye Aha Indigenous Community Парагвайга қарши*, 17 июнь 2005 й.

Босния ва Герцеговинадаги инсон ҳуқуқлари бўйича Палата

- *Islamic Community in Bosnia and Herzegovina*, СН/96/29, 11 июнь 1999 й.

Қўшимча равишда ХЮКнинг суд тартибида кўриб чиқиш имконияти тўғрисидаги тадқиқотининг 107–121 бетларида келтирилган ишлар рўйхатини кўринг (инглиз, француз ва испан тилларида): <http://www.icj.org/courts-and-the-legal-enforcement-of-economic-social-and-cultural-rights/>.

## 2 ИЛОВА: ВОСИТАЛАР

### 1. БМТ ҳужжатлари ва механизмларига ҳаволалар

---

#### Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномали органлар

- БМТ ИҲОКБнинг БМТ шартномали органлари бўйича умумий саҳифаси: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/Pages/HumanRightsBodies.aspx>.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита (ИИМҲҚ)

- ИҲОКБнинг ИИМҲҚ саҳифаси: <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CESCR/pages/cescrindex.aspx>.
- ИИМҲҚ ишлаш услублари: <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CESCR/Pages/WorkingMethods.aspx>.
- ИИМҲҚ таомили қодалари: [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=en&TreatyID=9&DocTypeID=65](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=en&TreatyID=9&DocTypeID=65).
- ИИМҲҚ умумий тартибдаги мулоҳазалари: [https://tbinternet.ohchr.org/\\_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=en&TreatyID=9&DocTypeID=11](https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=en&TreatyID=9&DocTypeID=11).
- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга (ИИМҲХП) Факультатив протокол («ФП»): <http://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/OPCESCR.aspx>.

#### Махсус таомиллар

- ИИМ ҳуқуқлар соҳасига ихтисослашган инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг Махсус таомиллари рўйхати: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/SP/Pages/Themes.aspx>.
- Инсон ҳуқуқларига Таъсирини баҳолаш: Савдо ва инвестицион битимларнинг инсон ҳуқуқларига таъсирини баҳолашга оид БМТ раҳбарлик тамойиллари, овқатланиш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачининг маърузаси, O. De Schutter, БМТ ҳужжати № А/НRC/19/59/Add. 5 (2011): [http://www.ohchr.org/Documents/HRBodies/HRCouncil/RegularSession/Session19/A-HRC-19-59-Add5\\_en.pdf](http://www.ohchr.org/Documents/HRBodies/HRCouncil/RegularSession/Session19/A-HRC-19-59-Add5_en.pdf).

## **БМТ ИҲОКБ**

- БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар — Маълумотнома қўлланмаси: <http://www.ohchr.org/Documents/Publications/training12en.pdf>.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўрсаткичлар: ўлчаш ва амалга ошириш бўйича қўлланма: [http://www.ohchr.org/Documents/Publications/Human\\_rights\\_indicators\\_en.pdf](http://www.ohchr.org/Documents/Publications/Human_rights_indicators_en.pdf).

## **Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (FAO)**

- Миллий қонунчилик даражасида мустақамланган бошқа ИИМ ҳуқуқларга ҳам дахл қилувчи иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича FAO Департаментининг «Овқатланиш ҳуқуқини миллий даражада эътироф этиш» тўғрисидаги информацион хати: [http://www.fao.org/docrep/meeting/007/j0574e.htm#P1060\\_44517](http://www.fao.org/docrep/meeting/007/j0574e.htm#P1060_44517).

## **II. Халқаро назарий нашрлар ва эксперт ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар**

---

- *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактни амалга оширишнинг Лимбург тамойиллари*, БМТ ҳужжати № E/CN.4/1987/17 (1986), ва *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига тегишли Маастрихт раҳбарлик тамойиллари* (1997), тўлиқ матнни 3-Иловада ёки қуйидаги ҳаволада кўринг: <http://www.icj.org/wp-content/uploads/1997/01/economic-social-and-cultural-rights-compilation-thematic-report-1997-eng1.pdf>.
- *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятларига тааллуқли Маастрихт тамойиллари* (2011), тўлиқ матнни 3-Иловада ёки қуйидаги ҳаволада кўринг: <https://www.etoconsortium.org/en/main-navigation/library/maastricht-principles/>.
- *Цванне тамойиллари, Миллий хавфсизлик ва ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига тааллуқли Глобал тамойиллар* (2013): <https://www.justiceinitiative.org/uploads/bd50b729-d427-4fbb-8da2-1943ef2a3423/global-principles-national-security-10232013.pdf>.

### III. Маълумотлар базаларига ҳаволалар

---

#### Халқаро/универсал

- ESCR-Net маълумотлар базаси: <http://www.escr-net.org/caselaw>.
- Hurisearch (инсон ҳуқуқлари бўйича излаш тизими): <https://www.huridocs.org/hurisearch/>.
- Инсон ҳуқуқлари универсал каталоги (Шартномали органлар, Махсус тамойиллар ва Универсал даврий обзорнинг маълумотлар базаси): <http://uhri.ohchr.org/>.
- Миннесота Университетининг инсон ҳуқуқлари бўйича кутубхонаси (инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий органлар ва БМТ органлари ҳамда халқаро жинойий трибуналлар қарорлари базаси): <https://www.lib.umn.edu/>.
- Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ бўйича INTERRIGHTS маълумотлар базаси: <http://www.interights.org/commonwealth-and-international-law-database/index.html>.
- WorldCourts (БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича Африка ва Америкааро органлар ҳамда халқаро судлар ва трибуналлар қарорлари базаси): <http://worldcourts.com/>.
- Халқаро ҳуқуқ соҳасида Оксфорд маърузалари (халқаро ва миллий судлар қарорлари): <http://opil.oupplaw.com/home/oril>.
- CODICES (Венеция комиссияси Конституциявий суди маълумотлар базаси): <http://www.codices.coe.int/NXT/gateway.dll?f=templates&fn=default.htm>.
- Westlaw: [http://web2.westlaw.com/signon/default.wl?vr=2.0&fn=\\_top&mud=y&rs=WLW14.04&bhcp=1](http://web2.westlaw.com/signon/default.wl?vr=2.0&fn=_top&mud=y&rs=WLW14.04&bhcp=1).

#### Минтақавий

- IHRDA Африка судларининг қарорлари базаси: <http://caselaw.ihrda.org/>.
- Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка комиссияси қарорлари: <http://www.achpr.org/communications/decisions/>.
- Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка суди қарорлари: <http://en.african-court.org/>.
- Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитасига жамоавий шикоятлар: [http://www.coe.int/t/dghl/monitoring/socialcharter/Complaints/Complaints\\_en.asp](http://www.coe.int/t/dghl/monitoring/socialcharter/Complaints/Complaints_en.asp).

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди қарорлари:  
<http://hudoc.echr.coe.int/sites/fra/Pages/search.aspx>.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияси қарорлари:  
[http://www.oas.org/en/iachr/decisions/cases\\_reports.asp](http://www.oas.org/en/iachr/decisions/cases_reports.asp).
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро комиссияси қарорлари:  
<http://www.corteidh.or.cr/index.php/jurisprudencia>.

## **IV. Суд жараёнида ёрдам бериш учун фойдали ресурслар ва алоқалар**

---

### **Стратегик суд ҳимояси бўйича ресурслар**

- Стратегик суд ҳимояси соҳасида ESCR-Net ташаббуси ва стратегик суд ҳимояси бўйича ишчи гуруҳ (экспертлар доираси ва суд жараёни давомида қўмаклашиш): <http://www.escr-net.org/node/365113>, <http://www.escr-net.org/docs/i/465879>.
- Oficina del Alto Comisionado de las Naciones Unidas para los Derechos Humanos en Guatemala, Capacitación Técnica en Litigio Estratégico en Derechos Humanos de los Pueblos Indígenas Componente de Justicia del Programa Maya II, Manual Litigio Estratégico: "Estrategia General para los litigios de Alto Impacto": <http://www.ohchr.org.gt/documentos/programaMAYA/ANEXO2.pdf>.

### **БМТ шартномали органлари тўғрисидаги маълумот**

- Шикоятларни қабул қиладиган БМТ Шартномали органларининг рўйхати: <http://www.ohchr.org/EN/HRBodies/TBPetitions/Pages/IndividualCommunications.aspx>.
- Шартномали органга шикоят узатиш тўғрисидаги маълумот: <http://ohchr.org/EN/HRBodies/SP/Pages/Communications.aspx>, <http://ohchr.org/EN/HRBodies/TBPetitions/Pages/HRTBPetitions.aspx>.

### **Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича минтақавий тизим тўғрисидаги маълумот**

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа Қўмитаси. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига берилган шикоятлар ҳақидаги маълумот: <http://www.echr.coe.int/Pages/home.aspx?p=applicants>.
- Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитасига жамоавий шикоятлар бериш таомили тўғрисидаги маълумот: [http://www.coe.int/t/dghl/monitoring/socialcharter/OrganisationsEntitled/OrganisationsIndex\\_en.asp](http://www.coe.int/t/dghl/monitoring/socialcharter/OrganisationsEntitled/OrganisationsIndex_en.asp).

- Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Комиссияси ва Суди. Комиссияга хабарларни бериш ҳақидаги маълумот: <http://www.achpr.org/communications/procedure/>, <http://www.achpr.org/communications/guidelines/>.
- Судга шикоятлар қилиш тўғрисидаги маълумот: <http://www.african-court.org/en/index.php/component/content/article/13-cases-from-court/22-submission-of-cases-to-the-court>.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Америкааро Комиссияси ва Суди. Комиссия ва Судга шикоят бериш тўғрисидаги маълумот: <http://www.oas.org/en/iachr/portal/help/petitioners/NetHelp/>, <http://www.oas.org/en/iachr/portal/>, <http://www.oas.org/en/iachr/mandate/petitions.asp>.

### **Суд жараёнини тайёрлаш ва кузатиб боришда ёрдам таклиф қилаётган университетлар қошидаги юридик клиникалар**

- Шимолий-Ғарбий университет, Юридик факультет, Халқаро инсон ҳуқуқлари Маркази, АҚШ. Алоқалар: Bluhm Legal Clinic, Northwestern University School of Law, 375, East Chicago Avenue, Chicago, IL 60611-3069. Тел.: +1 (312) 503-8576, Факс: +1 (312) 503-8977, Email: [legalclinic@law.northwestern.edu](mailto:legalclinic@law.northwestern.edu); қўшимча маълумотлар: <http://www.law.northwestern.edu/legalclinic/about/contact.html>.
- Корнел университети (Cornell University), Юридик факультет, АҚШ. Салоҳиятли мижозлар учун маълумот: <http://www.lawschool.cornell.edu/Clinical-Programs/international-human-rights/potential-clients.cfm>; алоқалар: <http://www.lawschool.cornell.edu/Clinical-Programs/Contact-us.cfm>, Susan Tosto, Clinical Programs Administrator, 152, Myron Taylor Hall. Тел.: +1 (607) 254-5186, Email: [slt29@cornell.edu](mailto:slt29@cornell.edu).
- Техас ва Остин Университети (University of Texas and Austin), Юридик факультет, АҚШ. Алоқалар: [http://www.utexas.edu/law/clinics/humanrights/contact\\_us.php](http://www.utexas.edu/law/clinics/humanrights/contact_us.php), Ted Magee, Administrator. Тел.: +1 (512) 232-5304, Email: [tmagee@law.utexas.edu](mailto:tmagee@law.utexas.edu).
- Париж университети, Франция. Алоқалар: <http://lacliniquejuridique.fr/contact>. UFR Droit — Université Paris, 8, Bureau A218, 2, rue de la Liberté, 93526, Saint-Denis Cedex. Тел.: +33 (01) 49-40-6529, Email: [lacliniquejuridique@gmail.com](mailto:lacliniquejuridique@gmail.com).
- Генрих Гейне номидаги Университет (Heinrich Heine Universität Düsseldorf), Юридик факультет, Германия. Алоқалар: <http://www.jura.hhu.de/hilfe/fall-melden.html>.

- Варшава университети (University of Warsaw),  
Ҳуқуқ ва бошқариш факультети, алоқалар:  
[http://en.wpia.uw.edu.pl/9,Centre\\_of\\_Law\\_Advice.html](http://en.wpia.uw.edu.pl/9,Centre_of_Law_Advice.html).

## **V. НҲТларнинг ИИМ ҳуқуқлар соҳасидаги фаолиятига ҳаволалар**

---

### **ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти**

- Халқаро юристлар комиссияси, *Судлар ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни мажбурий таъминлаш: суд тартибида кўриб чиқиш имкониятининг солиштирма тажрибаси*, Human Rights and Rule of Law туркуми, № 2 (2008), инглиз, француз ва испан тилларида мавжуд: <http://www.icj.org/courts-and-the-legal-enforcement-of-economic-social-and-cultural-rights/>.

### **Одил судловдан баҳраманд бўлиш**

- *ХЮКнинг одил судловдан баҳраманд бўлиш масаласи бўйича тадқиқоти*. Марокашда ижтимоий ҳуқуқларга доир одил судловдан баҳраманд бўлиш (француз ва араб тилларида): <http://www.icj.org/new-icj-study-on-access-to-justice-for-economic-social-and-cultural-rights-in-morocco/>.
- *Сальвадорда ижтимоий ҳуқуқларга доир одил судловдан баҳраманд бўлиш* (испан тилида): <http://www.icj.org/new-icj-study-analyses-obstacles-preventing-salvadorians-to-access-justice-effectively/>.
- Одил судловдан баҳраманд бўлиш масаласи бўйича Қўшимча тадқиқотлар: <http://www.icj.org/category/publications/access-to-justice-human-rights-abuses-involving-corporations/>.

### **ИИМҲХПга Факультатив протокол**

- ИИМҲХП-ФП Коалицияси материаллари:  
<https://www.escr-net.org/op-icescr>.
- ESCR-Net қўлланмаси: БМТ тизимида ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш (инглиз ва испан тилларида): <http://www.escr-net.org/node/365482>.
- ESCR-Net қўлланмаси: АКТХК-ФП ва ИИМҲХП-ФП ёрдамида аёлларга доир ИИМ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш:  
<http://www.escr-net.org/node/365157>.
- *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протоколга оид шарҳ*, ХЮК

ва Америкааро инсон ҳуқуқлари институти томонидан босиб чиқарилган (инглиз, испан ва француз тилларида): <http://www.icj.org/comentario-del-protocolo-facultativo-del-pacto-internacional-de-derechos-economicos-sociales-y-culturales-commentary-to-the-optional-protocol-on-economic-social-and-cultural-rights/>.

- Женева академияси, *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол*: <http://www.genevaacademy.ch/docs/publications/Briefings%20and%20In%20breifs/The%20optional%20protocol%20In%20brief%202.pdf>.

## **ИИМ ҳуқуқлар ва адвокатлар роли**

- Бангалор декларацияси ва ҳаракатлар режаси (1995 й.): <http://www.icj.org/wp-content/uploads/1997/01/economic-social-and-cultural-rights-compilation-thematic-report-1997-eng1.pdf>.

## **Ҳуқуқий ғимоя воситасига эга бўлиш ва зарарни қоплаш ҳуқуқи**

- ХЮКнинг 2-сонли «Инсон ҳуқуқлари қўпол бузилиши учун ҳуқуқий ғимоя воситасига эга бўлиш ва зарарни қоплаш ҳуқуқи» амалий қўлланмаси (инглиз, француз, испан, араб ва тай тилларида): <http://www.icj.org/the-right-to-a-remedy-and-to-reparation-for-gross-human-rights-violations/>.

## **Миграция**

- ХЮКнинг 6-сонли «Миграция ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ» амалий қўлланмаси (инглиз, грек, итальян ва рус тилларида): <https://www.icj.org/updated-practitioners-guide-on-migration-and-international-human-rights-law/>.

## **Жинсий ориентация ва гендер ўхшашлик белгиси бўйича камситиш (SOGI)**

- SOGI ХЮК БМТ суд қарорлари базаси: <http://www.icj.org/sogi-un-database/>.
- SOGI ХЮК суд қарорлари базаси: <http://www.icj.org/sogi-casebook-introduction/>.
- ХЮК қонунчилик ҳужжатлари базаси: <http://www.icj.org/sogi-legislative-database/>.
- SOGI ХЮК нашрлари: <http://www.icj.org/category/publications/?theme=sexual-orientation-and-gender-identity>.

## **Мониторинг**

- Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар Марказининг OPERA дастури: <http://cesr.org/section.php?id=179>.

## **Ҳуқуқларни бузиш ҳолатларини рўйхатга олиш**

- Huridocs Open Evsys: Ҳуқуқларни бузиш ҳолатларини рўйхатга олиш учун маълумотлар базаси шаклидаги бепул ва очиқ илова: <https://www.huridocs.org/resource/openevsys/>.

## **Суд жараёнларини олиб борадиган НҲТлар учун техник восита**

- Huridocs Casebox: суд жараёнларини олиб борадиган ва ўз архив ишларини бошқариш учун интеграциялашган интернет-иловаларни излаётган НҲТларни қўллаб-қувватлаш: <https://www.huridocs.org/how-we-help/>.

## **Экстраҳудудий мажбуриятлар**

- ЭҲМ бўйича интернет-сайт: <http://www.etoconsortium.org/>.

## **VI. ИИМ ҳуқуқлар масалалари бўйича илмий нашрларга ҳаволалар**

---

### **Асосий (фундаментал) ресурс: ҳуқуқлар доираси**

- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича фаолият: таълимий ресурс: <http://hrlibrary.umn.edu/edumat/IHRIP/circle/toc.htm>.

### **ИИМҲҲП бўйича мажбуриятлар**

- Magdalena Sepúlveda, *The Nature of the Obligations Under the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights*, Intersentia, 2003.

### **ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти ва уларни судда ҳимоя қилиш**

Инглиз тилида:

- A. Nolan, B. Porter and M. Langford, *The Justiciability of Social and Economic Rights: An Updated Appraisal* [Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти: долзарб таҳлил], New York University center for human rights and global justice, Working Paper

No. 15, 2007: <http://www.chrgj.org/publications/docs/wp/NolanPorterLangford.pdf>.

- Bruce Porter, *Justiciability of ESC Rights and The Right to Effective Remedies: Historic Challenges and New Opportunities* [ИИМ ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти ва самарали ҳуқуқий ғимоя воситаларига эга бўлиш ҳуқуқи: тарихий мушуқлиқлар ва янги имкониятлар] қуйидаги тўпламда: *Economic, Social and Cultural Rights and the Optional Protocol to the ICESCR* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ва ИИМҲҲПга Факультатив протокол], Хитой ижтимоий фанлар академияси, Пекин, 2008.
- Bruce Porter and Martha Jackman, *Justiciability of Social and Economic Rights in Canada* [Канадада ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти], қуйидагилар таҳрири остидаги тўпламда: *Malcolm Langford, Social Rights Jurisprudence: Emerging Trends in Comparative International Law* [Ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти: солиштирма халқаро ҳуқуқнинг долзарб тенденциялари], Cambridge University Press, Cambridge, 2008: <http://www.socialrights.ca/domestic-political/documents/cambridge.pdf>.
- Malcolm Langford, *Social Rights Jurisprudence: Emerging Trends in Comparative and International Law* [Ижтимоий ҳуқуқ юриспруденцияси: қиёсий ва халқаро ҳуқуқдаги ривожланаётган тенденциялар], Cambridge UP, Cambridge, 2008.
- Malcolm Langford, *Judging Social Rights*, Human Rights Tribune, 11(3), 2005: <http://www.hri.ca/pdfs/HRT Volume 11, No. 3 Autumn 2005.pdf>.
- Malcolm Langford and Bret Thiele (eds.), *Litigation of Economic, Social and Cultural Rights: The State of Play* Malcolm Langford and Bret Thiele (eds.), *Litigation of Economic, Social and Cultural Rights: The State of Play*, The University of New South Wales Press, Sydney, 2005.
- M. Langford, B. Thiele, and J. Squires (eds.), *Road to a Remedy: Current Issues in Litigation of Economic, Social and Cultural Rights* [Ҳуқуқий ғимоя воситасига эришиш йўли: иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни судда ғимоя қилишнинг долзарб муаммолари] (Sydney: UNSW Press, 2005): <http://209.240.139.114/wp-content/uploads/2012/02/The-Road-to-a-Remedy.pdf>.

- M. Langford, C. Rodriguez and J. Rossi (eds.), *Making it Stick: Compliance with Social Rights Judgments in Comparative Perspective* [Қоидаларга амал қилиб: солиштирма ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларига амал қилиш], Pretoria University Law Press, Capetown, 2014.
- Sandra Liebenberg, *The protection of economic and social rights in domestic legal systems* [Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни миллий ҳуқуқий тизимларда ҳимоя қилиш], қуйидаги тўпламда: *Economic, Social and Cultural Rights: A Textbook* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар: ўқув қўлланмаси], Martinus Nijhoff Publishers, The Hague, 2001.
- Sandy Liebenberg and Karrisha Pillay, *Socio-economic Rights in South Africa: A Resource Book* [ЖАРда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар: маълумотнома қўлланмаси], Community Law Centre (University of Cape Town), 2000.

#### Француз тилида

- Diane Roman, *Justiciabilité des droits sociaux: vecteurs et résistances* [Ижтимоий ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти: ривожланиш йўналишлари ва қарама-қарши омиллар], Editions A. Pedone, Paris, 2012.

#### Испан тилида

- Magdalena Sepúlveda, *La justiciabilidad de los derechos económicos, sociales y culturales frente a la supuesta dicotomía entre las obligaciones impuestas por los pactos de Naciones Unidas* [БМТ пактларида кўзда тутилган мажбуриятлар ўртасидаги тахминий дихотомия нуқтаи назаридан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни суд тартибида кўриб чиқиш имконияти], қуйидагилар таҳрири остидаги тўпламда: Cantón, O. y Corcuera, S., *Derechos económicos, sociales y culturales. Ensayos y materiales* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар. Мақолалар ва материаллар], México: Universidad Iberoamericana, Porrúa, 2004, p. 109–148.
- Malcom Langford (ed.), *Teoría y jurisprudencia de los derechos sociales: Tendencias incipientes en el derecho internacional y comparado* [Ижтимоий ҳуқуқлар назарияси ва суд амалиёти: Халқаро ҳуқуқ ва солиштирма ҳуқуқшуносликнинг долзарб тенденциялари], Universidad de los Andes and Siglo del Hombre Editores, Bogotá, 2012.
- Martín Abregú and Christian Courtis (eds.), *La aplicación de los tratados sobre derechos humanos por los tribunales locales*

[Миллий судлар томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар қўлланилиши], Editores del Puerto, 2004.

- Víctor Abramovich and Christian Courtis, *Derechos sociales: instrucciones de uso* [Ижтимоий ҳуқуқлар: фойдаланиш бўйича қўлланма], Fontamara, 2003.
- Víctor Abramovich and Christian Courtis, *El umbral de la ciudadanía: el significado de los derechos sociales en el Estado social constitucional* [Фуқароликнинг салбий томони: ижтимоий конституциявий давлатда ижтимоий ҳуқуқлар маъноси], Editores del Puerto, 2006.
- V. Abramovich, C. Courtis and L. Ferrajoli, *Los derechos sociales como derechos exigibles* [Ижтимоий ҳуқуқлар суд тартибда кўрилиши мумкин бўлган ҳуқуқлар сифатида], vol. 2, Trotta, Madrid, 2002.

### **Мақсадга мувофиқлик ва ресурсларни сарфлаш даражаси**

- Brian Griffey, *The 'Reasonableness' Test: Assessing Violations of State Obligations under the Optional Protocol to the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights* [«Мақсадга мувофиқлик»ни баҳолаш мезонлари: давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга Факультатив протокол бўйича ўз мажбуриятлари бузишлари ҳолатларини таҳлил қилиш], қуйидаги журналда: Human Rights Law Review 11:2 (2011), pp. 275–327.
- Bruce Porter, *The Reasonableness of Article 8(4) — Adjudicating Claims from the Margins*, Nordic Journal for Human Rights, vol. 27, No. 1, 2009, pp. 39–53.

### **ИИМ ҳуқуқлар нуқтаи назаридан жиноий ҳуқуқнинг тегишлилиги**

- Evelyne Schmid, *Taking Economic, Social and Cultural Rights Seriously in International Criminal Law* [Халқаро жиноий ҳуқуқ доирасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга нисбатан жиддий муносабат], Cambridge Studies in International and Comparative Law, Cambridge University Press, 2014.

### **Давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятлари**

- O. De Schutter, A. Eide, A. Khalfan, M. Orellana, M. Salomon and I. Seiderman, *Commentary to the Maastricht Principles on Extraterritorial Obligations of States in the Area of Economic,*

*Social and Cultural Rights* [Давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги экстраҳудудий мажбуриятларига тегишли Маастрихт тамойилларига шарҳ], *Human Rights Quarterly*, 34(4), 2012, pp. 1084–1169: <http://www.icj.org/wp-content/uploads/2012/12/HRQMaastricht-Maastricht-Principles-on-ETO.pdf>.

- Fons Coomans and Rolf Künnemann (eds), *Cases and Concepts on Extraterritorial Obligations in the Area of Economic, Social and Cultural Rights* [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги экстраҳудудий мажбуриятлар билан боғлиқ ишлар ва назариялар], *Maastricht Series in Human Rights*, vol. 13, Intersentia, Antwerp, 2012.
- Mark Gibney and Wouter Vandenhole (eds), *Litigating Transnational Human Rights Obligations: Alternative Judgments* [Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги трансмиллий мажбуриятларни судда ҳимоя қилиш: муқобил суд қарорлари], Routledge, 2013.

## **3-ИЛОВА: УЧ МААСТРИХТ ЭКСПЕРТ ҲУЖЖАТЛАРИ**

### **I. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактни амалга ошириш бўйича Лимбург тамойиллари**

---

*(Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси, БМТ ҳузуридаги Нидерландия доимий миссиясининг № 86/12/05 нотаси, Женева, Инсон ҳуқуқлари бўйича Марказ манзилига («Лимбург тамойиллари»), 1987 й. 8 январь, БМТ ҳужжати № E/CN.4/1987/17)*

#### **Кириш**

- (i) Халқаро юристлар комиссияси, Лимбург университети ҳуқуқ факультети (Маастрихт, Нидерландия) ва Цинциннати шаҳар муниципал университети (Огайо штати, Америка Қўшма Штатлари) қошидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Морган институти томонидан тақлиф қилинган халқаро ҳуқуқ бўйича обрўли экспертлар гуруҳи Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт иштирокчи-давлатлари мажбуриятларининг туси ва миқёсини, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича яқинда ташкил қилинган Қўмитага иштирокчи-давлатлар тақдим этган маърузаларни кўриб чиқиш натижаларини, шунингдек Пактнинг IV қисмига мувофиқ халқаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун 1986 йилнинг 2-6 июнь кунлари Маастрихтда йиғилдилар.
- (ii) Учрашувнинг 29 иштирокчиси Австралия, Венгрия, Испания, Мексика, Нидерландия, Норвегия, Сенегал, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Америка Қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси, Югославия, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари маркази, Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТ қошидаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилот (ЮНЕСКО), Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Ҳамдўстлик ва ҳомий-давлатлар котибиятидан келган эди. 4 нафар иштирокчи Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита аъзолари эди.
- (iii) Иштирокчилар, ҳамма қабул қилган шартномавий шаклдаги бажарилиши муқаррар иборасинининг ўрнига «бажарилиши лозим» ибораси қўлланиладиган айрим тавсияларни истисно қилганда, халқаро ҳуқуқнинг бугунги кундаги ҳолатини акс эттирувчи қуйидаги тамойилларни бир овоздан маъқулладилар.

## **I ҚИСМ. ИШТИРОКЧИ-ДАВЛАТЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ ТУСИ ВА МИҚЁСИ**

### **A. Умумий мулоҳазалар**

1. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар турли халқаро шартномалардаги, шу жумладан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдаги аниқ шартномавий мажбуриятлар предмети сифатида кўрилади.
2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, худди Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унинг Факультатив протоколи каби, 1976 йил кучга кирган. Ушбу Пактлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳолатлари янада ривожланишига хизмат қилади: бу ҳужжатлар Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль (қонун лойиҳаси) таркибини ташкил қилади.
3. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ажралмас ва ўзаро боғлиқ бўлгани сабабли, ҳам фуқаровий ва сиёсий, ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш каби масалаларни тенг эътибор билан ва тезкор равишда кўриб чиқмоқ лозим.
4. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни (кейинги ўринларда — Пакт), Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясига (Вена, 1969) мувофиқ, объект ва мақсадни, одатдаги мазмуни, тайёргарлик ишлари ва тегишли амалиётни ҳисобга олиб туриб, эркин истак-хоҳиш руҳида талқин қилиш лозим.
5. Пактни амалга ошириш давомида ва иштирокчи-давлатлар эришган ютуқларни баҳолашда тегишли ихтисослаштирилган муассасалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва ҳуқуматлараро ташкилотлар, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишчи гуруҳлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича маҳсус маърузачиларнинг тажрибасини ҳисобга олиш зарур.
6. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар турли сиёсий шароитларда амалга оширилиши мумкин. Уларни тўлиқ амалга оширишнинг ягона йўли мавжуд эмас. Ютуқлар ва омадсизликлар ҳам бозор иқтисодиёти ишлайдиган, ҳам бозор иқтисодиёти ишламайдиган тизимларда, ҳам марказлашган, ҳам марказлашмаган сиёсий тузумларда кузатилади.
7. Иштирокчи-давлатлар Пакт бўйича қабул қилган мажбуриятларини бажариш учун эркин хоҳиш-истак руҳида ҳаракат қилишлари лозим.

8. Гарчи, Пактда эътироф этилган ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилишига аста-секинлик билан эришилсада, айрим ҳуқуқларнинг қўлланиши дарҳол суд тартибидаги ҳимоянинг предмети бўлиши мумкин, шу билан бирга, бошқа ҳуқуқлар бу каби ҳимоя билан кейинроқ таъминланади.
9. Нодавлат ташкилотлар, Пакт амалга оширилишига кўмаклашган ҳолда, муҳим рол ўйнашлари мумкин. Бу ролни бажаришларида уларга миллий ва халқаро миқёсларда ёрдам кўрсатиш керак.
10. Иштирокчи-давлатлар Пакт бўйича олган мажбуриятларига риоя қилиши учун халқаро ҳамжамият ва ўз мамлакатлари халқлари олдида масъулдирлар.
11. Демак, иқдисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишда ривожланишга эришиш учун жамиятдаги барча секторларнинг кенг иштироки баробарида миллий миқёсдаги келишилган ҳаракатларни бажариш лозим. Таъкидлаш лозимки, барча босқичларда, жумладан давлат сиёсатининг таърифланиши, кўриб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ қилинишида аҳолининг иштироки талаб қилинади.
12. Пакт бўйича мажбуриятлар бажарилишини кузатиш, ҳамкорлик ва самарали мулоқот руҳида амалга оширилиши зарур. Шунинг учун, иштирокчи-давлатлар томонидан Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмига (кейинги ўринларда—Қўмига) тақдим этилган маърузаларни кўриб чиқишда, Пакт билан мустаҳкамланган ҳуқуқлар амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган сабаблар ва омиллар таҳлил қилиниши ва, имконият бўлган ҳолатларда, тегишли ечимлар кўрсатилиши лозим. Бу каби ёндашув иштирокчи-давлат Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётгани ҳақидаги хулоса (агар мавжуд маълумотлар шундай хулоса учун асос бўлиб хизмат қилса) чиқарилишини истисно қилмайди.
13. Пакт бажарилишини кузатаётган барча органлар, иштирокчи-давлатлар томонидан Пактга риоя қилинишини баҳолашда, камситилмаслик ва қонун томонидан тенг маънода ҳимояланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.
14. Пактда ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган ҳуқуқларнинг аста-секин амалга оширилиши муҳим эканини, шунингдек тубжойлик халқлар ва майда миллатларнинг маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун алоҳида чоралар кўрилиши талаб қилиниши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, қашшоқлар ва аҳолининг заиф қатламларининг турмуш даражасини кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

15. Халқаро ҳамжамиятнинг Пакт мақсадларига эришиш учун амалга ошираётган ҳаракатларини баҳолашда халқаро иқтисодий муносабатларда мавжуд тенденцияларни ҳисобга олиш зарур.

## **В. Пактнинг айнан II қисмига тааллуқли талқин тамойиллари**

*2-модданинг 1-банди: «Барча тегишли усуллар ёрдамида... чораларни... кўриш, шу жумладан, қонунчилик чораларини қабул қилиш».*

16. Барча иштирокчи-давлатлар зиммасига Пактда баён этилган ҳуқуқларни тўлиқ амалга оширишга қаратилган чораларни зудлик билан кўриш мажбурияти юкланади.
17. Миллий миқёсда иштирокчи-давлатлар Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажариш мақсадида ҳуқуқлар хусусиятига мувофиқ бўлган барча тегишли чораларни, жумладан қонун чиқарувчи, маъмурий, суд, иқтисодий, ижтимоий ва таълим чораларини қўллайдилар.
18. Пактда мустаҳкамланган мажбуриятларни бажариш учун фақат қонуний чораларнинг қўлланиши етарлича самара бера олмайди. Бироқ, таъкидлаш лозимки, 2-модданинг 1-бандига мувофиқ, агар қонунчилик ҳужжатлари Пакт бўйича қабул қилинган мажбуриятларга зид бўлса, қонун чиқарувчи чоралар қабул қилиниши талаб этилиши мумкин.
19. Иштирокчи-давлатлар ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларини, шу жумладан, тегишли ҳолатларда суд ҳимоясини таъминлайдилар.
20. Муайян давлатда қўлланиши лозим бўлган воситаларнинг мақсадга мувофиқлиги билан боғлиқ ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши томонидан, Қўмита кўмагида, кўриб чиқиладиган масалани иштирокчи-давлатнинг ўзи ҳал қилади. Бундай кўриб чиқиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставига мувофиқ таъсис этилган бошқа органлар ваколатига зарар етказмаган ҳолда амалга оширилади.

*«Ҳуқуқларнинг аста-секин тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш»*

21. «Ҳуқуқларнинг аста-секин тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш» мажбурияти иштирокчи-давлатлар ҳуқуқлар амалга оширилишига имкон қадар тезроқ суръатларда интилишини белгилайди. Ҳеч бир вазиятда ушбу ҳолатни давлат учун тўлиқ амалга ошириш бўйича чораларни номаълум муддатга кечиктириш ҳуқуқи сифатида талқин қилиниши мумкин эмас. Аксинча, барча иштирокчи-давлатлар Пакт бўйича ўз мажбуриятларини

бажаришга қаратилган чораларни зудлик билан қабул қилишлари лозим.

22. Пакт бўйича айрим мажбуриятлар, масалан, 2-модданинг 2-бандидаги камситишни тақиқлаш мажбурияти, иштирокчи-давлатлар томонидан зудлик билан тўлиқ татбиқ этилиши талаб қилинади.
23. Ҳуқуқларни аста-секин амалга ошириш мажбурияти ресурслар ортишидан қатъи назар мавжуддир; у мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни талаб қилади.
24. Ҳуқуқларнинг аста-секин амалга оширилишига нафақат ресурсларни кўпайтириш ҳисобига, балки Пактда белгиланган ҳуқуқларнинг ҳар бир инсон томонидан амалга оширилиши учун зарур бўлган жамоат салоҳиятини ривожлантириш ҳисобига ҳам эришиш мумкин.

*«Мавжуд ресурсларнинг максимал чегараларида»*

25. Иштирокчи-давлатлар, иқтисодий ривожланиш даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, ҳаёт кечириш учун минимал ҳуқуқларлар хурмат қилинишини барча кишилар учун таъминлаши шарт.
26. «Мавжуд ресурслар» ибораси нафақат давлатнинг ўз ресурсларига, балки халқаро ҳамжамият томонидан халқаро ҳамкорлик ва ёрдам орқали воситасида тақдим этиладиган ресурсларга ҳам тааллуқлидир.
27. Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун тегишли чоралар кўрилаётганини аниқлашда, мавжуд ресурслардан адолатли ва самарали фойдаланилишига ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари қандай эканига эътибор қаратиш керак.
28. Мавжуд ресурслардан фойдаланишда, барча учун ҳаётининг эҳтиёжлар қондирилиши, шунингдек, асосий хизматлар тақдим этилиши заруратини ҳисобга олган ҳолда, Пактда эътироф этилган ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тегишлича устувор ва аҳамиятли эътибор қаратилиши лозим.

*«Якка тартибда ҳамда халқаро ёрдам ва ҳамкорлик тартибида, хусусан, иқтисодий ва техник соҳаларда»*

29. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави (55- ва 56-моддалар) ва Пактга мувофиқ халқаро ҳамкорлик ва ёрдам доирасида инсоннинг фуқаровий ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларининг амалга оширилиши устувор масала сифатида кўрилади.
30. Халқаро ҳамкорлик ва ёрдам, шундай ижтимоий ва халқаро тартиб ўрнатилишига йўналтирилиши лозимки, унда, Пактда баён

этилган ҳуқуқлар ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши керак (шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 28-моддасини кўринг).

31. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимлари турлича бўлишига қарамасдан, давлатлар халқаро, иқтисодий ва маданий тараққиётни, хусусан, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланишини юқорида кўрсатилган фарқланишлар асосидаги ҳеч қандай камситишларсиз рағбатлантириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қиладилар.
32. Иштирокчи-давлатлар Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун ёрдам ва ҳамкорликни тақдим этиш мақсадида халқаро механизмларни қўллаган ҳолда тегишли чораларни кўрадилар.
33. Халқаро ҳамкорлик ва ёрдам давлатларнинг суверен тенглигига асосланади ва Пактда кўзда тутилган ҳуқуқларнинг амалга оширилишига қаратилади.
34. Халқаро ҳамкорлик ва ёрдам кўрсатиш жараёнида 2-модданинг 1-бандига мувофиқ халқаро ташкилотларнинг роли ва нодавлат ташкилотларнинг ҳиссаси ҳисобга олинади.

*2-модданинг 2-банди: Камситмаслик*

35. 2-модданинг 2-банди зудлик билан қўлланиши талаб қилиниб, иштирокчи-давлатлар томонидан қатъий кафолатлар берилишини назарда тутати. Шу сабабли, унга риоя қилиш суд органлари ва суд ҳимоясининг бошқа таомиллари орқали назорат қилиш билан мустаҳкамланиши лозим.
36. 2-модданинг 2-бандида баён этилган камситиш учун хизмат қилиши мумкин бўлган асослар рўйхати якуний, деб ҳисобланмайди.
37. Пакт иштирокчиси сифатида тан олинган давлатлар камситиш ҳолатларига йўл қўядиган барча қонунлар, қарорлар ва амалиётларни (шу жумладан, ҳаракатлар ва ҳаракатсизликларга оид ҳужжатларни) зудлик билан бекор қилиш йўли билан камситишни де-юре тугатади.
38. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан ресурслар етишмаслиги ёки бошқа сабаблар туфайли тенг тарзда фойдаланиш имконияти йўқлиги билан шартланган де-факто камситишни имкон қадар тезроқ тугатиш зарур.
39. Маълум гуруҳлар ёки шахслар ҳолатини тегишли тарзда яхшилаш мақсадида, бу гуруҳлар ва шахслар айнан шундай ҳимоя-

га муҳтож бўлиб, улар учун иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан тенг тарзда фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун қабул қилинадиган махсус чоралар, агар ушбу чоралар кейинчалик турли гуруҳлар учун турлича ҳуқуқлар сақланиб қолишига олиб келмаса ва қўйилган мақсадларга эришилганидан сўнг ушбу чораларнинг қўлланиши давом эттирилмаса, камситиш ҳисобланмайди.

40. 2-модданинг 2-банди иштирокчи-давлатларга хусусий шахслар ва тузилмаларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида камситиш ҳолатларини амалга оширишига тақиқлов қўйишни белгилайди.
41. 2-модданинг 2-бандини қўллашда барча тегишли халқаро шартномаларга, жумладан Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Декларация ва Конвенцияга, шунингдек, ушбу Конвенция (ИКБХК)га мувофиқ ташкил этилган кузатув органи фаолиятига етарлича эътибор қаратиш лозим.

*2-модданинг 2-банди: Ривожланаётган мамлакатларда фуқаро бўлмаган шахслар*

42. Одатда, Пактда баён этилган ҳолатлар мамлакат фуқароларига ҳам, фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам тенг равишда тааллуқлидир.
43. 2-модда 3-бандининг мақсади, мамлакат фуқароси бўлмаган шахслардан таркиб топган айрим иқтисодий гуруҳларнинг мустақиллик даврида ўрнатилган ҳукмронлигини бекор қилишдан иборат. Шу сабабли, 2-модданинг 3-бандидаги истисно тор маънода изоҳланиши ва талқин қилиниши керак.
44. 2-моддадаги 3-бандининг тор маънода талқин қилиниши, хусусан, иқтисодий ҳуқуқлар тушунчасига ва ривожланаётган мамлакатлар тушунчасига нисбатан қўлланади. Охириги тушунча мустақилликка эришган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ривожланаётган мамлакатларнинг тегишли тоифасига мансуб ривожланаётган мамлакатларни англатади.

*3-модда: Эркалар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар*

45. 3-моддани қўллашда Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Декларация ва Конвенцияга ҳамда бошқа тегишли шартномаларга, шунингдек ушбу Конвенция (АКБХК)га мувофиқ ташкил этилган кузатув органи фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

*4-модда: Чекловлар*

46. 4-модда, биринчи навбатда, давлат томонидан чекланишлар қўйилишига рухсат берилмасдан, индивидлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.
47. Ушбу моддада индивиднинг моддий кун кечириши ёки жисмонан омон қолиши, шунингдек шахс дахлсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқларига чекловлар қўйилиши назарда тутилмаган.

*«Қонун билан белгиланадиган»<sup>278</sup>*

48. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишга нисбатан ҳар бир чеклов, Пактга зид бўлмаган ва чеклов киритилган вақтда амалда бўлган умумий қўлланишдаги миллий қонунга мувофиқ белгиланади.
49. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишга нисбатан чекловларни белгилайдиган қонунлар ихтиёрий, номаъқул ёки камситиш тусига эга бўлмасликлари керак.
50. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишни чеклайдиган ҳуқуқий нормалар, аниқ ва барча учун тушунарли бўлиши лозим.
51. Қонунда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишнинг чекланиши ноқонуний ёки қонунга зид равишда киритилиши ёки қўлланилишидан сақловчи тегишли кафолатлар ва самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари кўзда тутилиши зарур.

*«Умумий фаровонликка кўмаклашмоқ»*

52. Бу атама умуман халқ фаровонлигига кўмаклашиш маъносида талқин этилади.

*«Демократик жамиятда»<sup>279</sup>*

53. «Демократик жамиятда» ибораси чекловларни қўллаш учун қўшимча шартлар киритилиши маъносида талқин қилинади.
54. Чекловларни киритаётган давлат ушбу чекловлар жамиятнинг демократик фаолиятига тўсқинлик қилмаётганлигини намойиш қилиши керак.
55. Гарчи, демократик жамиятнинг ягона модели мавжуд бўлмасада, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставида ва Инсон ҳуқуқлари

<sup>278</sup> 48–51 Лимбург тамойиллари 15–18 Сиракуза тамойилларига асосланган. БМТ ҳужжати № E/CN.4/1984/4, 28 сентябрь 1984 й. ва Human Rights Quarterly нашри, vol. 7, 1985, p. 5.

<sup>279</sup> Сиракуза 19–21 тамойиллари билан таққосланг, ўша жойда. 5-6.

умумжаҳон декларациясида эълон қилинган инсон ҳуқуқларини тан оладиган ва ҳурмат қиладиган жамиятни ушбу таърифланишга мувофиқ, деб ҳисоблаш мумкин.

*«Кўрсатилган ҳуқуқлар моҳиятига мос»*

56. «Кўрсатилган ҳуқуқлар моҳиятига мос» — ушбу таърифланишда ифодаланган шарт, чеклов тегишли ҳуқуқнинг бекор қилинишини назарда тутиши мумкин, деган маънода талқин қилинмаслиги ва қўлланмаслигини англатади.

*5-модда*

57. 5-модданинг 1-бандида давлат қонунда аниқ кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари бошқа чекловларни татбиқ этиш учун умумий, назарда тутилган ёки қолдиқ ҳуқуққа эга эмаслигини таъкидлайди. Ҳеч бир норматив ҳолат «Мазкур Пактда эътироф этилган исталган ҳуқуқлар ва эркинликлар»ни йўқ қилишга олиб келадиган тарзда талқин қилиниши мумкин эмас. Бундан ташқари, Пактдаги ҳеч бир ҳолат барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларидан тўлиқ ва эркин фойдаланиш ҳуқуқларини камситиш сифатида талқин қилинмаслигини таъминлаш 5-модданинг мақсади ҳисобланади.
58. 5-модданинг 2-банди Пактдаги ҳеч бир ҳолат давлат ичидаги ҳуқуқ ҳолатларига, кучга кирган ёки кучга кириши мумкин бўлган ҳамда уларга мувофиқ ҳимоядан фойдаланаётган шахсларга қулайроқ режим тақдим этувчи икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар, конвенциялар ёки битимларга зарар етказадиган ва зид тарзда талқин қилинмаслигини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, 5-модданинг 2-банди иштирокчи-давлатларнинг миллий ёки халқаро мажбуриятлари билан Пактда кўзда тутилгандан кўпроқ ҳажмда ҳимоя қилинадиган инсон ҳуқуқларининг биронтасидан фойдаланишни чеклаш маъносида талқин қилинмайди.

**С. Пактнинг III қисмига бевосита тааллуқли бўлган талқин тамойиллари**

*8-модда:*

*«Қонунда кўзда тутилган»<sup>280</sup>*

59. 4-моддадаги худди шу тарзда ифодаланган «қонун билан белгиладиган» таърифланиши бўйича талқин қилиш тамойилларини кўринг.

<sup>280</sup> 59–60 Лимбург тамойиллари 10, 15–26, 2–32 ва 35–37 Сиракуза тамойилларига асосланган, ўша жойда. 4–7-б.

*«Демократик жамият учун зарур бўлган»*

60. «Демократик жамиятда» деган таърифланишга нисбатан қўлланадиган 4-моддага тааллуқли бўлган талқин қилиш тамойилларига қўшимча сифатида 8-моддада касаба уюшмалари ҳуқуқларини чеклашда давлат учун қатъийроқ шартларни белгилаган. 8-моддага кўра, бу чеклов ҳақиқатан ҳам зарур эканлиги асосланиши лозим. «Зарур» атамаси бундай чеклов:

- а) давлат ёки жамиятнинг зарурий эҳтиёжига жавоб беришини;
- в) қонуний мақсадга қаратилганини, шунингдек
- с) шу мақсадга мутаносиб эканлигини назарда тутди.

61. Чеклов зарурати тўғрисидаги ҳар қандай баҳоланишлар объектив омилларга асосланган бўлиши керак.

*«Миллий хавфсизлик»*

62. Айрим чекловларни оқлаш мақсадида миллий хавфсизлиги манфаатларига ҳавола, бу каби чора (чеклов)лар давлатнинг мавжудлиги, унинг ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий мустақиллигини куч ишлатилишидан ёки куч ишлатилиши таҳдидидан ҳимоя қилиш учун қабул қилингандагина мақсадга мувофиқ бўлади.

63. Ҳуқуқий тартибга локал ёки нисбатан изоляцияланган таҳдиднинг олдини олиш мақсадида киритилган чекловларни асослаш учун миллий хавфсизлик манфаатларига ҳавола қилишга йўл қўйилмайди.

64. Ноаниқ, мавҳум ёки ихтиёрий чекловларни киритиш учун давлат хавфсизлиги манфаатларидан важ сифатида фойдаланиш мумкин эмас, мос равишдаги кафолатлар ва қонун бузилишларидан ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситалари мавжуд бўлгандагина, давлат хавфсизлиги манфаатларига ҳавола қилишга йўл қўйилади.

65. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг тизимли равишда бузилиши, ҳақиқий давлат хавфсизлигига путур етказиб, халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин. Бу каби қонун бузилиши учун жавобгар бўлган давлат, бундай ҳуқуқбузарликка қаршилик кўрсатишни бостиришга ёки ўз аҳолисига нисбатан репрессиялар (қатағонлар) сиёсатини ўтказишга қаратилган чораларни оқлаш мақсадида, миллий хавфсизлик манфаатларига ҳавола қилиши мумкин эмас.

*«Жамоат тартиби»*

66. Пактда қўлланадиган «жамоат тартиби» ибораси жамият фаолиятини таъминловчи нормалар ёки жамият тузилишини белгилаб берувчи бир қатор тамойиллар тўплами сифатида таърифланиши мумкин. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг

ҳурмат қилиниши жамоат тартибининг ажралмас қисми ҳисобланади.

67. Жамоат тартиби иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг шу асосда чекланадиган аниқ мақсадлари контекстида талқин этилади.
68. Жамоат тартиби учун масъул давлат органлари ва давлат вакиллари ўз ваколатларини амалга оширишда парламент, суд органлари ёки бошқа ваколатли мустақил тузилмалар томонидан назорат остида бўлиши лозим.

*«Бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинларини»*

69. Пактда эълон қилинган ҳуқуқларни чеклаш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларининг қамров доираси Пактда эътироф этилган ҳуқуқлар ва эркинликлар доирасидан четга чиқади.

#### **D. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг бузилиши**

70. Пактда баён этилган у ёки бу мажбуриятларнинг иштирокчи-давлатлар томонидан бажарилмаслиги, халқаро ҳуқуққа мувофиқ, Пактнинг бузилиши ҳисобланади.
71. Қандай ҳолатлар мажбуриятларнинг бажарилмаслиги сифатида эътироф этилишини белгилашда, Пакт иштирокчи-давлатга мақсадларига эришиш учун воситаларни танлашда муайян эркинлик даражасини тақдим этганини, у идрок эта оладиган назорат доирасидан четга чиқувчи омиллар эса, давлатнинг аниқ белгиланган ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш имкониятларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эканлигини ҳисобга олиш лозим.
72. Агар иштирокчи-давлат, қуйидагиларни бажарган ёки бажармаган бўлса, Пактнинг қоидаларини бузган ҳисобланади:
  - Пактга мувофиқ бажарилиши лозим бўлган чораларни кўрмаса;
  - бирон бир ҳуқуқни зудлик билан амалга оширишни таъминлаш учун бартараф қилиниши шарт бўлган тўсиқларни қисқа муддатларда бартараф қилмаса;
  - Пактга мувофиқ зудлик билан таъминланиши лозим бўлган ҳуқуқни шошилиш тартибда амалга оширмаса;
  - риоя қилиш имкониятига эга бўла туриб, ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича ҳамма эътироф этган минимал халқаро стандартларга атайин риоя қилмаса;

- Пактда эътироф этилган қайсидир ҳуқуқ учун Пактда кўзда тутилмаган чекловларни татбиқ қилса;
- бирон бир ҳуқуқнинг аста-секин амалга оширилишини атайин кечиктирса ёки тўхтатиб турса, Пактда рухсат берилган чекловлар доирасида амал қилувчи ҳолатлар ёки бундай ҳаракатлар мавжуд ресурсларнинг етишмаслиги ёки форс-мажор вазиятлар сабабли амалга оширилгандаги ҳолатлар бундан мустасно;
- Пакт талабларига мувофиқ маърузаларни тақдим этмаса.

73. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ Пактга аъзо бўлган ҳар бир иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлатнинг Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётганлиги ҳақида фикр билдириш ва бу ҳолат ҳақида ушбу иштирокчи-давлатга кўрсатиб ўтиш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай тортишув бундай баҳсларни тинчлик йўли билан тартибга солиш ҳақидаги халқаро ҳуқуқ нормалари асосида тартибга солинади.

## **II ҚИСМ. ИШТИРОКЧИ-ДАВЛАТЛАР МАЪРУЗАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ПАКТНИНГ IV ҚИСМИГА МУВОФИҚ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

### **A. Иштирокчи-давлатлар томонидан маърузаларни тайёрлаш ва тақдим этиш**

74. Пактнинг IV Қисмида кўзда тутилган кузатиш механизмларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан иштирокчи-давлатлар маърузаларининг сифатига ва уларни ўз вақтида тақдим этишларига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, ҳукуматларга уларнинг маърузалари имкон қадар мазмундор бўлишини таъминлаш тавсия этилади. Шу мақсадда улар ваколатли ҳукумат идора ва муассасалари билан маслаҳатлар бериш, маълумотлар йиғиш, ходимларни тайёрлаш, маълумотнома ҳужжатларини тузиш ва тегишли ноҳукумат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишнинг тегишли ички таомилларини ишлаб чиқиш лозим.
75. Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий кузатиш органлари раислари томонидан 1984 йилда Бош Ассамблеяга қилган маърузаларида (A/39/484) таклиф этилгани каби, консультатив хизматлар ва техник ёрдам дастури элементларини амалга ошириш маърузаларни Пактнинг 16 моддасига мувофиқ тайёрлашга ёрдам бериши мумкин.
76. Иштирокчи-давлатлар маърузаларни тақдим этиш бўйича ўз мажбуриятларини кенг жамоатчилик томонидан иқтисодий, иж-

тимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадлари ва стратегиясининг муҳокамасини ўтказиш учун қулай имконият сифатида тушунишлари лозим. Бунинг учун маърузалар лойиҳа кўринишида оммага маълум қилинишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, маърузаларни тайёрлашни миллий стратегия ҳар бир ҳуқуқнинг қамров ва мазмун доирасини қанчалик мувофиқ акс эттиришини баҳолаш ва уни амалга оширишнинг муайян воситаларини аниқлаш учун қулай сабаб сифатида кўриш керак.

77. Иштирокчи давлатга маърузаларни тайёрлаш жараёнига ноҳукумат ташкилотларни жалб қилиш имкониятини ўрганиб чиқиш тавсия этилади.
78. Пактни бажариш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий чоралар тўғрисида ёзилган маърузанинг қисмида иштирокчи-давлатлар нафақат тегишли қонунчилик қоидаларини шунчаки таърифлаб беришлари, балки, ушбу ҳуқуқларга амал қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган ўринларда улар томонидан суддаги ҳимоянинг қандай воситалари, қандай маъмурий таомиллар ва бошқа чоралар кўрилганлигини кўрсатиш ҳамда ушбу восита ва таомиллардан фойдаланиш борасида мавжуд амалиётни таърифлашлари лозим.
79. Ҳуқуқлар қай даражада ҳимояланганлигини кўрсатиш учун иштирокчи-давлатлар маърузаларга миқдорий кўрсаткичларни кириштишлари керак. Статистик маълумотларни, бюджет маблағлари ва чиқимлар тўғрисидаги маълумотларни шундай аснода тақдим этиш лозимки, Пакт бўйича мажбуриятлар бажарилганлигини баҳолаш осон бўлсин. Иштирокчи-давлатлар Пактни бажариш давомида имкон қадар аниқ мақсад ва кўрсаткичларни белгилашлари лозим. Иштирокчи-давлатлар тегишли ҳолларда маърузаларида келтирилган маълумотларнинг долзарблилиги ва солиштирувчанлигини ошириш учун бундай мақсад ва кўрсаткичларни халқаро ҳамкорлик доирасида ўрнатилган мезонларга асослаш лозим.
80. Пактда мустаҳкамланган ҳуқуқларга риоя қилинишини таъминлаш йўлида эришилган тараққиёт ва қийинчиликлар бўйича мавжуд бўлган маълумотлардаги бўшлиқларни тўлдириш учун, ҳукуматлар, зарур бўлган ҳолатларда, тадқиқотларни ўтказиши ёки бунинг учун буюртма бериши лозим.
81. Иштирокчи-давлатлар маърузаларида халқаро ҳамкорлик орқали жиддий тараққиётга эришиш мумкин бўлган соҳаларни кўрсатишлари ва бу мақсадга эришишга ёрдам берадиган иқтисодий ва техник ҳамкорлик дастурларини тақлиф қилишлари керак.

82. Иштирокчи-давлатлар ва улар Пакт қоидаларини бажаришларини баҳолайдиган органлар ўртасида мазмунли мулоқот ўтказилишини таъминлаш учун иштирокчи-давлатлар маърузада кўтарилган муаммолар билан етарли даражада таниш бўлган вакилларни тайинлашлари лозим.

### **В. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитанинг роли**

83. Қўмитага Пакт томонидан юклатилган муҳим вазифаларни бажариш учун Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга кўмаклашиш буюрилган. Хусусан, унинг роли иштирокчи-давлатлар маърузаларини кўриб чиқиш ҳамда умумий хусусиятли таклиф ва тавсияларни, шу жумладан иштирокчи-давлатлар томонидан Пактга янада тўлиқ амал қилишга доир таклиф ва тавсияларни киритишдан иборат. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг унинг сессияси Ишчи гуруҳини мустақил экспертлар Қўмитасига алмаштириш борасидаги қарори, иштирокчи-давлатлар томонидан Пактни амалга ошириш кетидан янада самарали кузатишга олиб келиши лозим.

84. Қўмита, ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришига имкон бериш учун, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш етарли сондаги Қўмита сессиялари ўтказилишини таъминлаши лозим. Шунингдек, Қўмита ўз функцияларини Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг № 1985/17 резолюциясига мувофиқ самарали бажариши учун унга керакли ходимлар ва воситаларни бериш керак.

85. Пакт томонидан қамраб олинган энг муҳим муаммоларни ҳар томонлама кўриб чиқиш учун Қўмита маълум вазифаларни бажаришни ўз аъзоларига топшириши мумкин. Масалан, дастлабки ифодаларни ёки умумий хусусиятли тавсиялар ёхуд олинган маълумот резюмесини ишлаб чиқиш бўйича таҳририят гуруҳлари яратилиши мумкин. Қўмита ишига кўмаклашиш, хусусан, алоҳида мавзулар юзасидан маърузаларни тайёрлаш ва шу мақсадда иштирокчи-давлатлар, ихтисослаштирилган муассасалар ва тегишли экспертлар билан маслаҳатлар ўтказиш, ҳамда Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажариш, вақтида иштирокчи-давлатлар дуч келадиган қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам бера оладиган иқтисодий ва техник ёрдам лойиҳалари бўйича таклифларни ифодалаш учун маърузачилар тайинланиши мумкин.

86. Қўмита, Пактнинг 22- ва 23-моддаларига мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари, ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан бирга, Пактни изчил амалга оширишга ёрдам бериши мумкин бўл-

ган қўшимча халқаро чораларни кўриш имкониятини ўрганиб чиқиш лозим.

87. Қўмита ҳозирги вақтда амалда бўлган маърузаларни тақдим этишнинг олти йиллик даврини қайта кўриб чиқиши керак, чунки уларни тақдим этиш ушланиб қолганлиги, бир даврнинг турли босқичларида тақдим этилган маърузаларни бир вақтнинг ўзида кўриб чиқишга олиб келган. Шунингдек, Қўмитага иштирокчи-давлатларга маърузаларни тайёрлашда ёрдам бериш учун мўлжалланган раҳбарликни қайта кўриб чиқиш ва ҳар қандай зарур ўзгартишларни таклиф қилиш лозим.
88. Қўмита билан бевосита ва доимий мулоқот юритиш мақсадида, иштирокчи-давлатлар танланган мавзулар бўйича ўз мулоҳазаларини баён қилишларини таклиф қилиш масаласи Қўмита томонидан кўриб чиқилиши керак.
89. Пактда мавжуд бўлган мажбуриятларга амал қилишни баҳолашда, Қўмита методология масалаларига етарли эътибор қаратиши лозим. Пактга мувофиқ тақдим этиладиган маърузаларни баҳолашда, маълум ҳуқуқларни амалга оширишда эришилган тараққиётни ўлчашга ёрдам берадиган даражада кўрсаткичларга ҳавола қилиш фойдали бўлиши мумкин. Қўмита ихтисослаштирилган муассасалар томонидан ёки уларнинг доирасида белгиланган кўрсаткичларни тегишлича ҳисобга олиши, маълумотлар етишмайдиган ҳолатларда эса, қўшимча тадқиқотлар маълумотларидан фойдаланиши ёки манфаатдор ихтисослаштирилган муассасалар билан биргаликда бундай тадқиқотлар ўтказилишига ёрдам бериши керак.
90. Қўмита, иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган маълумот эришилган тараққиёт ва мавжуд қийинчиликларни асосли равишда баҳолаш учун етарли деб ҳисобламайдиган ҳолларда, у қўшимча маълумот талаб қилиши ва, зарур бўлса, иштирокчи-давлатга тўхталишга тавсия қиладиган муайян муаммо ва масалаларга урғу беришлари лозим.
91. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг № 1985/17 резолюциясига мувофиқ маърузаларни тайёрлашда Қўмита, «маърузаларни кўриб чиқиш резюмесига» қўшимча, йиғилиш давомида кўтарилган тематик масалаларни алоҳида ажратиш имкониятини кўриб чиқиши керак.

### **С. Қўмитанинг ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа халқаро органлар билан ўзаро муносабатлари**

92. Қўмита яратилишини Қўмита, ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа халқаро органлар ўртасида ижобий ва ўзаро

манфаатли муносабатларни ривожлантириш имкони сифатида кўриш лозим.

93. Пактнинг 18-моддасига мувофиқ, янги битимлар Қўмита ишига ихтисослаштирилган муассасалар ҳиссаларини кенгайтириши мумкин бўлган жойларда ана шундай янги битимларни тузиш имкониятини кўриб чиқишлари керак. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш соҳасида ишлаш усуллари турлича эканлигини ҳисобга олиб, 18-моддага мувофиқ бундай битимларни тузишда мослашувчанликни намоён қилиш талаб этилади.
94. Пактни IV қисмига мувофиқ амалга ошириш устидан тегишлича кузатиш учун ихтисослаштирилган муассасалар ва Қўмита ўртасида ўзаро қизиқиш уйғотувчи масалалар юзасидан мулоқотни ривожлантириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, маслаҳатлар давомида Пакт бажарилишини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш; иштирокчи-давлатлар маърузаларини тақдим этишларига доир раҳбарлик тамойилларини тузиш; ихтисослаштирилган муассасалар билан улар маърузаларини 18-моддага мувофиқ тақдим этишлари юзасидан битимлар тузиш зарурлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш лозим. Шу билан бирга ушбу муассасаларда қабул қилинган ҳар қандай тегишли таомилларга эътибор қаратиш керак бўлади. Уларнинг вакиллари Қўмита йиғилишларида қатнашишлари ғоятда муҳим бўлар эди.
95. Қўмита аъзолари тегишли ихтисослаштирилган муассасаларга боришлари, шахсий алоқа йўли билан ушбу муассасаларнинг Пактда мавжуд бўлган ҳуқуқларни амалга оширишга дахлдор бўлган дастурлари тўғрисида билиб олишлари ва ушбу муассасалар билан ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган доираларни муҳокама қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.
96. Қўмита ва халқаро молия муассасалари ва ривожланиш агентликлари ўртасида, Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун мавжуд ресурсларни тақсимлаш юзасидан, маълумот ва ғоялар билан алмашиш борасида маслаҳатларни бошлаш лозим. Бундай алмашув давомида Пактни амалга ошириш бўйича иштирокчи-давлатлар томонидан қўлланилаётган саъй-ҳаракатларга халқаро иқтисодий ёрдамнинг таъсирини ҳамда Пактнинг 22-моддасига мувофиқ техник ва иқтисодий ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқиш керак.
97. Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия, Пактнинг 19-моддаси бўйича мажбуриятларига қўшимча равишда, Қўмита томонидан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга тегишли кун тартиби-

нинг бандлари кўриб чиқиладиганда ушбу Қўмитанинг ишини эътиборга олиш лозим.

98. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт билан ўзаро боғлиқ. Ҳуқуқларнинг аксарияти у ёки бу Пактнинг таъсири остига тушадиган сифатида аниқ ифодаланиши мумкин бўлишига қарамасдан, иккала воситаларда акс эттирилган ва аниқ табақалаштириб бўлмайдиган қатор ҳуқуқ ва қоидалар мавжуд. Бундан ташқари, иккала Пактда ҳам умумий қоида ва моддалар бор. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита ўртасида маслаҳатлашиш механизмини яратиш муҳимдир.
99. Пакт учун бошқа халқаро-ҳуқуқий воситалар аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан турли кузатиш органлари ўртасида самарали маслаҳат механизмларини яратиш зарурати тўғрисидаги масалани ўз вақтида кўриб чиқиш талаб этилади.
100. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш масалалари билан шуғулланадиган халқаро ва минтақавий ҳукуматлараро ташкилотларга, зарур бўлса, Пактни амалга оширишга қўмаклашиш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиш қатъий тавсия этилади.
101. Қўмита Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг ёрдамчи органи ҳисобланлиги сабабли, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш қошида маслаҳатчи мақомига эга бўлган ноҳукумат ташкилотларга Қўмита йиғилишларида иштирок этиш, уларнинг ишлаши кетидан кузатиб бориш ва зарур ҳолларда, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 1296 (XLIV) резолюциясига мувофиқ, маълумотларни тақдим этиш қатъий тавсия қилинади.
102. Қўмита ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар ҳамда тадқиқотчилик муассасалари билан ҳамкорликда прецедентли ҳуқуқ материалларини ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро шартномалар шарҳларига эга бўлган бошқа материалларни ёзиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича келишилган тизимни ишлаб чиқишлари лозим.
103. 23-моддада кўзда тутилган чоралардан бири сифатида, Қўмита ишини кўриб чиқиш ва Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш борасида эришилган тараққиётни баҳолаш бўйича семинарларни мунтазам равишда ўтказиш тавсия этилади.

## **II. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига оид Маастрихт раҳбарлик тамойиллари**

---

*(Лимбург тамойилларининг 10-йиллиги муносабати билан Халқаро юристлар комиссияси, инсон ҳуқуқлари бўйича Маастрихт маркази ва инсон ҳуқуқлари бўйича Urban Morgan Институту томонидан 1997 йил 26 январда ташкил қилинган эксперт семинари иштирокчилари томонидан қабул қилинган, БМТ ҳужжати № E/C.12/2000/13)*

### **I. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар аҳамияти**

1. Лимбург тамойиллари қабул қилинган 1986 йилдан бери дунёдаги 1,6 млрд одамлар ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий шароитлари хавотирли суръатларда ёмонлашиб бориши кузатилди; ва айнан ана шу давр ичида, ер курраси аҳолисининг тўртдан бир қисмида турмуш шароитлари сезиларли яхшиланди\*. Кейинги уч ўн йиллик давомида бойлар ва камбағаллар орасидаги узилиш икки барабар ортди, айти пайтда дунё аҳолисининг энг қашшоқ 1/5 қисмига жаҳон даромадининг 1,4%, энг бадавлат 1/5 қисмига эса—85% тўғри келади. Бундай ҳолат айниқса кам таъминланган одамлар ҳаётига ўта салбий таъсир кўрсатади, ва бунинг натижасида инсониятнинг катта қисми учун иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланиш эришиб бўлмайдиган орзулигича қолаверади.
2. Совуқ уруш тугаганидан сўнг дунёнинг барча минтақаларида одамлар фаровонлиги муаммоларини ҳал қилишда давлат ролининг пасайиши ва бозор ролининг кучайиши ҳолатлари кузатилмоқда; кўпинча бу халқаро ва миллий молия бозорлари ва муассасалари томонидан илгари сурилаётган шартлари ҳамда бир қатор давлатлардан кўпроқ бойликлар ва ҳокимиятга эга бўлган кўп миллатли корпорациялар инвестицияларини жалб қилиш ҳаракатларига жавобан рўй бермоқда. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш учун пировардида айнан давлат жавоб беришига қарамасдан, эндиликда ана шу ҳуқуқлар рўёбга чиқиши асосан давлат ҳаракатларига боғлиқ, деб ҳисоблаб бўлмайди. Ушбу тенденциялар натижасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига қарши курашиш вазифаси мураккаблашган бўлса-да, ҳозирги вақтда айтилган ҳуқуқларга жиддий эътибор қаратиш, ва демакки, ҳукуматлар бу соҳада ўз мажбуриятларини бажармасликлари учун жавобгарликни (масъулиятни) таъминлаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

3. Шунингдек 1986 йилдан кейин ҳуқуқий соҳада сезиларли тараққиёт кузатилиб, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар мустақамланишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитанинг амалиётини шакллантиришга ёрдам берган, 1996 йилги қайта кўриб чиқилган Европа ижтимоий хартияси ва жамоавий шикоятларни узатиш тизимини назарда тутадиган Европа хартиясига Қўшимча протокол ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясига Сан-Сальвадор протоколи каби воситаларни қабул қилишга хизмат қилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг еттита олий даражадаги Жаҳон учрашувлари давомида (1992–1996 йиллар) ҳукуматлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар масалалари билан янада самарали шуғулланиш юзасидан ўз зиммаларига қатъий мажбурият олдилар. Бундан ташқари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга таклиф этилган факультатив протоколлар ва Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция орқали иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши учун масъулиятни кучайтириш имкони мавжуд. Фуқаролик жамиятининг миллий тузилмалари ҳамда минтақавий ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар даражасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида жиддий юксалиш кузатилмоқда.
4. Барча инсон ҳуқуқлари бўлинмас, ўзаро боғлиқ, бир-бири билан алоқада ва инсон қадр-қиммати учун тенг даражада аҳамиятли эканлигига бугунги кунда ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шунинг учун давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилганлиги учун ҳам, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга риоя қилинмаганлиги учун ҳам тенг равишда жавоб берадилар.
5. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳолатида бўлгани каби, иштирокчи-давлат томонидан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида бирор шартномавий мажбуриятга амал қилинмаслик халқаро ҳуқуққа мувофиқ ушбу ҳуқуқни бузиш ҳисобланади. Лимбург тамойилларига асосланиб\*\*, қуйида келтирилган мулоҳазалар биринчи навбатда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга (кейинги ўринларда — «Пакт») тегишлидир. Шу билан бирга, улар тенг даражада иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида халқаро ва ички ҳуқуқнинг бошқа нормаларини изоҳлаш ва улардан фойдаланишга дахл қилади.

## **II. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузулишининг мазмуни**

### **Ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбурияти**

6. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар каби, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар давлатлар зиммасига қўйидаги уч турдаги мажбуриятларни юклайди: ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш. Ушбу учта мажбуриятларнинг биронтаси бажарилмаслиги кўрсатилган ҳуқуқларни бузилишига олиб келади. Ҳуқуқларни ҳурмат қилиш мажбурияти давлатдан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишга аралашидан ўзларини тийишларини талаб қилади. Масалан, давлат шахсни турар-жойидан ўз ихтиёрига қарши мажбурий равишда кўчириб юборган ҳолатда уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи бузилади. Ҳимоя қилиш мажбурияти давлатлардан бундай ҳуқуқлар учинчи томондан бузилишининг олдини олишни талаб қилади. Мисол учун, хусусий иш берувчилар асосий меҳнат нормаларига риоя қилишни таъминлай олмасликлари, меҳнат қилиш ҳуқуқи ёки адолатли ва мақбул меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи бузилганлигига тенглаштирилиши мумкин. Ҳуқуқларни амалга ошириш мажбурияти ушбу ҳуқуқларни тўлиқ рўёбга чиқариш учун давлатдан тегишли қонунчилик, маъмурий, бюджет, суд ва бошқа чораларни кўришни талаб қилади. Масалан, давлат тиббий ёрдамга муҳтож шахсларни бирламчи тиббий-санитария ёрдами билан таъминлай олмаслиги ҳуқуқни бузишга тенглаштирилиши мумкин.

### **Феъл-атвор мажбурияти ва натижа мажбурияти**

7. Ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш бўйича ҳар бир мажбурият феъл-атвор мажбурияти ва натижа мажбурияти элементларига эга. Феъл-атвор мажбурияти маълум ҳуқуқдан фойдаланишни таъминлаш учун оқилона ўйлаб чиқилган ҳаракатлар бажарилишини талаб қилади. Мисол учун, соғлом бўлиш ҳуқуқи ҳолатида феъл-атвор мажбурияти оналар ўлими даражасини камайтириш бўйича ҳаракатлар режасини қабул қилиш ва амалга оширишни ўзига кириштириши мумкин. Натижа мажбурияти давлатдан бирор батафсил ишлаб чиқилган ва муҳим стандартга мос бўлиш учун маълум вазифаларни ҳал қилишни талаб қилади. Масалан, соғлом бўлиш ҳуқуқига нисбатан натижа мажбурияти оналар ўлими даражасини 1994 йилда Қохирада бўлиб ўтган аҳолишунослик бўйича Халқаро конференцияда ва 1995 йилда Пекинда ўтказилган аёллар аҳволи бўйича тўртинчи Жаҳон конферен-

циясида белгиланган даражаларгача қисқартиришни талаб қилади.

### **Ҳаракатлар эркинлиги даражаси**

8. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳолатида бўлгани каби, давлатлар ўз мажбуриятларини бажариш учун воситаларни танлашда маълум даражада ҳаракатлар эркинлигидан фойдаланадилар. Давлатлар амалиёти ва халқаро шартномали кузатиш органлари ва миллий судлар томонидан муайян ҳолатлар ва вазиятларга нисбатан ҳуқуқий нормалар қўлланилиши универсал минимал стандартлар ривожланиши ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар миқёси, хусусиятлари ва чекланиши юзасидан умумий тушунчага эришишга ёрдам беради. Аксарият иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни, шунингдек тенг равишда кўпчилик фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни тўлиқ амалга оширишга фақат аста-секин эришиш мумкинлиги бу борадаги айрим қадамларни зудлик билан, бошқаларини эса—имкон қадар тезроқ қўйишни талаб қилаётган давлатлар ҳуқуқий мажбуриятларининг хусусиятини ўзгартирмайди. Шундай қилиб, давлат айтилган ҳуқуқларни тўлиқ амалга ошириш йўлида ўлчаб бўладиган тараққиётга эришаётганлигини намойиш қилиши лозим. Давлат, Пактнинг 2-моддасида акс эттирилган «аста-секин амалга ошириш» тўғрисидаги қондани ўз мажбуриятларини бажармаслик учун баҳона сифатида ишлатиши мумкин эмас. Шунингдек, давлатлар Пакт томонидан эътироф этилган ҳуқуқлардан оғишларни ёки уларни чеклашни ижтимоий, диний ёки маданий шароитлар фарқланиши билан оқлашлари мумкин эмас.

### **Асосий минимал мажбуриятлар**

9. Давлат Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитанинг қуйидаги ифодасига риоя қилмаганда, Пактни бузиш ҳолати юзага келади: «Ҳар бир ҳуқуқни, ҳеч бўлмаганда, минимал даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича минимал асосий мажбурият... Масалан, бирор иштирокчи-давлатда каттагина шахслар гуруҳи асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан, бирламчи тиббий-санитария ёрданидан, энг оддий бошпана ва уй-жойдан, энг оддий таълим шаклларида маҳрум этилган бўлса, Пакт бўйича ўз мажбуриятларининг prima facie ни бажармайдиган ҳисобланади»\*\*\*. Бундай минимал асосий мажбуриятлар тегишли мамлакатда ресурслар ёки бирор бошқа омиллар ва қийинчиликлар мавжуд ёки йўқлигидан қатъи назар амал қилади.

### **Ресурслар мавжудлиги**

10. Кўп ҳолларда, аксарият давлатлар томонидан бундай мажбуриятлар нисбатан осон ва ресурслар нуқтаи назаридан жиддий оқибатларсиз бажарилиши мумкин. Лекин бошқа ҳолларда ҳуқуқларни тўлиқ амалга ошириш етарли молия ва моддий ресурслар мавжудлигига боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай бўлса ҳам, 25–28 Лимбург тамойилларда белгилаб қўйилган ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитанинг ривожланаётган ҳуқуқий амалиёти билан тасдиқлангани каби, ресурслар етишмовчилиги давлатларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишга доир маълум минимал мажбуриятлардан озод қилмайди.

### **Давлат сиёсати**

11. Давлат ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги орқали Пакт мажбуриятларига атайлаб қарши чиқадиган ёки уларни эътиборга олмайдиган сиёсат ёки амалиётни олиб бораётганда ёхуд феъл-атвор ёки натижа бўйича талаб этиладиган стандартларга эришмаётганда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни бузиш ҳолати юзага келади. Бундан ташқари, ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки бошқа жиҳатининг белгиси бўйича камситишга олиб келадиган ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни кучсизлантириш ёки улардан тенг фойдаланиш ёки амалга оширишни йўққа чиқаришга уриниш Пактни бузиш ҳисобланади.

### **Гендер жиҳатдан камситиш**

12. Пактда эътироф этилган ҳуқуқларга нисбатан аёлларнинг камситилиши, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари га барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияда белгиланган аёллар тенг ҳуқуқлилиги тамойили асосида кўриб чиқилади. Ушбу тамойил ижтимоий, маданий ва бошқа таркибий хусусиятга эга ва номаъқул омилларга боғлиқ бўлган гендер жиҳатдан камситишни ҳам ўзига киритадиган аёллар камситилишининг барча шаклларини тугатишни талаб қилади.

### **Мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаслик**

13. Бирор иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни қайси ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бузаётганлигини аниқлашда, давлат ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги ёки бунини хоҳламаслигини аниқлаш муҳим. Агар, давлат ўзи назорат қила олмайдиган сабабларга кўра ўз мажбуриятларини ба-

жаришга қодир эмас, деб баён қиладиган бўлса, бу айнан шундай эканлигини исботлаши лозим. Масалан, зилзила рўй берганлиги сабабли таълим муассасаси вақтинча ёпилиши давлат назорат қила олмайдиган ҳолат бўлса, бирон ижтимоий ҳимоя режимининг ўрнини боса оладиган муқобил дастур яратмай туриб, ана шу режимнинг йўқ қилиниши давлат томонидан ўз мажбуриятларини бажаришни истамаётганлиги мисоли бўла олади.

### **Ҳаракатлар сабабли ҳуқуқларни бузиш**

14. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига давлатларнинг бевосита фаолияти ёки давлатлар томонидан етарли даражада назорат қилинмайдиган бошқа субъектлар фаолияти олиб келиши мумкин. Қуйида шундай ҳуқуқларни бузиш мисоллари келтирилган:
  - a) айна вақтда фойдаланиш объекти бўлган бирор иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқдан фойдаланишни давом эттириш учун зарур бўлган қонунчиликни расмий равишда бекор қилиш ёки амал қилишини вақтинча тўхтатиш;
  - b) қонунда мустаҳкамланган ёки амалиётда қўлланилаётган камситиш орқали муайян шахсларга ёки гуруҳларга юқорида айтилган ҳуқуқлардан фойдаланишни фаол рад этиш;
  - c) учинчи тарафлар томонидан қўлланилаётган ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга қарама-қарши бўлган чораларни фаол қўллаб-қувватлаш;
  - d) айтиб ўтилган ҳуқуқларга нисбатан олдиндан амалда бўлган юридик мажбуриятларга очиқчасига мос келмайдиган қонун ёки сиёсатни қабул қилиш (бундай ҳаракатлар мақсади ва натижаси тенг ҳуқуқчиликни кенгайтириш ва энг заиф гуруҳларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга ошириш даражасини оширишдан иборат бўлган ҳолатлар бундан мустасно);
  - e) билатуриб, юқорида айтилган ҳар қандай ҳуқуқни таъминлаш даражасини пасайтирувчи бирор регрессив чораларни кўриш;
  - f) Пакт томонидан ҳимоя қилинадиган бирор ҳуқуқни аста-секин амалга ошириш учун атайлаб тўсиқ яратиш ёки тўхтатиб қўйиш (давлат, Пакт томонидан рухсат этилган чекловлар доирасида ҳаракат қиладиган ёки мавжуд ресурслар етишмаётганлиги ёхуд форс-мажор вазияти юзга келганлиги сабабли бундай ҳаракатларни қилаётган ҳолатлар бундан мустасно);

- г) давлат чиқимларининг муайян ҳажмини қисқартириш ёки қайта тақсимлаш, қачонки бундай қисқартириш ва қайта тақсимлаш бундай ҳуқуқлардан фойдаланишни тўхтатишга олиб келса ва ҳар бир инсонни минимал зарур ҳаётий ҳуқуқлар билан таъминлаш бўйича мувофиқ чораларни кўриш билан кечмаса.

### **Ҳаракатсизлик сабабли ҳуқуқларни бузиш**

15. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг бузилишига давлатларнинг ҳаракатсизлиги ёки улар томонидан ҳуқуқий мажбуриятлардан келиб чиқадиган зарур чоралар кўрилмаганлиги олиб келиши мумкин. Қуйида шундай ҳуқуқ бузишлар ми-соллари келтирилган:
- а) Пакт томонидан талаб қилинадиган тегишли чоралар кўрилмаслиги;
  - б) Пакт томонидан юклатиладиган бирор мажбуриятга очиқчасига қарама-қарши бўлган қонунчиликни ўзгартириш ёки бекор қилишни рад этиш;
  - с) қонунлар ижро этилишини таъминламаслик ёки Пакт қоидаларини амалга оширишга қаратилган сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш;
  - д) шахслар ёки гуруҳлар томонидан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш мақсадида уларнинг фаолиятини тартибга солмаслик;
  - е) Пактнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун мавжуд ресурслардан максимал даражада фойдаланмаслик;
  - ф) иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш, шу жумладан мажбуриятларга амал қилиниши даражасини баҳолаш учун мезон ва кўрсаткичларни ишлаб чиқиш устидан назорат қилмаслик;
  - г) Пакт томонидан кафолатланадиган бирор ҳуқуқни зудлик билан амалга оширишни таъминлаш йўлидаги тўсиқлар давлат томонидан энг қисқа муддатларда бартараф этилмаслиги;
  - ҳ) Пактга мувофиқ дарҳол амал қилиш талаб этиладиган ҳуқуққа сўзсиз амал қилинишини таъминламаслик;
  - и) давлат риоя қилишга қодир бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг умумэътироф этилган халқаро минимал стандартларга амал қилмаслиги;
  - ж) бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ёки кўп миллатли корпорациялар билан икки томонлама ёки кўп томонлама

битимларни тузишда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида ўзининг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига эътибор қаратмаслик.

### **III. Ҳуқуқлар бузилиши учун жавобгарлик**

#### **Давлат жавобгарлиги**

16. II бўлимда қайд қилинган ҳуқуқлар бузилиши бўйича жавобгарлик, улар қайси давлат юрисдикцияси остида содир этилган бўлса, ана шу давлатга юклатилади. Шу боис ҳам, тегишли масъулият юклатилган давлат бузилган ҳуқуқларни тўғрилаш механизмларини яратиши, шу жумладан тергов ўтказиш устидан назорат қилиши, ҳуқуқбузарларни суд олдида жавоб беришга жалб қилиши ва жабрланганларни ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлаши лозим.

#### **Хорижий ҳукмронлик ёки истило қилиш**

17. Хорижий ҳукмронлик шароитларида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан маҳрум бўлганида, жавобгарлик устидан назорат олиб бораётган давлатга юклатилиши мумкин. Бу мустамлакачилик ҳолатлари ва хорижий ҳукмронлик ва ҳарбий истилонинг бошқа шакллари ҳам тегишлидир. Ҳукмронлик ёки истило қилаётган давлат иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши учун жавоб беради. Давлатлар ўзаро келишган ҳолда ҳаракат қилиб, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни бузадиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

#### **Нодавлат субъектлар ҳаракатлари**

18. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мажбурияти хусусий тузилмалар ва шахслар, шу жумладан ушбу давлат юрисдикцияси остида бўлган трансмилий корпорациялар, одамларни уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан маҳрум қилмасликларини таъминлашга доир давлат мажбуриятларини ўзига киритади. Давлат шундай нодавлат субъектлари ва шахслар ҳаракатлари устидан назорат олиб борилишига тегишли эътибор қаратмаслиги натижасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши учун жавоб беради.

#### **Халқаро ташкилотлар ҳаракатлари**

19. Давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасидаги мажбуриятлари, улар жамoa бўлиб ҳаракат қиладиган халқаро ташкилотларда иштирок этишларига ҳам тарқалади. Ушбу давлатлар аъзо сифатида кирадиган

ташкilotлар томонидан маълум дастурлар ва сиёсат олиб борилиши натижасида ҳуқуқлар бузилишига йўл қўймаслик учун, давлатлар ўз нуфузларидан фойдаланишлари, айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишини бартараф этиш учун халқаро ташкilotлар, шу жумладан халқаро молия муассасалари ўз сиёсати ва амалиётини шундай тўғрилашлари лозимки, бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан маҳрум қилишга олиб келмайдиган бўлсин. Бундай ташкilotларга аъзо бўлган давлатлар ҳам индивидуал тартибда, ҳам бу ташкilotларнинг раҳбарлик органлари ва уларнинг котибиятлари орқали, ҳамда ноҳуқумат ташкilotлар орқали, бир неча шундай ташкilotлар учун хос бўлган ва уларнинг сиёсати ва дастурларини қайта кўриб чиқишга қаратилган тенденцияни рағбатлантиришлари ва кенг тарқатишлари лозим. Бунинг мақсади шундаки, тилга олинган сиёсат ва дастурлар ушбу мамлакатларда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга дахл қиладиган қарорларни қабул қилиш жараёнига халқаро муассасалар таъсирига қарши туриш учун ресурслар мавжуд бўлмаган ҳолатларда, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар масалаларини ҳисобга олишдан иборат.

## **IV. Ҳуқуқлар бузилиши қурбонлари**

### **Алоҳида шахслар ва гуруҳлар**

20. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳолатида бўлгани каби, алоҳида шахслар ҳам, гуруҳлар ҳам иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши қурбонлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлардан айниқса кам таъминланганлар, аёллар, тубжойли ва қабила халқлар, босиб олинган ҳудудлар аҳолиси, бошпана сўровчилари, қочоқлар ва мамлакат ичида кўчирилган шахслар, кичик миллатлар, кексалар, болалар, ерга эга бўлмаган деҳқонлар, ногиронлар ва уй-жойсиз одамлар каби аҳоли қатламлари азият чекади.

### **Жиноий санкциялар**

21. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши қурбонлари фақат шундай қурбон сифатидаги мақоми учунгина, масалан, уй-жойсиз бўлганлиги учун жавоб бериши тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, жиноий санкцияларга дуч келмаслиги лозим. Шунингдек, ҳеч ким ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига риоя қилинишини талаб қилиши учун жазоланиши мумкин эмас.

## **V. Ҳуқуқий җимоя воситалари ва ҳуқуқлар бузилишига муносабат билдиришнинг бошқа шакллари**

### **Ҳуқуқий җимоя воситаларидан баҳраманд бўлиш**

22. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишининг қурбони бўлган ҳар қандай шахс ёки гуруҳ ҳам миллий, ҳам халқаро даражаларда судда қўлланиладиган ёки бошқа самарали ҳуқуқий җимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

### **Зарарни мос даражада қоплаш**

23. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишининг барча қурбонлари уларга етказилган зарар мос даражада қопланиши ҳуқуқига эга, ва бу реституция, компенсация, реабилитация ва сатисфакция ёки бундай салбий ҳолат такрорланмаслигини кафолатлаш каби шаклларда бўлиши мумкин.

### **Ҳуқуқларни бузишга расмий рухсат берилишини тақиқлаш**

24. Миллий судлар ва бошқа органлар улар томонидан киритилган ҳар қандай қарорлар, тегишли давлатнинг бирор халқаро мажбуриятини бузишга расмий равишда рухсат берилишига олиб келмаслигини таъминлашлари лозим. Миллий судлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига доир ҳар қандай қарорлар чиқарилаётганда, ҳеч бўлмаганда, тегишли инсон ҳуқуқлари қоидаларининг халқаро ва минтақавий ҳуқуқларини қўшимча ҳуқуқий асос сифатида кўришлари лозим.

### **Миллий муассасалар**

25. Ҳуқуқларни рағбатлантириш ва мониторинг қилиш билан шуғулланувчи миллий омбудсман институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши масалалари билан бир қаторда, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бузилиши масалалари билан фаол шуғулланишлари лозим.

### **Халқаро шартномалардан миллий даражада фойдаланиш**

26. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни эътироф этадиган халқаро шартномаларни бевосита қўшиш ёки улардан фойдаланиш ички ҳуқуқ доирасида ҳуқуқий җимоя чораларининг қамровини жиддий кенгайтириш ва самарадорлигини сезиларли оширишга ёрдам бериши мумкин, ва уларни ҳар қандай ҳолатда рағбатлантириш лозим.

### **Жазоланмаслик**

27. Давлатлар ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши учун жазоланмай қолишининг олдини олиш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқишлари ва бундай ҳуқуқларни бузиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс ўз ҳаракатлари учун жавобгарликдан озод этилмаслигини кафолатлашлари лозим.

### **Юристар роли**

28. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши қурбонларини судда қўлланиладиган ва бошқа самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан таъминлаш учун юристар, судьялар, бетараф ҳакамлар, адвокатлар коллегиялари ва умуман юридик жамоатчилик ўзларининг профессионал вазифаларини бажараётганда айтиб ўтилган ҳуқуқлар бузилишларига анчагина кўпроқ эътибор қаратишлари лозим (Халқаро юристар комиссияси томонидан 1995 йилги Бангалор декларацияси ва ҳаракатлар Режасида тавсия этилгани каби)\*\*\*\*.

### **Махсус маърузачилар**

29. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш, бундай бузилишлар тўғрисида барвақт хабар бериш ва мониторинг қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича халқаро механизмларни янада мустаҳкамлаш мақсадида тегишли тематик махсус маърузачиларни тайинлашлари лозим.

### **Янги стандартлар**

30. Давлатларга иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбуриятининг мазмунини янада батафсил изоҳлаш мақсадида давлатлар ва тегишли халқаро органлар муайян иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича, хусусан, меҳнат қилиш, овқатланиш, уй-жойга эга бўлиш ва соғлом бўлиш ҳуқуқлари бўйича янги стандартларни қабул қилишни фаоллик билан давом эттиришлари керак.

### **Факультатив протоколлар**

31. Пактда эътироф этилган ҳуқуқларга оид индивидуал ва жамоавий шикоятларни тақдим этишни кўзда тутадиган ихтиёрий Факультатив протоколни кечиктирмасдан қабул қилиш ва ратификация қилиш лозим. Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга таклиф

этилган факультатив протокол иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилишига тенг эътибор қаратилишини таъминлашга мўлжалланган. Бундан ташқари, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция доирасида шикоятларни кўриб чиқиш тартибини ишлаб чиқиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш лозим.

### **Ҳуқуқ бузилиши ҳолатларини рўйхатга олиш ва мониторинг қилиш**

32. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилиши ҳолатлари барча тегишли тузилмалар, шу жумладан НҲТ, миллий ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар томонидан рўйхатга олиниши ва мониторинг қилиниши лозим. Тегишли халқаро ташкилотлар бу соҳадаги халқаро шартномаларни амалга оширишга жиддий ёрдам кўрсатишлари жуда зарур. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари мандатида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни рағбатлантириш вазифаси киради, ва шу муносабат билан, айтилган мақсадга эришиш учун зудлик билан самарали чораларни кўриш ҳамда мос даражадаги инсон ресурслари ва молия маблағларини ажратиш лозим. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда фаолият юритадиган ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа халқаро ташкилотлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга айнан шундай ҳуқуқлар сифатида тегишли эътибор қаратишлари керак, ва улар бундай йўл тутмаётган бўлса, ушбу ҳуқуқлар бузилишига қарши курашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга ўз ҳиссаларини қўшишлари даркор.

### **III. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида давлатларнинг экстраҳудудий мажбуриятларига тегишли Маастрихт тамойиллари**

---

*(Маастрихт университети ва Халқаро юристлар комиссияси томонидан 2011 йил 28 сентябрда ташкил қилинган халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари соҳаси экспертларининг йиғилишида қабул қилинган).*

#### **Преамбула (кириш)**

Алоҳида шахслар, шахслар гуруҳлари ва халқларнинг инсон ҳуқуқлари, давлатларнинг экстраҳудудий ҳаракатлари ва ҳаракатсизлигига қараб тегишли таъсирга эга бўлади. Иқтисодий глобаллашув юзага келиши билан давлатлар ва глобал қамровли бошқа объектлар бутун дунёдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишга жиддий таъсир кўрсатади.

Дунё бойликлари бир неча ўн йилликлар давомида тобора ортиб бораётган бўлишига қарамасдан, жаҳоннинг турли ҳудудларида қашшоқлик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва гендер нотенглик сақланиб келмоқда. Шу билан бирга, алоҳида шахслар ва бутун бошли ҳамжамиятлар ҳанузгача давлат ва тенг маънода нодавлат субъектларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида муҳим ҳаётий аҳамиятга эга ерлар, ресурслар, маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш имконидан маҳрум этилганлар.

Натижада кўпгина одамлар ўзларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан, шу жумладан меҳнат қилиш ва муносиб меҳнат шaroитларига эга бўлиш, ижтимоий таъминот олиш ва парваришланиш, мувофиқ турмуш даражаси, овқатланиш, уй-жой, сув, санитарияга эга бўлиш, соғлом бўлиш, таълим олиш ва маданий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқларидан фойдалана олмаяптилар.

Ҳар бир одам инсон ҳуқуқлари тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартибга эга бўлиш ҳуқуқига эга эканлигини давлатлар тан оладилар ва ҳар бир одам учун умумий инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида, жамоавий ва индивидуал ҳаракатларни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

Вена Декларацияси ва ҳаракатлар Дастурида барча давлатлар халқлар тенг ҳуқуқлилиги ва ўз йўлини ўзи танлаши, тинчлик, демократия, одил судлов, тенглик, қонун устуворлиги, плюрализм, ривожланиш, янада юқори турмуш даражаси ва бирдамлик тамойилларига асосланган халқаро тартибнинг муҳимлигини эътироф этдилар. Айтиб ўтилган мақ-

садларга эришиш учун, давлатлар ушбу тамойилларни жаҳон даражасида қўллаб-қувватлаш йулида ўзларининг жамоавий мажбуриятларини Минг йиллик Декларацияси даражасида яна бир бор тасдиқладилар.

Давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳар бир инсон учун амалга ошириш тарафдори эканликлари тўғрисида бир неча бор баён қилганлар. Ушбу тантанали баён БМТ Уставида мустаҳкамланган ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Халқаро конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Халқаро конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт каби кўп сонли халқаро шартномаларда ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўпгина минтақавий воситаларда акс эттирилган.

Бундай мажбуриятлар, бу индивидуал равишда ёки халқаро ёрдам ва ҳамкорлик дастурлари доирасида ҳамда ирқи, танасининг ранги, жинси, жинсий ориентацияси ва гендер ўхшашлиги, тили, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, туғилиши, ногиронлиги ва халқаро ҳуқуқ даражасида тақиқланган бошқа асосларга кўра камситилмаслик, кўрсатилган ҳуқуқларни таъминлаш учун иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни давлатда мавжуд барча ресурсларни жалб қилган ҳолда аста-секин амалга ошириш мажбуриятини ўзига киритади.

Ушбу тамойиллар халқаро ҳуқуқдан келиб чиқади; уларнинг мақсади БМТ Устави предмети ва халқаро инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳар томонлама амалга ошириш учун иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича давлатлар экстраҳудудий мажбуриятларининг мазмунини таърифлаб беришдан иборат.

Мазкур тамойиллар уларнинг асосини ташкил қилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактни (1986 й.) ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни бузишга доир Маастрихт раҳбарлик тамойилларни (1997 й.) амалга ошириш бўйича Лимбург тамойилларини тўлдиради.

## **I. Умумий тамойиллар**

1. Барча шахслар, қаерда дунёга келишидан қатъий назар, эркин ва тенг кадр-қимматга эга бўлиб дунёга келадилар, ва камситилмаган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланишга ҳақлидир.

2. Давлатлар доимо камситмаслик, тенглик, шу жумладан гендер тенглиги, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига амал қилишлари лозим.
3. Барча давлатлар ҳам ўз ҳудудларида, ҳам экстраҳудудий равишда инсон ҳуқуқларига, шу жумладан фуқаролик, маданий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларга амал қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбуриятига эга.
4. Ҳар бир давлат барча имкониятларини тўлиқ ишга солган ҳолда, ўзинг ҳудудида истиқомат қилаётган барча шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга ошириш мажбуриятига эга. Шунингдек, барча давлатлар қуйида кўрсатилган Тамойилларга мувофиқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга амал қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга оширишга оид экстраҳудудий мажбуриятларга эга.
5. Барча инсон ҳуқуқлари универсал, бўлинмас, ўзаро боғлиқ, бир-бири билан алоқада ва тенг даражада аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу Тамойиллар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид экстраҳудудий мажбуриятларга бағишланган, ва бу уларни бошқа инсон ҳуқуқларига, шу жумладан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга нисбатан қўллаш мумкинлигини инкор этмайди.
6. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ва уларга мувофиқ бўлган ҳудудий ва экстраҳудудий мажбуриятлар БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт каби инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ манбаларида ва бошқа универсал ва минтақавий ҳужжатларда кўзда тутилган.
7. Ҳар бир инсон ўзларининг инсон ҳуқуқларига дахл қиладиган қарорлар тўғрисида маълумотга эга ҳолда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Давлатлар сиёсий стратегиялар ва (ушбу давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга нисбатан мажбуриятларига тааллуқли) чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда парламент ва фуқаролик жамият каби тегишли миллий механизмлар билан маслаҳатлашиши лозим.

## **II. Давлатлар экстраҳудудий мажбуриятларининг таъсир доираси**

8. Экстраҳудудий мажбуриятлар тушунчаси  
Ушбу Тамойиллар мақсадларида экстраҳудудий мажбуриятлар қуйидагиларни қамраб олади:
  - а) Давлат ҳудудида ёки унинг ташқарисида, давлатнинг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги билан боғлиқ бўлган ва шу давлат

худудининг ташқарисида инсон ҳуқуқларини амалга оширишга таъсир кўрсатадиган мажбуриятлар; ва

- б) Жаҳон даражасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича халқаро ҳамкорлик доирасида ҳам индивидуал, ҳам жамоавий ҳаракатларни амалга ошириш бўйича инсон ҳуқуқлари соҳасидаги БМТ Уставида ва ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган глобал хусусиятли мажбуриятлар.

#### 9. Юрисдикциянинг таъсир доираси

Давлат қуйида кўрсатилган ҳар қандай вазиятда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади:

- а) Давлат ҳақли равишда ўз ваколатларини ёки чинакам назоратни амалга оширадиган вазиятлар, бундай назорат халқаро ҳуқуққа мувофиқ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар;
- б) Давлатнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш нуқтаи назардан қандай оқибатларга олиб келиши олдиндан маълум бўлган вазиятлар, бу давлат ҳудудида ёки унинг ташқарисида бўлишидан қатъи назар;
- с) Давлат индивидуал ёки жамоавий равишда, ўз ижроия, қонун чиқарувчи ёки суд органлари орқали ҳаракат қилиб, экстраҳудудий тарзда, халқаро ҳуқуққа мувофиқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш бўйича чора кўриши ёки бунга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар.

#### 10. Юрисдикцияни амалга оширишнинг ҳуқуқий доиралари

Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш бўйича мажбуриятлари давлатга БМТ Уставини ва умумий халқаро ҳуқуқни бузган ҳолда ҳаракат қилиш ҳуқуқини бермайди.

#### 11. Давлат жавобгарлиги

Давлат индивидуал равишда ёки бошқа давлатлар ва субъектлар билан биргаликда ҳам ўз ҳудудида, ҳам экстраҳудудий тарзда амалга оширган ҳаракатлари унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бузишга олиб келган вазиятда шундай жавобгарлик юзага келади.

#### 12. Нодавлат субъектларининг фаолиятлари учун давлатнинг жавобгарлиги

Давлат жавобгарлиги қуйидагилардан иборат:

- a) Давлат кўрсатмаларига мувофиқ ёки унинг раҳбарлиги ва назорати остида ҳаракат қилаётган нодавлат субъектларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги; ва
- b) Давлат органлари бўлмаган юридик шахслар ёки хўжалик юритувчи субъектлар, масалан, корпорациялар ёки бошқа тижорат компаниялар, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, қачонки уларга давлат томонидан давлат ҳокимияти элементларини амалга ошириш ваколатлари берилганда, айтиб ўтилган жисмоний ва юридик шахслар ҳар бир муайян ҳолатда тилга олинганлар сифатида ҳаракат қилиши шарти билан.

#### 13. Зарар етказилишига йўл қўймаслик мажбуриятлари

Давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни бекор қилиш ёки улардан фойдаланишни экстраҳудудий жиҳатдан чеклаб қўйиш хатарини яратадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликдан ўзларини тийиши лозим. Ҳуқуқларни шу каби бекор қилиш ёки чеклаш уларнинг ҳаракатлари қандай натижаларга олиб келиши олдиндан маълум бўлганда, давлат жавобгарлиги юзага келади. Юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ноаниқ бўлиши, бундай ҳаракатларни оқлай олмайди.

#### 14. Таъсирни баҳолаш ва оқибатларнинг олдини олиш

Давлатлар жамоатчилик вакиллари иштирокида ўз қонунчилиги, сиёсати ва амалиётининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишга муайян экстраҳудудий таъсирни ва хатарларни дастлабки баҳолаш ишларини ўтказишлари лозим. Бундай баҳолаш натижалари босиб чиқарилиши керак. Бундан ташқари, баҳолашни давлат томонидан ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш ва бунга барҳам бериш ҳамда самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларини таъминлаш учун кўрилиши лозим бўлган чораларни танлаш учун ўтказиш зарур.

#### 15. Давлатларнинг халқаро ташкилотлар аъзолари сифатидаги мажбуриятлари

Давлат, халқаро ташкилот аъзоси сифатида, ўз ҳудудида ва экстраҳудудий равишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларига нисбатан ўз ҳаракатлари учун жавоб берадилар. Ўз ваколатларини халқаро ташкилотга топширадиган ёки унинг фаолиятида иштирок этадиган давлатга тегишли ташкилот ушбу давлатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бажаришини таъминлаш учун барча оқилona чораларни кўришлари лозим.

#### 16. Халқаро ташкилотлар мажбуриятлари

Ушбу Тамойиллар давлатларга нисбатан қўлланилади ва бу уларни давлатлар иштирок этаётган умумий халқаро ҳуқуқ ва халқаро битимларда кўзда тутилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ташкилотлар мажбуриятларига нисбатан қўллашни рад этмайди.

#### 17. Халқаро битимлар

Давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз мажбуриятларига мувофиқ тегишли халқаро битим ва нормаларни ишлаб чиқишлари, шарҳлашлари ва қўллашлари шарт. Бундай мажбуриятлар халқаро савдо, инвестициялар, молия маблағлари, солиқ солиниши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ривожланиш ва хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилишга доир мажбуриятларни ўзига киритади.

#### 18. Ҳарбий истило ва ҳақиқий назорат

Ўз ҳудудидан ташқаридаги ҳудудни ҳарбий истило ёки ўзгача ҳақиқий назорат қилаётган давлат ушбу ҳудудда мавжуд бўлган шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, ҳимоя қилиши ва амалга оширишлари лозим. Давлат ҳудудидан ташқарида бўлган шахсларни самарали назорат қилаётган давлат ушбу шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, ҳимоя қилиши ва амалга оширишлари лозим.

### III. Риоя қилиш мажбурияти

#### 19. Умумий мажбурият

Барча давлатлар, алоҳида ўзлари ёки биргаликда, халқаро ҳамкорлик доирасида, 20–22-Тамойиллар талабларига мувофиқ ўз ҳудудларида (шу жумладан экстраҳудудий равишда) яшовчи шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига риоя қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишлари лозим.

#### 20. Бевосита аралашув

Барча давлатлар ўз ҳудудларининг ташқарисида мавжуд бўлган шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиш ва амалга оширишни бекор қиладиган ёки чеклаб қўядиган ҳаракатлардан ўзларини тийиш мажбуриятига эгадирлар.

#### 21. Билвосита аралашув

Давлатлар қуйидаги ҳаракатлардан ўзларини тийишлари лозим:

- а) Бошқа давлатлар ёки халқаро ташкилотларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга доир ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятини чеклаш; ёки
- б) Бошқа давлатга ёки халқаро ташкилотга иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга доир уларнинг мажбуриятларини бузишга ёрдам бериш, кўмаклашиш, раҳбарлик қилиш, назорат қилиш ёки мажбурлаш, қачонки ушбу давлатлар қилаётган ҳаракатларининг хусусиятларидан хабардор бўлганларида.

## 22. Санкциялар (жазолар) ва ўхшаш чоралар

Давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишни бекор қилиш ёки чеклашга олиб келадиган эмбарго (тақиқлаш) ва бошқа иқтисодий санкциялар каби чораларни қўллашдан ўзларини тийишлари лозим. Агар санкциялар бошқа халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинса, давлатлар санкциялар режимини яратиш, амалга ошириш ва тугатишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларга ҳар томонлама риоя қилинишини таъминлашлари лозим. Минимал асосий мажбуриятларга амал қилиш мақсадида давлатлар ҳар қандай шароитларда асосий маҳсулот ва хизматларга нисбатан эмбарго ва шунга ўхшаш чораларни қўллашдан ўзларини тийишлари лозим.

## IV. Ҳимоя қилиш мажбуриятлари

### 23. Умумий мажбурият

Барча давлатлар алоҳида ўзлари ёки биргаликда, халқаро ҳамкорлик доирасида, 24–27-Тамойиллар талабларига мувофиқ, ўз ҳудудларида (шу жумладан экстраҳудудий равишда) яшовчи шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишлари лозим.

### 24. Тартибга солиш мажбурияти

Барча давлатлар, 25-Тамойилда кўрсатилганига мувофиқ, ҳаракатларини тартибга солишлари мумкин бўлган хусусий шахслар ёки ташкилотлар ҳамда трансмиллий корпорациялар ва бошқа тижорат компаниялари каби нодавлат субъектлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишларини бекор қилмасликлари ва чекламасликларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришлари лозим. Бундай чоралар қаторига маъмурий, қонунчилик, тергов, суд ва бошқа чоралар киради. Барча бошқа давлатлар ушбу ҳимоя қилиш мажбуриятини бекор қилиш ва уни чеклашдан ўзларини тийишлари шарт.

## 25. Ҳимоя қилиш учун асослар

Давлатлар қўйида кўрсатилган ҳар бир ҳолатда юридик ва бошқа, шу жумладан дипломатик воситалар ёрдамида, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ишлаб чиқишлари ва ижро этишлари лозим:

- a) Зарар ёки зарар етказиш хатари унинг ҳудудидан келиб чиқади ёки шу ҳудудда кузатилади;
- b) Нодавлат субъекти тегишли давлат фуқароси бўлган ҳолатда;
- c) Тижорат компаниялари ҳолатида—агар корпорация ёки у ажралиб чиққан ёхуд назорат қилувчи компания ўз штаб-квартирасига эга бўлса, ўзининг асосий тижорат фаолиятини ёки тижорат фаолиятининг катта қисмини тегишли давлатда олиб бораётган ёки унинг ҳудудида рўйхатдан ўтган бўлса;
- d) Тегишли давлат ва у тартибга солишга ҳаракат қилаётган ҳаракатлар ўртасида оқилона сабабли алоқа мавжуд бўлганда, шу жумладан нодавлат субъект фаолиятининг тегишли аспектилари кўрсатилган давлат ҳудудида амалга оширилаётганда;
- e) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни чекловчи ҳар қандай ҳаракатлар халқаро ҳуқуқнинг императив нормасини бузиш деб ҳисобланган ҳолатда. Шунингдек, агар бундай ҳуқуқ бузиш халқаро ҳуқуқ бўйича жиноят деб ҳисобланса, давлатлар қонунбузарларга нисбатан универсал юрисдикцияни юритишлари ёки улар тегишли юрисдикцияга қонуний йўл билан ўтишларини таъминлашлари шарт.

## 26. Таъсир кўрсатиш имконияти

Нодавлат субъектлар ҳаракатларига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган давлатлар, уларнинг ҳаракатларини (масалан, давлат харидлари тизими доирасида ёки халқаро дипломатик каналлар орқали) тартибга солиш имконига эга бўлмаган тақдирда ҳам, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун, БМТ Устави ва умумий халқаро ҳуқуққа мувофиқ, бундай таъсир кўрсатишлари шарт.

## 27. Ҳамкорлик қилиш мажбурияти

Барча давлатлар нодавлат субъектлар томонидан бирор шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишлари чекланмаслигини таъминлаш учун ҳамкорлик қилишлари шарт. Ушбу мажбурият нодавлат субъектлар томонидан инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, бундай ҳуқуқ бузишлар учун уларни жавобгарликка тортиш ҳамда жабрланганларни самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаси билан таъминлаш чораларини ўзига киритади.

## V. Амалга ошириш мажбуриятлари

### 28. Умумий мажбурият

Барча давлатлар алоҳида ўзлари ёки биргаликда, халқаро ҳамкорлик доирасида, 29–35-Тамойиллар талабларига мувофиқ, ўз ҳудудларида (шу жумладан экстраҳудудий равишда) яшовчи шахсларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишлари лозим.

### 29. Мақбул халқаро муҳитни яратиш мажбурияти

Давлатлар алоҳида ўзлари ва биргаликда, халқаро ҳамкорлик доирасида, икки томонлама ва кўп томонлама савдо, инвестициялар, солиқ солиш, молия маблағлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар бўйича иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни универсал тарзда амалга оширишга ёрдам берадиган мақбул халқаро муҳит яратиш бўйича онгли, муайян ва мақсадга йўналган чораларни кўришлари лозим.

Ушбу мажбуриятга риоя қилиш, бошқа жиҳатлардан ташқари, қуйидагилар натижасида таъминланади:

- a) Кўп томонлама ва икки томонлама битимларни ҳамда халқаро стандартларни яратиш, изоҳлаш, қўллаш ва мунтазам қайта кўриб чиқиш;
- b) Ҳар бир давлатнинг ўз халқаро муносабатларига нисбатан чоралари ва сиёсий стратегиялари, шу жумладан халқаро ташкилотлар таркибидаги ҳаракатлари ҳамда экстраҳудудий равишда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишга ёрдам бериши мумкин бўлган давлат ичидаги чоралар ва сиёсий стратегиялар.

### 30. Мажбуриятларни мувофиқлаштириш ва тақсимлаш

Давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни универсал амалга ошириш доирасида самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида мажбуриятларни тақсимлашда ҳам ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштиришлари лозим. Бундай ҳамкорлик йўқлиги давлатни ўзининг индивидуал экстраҳудудий мажбуриятларига амал қилишдан озод қилмайди.

### 31. Имкониятлар ва ресурслар

Давлат ўз ҳудудида бор имкониятларини жалб қилган ҳолда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш мажбуриятига эга. Ҳар бир давлат индивидуал ва мутаносиб

тарзда ва, зарур бўлса, жамоа бўлиб, экстрахудудий равишда, бошқа жиҳатлардан ташқари, ўзларининг иқтисодий, техник ва технологик имкониятларига, мавжуд ресурсларига ҳамда халқаро қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир қилишига мувофиқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишга ёрдам беришлари лозим. Давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни универсал амалга ошириш учун мавжуд ресурсларни имкон қадар жалб қилиш мақсадида ҳамкорлик қилишлари шарт.

### 32. Ҳамкорлик тамойиллари ва устуворликлари

Давлатлар экстрахудудий равишда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошираётганда қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- a) Ҳимояланмаган, камбағал ва заиф гуруҳлар ҳуқуқларини амалга оширишни афзал кўриш;
- b) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг минимал асосий даражаларни амалга ошириш бўйича энг кичик асосий мажбуриятларга асосий эътибор қаратиш ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳар томонлама амалга ошириш йўналишида имкон қадар тезкор ва самарали ҳаракатланиш;
- c) Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларга, шу жумладан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига ва қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига риоя қилиш ҳамда камситмаслик ва тенглик, шу жумладан гендер тенглиги, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига амал қилиш; ва
- d) Регрессив чораларни қўлламаслик ёки инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча мажбуриятлар нуқтаи назаридан бундай чоралар ўринли эканлигини исботлаш ҳамда муқобил вариантлар пухта таҳлил қилингандан кейингина бундай чораларни кўриш.

### 33. Халқаро ёрдам кўрсатиш мажбурияти

Халқаро ҳамкорлик бўйича янада умумий мажбурият доирасида, 32-Тамойилга мувофиқ, давлатлар яқка ўзлари ёки, имконлари бўлса, биргалашиб ҳаракат қилган ҳолда, бошқа давлатларда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар амалга оширилишига ёрдам бериш учун халқаро ёрдам кўрсатишлари шарт.

### 34. Халқаро ёрдам ва ҳамкорлик қилиш учун мурожаат этиш мажбурияти

Агар давлат, барча саъй-ҳаракатларига қарамай, ўз ҳудудида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни кафолатлашга қодир бўлмаса, бу давлат ўзаро келишилган шартларда халқаро ёрдам ва ҳамкорлик сўраб, мурожаат қилиш мажбуриятига эга. Бундай давлатга кўрсатилган ёрдам иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш учун қўлланилишини таъминлаш мажбурияти юклатилади.

### 35. Халқаро ёрдам ва ҳамкорлик ҳақидаги сўровномага жавоб

Ёрдам кўрсатиш ёки ҳамкорлик қилиш юзасидан сўровнома олган ва бундай имкониятга эга бўлган давлатлар ушбу сўровномани виждонан кўриб чиқишлари ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни экстраҳудудий равишда амалга ошириш борасидаги ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беришлари шарт. Бундай жавоб беришда давлатлар 31- ва 32-тамойилларга риоя қиладилар.

## VI. Ҳисобдорлик ва ҳуқуқий ҳимоя воситалари

### 36. Ҳисобдорлик

Давлатлар ўзларининг экстраҳудудий мажбуриятларини бажаришда ҳисобдорликни таъминлаш бўйича самарали механизмларни таъминлашлари лозим. Бундай механизмларнинг самарадорлигини таъминлаш учун давлатлар Миллий муассасалар мақомига тегишли БМТ Тамойилларига (Париж тамойиллари) мувофиқ ҳаракат қиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар орқали инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз мажбуриятларига риоя этишни ҳар томонлама ва пухта мониторинг қилиш тизимлари ва таомилларини ишлаб чиқишлари лозим.

### 37. Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасини тақдим этиш бўйича умумий мажбурият

Давлатлар мустақил органда шошилиш, фойдаланиш мумкин бўлган ва самарали ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш ҳуқуқи амалга оширилишини, шу жумладан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бузилганлиги юзасидан суд органига мурожаат этиш имкониятини таъминлашлари лозим. Агар таҳминий ҳуқуқ бузиш натижасида зарар етказган ҳаракатлар ўзга давлат ҳудудида содир этилган бўлса, ушбу давлатлардан ҳар қайсиниси жабрланган шахсга ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этишлари шарт.

Ушбу мажбуриятни бажариш учун давлатлар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- a) Ҳуқуқий ҳимоя воситасини таъминлаш зарур бўлганда бошқа манфаатдор давлатларга ҳамкорлик ва ёрдам сўраб мурожаат этиш;
- b) Шахслар гуруҳлари ва алоҳида шахслар учун ҳуқуқий ҳимоя воситалари мавжуд бўлишини таъминлаш;
- c) Жабрланган шахслар тегишли ҳуқуқий ҳимоя воситаларини танлашда иштирок этишларини таъминлаш;
- d) Миллий ва халқаро даражаларда суддаги ва судга тегишли бўлмаган ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш; ва
- e) Индивидуал мурожаат қилиш ҳуқуқини тан олиш ва халқаро даражада судда ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситаларини яратиш.

### 38. Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари ва зарарни қоплаш

Самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари шошилиш, пухта ва холис тергов ўтказишга олиб келиши; ҳуқуқни бузиш ҳолати давом этаётган бўлса, уни тугатиш; зарур бўлса реституция, компенсация, сатисфакция, реабилитация ва келгусида тақрирламаслик қафолатларини ўзига киритиши мумкин бўлиши учун етарли бўлиши лозим. Қоплаб бўлмайдиган зарарга йўл қўймаслик учун муваққат чоралардан фойдаланиш имконига эга бўлиш керак, ва давлатлар муваққат чораларни кўриш юзасидан ваколатли суд ёки квазисуд органининг кўрсатмаларини бажаришлари лозим. Жабрланган шахслар ҳуқуқ бузилишлари ҳолатлари тўғрисида ҳақиқатни билишга ҳақлидирлар, ва улар тўғрисидаги маълумотлардан омма баҳраманд бўлиши керак, қачонки бу жабрланган шахсга қўшимча зиён етказмаса.

### 39. Давлатлараро шикоятлар механизмлари

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга доир ҳар қандай экстраҳудудий мажбуриятлар бузилганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини таъминлаш учун, давлатлар инсон ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан ҳам давлатлараро шикоятлар механизмларидан фойдаланишлари ёки улар билан ҳамкорлик қилишлари лозим. Давлатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги тегишли халқаро шартномалар асосида фойда олувчилар ҳисобланган жабрланган шахслар манфаатларида зарар қопланишига астойдил ҳаракат қилишлари ҳамда, имкон қадар, зарарни қандай шаклда қоплаш бўйича жабрланганлар фикрини инобатга олишлари керак. Массулиятли давлат томонидан етказилган зарар жабрланган шахсларга қопланади.

## 40. Ҳисобдорликнинг судга тегишли бўлмаган механизмлари

Судда қўлланиладиган зарур ҳуқуқий Ҳимоя воситалари билан бир қаторда, давлатларга судга тегишли бўлмаган ҳуқуқий Ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш лозим. Хусусан, бундай воситалар халқаро ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар кўмагида шикоят узатиш имкониятини яратишни ўзига киритишлари ҳамда айтиб ўтилган ҳуқуқий Ҳимоя воситалари, 37-тамойилда кўрсатилган самарали ҳуқуқий Ҳимоя воситалари, талабларига мувофиқ бўлишини таъминлашлари лозим. Давлатлар миллий (ҳамда халқаро) даражада ҳисобдорликни таъминлаш бўйича ижроия органлар ҳаракатлари устидан назорат олиб борувчи парламент органидан баҳраманд бўлиш каби қўшимча чоралар қўлланилишини таъминлашлари шарт.

## 41. Ҳисобдорлик ва мониторинг

Давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий механизмлар билан, шу жумладан БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг шартномали органлари ва механизмлари қошидаги даврий ҳисобдорлик ва тергов таомиллари ҳамда бошқа давлатлар томонидан қайта кўриб чиқиш механизмлари билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга доир ўз экстрахудудий мажбуриятларини амалга ошириш масаласида ҳамкорлик қилишлари ҳамда бундай механизмлар орқали аниқланган ҳуқуқлар бузилиши ҳолатларини тўғрилашлари шарт.

## VII. Яқуний қоидалар

42. Давлатлар ўз экстрахудудий мажбуриятларига амал қилаётганда фақат халқаро ҳуқуқда кўзда тутилган ҳолатлардагина, Ҳимоя қилишнинг барча процессуал ва моддий кафолатларига риоя қилиш шarti билан, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни чеклашлари мумкин.

43. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ асосида ушбу Тамойилларнинг ҳеч қайси қоидалари давлатларда, халқаро ташкилотларда ва трансмиллий корпорациялар ва бошқа тижорат компаниялари каби нодавлат субъектларида пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай юридик мажбуриятларни человчи ёки бекор қилувчи қоидалар сифатида изоҳланиши мумкин эмас.

44. Давлатнинг экстрахудудий мажбуриятларига дахл қиладиган ушбу тамойиллар давлат ҳудудида мавжуд бўлган шахсларга доир давлат мажбуриятлари чекланиши ёки бекор қилинишини оқлаш учун асос сифатида келтирилиши мумкин эмас.





## **ХЮК — Комиссия аъзолари**

2019 йил август охи учун (янгиланган рўйхат қуйидаги манзилда жойлаштирилган: [www.icj.org/commission](http://www.icj.org/commission))

### **Президент:**

Проф. Роберт Голдман, АҚШ

### **Вице-президентлар:**

Проф. Карлос Айяла, Венесуэла

Судья Радмила Драгижевич-Дичич, Сербия

### **Ижроия қўмитаси:**

Сэр Николас Братца, Бирлашган Қироллик

Хоним Силвия Картрайт, Янги Зеландия

Хоним Роберта Кларк, Барбадос/Канада

Жаноб Шаван Жабарин, Фаластин

Хоним Хина Жилани, Покистон

Судья Санжи Монагенг, Ботсвана

Жаноб Белисариу душ Сантуш к-к, Бразилия

### **Комиссиянинг бошқа аъзолари:**

Судья Азҳар Качалия, ЖАР

Судья Мозес Унгве Чинхенго, Зимбабве

Проф. Микело Хансунгуле, Замбия

Хоним Жеймсина Эсси Л. Кинг,

Сьерра-Леоне

Жаноб Катурима М'Иноти, Кения

Судья Кинисиле Мабуза, Свазиленд

Судья Чарлз Мкандавайр, Малави

Судья Ивонн Мокгоро, ЖАР

Судья Вилли Мутунга, Кения

Хоним Лиллиан Тибатемва-

Экирикубинза, Уганда

Жаноб Рид Броди, АҚШ

Проф. Мигель Карбонелл, Мексика

Проф. Сара Кливленд, АҚШ

Жаноб Роберто Гарретон, Чили

Проф. Сезар Ланда, Перу

Проф. Хуан Мендес, Аргентина

Проф. Моника Пинто, Аргентина

Проф. Виктор Родригез Ресция,

Коста-Рика

Жаноб Алехандро Салинас Ривера, Чили

Жаноб Вилдер Тайлер, Уругвай

Проф. Родриго Упримни Йепес, Колумбия

Проф. Кён-Ван Ан, Жанубий Корея

Проф. Адолфо Азкуна, Филиппин

Хоним Имрана Жалал, Фижи

Хоним Микико Отани, Япония

Судья Ажит Пракаш Шоҳ, Ҳиндистон

Судья Жон Лоуренс О'Милли, Австралия

Судья Калян Шреста, Непал

Хоним Амбига Сринивасан, Малайзия

Судья Чинара Айдарбекова, Қирғизистон

Судья Мартина Комте, Франция

Хоним Гулнора Ишанханова, Ўзбекистон

Судья Кетил Лунд, Норвегия

Судья Тамара Моршчакова, Россия

Судья Эгберт Мейер, Нидерландия

Судья Хосе Антонио Мартин Паллин,

Испания

Д-р Ярна Петман, Финляндия

Проф. Марко Сассоли, Италия/

Швейцария

Судья Филипп Тексье, Франция

Судья Штефан Трехсель, Швейцария

Жаноб Ғамал Айид, Миср

Судья Калтум Кенноу, Тунисия

Жаноб Михаэл Сфард, Исроил

Судья Фатсах Угергуз, Жазоир

ISBN 978-92-9037-259-2

